

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

**ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК
ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ
ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ
БҮЙИЧА ҲУЖЖАТЛАРИ**

Иккинчи нашр

*Ўзбекча нашрнинг масъул мұхаррири —
А. Х. Сайдов, юридик фанлар доктори, профессор*

67.412.1- Инсон ҳуқуқлари

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича
хужжатлари. /Масъул муҳаррир: А. Х. Сайдов — юридик фанлар доктори, профессор.
Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2005. — 168 б.

Таҳрир ҳайъати:

А. Х. САИДОВ, М. ЕНЧА, Ф. А. МИРЗАЕВ,
А. ИСМОИЛОВ, Ж. АМОНОВ

10-41452/4



© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси Миллий маркази, 2002 й.
© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси Миллий маркази, 2005 й.

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи	4
Инсонийлик мезонлари бўйича ҳамкорлик (сўзбоши ўрнида)	5
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши якунловчи ҳужжати. <i>Хельсинки, 1975 йил</i>	8
ЕХҲК иштирок этувчи давлатлари вакиллари Мадрид учрашувининг якуний хужжати. <i>Мадрид, 1983 йил 6 сентябрь</i>	24
ЕХҲК иштирок этувчи давлатлари вакиллари Вена учрашувининг якуний хужжати. <i>Вена, 1989 йил 19 январь</i>	29
ЕХҲК инсонийлик мезонлари бўйича конференциясининг Копенгаген кенгаши хужжати. <i>Копенгаген, 1990 йил 20 июнь</i>	49
Янги Европа учун Париж хартияси. <i>Париж, 1990 йил 21 ноябрь</i>	68
Янги Европа учун Париж хартияси (қўшимча хужжат). <i>Париж, 1990 йил 21 ноябрь</i>	72
Эркин сайлов бўйича бюро ЕХҲК экспертларининг озчиликни ташкил қилган миллатлар масалалари бўйича кенгаши маъruzаси. <i>Женева, 1991 йил 3 октябрь</i>	72
ЕХҲК Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Москва кенга- шининг хужжати. <i>Москва, 1991 йил 10 июль</i>	80
1992 йилги Хельсинки хужжати — ўзгаришлар даври даъвати. <i>Хельсинки, 1992 йил 10 июль</i>	97
Кенгашининг тўртинчи учрашуви. <i>Рим, 1993 йил 30 ноябрь — 1 декабрь</i>	114
1994 йилги Будапешт ҳужжати. Янги даврда ҳақиқий ҳамкорлик сари олий даражадаги Будапешт учрашуви декларацияси. <i>Будапешт, 1994 йил 6 декабрь</i>	120
ЕХҲТ Лиссабон учрашуви. <i>Лиссабон, 1996</i>	130
Олий даражадаги Истамбул учрашуви декларацияси. <i>Истамбул, 1999 йил 19 ноябрь</i>	155

КИРИШ СЎЗИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти инсонийлик мезонлари соҳасидаги ҳужжатларининг ўзбек тилига таржима қилинган ушбу тўпламини катта қониқиши билан Сизнинг эътиборингизга ҳавола қиласан. ЕХХТ терминологиясида «инсонийлик мезонлари» атамаси инсон ҳуқуқлари ва демократияга тегишли бўлган нормаларга таалукли инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги анъанавий ҳуқуқ доирасидан ташқарига чиқади.

Маълумки, ЕХХТ хавфсизлик масалалари билан шуғулланадиган ташкилот сифатида ташкил этилган эди. Бироқ, бу мазкур ташкилот фақат ҳарбий хавфсизлик, қуролсизланиш ёки чегаралар масалалари билан шуғулланишини англатмаслигини қайд этиш зарур.

ЕХХТ хавфсизликнинг кенг концепциясига асосланган ҳолда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланади. Хельсинки Якуповчи ҳужжати инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиши ўзининг ўнта асосий принципидан бири сифатида эътироф этади. Биринчи марта инсон ҳуқуқлари принципи ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий-экономик унсурлар билан биргаликда минтақавий хавфсизликнинг ажralmas элементига айланди.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципларининг эътироф этилиши кейинчалик ЕХХТнинг қатор ҳужжатлари билан мустаҳкамланди. Ушбу принциплар орасида бирор-бир иерархия йўқлиги, бинобарин, бирор мамлакат ҳукумати у дастлаб давлатдаги сиёсий ёки иқтисодий барқарорликни таъминлаши ва фақат шундан кейин инсон ҳуқуқлари ва демократия масалалари билан шуғулланиши мумкинлиги ҳақида баёнот бера олмаслиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Тўплам Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти учун ажойиб саналарга бой бўлган йилда эълон қилинаётганлиги айниқса қувонарлидир.

Хельсинки Якуповчи Ҳужжати имзоланганлигининг 30 йиллиги ва ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази очилганлигининг 10 йиллиги мана шундай саналардандир.

Пировардида мазкур тўпламнинг ўзбек тилида қайта нашр этилиши, назаримда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимларни китобхонларнинг кенг доираси орасида ёйишда катта аҳамиятга эга бўлади ва истиқболда Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жасмиятини янада ривожлантириш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ишига ўз улушини қўшади, деб умид қилажагимни билдиromoқчиман.

Элчи Мирослав Енча,
ЕХХТнинг Тошкентдаги Маркази раҳбари

ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ БҮЙИЧА ҲАМКОРЛИК (Сўз боши ўрнида)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг биринчи қўйма мажлисидаги дастурий маъruzасида таъкидлаганидек: «Биз Европа қитъасидаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи ва НАТО каби муҳим тузилмалар билан юртшилизда демократик ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз»¹.

Бугун EXХТ 55 та иштирок этувчи давлат учун универсал ва мақбул ҳисобланниб, Ўзбекистон EXХТ олий даражадаги учрашувларида: EXХТ иштирокчи давлатлари раҳбарлари саммитида (икки йилда бир марта ўтказилади), иштирокчи давлатлар ташқи ишлар вазирларининг ҳар йилги учрашувларида, EXХТ Парламент Ассамблеяси сессияларда фаол қатнашмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонинг Варшавадаги EXХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан ҳамкорлиги ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси EXХТ аъзолигига 1992 йил 30 январда EXХТнинг Прагадаги иккинчи учрашувида қабул қилинган эди. Ўзбекистон ушбу обрўли ҳалқаро ташкилот аъзосининг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олди. Бу эса суверен Ўзбекистонни мазкур ҳалқаро форумнинг аъзолари томонидан ҳалқаро эътироф этишида муҳим босқич ҳисобланади. Шу орқали Ўзбекистонинг Европа мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишига йўл очилди.

1992 йил 26 февралда Финляндия пойтахти Хельсинкида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов EXХТ 1975 йилги Якуновчи ҳужжатини, 1993 йил 27 октябрда эса Янги Европа учун Париж хартиясини имзолади.

Шу пайтдан эътиборан ўзбекистон ушбу обрўли ҳалқаро ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлди.

Инсонийлик мезонлари кўп қиррали тушунча бўлиб, у ҳар қандай давлат ривожланишининг ҳам иқтисодий, ҳам демократик кўрсаткичларини қамраб олади. EXХТ бу кўрсаткичларга барқарорлик ва хавфсизлик кафолатлари сифатида риоя этишига алоҳида эътибор бермоқда.

Бунда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини ва фуқаролик жамиятини шакллантиришини таъминлаш механизмлари иёстимоий портлашлар ҳамда фуқаролик ва миллатлараро можароларинг олдини олиш чора-тадбирлари борасида биринчи ўринда туради.

«Инсонийлик мезонлари» атамаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти иштирокчи давлатларининг ўз зиммаларига олган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркин-

¹ И. А. Каримов Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т.: «Ўзбекистон», 2005. 43-б.

ликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш, қонун устуверлигига риоя қилиш, демократия принциплари қарор топишига күмаклашиш ва шу билан боғлиқ ҳолда демократик институтларни барпо этиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек бутун ЕХХТ минтақасида бағрикенглик мұхитини яратиш мажсбуриятларини англатади.

Хельсинки Якунловчи ҳужжатининг VII принципида айтилганки, иштирокчи давлатлар, ирқи, жинси, тили ва динидан қатын назар ҳамма учун «инсон ҳуқуқлари ва асосий әрқиуликларини, шу жумладан фикрлаш, вижедон, дин ва эътиқод әрқиулигини ҳурмат қиласылар».

ЕХХТ нормалари барча иштирокчи давлатларга нисбатан амал қиласы: барча қарорлар консенсус (келишув) асосида қабул қилингандыгы туфайли биронта иштирокчи давлат ўзига тааллуқли бўлмаган қандайдир мажсбуриятларни тасдиқлашга ҳақли эмас. ЕХХТning инсонийлик мезонлари масалаларида стратегияси шу билан универсалки, унинг хавфсизликни таъминлашга нисбатан ҳамкорликка асосланган ёндашуви ўз зиммасига олган мажсбуриятларини бажаролмайдиган давлатни яккараб қўйишга эмас, балки унга кўмак беришга қаратилгандир. Хельсинки Якунловчи ҳужжатида баён этилган мажсбуриятлар ва раҳбарий принциплар ЕХХТ келгуси учрашувларида қарийб чорак аср давомида ўз ривожини топган.

Инсонийлик мезонлари нуқтаи назаридан Мадрид ва Вена учрашувлари мұхим ажамиятга эга. Вена учрашувида (1986 йил 4 ноябрь – 1989 йил 19 ноябрь) бу соҳадаги ишларнинг ҳолатини кўриб чиқиш мақсадида ЕХХТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференция – сини чақиришга қарор қилинган. Конференция уч босқичда Парижда (1989 йил 30 май – 23 июль), Копенгагенда (1990 йил 5–29 июнь) ва Москвада (1991 йил 10 сентябрь – 4 октябрь) ўтказилди. Копенгаген ҳамда Москва босқичлари инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлар қабул қиласы билан якунланди.

1990 йилги Копенгаген ҳужжати (ЕХХТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгашининг ҳужжати) инсонийлик мезонлари бўйича биринчи тўлиқ ҳужжат бўлиб, у ЕХХТ доирасида инсонийлик мезонлари бўйича қабул қилинган мажсбуриятлариниң мұхим мажмуу ҳисобланади. Унда эълон қилинганидек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш иштирокчи давлатларнинг асосий мақсадларидан бири ҳамда уларни эътироф этиш әрқиулик, адолат ва тинчлик асоси ҳисобланади. Копенгаген ҳужжати инсонийлик мезонлари қамровини уларга сайловларга оид мажсбуриятларни киритиш билан кенгайтирган.

1991 йилги Москва ҳужжати (ЕХХК Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Москва кенгашининг ҳужжати) ЕХХТning инсонийлик мезонлари бўйича мажсбуриятларини ривоҗлантиришда мұхим босқич бўлди.

Унда ЕХХКning инсонийлик мезонлари соҳасида қабул қилинган мажсбуриятлари барча иштирокчи давлатлар учун қонуний манфаат ҳисобланади ҳамда тегишли давлатнинг мутлақ ички ишлари сирасига кирмайди, дея баён қилинган. Мазкур принцип 1992 йилда Хельсинки олий даражадаги учрашувида ва 1997 йилда Копенгагенда вазирлар даражасида тасдиқланган.

Шундай қилиб, 1975 йилги Хельсинки Якунловчи ҳужжати имзоланган пайтдан бошлиб ЕХХТning бир қанча мұхим ҳужжатлари қабул қилинган. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ ЕХХТ ҳужжатлари юридик мажсбурий ҳужжатлар қаторига кирмайди. Шунга қарамас-

дан улар консенсус орқали маъқулланган, барча иштирок этувчи давлатлар учун ижро этиш зарур бўлган сиёсий мажбуриятлар ҳисобланади.

Умид қиласизки, ЕХХТ ҳужжатларининг ўзбек тилидаги таржима матнлари жамланган ушбу тўплам давлат хизматчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, подавлат нотижорат ташкилотлар фаоллари ва кенг жамоатчилик учун зарур ва амалий восита бўлиб, уларга ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятлари билан танишиши имконини беради.

*A.X. Сайдов,
юридик фанлар доктори, профессор*

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ ЯКУНЛОВЧИ ҲУЖЖАТИ

Хельсинки, 1975 йил

Иштирок этувчи давлатларнинг юқори вакиллари тантанали равишда қуидаги-
ларни қабул қилдилар:

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИККА ТААЛЛУҚЛИ МАСАЛАЛАР:

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида иштирок этувчи давлатлар

ўзаро муносабатларини яхшилашга кўмаклашиш ва ўз халқлари ҳақиқий ҳамда барқарор тинчликда ҳар қандай хавфдан ёки уларнинг хавфсизлигига тажовуздан ҳимоя қилинган ҳолда яшашлари мумкин бўлган шароитларни таъминлаш мақсадини *тасдиқлаб*;

кескинсизлантириш жараёнини ҳам узлуксиз, ҳам янада ҳаётга қодир ва ҳар томонлама умумқамровли жараёнга айлантириш учун ҳаракат қилиш заруриятини ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши натижаларининг ҳаётга татбиқ этилиши ушбу жараёнга йирик ҳисса бўлишига *ишонч ҳосил қилган ҳолда*;

халқлар ўртасида биродарлик, шунингдек иштирок этувчи давлатларнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши томонидан белгиланган мақсадларга эришишда умумий интилиши улар ўртасида барча соҳаларда энг яхши ва узвий муносабатларни ривожлантиришга ҳамда шу тариқа ўтмишдаги муносабатларнинг хусусиятидан келиб чиқадиган зиддиятларни бартараф этишга ҳамда ўзаро тушунишга олиб келади, *деб ҳисоблаган ҳолда*;

ўзларининг умумий тарихларини эсда тутган ҳолда, шунингдек ўзларининг урғодатлари ва қадриятларида умумий жиҳатлар мавжудлиги уларнинг муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашиши мумкинлигини эътироф этган ҳолда, шунингдек ўзларининг нуқтаи назарлари ва фикрларининг ўзига хослиги ҳамда хилма-хиллигини тўла эътиборга олиб, ишончсизликни бартараф этиш ҳамда ишончни юксалтириш, уларни ажратиб турган муаммоларни ҳал этиш ва инсоният манфаатларида ҳамкорлик қилиш мақсадида ўз ҳаракатларини бирлаштириш учун *имкониятлар излашни истмаган ҳолда*;

Европада хавфсизлик бўлинмаслигини, шунингдек Европа доирасида ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда умумий манфаатларини тан олган ҳолда ҳамда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш ниятини *изҳор этиб*;

Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик ўртасида узвий боғлиқликни эътироф этган ҳолда ҳамда жаҳон тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда барча халқларнинг асосий ҳукуқлари, иқтисодий ва ижтимоий тараққисти ҳамда фармонлигининг таъминланишига ўз ҳиссасини қўшиш заруратини англашган ҳолда;

қуидагиларни қабул қилдилар:

1.

(а) ИШТИРОК ЭТУВЧИ ДАВЛАТЛАР ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИДА АМАЛ ҚИЛАДИГАН ПРИНЦИПЛАР ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Иштирок этувчи давлатлар

тинчлик, хавфсизлик ва адолатга ҳамда дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантириш борасида садоқатини *тасдиқлаб*;

халқлар манфаатлари ва интилишларини акс эттирувчи ушбу содиклик ҳар бир иштирок этувчи давлат учун бугун ҳамда келажакда ўтмиш тажрибаси натижасида юксалган масъулиятни ташкил қилишини *тан олган ҳолда*;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолигига ҳамда мақсад ва принципларига мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ҳамда унинг халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро муаммоларни бартараф этиш, шунингдек давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳаракат қилишдаги ролини ҳамда самарадорлигини оширишини тўла ва фаол қўллаб — қувватлашларини *тасдиқлаб*;

куйида баён қилинган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига мувофиқ бўлган принципларга ўзларининг умумий мойилликларини, шунингдек ушбу принципларни ҳаётга татбиқ этиш ўйлида БМТнинг мақсад ва принципларига мувофиқ ушбу принципларни қўллаш учун ҳаракат қилишга ўзларининг умумий интилишларини изҳор қилган ҳолда;

бошқа иштирок этувчи давлатларнинг ҳар бири билан муносабатларида, уларнинг сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий тизимларидан, шунингдек уларнинг катта-кичиклиги, жуғрофий жойлашуви ёки иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъи назар барчаси устувор аҳамиятга эга бўлган, ўзлари ўзаро муносабатларида амал қиласидан принципларни ҳурмат қилишга ва қўллашга қарор қилганликларини баён этадилар:

I. Суверен тенглик, суверенитетга дахлдор ҳуқуқларнинг ҳурмат қилиниши

Иштирок этувчи давлатлар бир-бирининг суверен тенглигини ва ўзига хослигини, шунингдек ўзининг суверенитетига хос бўлган ва суверенитет билан қамраб оли-надиган барча ҳуқуқларни, шу жумладан ҳар бир давлатнинг юридик тенглик, ҳудудий яхлитлик, озодлик ва сиёсий мустақилликка доир ҳуқуқини ҳурмат қиласидар. Улар бир-бирининг ўз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин танлаш ҳамда ривожлантириш ҳуқуқини, шунингдек ўз қонунлари ва маъмурий қоидаларини белгилаш ҳуқуқини ҳам ҳурмат қиласидар.

Халқаро ҳуқуқ доирасида барча иштирок этувчи давлатлар тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Улар халқаро ҳуқуққа ва ушбу Декларацияга биноан бир-бирининг бошқа давлатлар билан муносабатларини белгилаш ва амалга ошириш ҳуқуқини ҳурмат қиласидар. Улар ўз чегараларини халқаро ҳуқуқ асосида, тинчлик йўли билан ва келишувга биноан ўзгартириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Улар халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ёки бўлмаслик, икки томонлама ёки кўп томонлама битимлар, шу жумладан иттифоққа доир битимлар иштирокчиси бўлиш ёки бўлмаслик ҳуқуқига, шунингдек бетараф бўлиш ҳуқуқига эга.

II. Куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик

Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларида, шунингдек умуман ўзларининг халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларига ҳамда ушбу Декларацияга мос келмайдиган бошқа ҳар қандай тарзда куч ишлатишдан ва куч билан таҳдид қилишдан ўзларини тийиб турадилар. Ҳеч қандай фикр-мулоҳазадан мазкур принципни бузган ҳолда куч билан таҳдид солишга ёки куч ишлатишга мурожаат этишни асослаш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Иштирок этувчи давлатлар бошқа иштирок этувчи давлатга қарши куч билан таҳдид қилиш ёки бевосита ё билвосита куч ишлатиш ҳисобланадиган ҳар қандай ҳаракатдан ўзларини тийиб турадилар. Шунингдек, улар бошқа иштирок этувчи давлатни ўз суверен ҳукуқларини тўла рўёбга чиқаришдан воз кечишига мажбурлаш мақсадини кўзлайдиган ҳар қандай куч намоён этишдан ўзларини тийиб турадилар. Шунингдек, улар ўзаро муносабатларида куч орқали жазолаш ҳаракатларидан ҳам ўзларини тийиб турадилар.

Ҳеч бир шу тахлит куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилишдан улар ўртасидаги низоларни ёки низоларга олиб келиши мумкин бўлган масалаларни тартибга солиш сифатида фойдаланилмайди.

III. Чегараларнинг дахлсизлиги

Иштирок этувчи давлатлар ҳар бирининг чегараларини, шу жумладан Европадаги барча давлатларнинг чегараларини дахлсиз деб биладилар ва шу боис улар эндиликда ҳамда келажакда бу чегараларга нисбатан ҳар қандай тажовузлардан ўзларини тийиб турадилар.

Улар тегишинча ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг бугун ҳудудини ёки унинг қисмини босиб олишга ва тортиб олишга қаратилган ҳар қандай талаблар ёки ҳаркатлардан ҳам ўзларини тийиб турадилар.

IV. Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги

Иштирок этувчи давлатлар ҳар бир иштирок этувчи давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қиласидилар.

Шунга мувофиқ улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсад ва принципларига мос келмайдиган, ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, сиёсий мустақиллиги ёки бирлигига қарши бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийиб турадилар.

Иштирок этувчи давлатлар, шунингдек, бир-бирининг ҳудудини ҳарбийлар томонидан босиб олиш ёки халқаро ҳукуқни бузган ҳолда бошқа бевосита ёки билвосита куч кўллаш чоралари обьектига ё шу чоралар билан ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди орқали кўлга киритилган обьектга айлантиришдан ўзларини тийиб турадилар. Ҳеч қандай шу тахлит босиб олиш ёки кўлга киритиш қонуний деб эътироф этилмайди.

V. Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш

Иштирок этувчи давлатлар ораларидағи низоларни тинч йўл билан шундай ҳал этадиларки, бунда ҳалқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остига қўймайдилар.

Улар қисқа муддатда вижданан ва ҳамкорлик руҳида ҳалқаро ҳукуқ асосида адолатли қарорга келиш учун ҳаракат қиласидилар.

Шу мақсадда улар музокаралар, текшириш, воситачилик, яраштириш, арбитраж, суд муҳокамаси каби воситалардан ёки ўzlари танлаган бошқа тинч йўллардан, шу жумладан улар тарафлари бўлган низолар келиб чиққунга қадар келишилган бартараф этишнинг ҳар қандай тартиботидан фойдаланадилар.

Низо юқорида тилга олинган тинч воситалардан бири орқали ечимини топмаган тақдирда улар низони тинч бартараф этишнинг ўзаро келишилган йўлларини излашни давом эттирадилар.

Низо тарафлари бўлмиш иштирок этувчи давлатлар, шунингдек бошқа иштирок этувчи давлатлар вазиятни ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиш даражасигача кескинлаштириб, шунингдек шу тариқа низони тинч бартараф этишни янада мураккаблаштирадиган ҳар қандай ҳаракатлардан ўzlарини тийиб турадилар.

VI. Ички ишларга аралашмаслик

Иштирок этувчи давлатлар ўзаро муносабатларидан қатъи назар бошқа иштирок этувчи давлатнинг ички ваколатига таалуқли ички ёки ташқи ишларига бевосита ё билвосита, якка тартибда ёки жамоа тартибida аралашибдан ўzlарини тийиб турадилар.

Улар тегишинча бошқа иштирок этувчи давлатга қарши ҳарбий аралашувнинг ёки бундай аралашув билан таҳдид солишнинг ҳар қандай шаклидан ўzlарини тийиб турадилар.

Шунингдек, улар барча ҳолатларда бошқа иштирок этувчи давлатнинг ўз суверенитетига хос ҳукуқларини амалга оширишини ўzlарининг манфаатларига бўйсундириш ва шу тариқа ҳар қандай имтиёзларни ўзига таъминлашга қаратилган ҳарбий ёки сиёсий, иқтисодий ё бошқа мажбурлов кўринишидан воз кечадилар.

Тегишинча, улар давлатдаги режимни зўрлик билан ағдаришга қаратилган террорчилик фаолиятига ёки қўпорувчилик ёхуд бошқа шундай турдаги фаолиятга бевосита ёки билвосита ёрдам кўрсатишибдан ўzlарини тийиб турадилар.

VII. Инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан фикр, виждан ва эътиқод эркинлигини ҳурмат қиласи

Иштирок этувчи давлатлар барчанинг ирқи, жинси, тили ёки динига қараб ажратмаган ҳолда инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан фикр, виждан ва эътиқод эркинлигини ҳурмат қиласидилар.

Улар инсон қадр-қимматидан келиб чиқадиган ҳамда унинг эркин ва тўла ривожланиши учун муҳим ҳисобланадиган фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда ҳукуқ ва эркинликлардан самараали фойдаланишни рафбатлантирадилар ҳамда ривожлантирадилар.

Шулар доирасида, иштирок этувчи давлатлар шахснинг ўз вижденига биноан амал қилиб якка ҳолда ёки бошқалар билан биргаликда динга ишониш ёки эътиқод қилиш эркинлигини тан оладилар ҳамда ҳурмат қиласидилар.

Худудида озчиликни ташкил қилган миллатлар мавжуд бўлган иштирок этувчи давлатлар бундай миллатларга мансуб шахсларнинг қонун олдида тенглиги ҳуқуқини ҳурмат қиласидилар, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан амалда фойдаланиши учун тўла имконият яратадилар ва шу тариқа уларнинг ушбу соҳадаги қонуний манфаатларини ҳимоя қиласидилар.

Иштирок этувчи давлатлар ўзаро ва барча давлатлар ўртасида ҳамкорлик ҳамда дўстона муносабатлар ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган, ҳурмат қилиниши тинчлик, адолат ва фаровонликнинг муҳим омили ҳисобланган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг универсал аҳамиятини эътироф этадилар.

Улар ўзларининг ўзаро муносабатларида ушбу ҳуқуқларни ва эркинликларни доим ҳурмат қиласидилар ҳамда уларнинг умумий ва мустақил равишда ҳурмат қилинишига эришишга кўмаклашиш мақсадида биргаликда ёки мустақил равишда, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда ҳаракат қиласидилар.

Улар шахсларнинг ушбу соҳадаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш ҳамда уларга мувофиқ иш кўриш ҳуқуқини тасдиқлайдилар.

Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг мақсад ва принциплари ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ ҳаракат қиласидилар. Улар ушбу соҳадаги халқаро декларацияларда ва шартномаларда белгиланган ўз мажбуриятларини, шу жумладан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларни, башарти улар билан боғланган бўлсалар, бажарадилар.

VIII. Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи

Иштирок этувчи давлатлар БМТ Уставининг мақсад ва принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормаларига, шу жумладан давлатларнинг ҳудудий яхлитлигига тааллуқли нормаларга мувофиқ доим ҳаракат қилиб, халқларнинг тенг ҳуқуқлилигини ва ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қиласидилар.

Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципидан келиб чиқиб, барча халқлар тўла эркинлик шароитида доим, қачон бўлмасин ҳамда ўzlари хоҳлаганидек ўз ички ва ташқи сиёсий мақомини ташқи аралашувсиз белгилаш ҳамда ўз хоҳишига кўра ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Иштирок этувчи давлатлар халқлар ўртасида, шунингдек барча давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ривожланиши учун халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш ҳамда самарали амалга оширишнинг умумий аҳамиятини тасдиқлайдилар; улар ушбу принцип бузилишининг ҳар қандай шаклини истисно этиш муҳимлиги ҳақида ҳам эслатиб ўтадилар.

IX. Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик

Иштирок этувчи давлатлар барча давлатлар билан бўлгани сингари бир-бири билан барча соҳалар бўйича ҳамкорликни БМТ Уставига мувофиқ ривожлантирадилар.

Ўз ҳамкорлигини ривожлантириб, иштирок этувчи давлатлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши доирасида белгиланган соҳаларга аҳамият бериб, бу ҳамкорликка уларнинг ҳар бири тўла тенглик шароитида ўз ҳиссасини қўшади.

Улар тенглар сифатида ўз ҳамкорлигини ривожлантириб, ўзаро тушуниш ва ишониш, дўстона ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари, ҳалқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолат учун кўмаклашишга интиладилар. Улар ўз ҳамкорлигини ривожлантириб, ҳалқларнинг фаровонлигини юксалтиришга ҳамда уларнинг кенгайиб бораётган ўзаро танишиш ҳамда иқтисодий, илмий, техник, ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳалардаги тараққиёт ҳамда ютуқлардан келиб чиқадиган афзалликлардан фойдаланиш орқали орзуларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашишга тенг равишда интиладилар. Улар ушбу афзалликлардан ҳамма фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш бўйича ҳаракат қиласидилар; улар ҳамманинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришга бўлган манфаатларини ва, хусусан, бутун дунёдаги ривожланаётган мамлактларнинг манфаатларини инобатга оладилар.

Улар ўзларининг ушбу ҳамкорлик мақсадларига эришишга кўмаклашишда ҳукуматлар, муассасалар, ташкилотлар ва шахслар тегишли ҳамда ижобий ўрин тутиши мумкинлигини тасдиқлайдилар.

Улар ҳалқлар фаровонлиги учун, юқорида белгиланганидек, ҳамкорлигини кенгайтириб янада яхшироқ ва мустаҳкам асосда ўзаро яқин муносабатларини ривожлантиришга интиладилар.

X. Ҳалқаро ҳукуқ бўйича мажбуриятларни вижданан бажариш

Иштирок этувчи давлатлар умумэътироф этилган ҳалқаро ҳукуқ бўйича ўз мажбуриятларини ҳамда ҳалқаро ҳукуқ принциплари ва нормаларидан, шунингдек улар иштирокчилари ҳисобланган битим ёки шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни вижданан бажарадилар.

Ўз суверен ҳукуқларини, шу жумладан ўз қонуни ва маъмурий қоидаларини белгилаш ҳукуқини амалга оширишда улар ҳалқаро ҳукуқ бўйича юридик мажбуриятларидан келиб чиқадилар; улар, бундан ташқари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Якунловчи ҳужжати қоидаларини зарур тарзда ҳисобга оладилар ва баҳарадилар.

Иштирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўйича мажбуриятлари битим ва бошқа ҳалқаро шартномалар бўйича мажбуриятларига зид бўлган тақдирда БМТ Уставининг 103-моддасига биноан Устав бўйича мажбуриятлар устувор кучга эга бўлади.

Юқорида баён этилган принципларнинг барчаси биринчи даражали аҳамиятга эга ва, бинобарин, улар бир хил ва кечиктирилмасдан, ҳар бири талқин қилинишида бошқаларини инобатга олган ҳолда қўлланилади.

Иштирок этувчи давлатлар, ушбу Декларацияда баён этилганидек, принципларни тўла ҳурмат қилишга ва уларнинг барча жиҳатларини ўзаро муносабатларига ҳамда ҳамкорлигига қўллашга, ҳар бир иштирок этувчи давлатга ушбу принциплар ҳар томонлама ҳурмат қилиниши ва қўлланишидан келиб чиқадиган афзалликларни таъминлашга қатъий қарор қилганликларини билдирадилар.

Иштирок этувчи давлатлар юқорида баён этилган принципларни ва хусусан ўнинчи — «Ҳалқаро ҳукуқ бўйича мажбуриятларни вижданан бажариш» принципининг би-

ринчи жумласини тегишлича эътиборга олиб, шуни таъкидлайдиларки, ушбу Декларация уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига, шунингдек тегишли битим ва бошқа шартномаларга ҳамда келишувларга таъсир этмайди.

Иштирок этувчи давлатлар шунга ишонч ҳосил қилдиларки, ушбу принципларни ҳурмат қилиш ўзаро мақбул ва дўстона муносабатлар ривожланишига ва ҳамкорлик истиқболига кўмаклашади. Улар ушбу принципларни ҳурмат қилиш ўзларининг ўзаро сисий алоқалари ривожланишига кўмаклашишига, бу ҳол эса ўз навбатида нуқтаи назар ва қарашларининг янада яхшироқ ўзаро тушунилиши учун имкон беришiga ҳам ишонадилар.

Иштирок этувчи давлатлар барча бошқа давлатлар билан бўлган муносабатларини ушбу Декларациядаги принциплар руҳида амалга ошириш ниятини баён этадилар.

6. БОШҚА СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК

Кўчманчи ишчи кучининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари

Иштирок этувчи давлатлар

Европада кўчманчи ишчиларнинг ҳаракатланиши катта тус олганлигини ва бу қабул қилувчи мамлакатлар учун ҳам, ишчиларнинг ўз мамлакатлари учун ҳам қатор иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар омилларни келтириб чиқаришини инобатга олган ҳолда,

ишчиларнинг кўчиши қабул қилувчи мамлакатларда ҳам, ишчиларнинг ўз мамлакатларида ҳам қатор иқтисодий, ижтимоий, гуманитар ва бошқа муаммоларни тудириётгандигини эътироф этган ҳолда,

ушбу соҳада мутасадди халқаро ташкилотларнинг, хусусан Халқаро меҳнат ташкилотининг фаолиятини зарур тарзда инобатга олган ҳолда,

ҳисоблайдиларки, Европада, шунингдек, иштирок этувчи давлатлар ўртасида ишчиларнинг кўчиши муносабати билан икки томонлама келиб чиқадиган муаммолар бевосита манфаатдор тарафлар томонидан ушбу муаммоларни ўзаро манфаатларни кўзлаб бартараф этиш мақсадида, ҳар бир манфаатдор давлатнинг ўзи тараф ҳисобланган икки ва кўп томонлама шартномаларга мувофиқ ҳаракат қилиш мажбуриятини инобатга олган ҳолда ҳар бир давлатнинг ўз ижтимоий-иқтисодий вазиятидан келиб чиқадиган эҳтиёжлар лозим даражада ҳисобга олиниши учун интилиши тарзида кўриб чиқилиши керак ҳамда улар бу борада қуидаги мақсадларни кўзлайдилар:

ишчиларнинг мамлакатлари томонидан ўз худудларида фуқароларни иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ҳаракатларни, хусусан ушбу мақсадга жавоб берадиган ҳамда манфаатдор ишчиларнинг мамлакатлари ва қабул қилувчи мамлакатлар учун мақбул бўлган иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш орқали рағбатлантириш; қабул қилувчи мамлакат ва ишчининг мамлакати ўртасидаги ҳамкорлик орқали ишчиларнинг тартибли равишда ҳаракатланиши учун шарт-шароитлар яратишни таъминлаб, бунда уларнинг шахсий ва ижтимоий фаровонлигини ҳимоя қилиш ҳамда тегишли ҳолларда кўчманчи ишчилар ишга олинишини ҳамда тил ва касб ўрганишини ташкил этиш;

кўчманчи ишчилар ҳамда қабул қилувчи мамлакатларнинг фуқаролари ўртасида ишга ёллаш ва меҳнат қилиш, шунингдек ижтимоий таъминот бобида тенг ҳуқуқи-лийни таъминлаш ҳамда кўчманчи ишчилар учун, айниқса турар жой масаласида қони-қарли яшаш шароитлари яратилишини назорат қилиб бориш;

имкон борича кўчманчи ишчиларнинг қабул қилувчи мамлакатлар фуқаролари сингари ишсизлик шароитида маъқул ишни топиш борасида бир хил имкониятлардан фойдаланиши устидан назорат қилиш;

кўчманчи ишчиларга, касб ўргатишга ҳамда, имкон борича, қабул қилувчи мамлакат тилини иш жойида бепул ўқитишга нисбатан хайриҳоҳлик билан қараш;

кўчманчи ишчиларнинг ўз она тилида ўз ватани ҳамда қабул қилувчи мамлакат тўғрисида имкон қадар мунтазам равишда маълумот олиш хукуқини мустаҳкамлаш;

кўчманчи ишчиларнинг қабул қилувчи мамлакатда яшайдиган болалари мазкур мамлакат болалари учун яратилган шароитларда таълим олиш имкониятига эга бўлишини таъминлаш ва бундан ташқари уларга она тили, миллий маданият, тарих ва жуғрофия ўқитилишига рухсат бериш;

кўчманчи ишчилар, айниқса малакали ишчилар маълум вақтдан сўнг ўз мамлакатига қайтгач, ўз мамлакатларидағи малакали ишчи кучи етишмовчилиги муаммосини бартараф этишга кўмаклашиши мумкинлигини назарда тутиш;

имкон борича кўчманчи ишчиларнинг ўз оиласи билан бирлашишини осонлаштириш;

ишчилар мамлакатларининг кўчманчи ишчилар омонатларини ўз иқтисодий ривожланиши доирасида иш билан таъминлаш учун тегишли имкониятларни кенгайтириш ҳамда шу тарзда бу ишчиларнинг қайтиши билан қайта интеграциялашувига кўмаклашиш учун жалб қилиш ҳаракатларига хайриҳоҳлик билан қараш.

ГУМАНИТАР ВА БОШҚА СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК

Иштирок этувчи давлатлар

халқлар ўртасида тинчлик ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлашга ҳамда инсон шахси ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар маънавий бойишига кўмаклашиш ниятини билдирган ҳолда,

маданият ва таълим соҳасидаги ривожланиш, ахборотнинг кенг тарқалиши, инсонлар ўртасидаги муносабатлар ва гуманитар муаммоларнинг ҳал қилиниши бу мақсадларга эришишга кўмаклашишини *англаган ҳолда*;

шу боис ўзларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимларидан қатъи назар юқорида эслатиб ўтилган соҳаларда яхшироқ шарт-шароитлар яратиш, мавжуд ҳамкорлик шаклларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек бу мақсадларга мос янги йўл ва воситаларни ишлаб чиқиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилишга *қарор қилган ҳолда*,

ушбу ҳамкорлик тегишли хужжатда баён этилган иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи принципларга тўла риоя қилган ҳолда олиб борилиши зарурлигига ишонч ҳосил қилиб,

қуйидагиларни қабул қилдилар:

1. ИНСОНЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Иштирок этувчи давлатлар

халқлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ишончни мустаҳкамлашда ўзаро алоқаларни ривожлантиришга муҳим жиҳат сифатида қараб,

ушбу соҳада шароитларни яхшилаш бўйича бугунги ҳаракатлар муносабати билан инсонпарварлик ғояларининг муҳим аҳамиятини тасдиқлаган ҳолда,

шу руҳда кескинликнинг бартараф этилишини ривожлантириб, ушбу соҳада янада тараққий эттириш мақсадида келгусида ҳам ҳаракат қилишни хоҳлаб,

ва бу борадаги масалалар манфаатдор давлатлар томонидан бир-бирларига мақбул келадиган шартларда тартибга солиниши кераклигини англаган ҳолда,

иштирок этувчи давлатларнинг одамлари, муассасалари ва ташкилотлари ўртасида якка тартибда ёки жамоа тарзида, норасмий ва расмий асосда имкон қадар эркин ҳаракатланиш ва муносабатлар ўрнатишни енгиллаштиришни ҳамда ушбу соҳада вужудга келадиган инсонпарварлик муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашишни ўз мақсади деб белгилайдилар,

бу мақсадларда мақбул чоралар кўришга, шунингдек зарурат бўлган тақдирда ўзаро шартномалар ёки келишувлар тузишга тайёр эканликларини баён қиладилар ва

ҳозирги пайтда қуйидагиларни амалга оширишга киришиш ниятларини изҳор этадилар:

(а) Оилавий алоқалар асосидаги муносабатлар ва доимий учрашувлар

Оилавий алоқалар асосидаги муносабатларни янада ривожлантиришга кўмаклашишни назарда тутган ҳолда иштирок этувчи давлатлар одамлар ўз оила аъзолари билан учрашиш учун бу давлатлар ҳудудларига вақтинча ёки, улар хоҳласа, мунтазам равищда кириши ёки ҳудудидан чиқишига рухсат бериш мақсадида уларнинг сафарлари ҳақидаги мурожаатларини хайриҳоҳлик билан кўриб чиқадилар.

Кишиларнинг ўз оила аъзолари билан учрашиш учун вақтинча сафар ҳақидаги аризалари улар чиқиб кетаётган мамлакат ёки бораётган мамлакатдан қатъи назар кўриб чиқилади; сафар ҳужжатлари ва мамлакатга кириш рухсатномаларини расмийлаштиришнинг мавжуд тартиби шу руҳда қабул қилинади. Бундай ҳужжатларни ва рухсатномаларни расмийлаштириш ҳамда топшириш оқилона муддатда, жиддий касаллик, ўлим каби шошилинч ҳолларда эса навбатдан ташқари тартибда амалга оширилади. Улар расмий сафар ҳужжатлари ва мамлакатга кириш рухсатномалари берганлик учун йиғимларнинг мақбул даражасини таъминлаш йўлида зарур чоралар кўрадилар.

Улар шуни тасдиқлайдиларки, оилавий алоқалар асосидаги муносабатларга тааллуқли илтимоснома бериш илтимоснома берувчининг ёки унинг оила аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятларини ўзгартиришга олиб келмайди.

(б) Оилаларнинг қайта бирлашиши

Иштирок этувчи давлатлар ўз оила аъзолари билан қайта бирлашиш хоҳишида бўлган шахсларнинг илтимосномаларини ижобий ва инсонпарварлик руҳида кўриб чиқиб, улар касал ёки кексалар томонидан топширилган шошилинч тусдаги илтимосномаларга алоҳида эътибор берадилар.

Улар илтимосномаларни имкон борича тезроқ кўриб чиқадилар.

Улар зарурат бўлган тақдирда бундай илтимосномалар билан боғлиқ ундириладиган йигимларнинг ўртача даражада бўлишини тъминлаш учун уларни камайтирадилар.

Оилаларнинг қайта бирлашиши тўғрисидаги қаноатлантирилмаган илтимосномалар қайтадан берилиши мумкин бўлиб, улар қисқа муддат ўтганидан сўнг тегишинча киши яшаб турган мамлакат ёки уни қабул қиласидаган мамлакатнинг ҳокимият органдари томонидан кўриб чиқилади, бундай ҳолатларда йигимлар илтимоснома қаноатлантирилган тақдирдагина олинади.

Оилаларнинг қайта бирлашиши тўғрисидаги илтимосномалари қаноатлантирилган шахслар ўзлари билан уй-рўзгор ва шахсий буюмларини олиб келиши ёки юбориши мумкин; шу мақсадда иштирок этувчи давлатлар мавжуд қоидалардаги барча имкониятлардан фойдаланадилар.

Бир оила аъзолари қайта бирлашгунга қадар улар ўртасида учрашувлар ва муносабатлар оиласи алоқалар асосидаги муносабатлар учун бўлган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Иштирок этувчи давлатлар оилаларнинг қайта бирлашиши муаммолари билан шуғулланадиган Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларининг ҳаракатларини қўллабкуватлайдилар. Улар шуни тасдиқлайдиларки, оилаларнинг қайта бирлашиши юзасидан илтимоснома берилиши илтимоснома берган шахснинг ва унинг оила аъзоларининг хукуқ ҳамда мажбуриятларининг ўзгартирилишига олиб келмайди.

Қабул қиласидаги иштирок этувчи давлат ўз фуқаролари билан оиласи билан қайта бирлашиш доирасида бу давлатга доимий турар жойга бошқа иштирок этувчи давлатлардан келадиган шахсларга улар шу давлат фуқаролари билан таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тъминот борасида тенг имкониятларга эга бўлиши ҳақида замхўрлик қиласи.

(в) Турли давлатлар фуқаролари ўртасидаги никоҳлар


Иштирок этувчи давлатлар бошқа иштирок этувчи давлат фуқароси билан никоҳдан ўтмоқчи бўлган шахсларнинг мамлакатдан чиқиш ёки мамлакатга киришга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги илтимосномаларини хайриҳоҳлик билан ва инсонпарварлик ғоялари асосида ўрганадилар.

Юқорида кўрсатилган мақсадлар ва никоҳдан ўтиш учун талаб қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда топшириш оилаларнинг қайта бирлашиши юзасидан қабул қилинган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Турли иштирок этувчи давлатлардан бўлган ва никоҳдан ўтган эр-хотинларнинг ўзларига ва уларнинг вояга етмаган болаларига доимий турар жойини одатда уларнинг бири яшаб турган давлатга ўтказиш имкониятини яратиш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқишида ҳам иштирок этувчи давлатлар оилаларнинг қайта бирлашишига нисбатан қабул қилинган қоидаларни қўллайдилар.

(г) Шахсий ёки касбий сабабларга кўра сафарларга бориш

Иштирок этувчи давлатлар ўз фуқароларининг шахсий ёки касбий сабабларга кўра сафарларга боришларини амалга оширишга имкон қадар кенг имконият яратилишига кўмаклашиш ниятида бўлиб, хусусан шу мақсадда улар:



— мамлакатдан чиқиши ва мамлакатта кириш тартибини аста-секин соддалаштириш ва уни вазиятга қараб қўллашга;

— ўз худудида бошқа иштирок этувчи давлат фуқароларининг ҳаракатланиши тартибини хавфсизлик талабларини керакли тарзда ҳисобга олган ҳолда осонлаштиришга интиладилар.

Зарур бўлганда улар мамлакатта кириш рухсатномалари бериш ва сафарга доир расмий ҳужжатлар учун олинадиган йиғимларни босқичма-босқич камайтиришга ҳарарат қиласидилар.

Улар икки томонлама консуллик хизмати кўрсатиш, шу жумладан юридик ва консуллик ёрдами кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришни, шунингдек қай даражада мақсадга мувофиқ бўлса, кўп томонлама ёхуд икки томонлама консуллик конвенциялари ёки бошқа тегишли шартномалар ва келишувлар тузишни ўрганиш ниятидадир.

Улар шуни тасдиқлайдиларки, иштирок этувчи давлатларнинг конституциялари доирасида фаолият кўрсатадиган диний идоралар, муассасалар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг вакиллари ўз фаолияти соҳасида ўзаро алоқалар ҳамда учрашувлар ўтказишлари ва ахборот алмасишилари мумкин.

(д) Якка ҳолда ёки жамоа бўлиб туризм билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни яхшилаш

Иштирок этувчи давлатлар ҳисоблайдиларки, туризм бошқа мамлакатларнинг ҳаёти, маданияти ва тарихи тўғрисида тўлароқ билимларга эга бўлишга, ҳалқлар ўртасида ўзаро тушуниш юксалишига, муносабатларнинг яхшиланишига ва бўш вақтдан кенгроқ кўламда фойдаланишига кўмаклашади. Улар якка ҳолда ёки жамоа бўлиб туризмнинг ривожланишига кўмаклашиш ниятида бўлиб, хусусан қўйидагиларни назарда тутадилар:

— ўз мамлакатларига сафар қилишга тегишли имкониятларни яратишни рафбатлантириш орқали кўмаклашиш; шунингдек, бундай сафарлар билан боғлиқ зарур расмиятчиликларни соддалаштириш ва тезлаштириш;

— зарур бўлса, тегишли шартномалар ёки келишувлар асосида туризмни ривожлантириш ишида ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан бошқа мамлакатларга сафар қилиш, туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳамда ўзаро манфаатли бошқа масалалар билан боғлиқ ахборотни кўпайтириш йўлларини икки томонлама кўриб чиқиши.

(е) Ёшлар ўртасидаги мулоқотлар

Иштирок этувчи давлатлар ёшлар ўртасида алоқалар ва алмашувлар ривожига кўмаклашиш ниятида бўлиб, улар қўйидагиларни рафбатлантирадилар:

— қисқа муддатли ёки узоқ муддатли асосда мумкин бўлган барча ҳолларда меҳнат қилаётган, касб тайёргарлигини ўтаётган ёки ўқиётган ёшлар ўртасида алмашув ва алоқаларни икки томонлама ёки кўп томонлама битимлар ёхуд доимий дастурлар орқали кенгайтириш;

— ёшларнинг кўп томонлама ҳамкорлиги шаклларига тааллуқли битимлар мумкинлиги тўғрисидаги масала ўзларининг ёшлар ташкилотлари томонидан ўрганилиши;

— талабалар алмашувини, халқаро ёшлар семинарлари, касбга ўқитиш курсларини ва чет тилларни ўрганиш бўйича курслар ташкил этишга тааллуқли битимлар ёки доимий дастурлар;

— ёшлар туризмини янада ривожлантириш ва шу мақсадда тегишли имтиёзлар яратиш;

— меҳнат қилаётган, касбий тайёргарлик ўтаётган ва ўқиётган ёшлар кенг қатламлари манфаатларини ифода этувчи ўзларининг ташкилотлари ўртасида икки томонлама ёки кўп томонлама асосда алмашув, алоқалар ва ҳамкорликни мумкин қадар ривожлантириш;

— халқлар ўртасида ўзаро тушуниш, дўстона муносабатлар ва ишончни ривожлантириш муҳимлигининг ёшлар томонидан англаниши.

(ж) Спорт түғрисида

Спорт соҳасида мавжуд алоқалар ва ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида иштирок этувчи давлатлар тегишли алоқалар ва алмашувларни, шу жумладан умумқабул қилинган халқаро қоидалар, низомлар ва амалиёт асосида ўтказиладиган барча турдаги спорт учрашувлари ва мусобақаларини рағбатлантирадилар.

(з) Алоқаларнинг кенгайтирилиши

Давлат муассасалари, ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан хотин-қизлар ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш жараённида иштирок этувчи давлатлар учрашувлар ўтказилишини, шунингдек делегациялар, гурухлар ва алоҳида шахсларнинг сафарга боришиларини енгиллаштирадилар.

2. АХБОРОТ

Иштирок этувчи давлатлар

бошқа иштирок этувчи давлатлар ҳаётининг турли жиҳатларини кенгроқ билиш ва тушуниш эҳтиёжини англаган ҳолда,

ушбу жараённинг халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч юксалишидаги ҳиссасини *таъкидлаб*,

иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ўзаро тушунишни ривожлантириш ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш орқали бу соҳани янада тараққий эттириш мақсадида ҳаракатларни давом эттиришни *истаган ҳолда*,

бошқа иштирок этувчи давлатлардан ахборот тарқалишининг ва бундай ахборот билан яхшироқ танишишнинг муҳим аҳамиятини *таъкидлаб*,

шу боис матбуот, радио, телевидение, кино ва телеграф агентликлари ҳамда бу соҳаларда ишлаётган журналистларнинг жиддий ва таъсирчан ролини *зътироф* этиб,

барча шакллардаги ахборот эркинроқ ва кенгроқ тарқалишини енгиллаштиришни, ахборот соҳасида ҳамкорликни ҳамда бошқа мамлакатлар билан ахборот алмашувини рағбатлантиришни ва бир иштирок этувчи давлатнинг журналистлари бошқа иштирок этувчи давлатда ўз касбий фаолиятини амалга оширадиган шарт-шароитларни яхшилашни ўз олдига *мақсад қилиб қўядилар ҳамда*

ўз ниятлари деб, хусусан, қуийдагиларни ифода этдилар:

(а) Ахборот тарқатиш, ундан фойдаланиш ва ахборот алмашишни яхшилаш

1) Оғзаки ахборот

— Бошқа иштирок этувчи давлатлар етук арбоблари ва мутахассисларининг маърузалири ҳамда маъруза бўйича сафарларини, шунингдек давра сұхбатлари, семинар, симпозиум, ёзги курслар, конгресслар ва бошқа икки томонлама ҳамда кўп томонлама учрашувлар каби фикр алмашувларини рафбатлантириш йўли билан оғзаки ахборот тарқалишига кўмаклашиш;

2) Нашр этиладиган ахборот

— Ўз ҳудудида бошқа иштирок этувчи давлатларнинг даврий ва даврий бўлмаган газета ҳамда матбуот маҳсулотларининг тарқалишини яхшилашга кўмаклашиш. Шу мақсадда:

улар ўз фирмалари ва ваколатли ташкилотларини бошқа иштирок этувчи давлатлардан импорт қилинадиган газета ҳамда матбуот нашрлари номларининг сони ва тиражининг тобора кўпайишига қаратилган битим ҳамда шартномалар тузишни рафбатлантирадилар. Хусусан, бу битим ва шартномаларда матбуот нашрлари ҳамда газеталарни тезроқ етказиб бериш, ҳар бир мамлакатда одатда мавжуд бўлган уларни тарқатиш каналларидан фойдаланиш шартлари, шунингдек, бу битим ва шартномалар мақсадлари рўёбга чиқишига имкон берувчи, тарафлар ўртасида келишилган ҳисобкитоб шакллари ҳамда усууллари тилга олинниши мақсадга мувофиқ бўлур эди;

улар лозим бўлганда юқорида баён этилган битим ва шартномалар мақсадлари ва қоидаларини амалга ошириш учун тегишлиchorалар кўрадилар.

— Юқорида кўрсатилган асосда импорт қилинадиган матбуот нашрлари, даврий ва даврий бўлмаган нашрлардан жамоатчилик фойдаланишига кўмаклашиш. Хусусан:

— улар бундай нашрлар сотиладиган жойлар сонини кўпайтиришни рафбатлантирадилар;

— улар конгресслар, анжуманлар, расмий сафарлар ва бошқа халқаро тадбирлар ўтказилган пайтда ҳамда туризм мавсуми пайтида туристларга бундай даврий нашрлар таклиф этилишини енгиллаштирадилар;

— улар ҳар бир мамлакатга хос қоидалар асосида обуна бўлиш имкониятларини кенгайтирадилар;

— улар йирик оммавий кутубхоналарда ва уларнинг ўқув залларида, шунингдек университетлар кутубхоналарида бу нашрлар вақтинча фойдаланишга ва ўқиш учун тақдим қилиниши имкониятларини яхшилайдилар;

— улар манбаатдор тарафларга мақбул келишувлар асосида дипломатик ваколатхоналар чиқарадиган ва бу ваколатхоналар тарқатадиган расмий ахборот бюллетенлари билан танишиш имкониятларини яхшилаш ниятидадир.

3) Кино, радио ва телевидение ахбороти

— Кино, радио ва телевидение ахборотини яхшилашга кўмаклашиш. Шу мақсадда:

— улар бошқа иштирок этувчи давлатлар ҳаётининг турли жиҳатларини намойиш этадиган ва бундай битим ёки келишувлар асосида олинадиган, шунингдек бевосита манбаатдор ташкилотлар ва фирмаларга зарур тасмага ёзилган турли хил ахборот кўрсатилиши ва узатилишини кенгайтиришни рафбатлантирадилар;

улар ваколатли ташкилотлар ва фирмалар томонидан бошқа иштирок этувчи давлатлардан тасмага ёзилган аудиовидео материалларнинг импортини енгиллаштирадилар.

Иштирок этувчи давлатлар радио ахбороти тарқалишининг кенгайишини эътироф этадилар ҳамда бу жараён халқлар ўртасида ўзаро тушуниш манфаатларига ва мазкур Кенгаш белгилаган мақсадларга жавоб бериши учун давом этишига умид қиласидилар.

(б) Ахборот соҳасидаги ҳамкорлик

Қисқа ёки узоқ муддатли битимлар ё келишувлар асосида ахборот соҳасида ҳамкорликни рағбатлантириш. Хусусан:

улар оммавий ахборот воситалари ўртасида, шу жумладан телеграф агентликлари, нашриётлар ва нашриёт ташкилотлари ўртасида кенгроқ ҳамкорликка кўмаклашадилар;

— улар радиоэшиттириш ва телевидениенинг ҳам давлат, ҳам хусусий миллий ва халқаро ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик қилишига, хусусан тўғридан-тўғри ёки ёзилган, биргаликда яратилган радио — ва теледастурлар билан алмашиш ҳамда бундай дастурларни тарқатиш йўли билан кўмаклашадилар;

— улар ҳам журналистлар ташкилотлари ўртасида, ҳам иштирок этувчи давлатлар журналистлари ўртасида учрашувлар ва алоқаларни рағбатлантирадилар;

— улар иштирок этувчи давлатларнинг даврий нашрлари, шу жумладан газеталари ўртасида мақолалар алмашуви ва уларнинг нашр этилиши юзасидан келишувларга эришиш имкониятига хайриҳоҳлик муносабатида бўладилар;

— улар техника ахбороти алмашувини, шунингдек матбуот, радио ҳамда телевидение соҳасида тажриба ва фикрлар алмашуви бўйича қўшма тадқиқотлар ташкил этилиши ҳамда мугахассислар учрашувлари ўтказилишини рағбатлантирадилар.

(с) Журналистларнинг иш шароитларини яхшилаш

Иштирок этувчи давлатлар иштирок этувчи давлатлардан бирининг журналистлари бошқа иштирок этувчи давлатда ўз касбий фаолиятини амалга оширадиган шарт-шароитларни яхшилашга интилиб, хусусан қўйидагиларни назарда тутадилар:

— журналистларнинг мамлакатга кириш рухсатномаси бериш тўғрисидаги илтимосларини мақбул ва оқилона муддатларда хайриҳоҳлик руҳида кўриб чиқиш;

— иштирок этувчи давлатларнинг доимий аккредитациядан ўтган журналистларига келишув асосида мамлакатга кириш ва ундан чиқиш кўп маротабали рухсатномаларини муайян муддатга бериш;

— иштирок этувчи давлатларнинг аккредитациядан ўтган журналистларига улар вақтинча ҳозир бўлган мамлакатда яшашга рухсатномалар ҳамда, агар зарур бўлса, бошқа зарур расмий ҳужжатлар берилишини енгиллаштириш;

— иштирок этувчи давлатлар журналистларининг ўз касбий фаолиятини амалга оширадиган мамлакат бўйича сафар қилишларини расмийлаштириш тартиботини ўзаро енгиллаштириш ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ёпиқ ҳудудлар мавжудлиги билан боғлиқ қоидаларга риоя этган ҳолда изчиллик билан бундай сафарлар учун катта имкониятлар яратиш;

— бундай журналистларнинг шу каби сафарлар тўғрисидаги илтимосларига мумкин қадар сўровнома муддатини ҳисобга олган ҳолда тез жавоб берилишини таъминлаш;

— иштирок этувчи давлатлар журналистларининг ўз ахборот манбалари билан, шу жумладан ташкилотлар ва расмий муассасалар билан шахсий муомалада бўлиши имкониятларини ошириш;

— иштирок этувчи давлатлар журналистлариға техник асбоб-ускунани (ўз касбий фаолиятини бажариш учун зарур бўлган фото, кино, магнитофон, радио ва телевидениега доир асбоб-ускунани) кейинчалик олиб чиқиш шарти билангида олиб кириш хуқуқини бериш;

— бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистлариға улар домий ёки вақтинча аккредитациядан ўтган бўлса ҳам, уларнинг касбий фаолияти натижаларини, шу жумладан магнитофон ёзувларини ва ойдинлаштирилмаган тасмани радиода эълон қилиш ёки телевидениеда кўрсатиш мақсадида иштирок этувчи давлатлар эътироф этган каналлар орқали тўлиқ, оддий тартибда ва тезкорлик билан улар тақдим этадиган ахборот органлариға узатиш имкониятини яратиш.

— Иштирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, журналистлар ўз касбий фаолиятини қонуний амалга оширишлари натижасида мамлакатдан чиқариб юборилиши ёки бошқа тарзда жазоланиши мумкин эмас. Аккредитациядан ўтган журналист мамлакатдан чиқариб юборилган тақдирда у бунинг сабаблари тўғрисида хабардор қилинади ҳамда ўз ишини қайта кўриб чиқиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилиши мумкин.

КЕНГАШДАН КЕЙИНГИ КЕЛГУСИ ҚАДАМЛАР

Иштирок этувчи давлатлар

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида эришилган юксалишни *кўриб чиқиб ва баҳолаб*,

Кенгаш кенгроқ жаҳон миқёсида Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш жараёнининг муҳим қисми ҳамда унинг натижалари бу жараёнга салмоқли ҳисса қўшади деб ҳисоблаб,

Кенгашнинг Якунловчи ҳужжати қоидаларини унинг натижалариға тўла таъсирчаник касб этиш учун ҳаётга татбиқ этиш ҳамда шу тариқа Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш жараёнини илгарилаш *ниятида бўлиб*,

Кенгаш кўзлайдиган мақсадларга эришиш учун улар бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама янги ҳаракатлар қилиши ҳамда Кенгаш бошлаган кўп томонлама жараённи қуида баён этилган тегишли шаклларда давом эттириши кераклигига ишонч ҳосил қилган ҳолда,

1. Кенгашдан кейинги даврда Кенгашнинг Якунловчи ҳужжати қоидаларини зарур тарзда ҳисобга олишга ва қуийидагича бажаришга қарор қилганликлари тўғрисида баён қиласилар:

а) бир томонлама тартибда – бундай ҳаракат учун хос бўлган барча ҳолларда;
б) икки томонлама тартибда – бошқа иштирок этувчи давлатлар билан музокаралар олиб бориш йўли билан;

в) кўп томонлама тартибда – иштирок этувчи давлатлар экспертларининг учрашувлари орқали, шунингдек, БМТ Европа иқтисодий комиссияси ва ЮНЕСКО каби мавжуд халқаро ташкилотларнинг таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликка тааллуқли доирасида.

2. Кенгаш томонидан бошланган кўп томонлама жараённи қуийидаги йўллар билан давом эттиришга қарор қилганликларини баён этадилар:

а) ҳам Якунловчи ҳужжат қоидаларини ва Кенгаш томонидан белгиланган вазифаларни бажариш, ҳам унда муҳокама этилган ўзаро муносабатларни яхшилаш, Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш, келгусида кес-

кинликин юмшатиши жараёнини ривожлантириш юзасидан чукур фикр алмашувлар ўтказиш йўли билан;

б) шу мақсадда ташқи ишлар вазирлари томонидан тайинланган вакиллар даражасидаги учрашувдан бошлаб ўз вакиллари ўртасида учрашувлар ташкил этиш йўли билан. Бу учрашув келгусида шу каби учрашувларни ва янги кенгаш имкониятидан иборат бошқа учрашувлар ўтказиш учун тегишли шарт-шароитларни белгилайди.

3. Юқорида тилга олинган учрашувлардан биринчиси 1977 йилда Белградда бўлиб ўтади. Бу учрашувни ташкил этиш учун тайёргарлик учрашуви 1977 йил 15 июнда Белградда бўлиб ўтади. Тайёргарлик учрашуvida ташқи ишлар вазирлари томонидан тайинланган вакиллар учрашуви санаси, давомийлиги, кун тартиби ва бошқа шартлари тўғрисида қарор қабул қиласди.

4. Мазкур кенгаш тартибот қоидалари, иш усуллари ва сарф-харажатлар тақсимлаш жадвали *mīlatiš mutandis* бўлиб, улар юқоридаги 1(с), 2, ва 3-бандларда назарда тутилган учрашувларга нисбатан қўлланилади. Техник котибият томонидан хизмат кўрсатилишини қабул қилувчи мамлакат таъминлайди.

Мазкур Якунловчи ҳужжатнинг асли инглиз, испан, итальян, немис, рус ва француз тилларида тузилиб, у Финляндия Республикаси ҳукуматига топширилади, у эса уни ўз архивида сақлади. Иштирок этувчи давлатларнинг ҳар бири Финляндия Республикаси ҳукуматидан мазкур Якунловчи ҳужжатнинг тасдиқланган нусхасини олади.

Мазкур Якунловчи ҳужжатнинг матни ҳар бир иштирок этувчи давлатда эълон қилиниб, бу давлат уни тарқатади ва у билан аҳолини мумкин қадар кенгроқ таниширишни таъминлайди.

Финляндия Республикаси ҳукуматига мазкур Якунловчи ҳужжат матнини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти расмий ҳужжати сифатида тарқатиш мақсадида уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига юбориш илтимоси билдирилиб, бу ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига асосан рўйхатдан ўтказилмаслиги лозим.

Финляндия Республикаси ҳукуматига мазкур Якунловчи ҳужжат матнини ЮНЕСКО Бош директорига ва БМТ Европа иқтисодий комиссияси ижрои котибига юбориш илтимоси билан мурожаат қилинмоқда.

Буларнинг барчасини тасдиқлаб қўйида имзо қўйган иштирок этувчи давлатларнинг Юқори вакиллари Кенгаш натижаларига улар томонидан юксак сиёсий аҳамият берилишини анлаган ҳолда ҳамда юқорида баён этилган матнда акс эттирилган қоидаларга мувофиқ ҳаракат қилишга қарор қилганликлари ҳақида баён қилиб, мазкур Якунловчи ҳужжатга ўз имзоларини қўйдилар.

**ЕХҲҚ ИШТИРОК ЭТУВЧИ ДАВЛАТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ
МАДРИД УЧРАШУВИННИГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ**
Мадрид, 1983 йил 6 сентябрь

ГУМАНИТАР ВА БОШҚА СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК

Иштирок этувчи давлатлар

Якунловчи ҳужжатнинг гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик түғрисидаги бобининг жорий этиладиган қисмлари, шу жумладан ўзларининг ўртасида ўзаро тушунишни ва кескинликни юмшатишни ривожлантиришга тааллуқли ва маданият ҳамда таълим соҳасида алмашувлар соҳасида тараққиётга, ахборотнинг кенгроқ тарқалишига, одамлар ўртасидаги муносабатларга ва гуманитар муаммоларни ҳал этишга тааллуқли қисмлари ҳақида эслатиб,

бу соҳаларда ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтиришга ҳамда Якунловчи ҳужжат тақдим қилаётган имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланишга эришишга қарор қилиб,

ҳозирги пайтда қуйидагиларни амалга оширишга розилик билдирадилар:

Одамлар ўртасидаги муносабатлар

Иштирок этувчи давлатлар турли давлатлар фуқаролари ўртасидаги муносабатларга ва оиласиий алоқалар асосидаги доимий учрашувларга, оиласиар тикланшига ва никоҳларга тааллуқли илтимосларни хайриҳоҳлик билан кўриб чиқадилар ва шу руҳда улар юзасидан қарор қабул қиласидилар.

Улар бундай илтимослар бўйича оиласиий учрашувлар учун фавқулодда ҳолларда—мумкин қадар тезроқ, турли давлатлар фуқаролари ўртасида оила ва никоҳ тикланган ҳолларда — оддий тартибда олти ой мобайнида, бошқа оиласиий учрашувлар ҳолларида — қисқариб борадиган муддатларда қарор қабул қиласидилар.

Улар тасдиқлайдиларки, бу ҳолларда илтимос бериш ёки уни қайтадан тиклаш илтимос берган шахсларнинг ёки улар оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзгаришига, хусусан ишга жойлашиш, яшаш, уй-жой, қарамоғидаги шахслар тўғрисида фамхўрлик қилиш, ижтимоий, иқтисодий ёки таълим имтиёзларига тааллуқли масалаларда, шунингдек тегишли иштирок этувчи давлат қонунлари ва маъмурий қоидаларидан келиб чиқадиган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзгаришига олиб келмайди.

Иштирок этувчи давлатлар бу ҳолларда ариза берадиган шахсларга мўлжалланган тартибот, риоя этилиши лозим бўлган қоидалар тўғрисида зарур ахборот, шунингдек аризачининг илтимоси билан тегишли ҳужжат намуналари тақдим этадилар.

Улар зарур бўлганда кўрсатилган илтимоснома берилиши муносабати билан олинидиган йифимларни, шу жумладан паспорт баҳосини тегишли иштирок этувчи давлатдаги ўртача ойлик даромадга нисбатан уларни мақбул даражага етказиш учун камайтириб борадилар.

Илтимоснома берган шахслар қабул қилинган қарор ҳақида мумкин қадар тезроқ хабардор қилинадилар. Раддия берилиган тақдирда илтимоснома берган шахслар оқилона белгиланган вақтдан сўнг илтимосномасини қайтадан бериш ҳуқуқлари ҳақида хабардор қилинадилар.

Иштирок этувчи давлатлар тегишли кўп томонлама ва икки томонлама конвенцияларда акс этган бошқа иштирок этувчи давлатларнинг дипломатик ҳамда ўзга расмий вакилликлари ва консуллик ваколатхоналарига тааллуқли қоидаларни тўлиқ бажариш ва бундай вакилликларнинг мақбул ишлашини енгиллаштириш мажбуриятини тасдиқлайдилар. Бундай вакилликларнинг келувчилар учун очиқлиги бу вакилликлар хавфсизлигига доир зарур талабларни лозим даражада ҳисобга олиш орқали таъминланади.

Улар ўз ваколат доирасида ўз худудида ўзаро ҳамкорлик борасидаги фаолият учун, масалан, бошқа иштирок этувчи давлатлар фуқаролари қатнашадиган спорт ва маданий тадбирлар учун қониқарли шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида оқилона ҳаракат қилишга, шу жумладан тегишли ҳолларда зарур хавфсизлик чораларини кўришга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар.

Иштирок этувчи давлатлар тегишли ҳолларда ўз ҳудудларида шахсий ёки касбий сабабларга кўра вақтинча ҳозир бўлган бошқа иштирок этувчи давлатлар фуқаролари га юридик, консуллик ва тиббий ёрдам бериш шарт-шароитларини тегишли кўп томонлама ёки икки томонлама конвенция ёхуд шартномаларни зарур тарзда инобатга олган ҳолда яхшилашга интиладилар.

Улар бундан бўён ҳам Якунловчи ҳужжатнинг тегишли қоидаларини шундай қўллайдиларки, унда диний арбоблар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда уларнинг вакиллари ўз фаолияти соҳасида ўзаро алоқаларни ва учрашувларни ривожлантириши ҳамда ахборот билан алмашиши мумкин бўлади.

Иштирок этувчи давлатлар ёшлар ўртасида муносабатлар ва алмашувларни рағбатлантирадилар ҳамда ўзларининг ёшлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтишига кўмаклашадилар. Улар ёшлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасида таълим, маданият соҳасидаги тадбирлар ҳамда бошқа шу каби тадбирлар ўтказилишига ва фаолият турлари амалга оширилишига ёрдам кўрсатадилар. Улар ўсиб келаётган авлодга тааллуқли муаммолар ўрганилишини ҳам рағбатлантирадилар. Иштирок этувчи давлатлар, зарур бўлганда, ёшларнинг якка тартиbdаги ёки жамоа тарзида туризми ривожланишига шартномалар асосида, кўмаклашадилар, шу жумладан иштирок этувчи давлатлар транспорт раҳбарияти, туризм ташкилотлари томонидан тегишли имтиёзлар ёки «Интер-Рейл» тизимида иштирок этадиган темир йўл раҳбарияти томонидан имтиёзлар берилишига кўмаклашадилар.

Ахборот

Иштирок этувчи давлатлар бундан бўён ҳам бошқа иштирок этувчи давлатлардан импорт қилинадиган матбаа, даврий ва даврий бўлмаган материалларнинг эркин ва кенг тарқатилишини, шунингдек умумий сотувда бундай материаллар бўладиган жойлар сонини кўпайтиришни рағбатлантирадилар. Бу нашрлар йирик оммавий кутубхоналарнинг ва шу каби муассасаларнинг ўқув залларида ҳам фойдаланиш учун мавжудdir. Хусусан, иштирок этувчи давлатлар матбаа ахбороти тарқалишини кўпайтиришга кўмаклашиш учун ўзларининг ваколатли фирмалари ва ташкилотлари ўртасидаги алоқалар ҳамда музокараларни бошқа нашрлар миқдори ва сони кўпайишига йўналтирилган узоқ муддатли битим ҳамда шартномалар тузиш мақсадида рағбатлантирадилар. Улар хорижий нашрларнинг чакана нархлари уларнинг ўз мамлакатидаги нархларига нисбатан унча қиммат бўлмаслигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Улар Якунловчи ҳужжатнинг тегишли қоидаларига биноан жамоатчиликнинг обуна бўлиши имкониятларини кенгайтириш ниятларини тасдиқлайдилар.

Улар оммавий ахборот воситалари ва уларнинг вакиллари ўртасида, айниқса ахборот агентликлари, газеталар таҳририятлари ва телевидение ташкилотлари, шунингдек кинокомпаниялар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга кўмаклашадилар. Улар янгиликлар, мақолалар, иловалар, радиоэшитгишларнинг мунтазам алмашувини таъминлаш, шунингдек тегишли тажриба билан янада яхшироқ танишиш мақсадида таҳририятлар ўртасида алмашувни рағбатлантирадилар. Ўзаро асосда доимий ёки вақтинча аккредитациядан ўтган телевидение ва радио мухбирларига тақдим этиладиган моддий ва техник воситаларни яхшилайдилар. Бундан ташқари, улар журналистлар ўртасида ҳам бевосита алоқаларни, ҳам касаба ташкилотлари доирасидаги алоқаларни енгиллаштирадилар.

Улар узоқ муддатга қолдирмасдан журналистлар учун мамлакатга кириш руҳсатномаси тўғрисидаги илтимосномалар бўйича қарорлар қабул қиласидилар ва рад қилинган илтимосномаларни оқилона муддатларда қайтадан кўриб чиқадилар. Бундан ташқари, касбий фаолият мақсадида эмас, балки шахсий сабабларга кўра сафар қилмоқчи бўлган журналистларга ўша мамлакатдан келган бошқаларга нисбатан бўлган режим татбиқ этилади. Улар доимий аккредитациядан ўтган мухбирларга ва улар билан яшайдиган оила аъзоларига бир йиллик муддатга кўп маротаба мамлакатга кириш ва ундан чиқиш учун руҳсатномалар тақдим этадилар.

Иштирок этувчи давлатлар зарур бўлганда икки томонлама келишувлар асосида бошқа иштирок этувчи давлатларнинг учинчи мамлакатда доимий аккредитациядан ўтган журналистларига аккредитация қилиш ва уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш имкониятини ўрганадилар. Улар ўз худудида бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистлари сафар қилишларига кўмаклашадилар, хусусан зарур бўлганда уларга сафарлар учун кенгроқ имкониятлар яратиш мақсадида аниқ чоралар кўрадилар, хавфсизлик нуқтаи назаридан ёпиқ худудлар бундан мустасно. Улар, башарти худудлар хавфсизлик нуқтаи назаридан ёспиладиган бўлса, журналистларни мумкин бўлганда олдиндан хабардор қиласидилар.

Улар бундан бўён ҳам бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистлари учун шахсий муносабатларни ва ахборот манбай билан алоқаларни ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтирадилар ва зарур бўлганда шарт-шароитларни яхшилайдилар.

Шунингдек, журналистларнинг ўзлари маълумотнома материаллари, шу жумладан шахсий ёзувлар ва досъега эга бўлиши мумкин бўлиб, улардан қатъян касбий мақсадлар учун фойдаланилади.¹

Иштирок этувчи давлатлар зарур бўлганда ўз пойтахтларида матбуот марказлари ёки шундай вазифаларни бажарадиган маҳаллий ва хорижий матбуот учун очиқ ҳамда хорижий матбуот ишлаши учун мақбул шароитлари бўлган муассасалар ташкил этилишини ва амал қилишини енгиллаштирадилар.

¹ Бу ўринда шундай тушунча мавжудки, матбаа материаллари олиб кирилиши маҳаллий қоидалар билан тартибга солиниши мумкин бўлиб, улар журналистларнинг тегишли иш материалларидағи эҳтиёжларини ҳисобга олган.

Улар бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистларига ёрдам кўрсатишининг бошқа хил йўллари ва воситаларини ҳам кўриб чиқадилар ҳамда шу тарзда, улар дуч келиши мумкин бўлган амалий муаммоларни ҳал этиш имкониятини яратадилар.

Маданият соҳасидаги ҳамкорлик ва алмашувлар

Улар зарур чораларни амалга ошириш орқали икки томонлама маданий битимлар ва дастурлар таъминлайдиган тегишли ахборотни манфаатдор шахсларга, муассасаларга, ноҳукумат ташкилотларига тақдим қилишга интилиб, шу тарзда уларнинг самарали бажарилишига кўмаклашадилар.

Иштирок этувчи давлатлар бошқа иштирок этувчи давлатлардан китоблар, фильmlар ва маданий ифода қилишнинг бошқа шакл ва воситалари кенгроқ тарқалишини ҳамда улардан фойдаланиш эркинлигини бундан бүн ҳам рағбатлантирадилар, шу мақсадда мақбул воситалар билан икки томонлама ва кўп томонлама асосда, хусусан бундай ашёларга божхона тўловларини камайтириб бориш йўли билан уларнинг маданий бойликлари халқаро тижорат ва нотижорат алмашуви шароитларини яхшиладилар.

Иштирок этувчи давлатлар бошқа иштирок этувчи давлатлардан адабиёт ва маданий фаолият бошқа соҳаларида ишларнинг, айниқса кам тарқалган тилилардаги ишларнинг нашриётлар ўртасида ҳамкорликни енгиллаштириш йўли билан, хусусан таржима қилиниши мумкин бўлган китоблар рўйхати, шунингдек бошқа тегишли ахборот алмашуви йўли билан таржима қилиниши, нашр этилиши ва тарқалишини рағбатлантиришга интилядилар.

Улар иштирок этувчи давлатларнинг тарихий мерос ва ёдгорликлар ҳимоя қилиниши, сақланиши ва рўйхатга олинишига ҳамда инсон, атроф муҳит ва мазкур мерос ўртасидаги ўзаро муносабатларга тааллуқли алоқалари, ҳамкорлиги ва қўшма лойиҳаларини ривожлантиришга кўмаклашадилар; улар ЮНЕСКО доирасида бу масалалар юзасидан ҳукуматлараро конференция чақириш имкониятидан манфаатдор эканликларини изҳор қиласидилар.

Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг радио ва телевидение ташкилотлари томонидан бошқа иштирок этувчи давлатлар маданий ва бадиий ютуқларининг кўрсатилишини бу ташкилотлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама битимлар асосида, хусусан бошқа иштирок этувчи давлатларда тайёрланган дастурлар тўғрисидаги ахборот алмашувини, намойишлар ва дастурлар кўрсатилишини, биргаликдаги саҳналаштиришларни, бошқа давлатлардан дирижёр ва саҳналаштирувчиларнинг таклиф этилишини, шунингдек маданиятга бағишлиланган фильмларни суратга оладиган гуруҳларга ўзаро ёрдам кўрсатилишини назарда тутадиган битимлар асосида кенгайтириши давом эттиришни рағбатлантирадилар.

Венгрия ҳукумати таклифга биноан «Маданий форум» Будапештда 1985 йил 15 октябрдан бошлаб ўтказилади. Унда иштирок этувчи давлатларнинг маданият соҳасидаги стакчи арбоблари қатнашади. «Форум» ижодга, ахборот тарқалишига ва ҳамкорликка тааллуқли ўзаро боғлиқ муаммоларни, шу жумладан турли маданият соҳаларида муносабатлар ҳамда алмашувларни ривожлантириш ва кенграйтиришни муҳокама қиласиди. ЮНЕСКО вакили бу ташкилот қарашларини «Форум»да баён этишга таклиф қилинади. «Форум» Венгрия ҳукумати таклифи билан 1984 йил 21 ноябридан эътиборан Будапештда бўлиб ўтадиган ва давомийлиги икки ҳафтадан ошмайдиган эксперталар мажлиси томонидан тайёрланади.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ва алмашувлар

Иштирок этувчи давлатлар таълим ва фан соҳаларида ҳукумат ҳамда ноҳукумат доираларда келишув ва битимларига эришишга кўмаклашадилар, уларнинг амалга оширилишида эса ўқув ва бошқа ваколатли муассасалар қатнашадилар.

Иштирок этувчи давлатлар талабалар, ўқитувчилар ва олимлар алмашуви янада яхшиланишига, уларнинг бир-бирларининг ўқув, маданий ҳамда илмий муассасаларидан ва очиқ ахборот материалларидан ҳар бир мамлакатнинг амалдаги қонунлари ҳамда маъмурий қоидаларига мувофиқ фойдаланишларига кўмаклашадилар. Шу ўринда уларни қабул қиласиган мамлакат ичкарисида олимлар, ўқитувчилар ва талабаларнинг сафарларига, уларнинг фан бўйича ҳамкасабалари билан алоқалар ўрнатишига кўмаклашадилар, шунингдек кутубхоналар, олий ўқув юртлари ҳамда шу каби институтларни ўз худудларида рағбатлантирадилар, бошқа давлатларнинг олимлари, ўқитувчилари ва талабаларига очиқ архив материаллари каталоглари ва рўйхатларидан фойдаланиш имкониятларини яратадилар.

Улар ёш олимларни илмий тайёрлашни, уларнинг курслари ва семинарлари дастурлари тўғрисида янада мунтазам ахборот алмашувини рағбатлантирадилар ҳамда бу фаолиятда турли иштирок этувчи давлатлардан ёш олимларнинг кенгроқ иштирокини енгиллаштирадилар. Улар тегишли миллий ва халқаро ташкилотларга ҳамда муассасаларга мақсадга мувофиқ бўлган тақдирда шундай ўқув фаолиятини амалга ошириш чақириғи билан мурожаат қиласидар.

Иштирок этувчи давлатлар вакиллари 1980 йил 18 февралдан 3 марта Германия Федератив Республикасининг Гамбург шаҳрида ўтказилган «Илмий форум» борасида қилинган иш фойдали эканлигини таъкидладилар. Иштирок этувчи давлатлар «Илмий форум» натижаларини ҳисобга олиб халқаро ташкилотларга ва иштирок этувчи давлатларнинг олимларига бу «Форум»нинг хуносалари ва тавсияларини зарур тарзда эътиборга олишни тавсия қиласидар.

Иштирок этувчи давлатлар ўзларида кенг тарқалмаган ёки ўрганилмайдиган чет тилларининг ўқитилиши ва ўрганилиши бўйича имкониятлар кенгайтирилишига кўмаклашадилар. Улар шу мақсадда ўз ваколат доирасида ёзги университетлар ва бошқа курслар ташкил этилишини ва амал қилишини, таржимонларга стипендиялар берган ва лингвистика факультетларини мустаҳкамлаган ҳолда, шу жумладан зарур бўлган тақдирда бу тилларни ўрганиш учун янги имкониятлар яратган ҳолда рағбатлантирадилар.

Иштирок этувчи давлатлар ўзаро ва ваколатли халқаро ташкилотлар доирасида ўқув материаллари, мактаб дарсликлари, хариталари ва бошқа таълим материаллари билан алмашувларни жадаллаштиришга ўзаро бир-бирини янада яхши билиш мақсадида ўзларининг тайёр эканлигини изҳор қиласидар ва тегишли мамлакатларда ўз ютуқлари ҳақида янада тўлиқ тасаввур яратишга кўмаклашадилар.

ЕХҲҚ ИШТИРОК ЭТУВЧИ ДАВЛАТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ 1986 ЙИЛГИ ВЕНА УЧРАШУВИННИНГ ЯКУНЛОВЧИ ҲУЖЖАТИ

Вена, 1989 йил 19 январь

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИККА ТААЛЛУҚЛИ МАСАЛАЛАР

Иштирок этувчи давлатлар:

- кескинсизлантиришни ҳаётга қодир, ҳар томонлама ва ҳақиқий, қамрови бўйича умумий жараёнга айлантириш мақсадида ўзларининг муносабатларидағи ижобий ўзгаришларни ривожлантиришга;
- Европада хафсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХҲҚ)нинг Якунловчи ҳужжати ва бошқа ҳужжатларидағи мажбуриятларни тўлиқ бажаришга жавобгарликни ўз зиммаларига олишга;
- ўзларининг муносабатларини оғирлаштирадиган муаммоларнинг ечимини тошиш ва халқаро тинчлик ҳамда хавфсизлик кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида ўз ҳаракатларини жадаллаштиришга;
- ўзаро ҳамкорлик ва мулоқотга кўмаклашишга, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг самарали амалга оширилишини таъминлашга ҳамда одамлар ўртасидаги муносабатларни ва муомала қилишни енгиллаштиришга;
- ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида янада тараққий этишга эришиш ҳамда қуролсизлантиришга кўмаклашиш мақсадида янги ҳаракатлар қилишга тайёр эканликларини изҳор қиласидилар.

Принциплар

- (11) Улар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан барча учун ирқи, тили ва динидан қатъи назар фикрлаш, виждан, дин ва эътиқодлар эркинлигини ҳурмат қилишларини тасдиқлайдилар.
Улар ҳурмат қилиниши барча давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришни таъминлаш учун зарур бўлган тинчлик, адолат ва хавфсизликнинг жиддий омили ҳисобланадиган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг умумий аҳамиятини ҳам тасдиқлайдилар.
- (12) Улар инсон шахсига тааллуқли қадр-қиммат келиб чиқадиган ҳамда унинг эркин ва тўлиқ ривожи учун жиддий ҳисобланадиган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг самарали рўёбга чиқишини кафолатлашга қарор қилганликларини изҳор этадилар. Улар тан оладиларки, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда бошқа барча ҳуқуқлар ва эркинликлар бирламчи аҳамиятга эга бўлиб, улар тегишли зарур усуслар орқали тўлиқ амалга оширилиши керак.
- (13) Шу муносабат билан улар:
(13.1) инсоннинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда бошқа ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги ўз қонунлари, маъмурий қоидалари ҳамда сиёсатини такомиллаштирадилар ва уларни амалиётда бундай ҳуқуқ ҳамда эркинликларни кафолатлаш мақсадида қўллайдилар;

- (13.2) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тұғрисидаги халқаро пактга, Иқтисодий, ижтимоий ва мәданий ҳуқуқлар тұғрисидаги халқаро пактга, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тұғрисидаги пактта доир факультатив протоколга ҳамда бошқа тегишли халқаро воситаларга қўшилиш ҳақидағи масалани, башарти улар буни амалга оширган бўлсалар, кўриб чиқадилар;
- (13.3) Якунловчи ҳужжат, Мадрид Якуний ҳужжати ва мазкур ҳужжат матнлари ни, шунингдек инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳар қандай тегишли халқаро воситалар матнларини ушбу ҳужжатларнинг тўлиқ ҳолатда мавжудлигини, ўз мамлакатларида улар билан мумкин қадар кенгроқ танишиш ва улардан барча шахсларнинг, хусусан оммавий кутубхоналар тармоғи орқали фойдаланишини таъминлаш мақсадида чон этадилар ва тарқатадилар;
- (13.4) шахсларнинг бу соҳадаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш ҳуқуқини самарали таъминлайдилар ҳамда уларга мувофиқ иш кўрадилар, шунингдек шу мақсадда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига таалуқли барча қонунларни, маъмурий қоидалар ҳамда тартиботларни нашр этадилар ва улардан фойдаланишини таъминлайдилар;
- (13.5) ўз фуқароларининг мустақил тарзда ёки бошқалар билан биргаликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ривожлантириш ҳамда ҳимоялашга фаол ҳисса қўшиш ҳуқуқини ҳурмат қиласадилар;
- (13.6) мактаблар ва бошқа ўқув муассасаларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ривожлантириш ҳамда ҳимоя қилишнинг муҳокама этилишини рағбатлантирадилар;
- (13.7) ўз ҳудуди доирасида юрисдикциясидаги ҳар бир шахсга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳеч қандай фарқсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёхуд ижтимоий келиб чиқишидан, мулкий ҳолати, туғилиши ё ўзга ҳолатидан қатъи назар таъминлайдилар;
- (13.8) бу ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга оширувчи, амалга ошириш ниятини билдирувчи ёки амалга оширишга интилевчى шахс ҳам, унинг оила аъзоларидан биронтаси ҳам бунинг натижасида ҳеч қандай шаклда камситилмагини таъминлайдилар;
- (13.9) ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситалари, шунингдек улар тұғрисидаги тўлиқ ахборот инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бузилган деб арз қилган шахсларга фойдаланиш учун очиқ бўлишини таъминлайдилар; улар хусусан ҳуқуқий ҳимоянинг қўйидаги воситаларини:
- шахснинг ижро этувчи, қонун чиқарувчи, суд ҳокимиятига ёки маъмурий органларга мурожаат қилиш ҳуқуқини;
 - мустақил ва холисона судда оқилона муддатларда одил ҳамда очиқ муҳокамага доир ҳуқуқларни, шу жумладан юридик сабаблар кўрсатиш ва ўз хоҳишига кўра адвокатини вакил қилиш ҳуқуқини;
 - ҳар қандай апелляция бўйича қабул қилинган қарор, шу жумладан қарорнинг юридик асослари ҳақида тез ва расман хабардор қилиниш ҳуқуқини самарали қўллайдилар. Бу ахборот қоида тариқасида ёзма равишда ва ҳар бир ҳолда шахсга ҳуқуқий ҳимоянинг йўл қўйиладиган бошқа воситаларидан самарали фойдаланишга имкон бериш мақсадида тақдим қилинади.

- (14) Иштирок этувчи давлатлар эътироф этадиларки, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқларнинг, шунингдек ҳам фуқаролик, ҳам сиёсий ҳуқуқларнинг ривожига кўмаклашиш инсон қадр-қиммати учун ва ҳар бир шахснинг қонунний интилишлари учун биринчи даражали аҳамиятга эга. Шу боис улар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг тўла рўёбга чиқишини изчил таъминлаш мақсадида барча зарур усуллар орқали, хусусан қонунчилик чораларини кўриш йўли билан ўз ҳаракатларини давом эттирадилар.
- Шу муносабат билан улар бандлик, уй-жой, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳасидаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратадилар. Улар ўз мамлакатларида, шунингдек ўзаро ва бошқа давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришда ҳар бир шахс ҳақиқатан ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан тўлиқ даражада фойдаланиши учун барча ҳуқуқ ва эркинликларнинг рўёбга чиқишида доимий равишда кўмаклашадилар.
- (15) Иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқлар таъминлашга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар. Тегишинча улар эркаклар ва аёлларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда самарали тенг иштирокини рағбатлантириш мақсадида барча зарур, шу жумладан қонунчилик чораларини кўрадилар. Улар Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш имкониятини, башарти улар буни амалга оширган бўлсалар, кўриб чиқадилар.
- (16) Иштирок этувчи давлатлар шахснинг динга сифиниш ёки эътиқод қилиш эркинлигини таъминлаш мақсадида бошқа тадбирлар қатори қуйидагиларни амалга оширадилар:
- (16.1) — дин ёхуд эътиқодлар асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳаётда эътироф этиш, амалга ошириш ва улардан фойдаланишга нисбатан шахслар ёки бирлашмалар камситилишининг олдини олиш ҳамда уни тугатиш бўйича ва диндорлар ҳамда даҳрийлар ўртасида ҳақиқий тенгликни таъминлаш бўйича самарали чоралар кўрадилар;
 - (16.2) — турли бирлашмаларнинг диндорлари ўртасида, шунингдек диндорлар ва даҳрийлар ўртасида ўзаро сабр-тоқат ва хурмат муҳитига кўмаклашиш;
 - (16.3) — ўз давлатлари конституциявий доирасида ўз динига ишонадиган, амал қиладиган ёки амал қилишга тайёр бўлган шахсларнинг бирлашмаларига уларнинг илтимосига кўра тегишли мамлакатларда улар учун назарда тутилган мақом тан олинишини тақдим этиш;
 - (16.4) — бу диний бирлашмаларнинг:
 - ибодат қилиш ёки мажлислар учун очиқ жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаш;
 - ўз иерархия ва институт тузилмасига мувофиқ ташкил этилиш;
 - тегишли ўз талаблари ва андозаларига, шунингдек ўzlари ва давлатлари ўртасидаги ҳар қандай эркин келишувларга биноан ўз ходимларини танлаш, тайинлаш ва алмаштириш;
 - ихтиёрий молиявий ва бошқа хайриялар сўраш ва олиш ҳуқуқини хурмат қилиш;

- (16.5.) — диний эркинликлар эҳтиёжларини янада яхши тушунишга эришиш мақсадида руҳонийлар, диний муассасалар ва ташкилотлар билан маслаҳатлар олиб бориш;
- (16.6.) — ҳар бир шахснинг ўзи хоҳлаган тилда ё кек тартибда ёки бошқалар билан бирга диний таълимот бериш ва олиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;
- (16.7.) — шу маънода бошқалар қаторида ота-оналарнинг ўз эътиқодларига мувофиқ ўз болаларининг диний ва маънавий тарбиясини таъминлаш эркинлигини ҳурмат қилиш;
- (16.8.) — тегишли ўқув юртларида дин ходимларининг тайёрланишига рухсат бериш;
- (16.9.) — диндорлар ва диний ташкилотларнинг ўzlари хоҳлаган тилда муқаддас китоблар, диний нашрларни ва дин ёки эътиқодга амал қилишга таалуқли бошқа ашёлар ҳамда материалларни сотиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда уларга эгалик қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;
- (16.10.) — руҳонийлар, диний муассасалар ва ташкилотларга диний нашрлар ҳамда материаллар ишлаб чиқиш, импорт қилиш ва тарқатишга рухсат бериш;
- (16.11.) — диний бирлашмаларнинг жамоат мулоқотида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали иштирок этишдан манфаатдорлигини хайриҳоҳлик билан кўриб чиқиши.
- (17) Иштирок этувчи давлатлар эътироф этадиларки, юқорида эслатиб ўтилган, дин ёки эътиқодлар эркинлигига таалуқли ҳуқуқларнинг рўёбга чиқиши фақат қонунда белгиланган тарзда чекланиши мумкин бўлиб, улар ҳалқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятлар ва ҳалқаро мажбуриятлар билан бирга мавжуддир. Улар ўз қонунлари ва маъмурий қоидаларида ҳамда уларнинг қўлланишида фикр, виждон, дин ёки эътиқод эркинлиги тўлиқ ва самарали амалга оширилишини таъминлайдилар.
- (18) Иштирок этувчи давлатлар Якунловчи ҳужжат ва Мадрид Якуний ҳужжатининг озчиликни ташкил қилган миллатларга таалуқли қоидаларини амалга ошириш бўйича узлуксиз ҳаракатлар олиб борадилар. Улар ўз ҳудудида инсон ҳуқуқлари ва озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар асосий эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун барча зарур қонунчилик, маъмурий, юридик ва бошқа чоралар кўрадилар, шунингдек улар алоқадор бўлган тегишли ҳалқаро воситаларни қўллайдилар. Улар бундай шахсларга нисбатан ҳар қандай камситишдан ўзларини тийиб турадилар ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги қонуний манфаатлари ҳамда интилишлари рўёбга чиқишига кўмаклашадилар.
- (19) Улар ўз ҳудудида озчиликни ташкил қилган миллатларнинг этник, маданий, тилга оид ва диний ўзига хослигини рағбатлантириш учун шароит яратиб ҳимоя қиладилар. Улар бундай миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари эркин амалга оширилишини ҳурмат қиладилар ва уларнинг бошқалар билан тўлиқ тенглигини таъминлайдилар.
- (20) Иштирок этувчи давлатлар ҳар бир шахснинг:
- ҳар қандай давлат чегаралари доирасида ҳаракатланиш ва яшаш жойи эркинлиги ҳамда
 - ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўз мамлакатини тарқ этиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқини тўлиқ ҳурмат қиладилар.

- (21) Иштирок этувчи давлатлар юқорида эслатиб ўтилган ҳукуқлар ҳеч қандай чеклашлар обьекти бўлмаслигини таъминлайдилар, уларнинг қонунда на- зарда тутилган ва халқаро ҳукуқ, хусусан Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бўйича халқаро мажбуриятларига ҳамда Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси бўйича мажбуриятларига тўғри кела- диган ҳукуқлари бундан мустасно.
- (22) Шу маънода улар барча истак билдирган қочқинларга хавфсиз шароитда уйга қайтиш учун рухсат берадилар.
- (23) Иштирок этувчи давлатлар:
- (23.1) — ҳеч ким асоссиз қамоқقا олинмаслигини, ҳибса сақланмаслигини ёки сургун қилинмаслигини таъминлайдилар;
- (23.2) — ҳибса ёки қамоқда сақланадиган барча шахслар билан муруватли ва ин- сон шахсига хос қадр-қимматини хурмат қилган ҳолда муносабатда бўлиш- ни таъминлайдилар;
- (23.3) — БМТ томонидан қабул қилинган Қамоқقا олинганларга нисбатан муомала қилиш минимал стандарт қоидаларига, шунингдек БМТ қабул қилган Ҳукуқ- тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвори кодексига риоя қиласидилар;
- (23.4) — қийноққа солишларни ва раҳмсиз, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда жазолаш бошқа турларини тақиқлайдилар ва бундай амалиётни бартараф этиш ҳамда бунинг учун жазолаш бўйича қонун- чилик, маъмурий, суд талабларига оид ва бошқа чоралар кўрадилар;
- (23.5) — Қийноқларга ва бошқа раҳмсиз, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомала ёки жазолаш турларига қарши конвенцияга қўшилиш тўғрисидаги масалани, башарти улар буни амалга оширган бўлсалар, кўриб чиқадилар;
- (23.6) — инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини бузадиган ҳар қандай психиат- рия ёки бошқа тиббиёт амалиётидан шахсларни ҳимоя қиласидилар ҳамда бундай амалиётнинг олдини олиш ва у учун жазолаш бўйича самарали чо- ралар кўрадилар.
- (24) Ўлим жазоси тўғрисидаги масалага келганда, иштирок этувчи давлатлар таъкидлайдиларки, бу давлагларнинг айримларида ўлим жазоси бекор қилин- ган эди. Ўлим жазоси бекор қилинмаган иштирок этувчи давлатларда фа- қат энг оғир жиноятлар учун жиноят содир этилган пайтда амал қилган қонунга мувофиқ ва уларнинг халқаро мажбуриятларига зид бўлмаган ҳолда ўлим жазоси ҳукми чиқарилиши мумкин. Бу масала кўриб чиқиш учун очиқ қолдирилмоқда. Шу маънода иштирок этувчи давлатлар мазкур масала бўйи- ча тегишли халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қиласидилар.
- (25) Иштирок этувчи давлатлар ўзаро тушуниш ва ишончни мустаҳкамлаш, дўсто- на ҳамда хайриҳоҳлик муносабатларига кўмаклашиш, халқаро тинчлик, хав- физлик ва адолатни мустаҳкамлаш ҳамда ЕХҲК бўйича ўз мажбуриятла- рининг бажарилишини яхшилаш мақсадида бундан буён ҳам ўзаро ҳамкор- ликни ривожлантирадилар ва тўла тенглик асосида барча соҳаларда ҳамда даражаларда ўзаро мулоқотга кўмаклашадилар. Улар маъқуллайдиларки, ЕХҲК принципларини тўлалигича хурмат қилиш ва қўллаш ҳамда бошқа

хужжатларининг бажарилиши ўзаро муносабатларни яхшилади, уларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашади. Улар ЕХҲК Якунловчи хужжати ва бошқа ҳужжатлари қоидаларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаралардан ўзларини тийиб турадилар ҳамда эътироф этадиларки, ҳар қандай бундай ҳаракат уларнинг муносабатларига путур етказиб, ўзаро ҳамкорлик ривожланишига тўсиқ бўлади.

- (26) Улар тасдиқлайдиларки, ўзларининг ҳамкорлиги ва Якунловчи хужжат тўлиқ амалга оширилиши мақсадларига эришишига кўмаклашишда ҳукуматлар, мусассасалар, ташкилотлар ҳамда шахслар тегишли ва ижобий роль ўйнаши мумкин. Шу мақсадда улар шахсларнинг ЕХҲК хужжатлари қоидалари амалга оширилишини кузатиш ва уларнинг бажарилишига кўмаклашиш ҳукуқини ҳурмат қиласидилар ҳамда шу мақсадда бошқаларга қўшиладилар. Улар бу иштирок этувчи давлатлар ичкарисида шахслар, ташкилотлар ва мусассасалар ўртасида ҳамда иштирок этувчи давлатлар ўртасида тўғридан-тўғри муносабатлар ва алоқаларни енгиллаштирадилар ҳамда ЕХҲК хужжатлари қоидаларига тўғри келмайдиган қонунчилик ва маъмурий тўсиқларни улар мавжуд бўлган ерда бартараф этадилар. Улар ЕХҲК хужжатларининг қоидалари бажарилиши тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини енгиллаштириш ҳамда бу масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларнинг эркин ифода этилишини енгиллаштириш мақсадида самарали чоралар ҳам кўрадилар.
- (27) Иштирок этувчи давлатлар 1985 йил 7 майдан 17 июнгача Оттавада, Якунловчи хужжатда акс эттирилганидек, барча соҳаларда инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини ўз давлатларида ҳурмат қилишга доир масалалар бўйича ўтказилган Экспертлар кенгаши тўғрисидаги ахборотни тингладилар. Улар муҳим аҳамиятдаги масалалар бўйича очиқ мунозаралар бўлганилиги фактини маъқулладилар. Бу муҳокамалар келишилган хulosаларга олиб келмаганигини таъкидлаб, улар бундай фикрлар чукур алмашувининг ўзи ЕХҲК жараёнига бебаҳо ҳисса эканлигига яқдиллик билдирилар. Шу жиҳатдан алоҳида таъкидландик, Кенгашда киритилган таклифлар Вена учрашувида кўриб чиқилди. Улар иштирокчиларнинг Кенгашнинг айrim мажлисларига жамоатчилик ҳозир бўлишига доир қарорини ҳам маъқулладилар ва таъкидладиларки, бу амалиёт келгуси кенгашларда ўз ривожини топади.

ГУМАНИТАР ВА БОШҚА СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК

Иштирок этувчи давлатлар

гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ўзларининг муносабатларини ривожлантириш учун жиддий омил эканлигини ҳисоблаб,

бу соҳалардаги ҳамкорлиги ўзаро муносабатларда иштирок этувчи давлатлар Якунловчи хужжатда баён этилганидек амал қиласидиган принципларнинг, шунингдек Мадрид Якуний хужжати ва мазкур хужжатнинг бу принципларга доир қоидаларининг тўлалигича ҳурмат қилинган ҳолда амалга оширилишига рози бўлиб,

улар гуманитар соҳалардаги ҳамкорликка нисбатан қоидаларни бу қонунлар ва маъмурий қоидалар доирасида бажарган ҳолда бу қонунлар ва маъмурий қоидалар ўзларининг халқаро ҳукуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқлигини ҳамда ЕХҲК бўйича мажбуриятларига мос бўлишини таъминлашларини тасдиқлаб,

Якунловчи ҳужжат ва Мадрид Якуний ҳужжатининг тегишли қоидаларини бажариш ҳаракатларини давом этириш ва фаоллаштиришни талаб этишини эътироф этиб, қўйидагиларни қабул қиласидилар ва бажарадилар:

Одамлар ўртасидаги муносабатлар

- (1) Улар Якунловчи ҳужжат, Мадрид Якуний ҳужжатининг ва мазкур ҳужжатнинг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларини бажарганда мазкур ҳужжатнинг принципларга, хусусан ҳар бир шахс ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўз мамлакатини эркин тарк этиши ва ўз мамлакатига қайтиши тўғрисидаги принципларга багишланган бўлимида айтилган, ҳалқаро ҳуқуқ бўйича ўз мажбуриятларини, шунингдек шу соҳадаги ҳалқаро мажбуриятларини тўлалигича ҳурмат қиласидилар.
- (2) Улар ўз ҳудудига киришга доир ўзларининг сиёсати Якунловчи ҳужжат, Мадрид Якуний ҳужжати ва мазкур ҳужжатнинг тегишли қоидаларида баён этилган мақсадларга тўлиқ даражада мос бўлишини таъминлайдилар.
- (3) Улар мумкин қадар тезроқ, лекин ҳар қандай ҳолда олти ой мобайнида Якунловчи ҳужжатнинг, Мадрид Якуний ҳужжатининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган барча илтимосномаларга доир ечим топиш мақсадида зарур қадамлар қўядилар.
- (4) Келгусида улар ЕХҲКнинг Якунловчи ҳужжати ва юқорида кўрсатилган бошқа ҳужжатларининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган барча илтимосномалар бу қоидаларга биноан кўриб чиқладиган ҳолатни таъминлаш учун доимий шарҳлар ўтказадилар.
- (5) Улар оилавий муносабатлар асосидаги учрашувларга доир илтимосномаларга нисбатан қарорларни ЕХҲКнинг Якунловчи ҳужжати ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларига мувофиқ мумкин қадар қисқа муддатларда ва одатий амалиёт доирасида бир ой мобайнида қабул қиласидилар.
- (6) Шу тарзда улар турли давлатлар оилаларини бирлаштириш ёки улар ўртасида никоҳ тузишга доир илтимосномаларга нисбатан қарорларни одатий амалиёт доирасида уч ой мобайнида қабул қиласидилар.
- (7) Улар оилавий муносабатлар асосидаги учрашувларга доир илтимосномаларни хайриҳоҳлик билан кўриб чиқсан ҳолда аризачининг истакларини, хусусан бундай учрашувлар етарли давом этишига оид муддатларга нисбатан ва биргаликда оилавий учрашиш мақсадида унинг бошқа оила аъзолари билан бирга сафарга боришига нисбатан истакларини тегишли тарзда ҳисобга оладилар.
- (8) Улар оилавий муносабатлар асосидаги учрашувларга доир илтимосномаларни хайриҳоҳлик билан кўриб чиқсан ҳолда, унча яқин бўлмаган қариндошларнинг олдига сафарга боришига ҳам рухсат берадилар.
- (9) Улар турли давлатлар фуқароларининг оилаларини бирлаштириш ёки улар ўртасида никоҳ тузишга доир илтимосномаларни хайриҳоҳлик билан кўриб чиқсан ҳолда, аризачиларнинг ўзларини қабул қилишга тайёр бўлган, бориладиган мамлакатга нисбатан истагини ҳурмат қиласидилар.

- (10) Улар вояга стмаган болаларнинг ўз ота-оналари билан бирлашишига доир муаммоларни ечишга алоҳида эътибор берадилар. Шу муносабат билан ҳамда ЕХҲК Якунловчи ҳужжати ва юқорида эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларининг тегишли қоидалари асосида улар:
- бола вояга стмаган ҳисобланган пайтда берилган бу ҳақдаги илтимоснома бирлаштиришни тұхтовсиз амалға ошириш мақсадида хайрихөхлиқ билан ва тез күриб чиқилишини ҳамда
 - бундай болалар манфаатлари ва фаровонлигини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли чоралар күрилишини таъминлайдилар.
- (11) Улар сафарга борадиган шахслар ҳақиқий ҳаражатлардан ошадиган миқдорда маҳаллий валюта олишига нисбатан ҳар қандай мүмкін бўлган талабларни изчил камайтириш ва охир-оқибатда бекор қилиш имкониятларини күриб чиқиб, бунда оиласиб учрашиш мақсадида сафарга борадиган шахсларни афзал кўрадилар. Улар бундай шахсларга амалиётда ўзлари билан бирга шахсий ашёлар ёки совғалар олиб кириш ва олиб чиқиш имкониятларини яратадилар.
- (12) Улар кесчикириб бўлмас гуманитар тусдаги сафарлар тўғрисидаги илтимосномаларга зудлик билан эътибор бериб, уларни хайрихөхлиқ билан қўйидаги тарзда кўриб чиқадилар:
- улар жиддий касал бўлганга ёки ўлим тўшагида ётган оила аъзосига сафарларга доир, оила аъзосини дағн этиш маросимида қатнашиш учун сафарларга ёки тасдиқланган тез тиббий даволашга мұхтож шахсларнинг ёхуд танг ҳолати ё бедаво касали белгиланиши мүмкін бўлган шахсларнинг сафарларига доир илтимосномалар бўйича қарорларни уч иш куни давомида қабул қиласидилар;
 - улар жиддий касал бўлганлар ёки қарияларнинг сафарларига, шунингдек шошилинч гуманитар тусдаги бошқа сафарларга доир илтимосномалар бўйича қарорларни мүмкін қадар тезроқ қабул қиласидилар.
- Улар юқорида баён этилган ишлар билан шуғулланадиган ўз маҳаллий, минтақавий ва марказий ҳокимиятларининг ҳаракатларини фаоллаштирадилар ҳамда бундай илтимосномаларга биринчи навбатдаги режим берилиши учун йиғимлар амалдаги ҳаражатлардан ошмаслигини таъминлайдилар.
- (13) Улар турли давлатлар фуқаролари ўртасида оиласиб учрашиш, оиласидарни бирлаштириш ёки никоҳ тузиш мақсадидаги сафарлар тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқишида аризачи оила аъзолари томонидан ҳаракатлар ёки йўл қўйилган хатолар аризачининг халқаро воситаларда баён этилган ҳуқуқларига салбий таъсир этмаслигини таъминлайдилар.
- (14) Улар илтимосномалар учун зарур бўлган ЕХҲК Якунловчи ҳужжати ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган барча ҳужжатлардан аризачи осон фойдаланишини таъминлайдилар. Ҳужжатлар илтимоснома кўриб чиқилишининг бутун жараёни давомида кучда қолади. Илтимоснома қайта берилган тақдирда аризачи томонидан аввалги илтимосномалар сабабли берилган ҳужжатлар эътиборга олинади.

- (15) Улар амалиётни енгиллаштириб, ЕХХҚ Якунловчи ҳужжатининг ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган илтимосномаларга нисбатан маъмурий талабларни босқичма-босқич қисқартирадилар.
- (16) Улар ЕХХҚ Якунловчи ҳужжатининг ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган илтимосномалар тегишли ҳалқаро воситаларда белгиланган сабабларга кўра рад этилган ҳолларда аризачига бундай қарор қайси асосларда чиқарилганлиги ҳақида ёзма шаклда шошилинч расмий хабарнома тақдим этилишини таъминлайдилар. Одатда барча ҳолларда аризачи сўраганда унга қабул қилинган қарорга нисбатан ҳуқуқий ҳимоянинг ҳар қандай амалдаги маъмурий ёки суд воситаларидан фойдаланиш тартиботи тўғрисида зарур ахборот берилади. Чет элга доимий яшаш учун чиқишга доир ҳолларда бундай ахборот юқорида эслатиб ўтилган расмий хабарноманинг бир қисми сифатида тақдим этилади.
- (17) Агар шу ўринда алоҳида шахснинг чет элга сафар қилиш тўғрисидаги илтимосномаси давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан рад этилган бўлса, улар қатъий белгиланган муддатлар доирасида бу шахснинг сафарига нисбатан ҳар қандай чеклаш мумкин қадар қисқа муддатли бўлишини ва ихтиёрий тарзда қўлланмаслигини таъминлайдилар. Улар раддия билан боғлиқ ҳолатлардаги ҳар қандай ўзгаришлар, масалан, аризачи охирги марта давлат хавфсизлиги билан боғлиқ иш ёки вазифаларни бажарган пайтдан бошлаб ўтган вақт эътиборга олиниши учун раддия олти ой мобайнида ва зарурат бўлган тақдирда муайян вақт оралиқларидан сўнг қайта кўриб чиқилиши учун аризачи имкониятга эга бўлишини ҳам таъминлайдилар. Бундай иш ёки бундай вазифаларни бажаришга киришишдан олдин шахс бунинг эҳтимоли бўлган сафар тўғрисидаги илтимосномага таъсир этиши ва қай тарзда таъсир этиши мумкинлиги ҳақида расмий хабардор этилади.
- (18) Вена учрашуви тугаганидан кейин бир йил мобайнида улар, башарти бу амалга оширилмаган бўлса, ўз ҳудудлари бўйича алоҳида шахсларнинг ҳаракатланиши ва давлатлараро сафарларга оид барча қонунларини ҳамда қонунности ҳужжатларини эълон қиладилар ва улардан осон фойдаланишни таъминлайдилар.
- (19) Улар ЕХХҚ Якунловчи ҳужжати ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларининг одамлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қоидаларига асосланган илтимосномаларни хайриҳоҳлик билан кўриб чиқсан ҳолда, аризачи учун аҳамияти бўлган муҳим оиласи, шахсий ёки касбий фикр-мулоҳазаларни зарур тарзда ҳисобга олиш учун илтимосномаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайдилар.
- (20) Улар ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ҳамда бошқа эътиқодлари, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати, туғилиши, ёши ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар чет элга сафарлар тўғрисидаги илтимосномаларни хайриҳоҳлик билан кўриб чиқадилар. Улар раддия бошқа шахслар томонидан берилган илтимосномаларга таъсир этмаслигини таъминлайдилар.

- (21) Улар якка тартибдаги ёки жамоа тарзидаги шахсий ёхуд касбий сабабларга кўра ҳамда туризм мақсадидаги делегациялар, гурӯҳлар ва алоҳида шахсларнинг сафарларига кўпроқ даражада кўмаклашадилар. Шу мақсадда улар бундай сафарлар тўғрисида илтимосномалар бериш вақтини минимумгacha қисқартирадилар.
- (22) Улар мамлакатга кўп маротаба кириш рухсатномалари бериш ҳамда мамлакатга кириш ва ундан чиқиш рухсатномаларига доир расмиятчиликни ўзаро соддалаштиришга нисбатан битимлар тузиш тўғрисидаги таклифларга жиддий эътибор берадилар, шунингдек ўзаро келишувлар асосида мамлакатга кириш рухсатномаларини ўзаро бекор қилиш имкониятларини ўрганидилар.
- (23) Улар ўз ҳудудида вақтинча ҳозир бўлган бошқа иштирок этувчи давлатларнинг фуқароларига самарали консуллик, юридик ва тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни тақомиллаштириш мақсадида тегишли кўп томонлама воситаларга қўшилиш, шунингдек, зарурат бўлса, қўшимча ёки бошқа икки томонлама битимлар тузиш имкониятларини кўриб чиқадилар.
- (24) Улар ўз ҳудудида шахсий ёки касбий сабабларга кўра, шу жумладан маданият, фан ва таълим соҳасидаги тадбирларда қатнашиш мақсадида, башарти бу амалга оширилмаган бўлса, вақтинча ҳозир бўлган бошқа иштирок этувчи давлатларнинг фуқароларига зарур шахсий хавфсизлик кафолатланишини таъминлаш учун ҳар қандай тегишли чораларни кўрадилар.
- (25) Улар давлатлараро сафарлар ва бошқа муомала воситалари асосида фуқаролар, шунингдек уларнинг муассасалари ва ташкилотлари ўртасида тўғридан-тўғри шахсий муносабатлар ўрнатилишига ҳамда қўллаб-қувватланишига кўмаклашадилар ва уларни рағбатлантирадилар.
- (26) Улар маҳаллий ва миңтақавий даражада тўғридан-тўғри спорт алмашуви, биродарлашган шаҳарлар тўғрисидаги битимларни монеликсиз тузиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек талабалар ва ўқитувчилар алмашиш каби чоралар билан ўз халқлари ўртасидаги муносабатларга ҳамда ҳамкорликка кўмаклашадилар.
- (27) Улар ёшлар ўртасида, шунингдек ёшлар ҳамда талабаларнинг ҳукumat ва ноҳукумат ташкилотлари ҳамда муассасалари ўртасида бевосита муносабатларни янада ривожлантиришни, бундай ташкилотлар ва муассасалар ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар тузилишини ҳамда дастурлар имзоланишини ва икки томонлама ҳамда кўп томонлама асосда ёшлар учун таълим, маданият ҳамда бошқа соҳаларда ёшлар тадбирлари ўтказилиши ва фаолияти олиб борилишини рағбатлантирадилар.
- (28) Улар ёшлар сафарга боришлирага ва саёҳат қилишларига кўмаклашиш учун, хусусан Темир йўллар халқаро уюшмаси (ТЙХУ) аъзолари ҳисобланмиш ўз темир йўллар маъмурияtlарига Интер-Рейл тизимини Европа бўйича ўзларининг барча тармоқларини қамраб олиш учун кенгайтиришни тавсия этиб, келгусида Темир йўллар халқаро уюшмаси (ТЙХУ) аъзолари бўлмаган ўз темир йўллар маъмурияtlарига бундай имкониятларни таъминлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тавсия этган ҳолда ҳаракат қиладилар.

- (29) Умумжақон почта конвенцияси ва Элекстр алоқаси бўйича халқаро конвенцияга мувофиқ улар:
- почта алоқаси транзити эркинлигини кафолатлайдилар;
 - корреспонденциянинг, шу жумладан шахсий почта ва посылканинг тез ҳамда монеликсиз етказилишини таъминлайдилар;
 - почта ва телефон алоқаси маҳфийлиги ҳамда дахлсизлигини ҳурмат қиласидилар; ва
 - телефон сўзлашувлари тез уланиши ҳамда узлуксиз бўлиши учун зарур шартшароитларни, шу жумладан, башарти улар мавжуд бўлса, телефон рақамини тўғридан-тўғри териш халқаро тизимларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантиришни таъминлайдилар.
- (30) Улар ўз давлатлари фуқаролари ўртасида тўғридан-тўғри шахсий муносабатларни, хусусан ўз мамлакатлари бўйича алоҳида шахсларнинг сафарларини рағбатлантирадилар ҳамда хорижий фуқароларга ўз фуқаролари билан учрашиш, шунингдек хусусий уйларда тўхташ учун, башарти тегишли таклифнома бўлса, рухсат берадилар.
- (31) Улар ўз ҳудудларидағи озчиликни ташкил қилган миллатларга ёки минтақавий маданиятларга мансуб шахсларнинг мақоми бошқа фуқаролар фойдаланадиган, ЕХҲК Якунловчи ҳужжати ва эслатиб ўтилган бошқа ҳужжатларига мувофиқ одамлар ўртасидаги муносабатларга доир мақомга тенг бўлишини ҳамда бу шахслар бундай муносабатларни сафарлар ва бошқа воситалар орқали, шу жумладан умумий миллий келиб чиқиши ёки маданий месрос уларни бирлаштирадиган бошқа давлатларнинг фуқаролари билан муносабатлар ўрнатишлари ва сақлашлари мумкинлигини таъминлайдилар.
- (32) Улар диндорларга, руҳонийларга ва уларнинг вакилларига гуруҳ таркибида ёки якка тартибда сафарларга бориш, зиёрат қилиш ҳамда мажлисларда ва бошқа диний тадбирларда иштирок этиш орқали ўзларининг ҳамда бошқа мамлакатларда тўғридан-тўғри шахсий муносабатлар ва бир-бири билан муомала қилишини ўрнатиш ҳамда ривожлантиришга рухсат берадилар. Шу маънода ва бундай муносабатлар ҳамда тадбирларга мос даражада уларнинг дини ва эътиқодига тааллуқли диний нашрлар ҳамда диний маросим ашёлари харид қилишга, олишга ва ўзлари билан олиб боришга рухсат этилади.
- (33) Улар 1986 йил 15 апрелдан 26 майгача Бернда бўлиб ўтган Одамлар ўртасидаги муносабатлар бўйича экспертлар кенгаши тўғрисидаги ҳисоботларни тингладилар. Бу Кенгашда ҳеч қандай хулосаларга келишилмаганлигини таъкидлаб, улар фикр алмашув муҳокамаларининг ишончлилигини ва кенг очиқликни мақбул ҳодисалар тарзида қабул қилдилар.

Ахборот

- (34) Улар ўз давлатларидағи билимлар ва ҳаётни англаш мунтазам кенгайишига кўмаклашиш мақсадида ҳаракат қилишини давом эттирадилар, шу тариқа ўз халқлари ўртасида ўзаро ишончнинг ўсишига кўмаклашадилар.
- Улар келгусида барча шакллардаги ахборотнинг эркинроқ ва кенгроқ тарқалишини енгиллаштириш, ахборот соҳасида ҳамкорликни рағбатлантириш

ва журналистларнинг иш шароитларини яхшилаш учун яна ҳаракат қиласидилар.

Шу муносабат билан ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар түғрисидаги халқаро пактга, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳамда ахборотнинг барча шаклларини излаш, олиш ва тарқатишга доир тегишли халқаро мажбуриятларига биноан улар алоҳида шахслар ўз ахборот манбаларини эркин танлашларини таъминлайдилар. Шу маънода улар:

- ўз давлатларида ЖЭВ (жаҳон электр воситалари) радиоэшиттириш қоидаларига мувофиқ амал қиласидиган радио хизматлари эшиттиришлари түғридан-тўғри ва мақбул қабул қилиниши мумкинлигини таъминлайдилар; ҳамда
- алоҳида шахсларга, муассасаларга ва ташкилотларга интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқини ҳурмат қилган ҳолда ҳар қандай турдаги ахборот материалларини олиш, уларга эга бўлиш, уларни яратиш ва тарқатишга рухсат берадилар.

Шу мақсадда улар юқорида эслатиб ўтилган халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларга ва халқаро мажбуриятларга зид бўлган ҳар қандай чеклашларни бартараф этадилар.

- (35) Улар барча шакллардаги ахборотнинг эркинроқ ҳамда кенгроқ тарқалишини таъминлаш учун замонавий, шу жумладан кабель ва сунъий йўлдош орқали алоқа воситалари берадиган барча имкониятлардан фойдаланадилар. Улар ўзларининг тегишли муассасалари, ташкилотлари ва техник эксперtlари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантирадилар ҳамда техник андо-залар ва нормаларни мувофиқлаштириш борасида ишлайдилар. Улар ўзларининг оммавий ахборот воситаларига бу замонавий алоқа воситаларининг таъсирини ҳисобга оладилар.
- (36) Улар ўз ҳудудларида расмий ахборот бюллетенлари бошқа иштирок этувчи давлатларнинг дипломатик ҳамда бошқа расмий миссиялари ва консулилк ваколатхоналари томонидан эркин тарқалишини амалиётда таъминлайдилар.
- (37) Улар радио ва телевидение ташкилотлари томонидан ўзаро келишувлари асосида турли давлатлар вакиллари иштирокидаги дастурлар ва мунозараларнинг түғридан-тўғри олиб борилишини, шунингдек иштирок этувчи давлатларнинг сиёсий ва бошқа арбоблари чиқишилари ҳамда интервьюлари трансляция қилинишини, айниқса улар ўтказиладиган мамлакатларда рағбатлантирадилар.
- (38) Улар радио ва телевидение ташкилотлари томонидан бошқа иштирок этувчи давлатлардаги ҳаётнинг турли жиҳатларини ёритишни ҳамда ўз мамлакатлари ўртасидаги телекўнприклар сони кўпайтирилишини рағбатлантирадилар.
- (39) Улар журналистларнинг ўз профессионал фаолиятини қонуний амалга ошириши уларни мамлакатдан чиқариб юбориш хавфи остига қўймаслигини ва бошқа тарзда жазолашига олиб келмаслигини эслатган ҳолда, журналистни репортажлар мазмуни сабабли аккредитациядан маҳрум қилиш ёки мамлакатдан чиқариб юбориш каби чеклаш чоралари қабул қилишдан ўзларини тийиб турадилар.

- (40) Улар журналистлар, шу жумладан бошқа иштирок этувчи давлатлар оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бўлган журналистлар бундай фаолиятни амалга оширганида, ахборотнинг ижтимоий ва хусусий манбаларидан фойдаланиш йўлларини эркин излашлари ҳамда ўзлари билан алоқада бўлишлари мумкинлигини, шунингдек уларнинг профессионал маҳфийлик эҳтиёжи ҳурмат қилинишини таъминлайдилар.
- (41) Улар журналистларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳурмат қиласидилар.
- (42) Ўзлари ўртасидаги келишувлар асосида зарур бўлганда ҳамда репортажлар мунтазам келиб тушиши мақсадида эҳтиёж туғилганда улар журналистларни аккредитациядан ўтказадилар ва бошқа иштирок этувчи давлатларнинг журналистларига уларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар мамлакатга кўп маротаба кириш рухсатномалари берадилар. Шу асосда улар журналистларни аккредитациядан ўтказиш ҳамда уларга мамлакатга кўп маротаба кириш рухсатномалари бериш даврини кўпи билан икки ойгача қисқартирадилар.
- (43) Улар хорижий журналистларнинг илтимосига кўра мамлакатга аёшларни олиб кириш қоидалари, солиқлар ва турар жой каби амалий масалаларга оид тегишли ахборот тақдим қилиб, уларнинг ишини енгиллаштирадилар.
- (44) Улар расмий матбуот анжуманлари ва мақсадга мувофиқ бўлса, бошқа шу каби расмий тадбирлар, башарти аккредитация талаб этилганда, ундан ўтган хорижий журналистлар учун ҳам очиқ бўлишини таъминлайдилар.
- (45) Улар ўз ҳудудида озчиликни ташкил қилган миллатларга ёки руҳонийларга мансуб шахслар ўз она тилида ахборот тарқатиши, ундан фойдаланиши ва у билан алмашиши мумкинлигини амалиётда таъминлайдилар.
- (46) Улар ахборот тарқалишини, ундан фойдаланишни ва у билан алмашишни яхшилашни, ахборот соҳасидаги ҳамкорликни ва журналистлар иш шароитларини яхшилашни муҳокама қилиш мақсадида Ахборот форуми чақиришга рози бўлмоқдалар. Форум Лондонда 1989 йил 18 апрелдан 12 майгacha бўлиб ўтади. Унда иштирок этувчи давлатларнинг ахборот соҳасидаги арбоблари ҳозир бўладилар. Ахборот форумининг кун тартиби, дастури ва бошқа ташкилий шартлари VIII Иловада баён этилган.

Маданият соҳасидаги ҳамкорлик ва алмашувлар

- (47) Улар ўз маданий ҳамкорлигига, шу жумладан маданият турли соҳаларида ўзаро тузилган ҳар қандай тегишли икки томонлама ва кўп томонлама битимларни ижро этиш орқали кўмаклашадилар ҳамда уни тўлалигича амалга оширадилар.
- (48) Улар маданият масалалари билан қизиқадиган ноҳукумат ташкилотларнинг давлат муассасалари билан биргаликда битимлар ва муайян лойиҳалар, шунингдек маданий алмашувга оид амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва уларнинг амалга оширилишида иштирок этишини рафбатлантирадилар.
- (49) Улар ўзаро келишувга кўра ўз ҳудудида бошқа иштирок этувчи давлатларнинг маданий институтлари ёки марказларини тузишга кўмаклашадилар. Бундай институтлар ёки марказларга жамоатчиликнинг монеликсиз кириши, шунингдек уларнинг рисоладагидек фаолият кўрсатиши таъминланади.

- (50) Улар ўз худудларида бошқа иштирок этувчи давлатларнинг шахслари ёки муассасалари томонидан ташкил этиладиган маданий тадбирларда жамоат-чиликнинг монеликсиз иштирокини таъминлайдилар ҳамда ташкилотчиларга қабул қилувчи мамлакатда бу тадбирларни реклама қилувчи воситалардан йўл қўйиладиган даражада фойдаланишини таъминлайдилар.
- (51) Улар ўзида ва шу давлатларда ўз фуқаролари учун бошқа иштирок этувчи давлатларнинг ижодий фаолияти билан бевосита танишиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ҳам якка тартибда, ҳам жамоа таркибида маданият соҳасида тўғридан-тўғри шахсий алоқаларни, шунингдек маданият муассасалари, ижодкор ходимлар ва ижрочи артистлар уюшмалари ўртасида ги муносабатларни енгиллаштирадилар ва рағбатлантирадилар.
- (52) Улар санъат асарлари ва бошқа маданият ашёлари монеликсиз муомалада бўлишини таъминлайдилар, маданий меросни сақлашга қаратилган, интеллектуал ва адабий-бадиий мулк ҳуқуқларини хурмат қилишга асосланган ёки маданий мулк муомаласига оид халқаро мажбуриятлардан келиб чиқадиган чеклашлар бундан мустасно.
- (53) Улар турли иштирок этувчи давлатлардан маданий фаолият билан шуғулнаётган шахсларнинг ҳамкорлигини ва биргаликдаги бадиий ижодкорлигини рағбатлантирадилар; мақсадга мувофиқ топилганда шу мақсадда бундай шахслар, муассасалар ва ташкилотларнинг муайян ташабbusларига кўмаклашадилар ҳамда бу ташабbusларда ўшларнинг иштирокини рағбатлантирадилар. Шу маънода улар бошқа иштирок этувчи давлатларнинг шахслари эркин қатнашиши ва ўз ҳиссасини қўшиши мумкин бўлган учрашув ва симпозиумлар, кўргазмалар, ансамбллар ёки труппалар фестиваллари ҳамда гастроллари, шунингдек тадқиқот ва ўқув дастурлари ўтказилишини рағбатлантирадилар.
- (54) Маданий тадбирларда иштирок этишга таклиф этилган шахслар ёки гурӯхларни алмаштириш айrim ҳоллардагина ва қабул қилувчи тарафнинг олдиндан розилиги асосида билан амалга оширилади.
- (55) Улар киноҳафталар, шу жумладан, башарти бу мақсадга мувофиқ бўлса, артистлар ва эксперплар учрашувлари, шунингдек кинематография санъати тўғрисида лекциялар ўтказилишини рағбатлантирадилар, биргаликда фильм яратиш мақсадида кинорежиссерлар ҳамда продюсерлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни енгиллаштирадилар ва рағбатлантирадилар ҳамда киноматериалларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликни ва кинематография тўғрисида ги техник ахборот ва нашрлар билан алмашувни рағбатлантирадилар.
- (56) Улар маданият асарлари ҳамда стандарт шаклдаги саҳна асарларининг библиографиялари ва каталогларини компьютерлаштириш, шунингдек уларни тарқатиш имкониятларини ўрганадилар.
- (57) Улар музейлар ва бадиий галереяларнинг, хусусан кўргазмалар ташкил этиш учун, шу жумладан санъат асарларини улардан вақтинчалик фойдаланишга бериш ҳамда каталоглар алмашиб учун тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантирадилар.
- (58) Улар Якунловчи ҳужжатнинг ва Мадрид Якуний ҳужжатининг кам тарқалган тилларга оид барча қоидаларини амалга ошириш бўйича ўз ҳаракатларини қайтадан бошлайдилар. Улар бу тиллардан ва бу тилларга бадиий таржи-

малар сони кўпайиши ҳамда сифати яхшиланишига қаратилган, хусусан таржимонлар, муаллифлар ва ноширлар иштирокида семинарлар ўтказиш, луғатлар чоп этиш ва мақсадга мувофиқ бўлганда стипендиялар ажратиш асосида таржимонлар алмашиш ташаббусларини рағбатлантирадилар.

- (59) Улар ўз ҳудудида озчиликни ташкил қилган миллатларга ёки минтақавий руҳонийларга мансуб шахслар ўз маданиятини сақлаши ва барча жиҳатларда, шу жумладан тили, адабиёти ва динини ривожлантириши ҳамда ўз маданий ва тарихий ёдгорликлари ҳамда обьектларини асрashi имкониятларини таъминлайдилар.
- (60) Улар 1985 йил 15 октябрдан 25 ноябргача Будапештда бўлиб ўтган «Маданий форум» борасида қилинган ишлар ва илгари сурилган фойлар тўғрисидаги ҳисоботларни тингладилар. Форумда ҳеч қандай хulosаларга келишилмаганлигини таъкидлаган ҳолда улар шуни маъқулладиларки, у ерда илгари сурилган фойдали фойлар ва қоидаларнинг кўплари ЕХҲК Вена учрашувида қайта кўрилди ҳамда иштирок этувчи давлатларда муассаса ва ташкилотлар ўз фаолиятини бу фойлар асосида ташкил этдилар. Улар маданият соҳасидаги етакчи арбобларга бу тадбирга кўшган муҳим ҳиссалари учун миннатдорчилик билдириб, орттирилган тажриба доирасида шу каби бўлажак учрашувларда ҳамда улардан ташқарида эркин ва бемалол муҳокама қилиш имкониятини яратадиган шарт-шароитлар таъминлаш муҳимлигини таъкидладилар.
- (61) Маданиятларининг ўзига хослигини ва хилма-хиллигини тегишли тарзда эътиборга олган ҳолда, улар ўз маданий мероси умумий жиҳатларини ўрганишга ва яхшироқ англашни таъминлашга қаратилган ҳаракатларни рағбатлантирадилар. Тегишинча улар бошқа иштирок этувчи давлатларнинг барча шакллардаги маданий мероси ҳақидаги билимларни, шу жумладан минтақавий жиҳатлари ва халқ ижодкорлиги ҳақидаги билимларни яхшилашга кўмаклашиш мумкин бўлган ташаббусларни рағбатлантирадилар.
- (62) Улар ЕХҲК иштирок этувчи давлатларининг маданий мероси бўйича симпозиумни чақиришга рози бўлмоқдалар. Симпозиум Krakowda 1991 йил 28 майдан 7 июнгача бўлиб ўтади. Унда иштирок этувчи давлатларнинг маданият соҳасида банд бўлган олимлари ва бошқа арбоблари ҳозир бўладилар. Кун тартиби, дастур ва бошқа ташкилий шарт-шароитлар IX Иловада баён этилган.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик ва алмашувлар

- (63) Улар барчага ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати, туғилиши ёхуд бошқа ҳолат бўйича камситмасдан таълимнинг ҳар хил турлари ва дарражаларидан фойдаланишни таъминлайдилар.
- (64) Фан ва таълим соҳасида кенгроқ ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида улар университетлар ва бошқа олий ўқув юртлари ҳамда тадқиқот институтлари ўртасида монеликсиз муомала қилишга кўмаклашадилар. Улар шу соҳада банд олимлар, тадқиқотчилар ва бошқа шахслар ўртасида тўғридан-

- тўғри шахсий алоқаларга, шу жумладан сафарларга бориш орқали муносабатларга ҳам кўмаклашадилар.
- (65) Улар иштирок этувчи давлатларнинг олимлари, ўқитувчилари ва талабаларига оммавий архив, кутубхоналар, тадқиқот институтлари ва шу каби муассасалардаги очиқ ахборот материалларидан монеликсиз фойдаланишни ҳам таъминлайдилар.
- (66) Улар зарур бўлганда ўз мамлакатлари ўртасида икки томонлама келишувлар асосида ўқувчиларни бошқа иштирок этувчи давлатлардаги ҳаёт, анъаналар ва таълим билан танишириш мақсадида ўқувчилар алмашувига, шу жумладан учрашувларга ва қабул қилувчи мамлакат оиласларининг уйларида яшашларига кўмаклашадилар.
- (67) Улар, башарти бу мақсадга мувофиқ бўлса, тегишли ҳукумат муассасалари ёки ўқув юртлари томонидан Якунловчи ҳужжатнинг тўлалигича мактаб ва университетларнинг ўқув дастурларига киритилишини рағбатлантирадилар.
- (68) Улар ўз худудида озчиликни ташкил қилган миллатларга ёки минтақавий руҳонийларга мансуб шахслар ўз маданияти тўғрисида билим беришлари ёлишларини, шу жумладан ота-оналар томонидан ўз болаларига тил, дин ва маданиятга оид ўзига хос фазилатлар сингдирилиши орқали таъминлайдилар.
- (69) Улар радио ва телевидение ташкилотларининг бир-бирини таълим дастурлари яратганлари тўғрисида хабардор қилишини рағбатлантирадилар ва бундай дастурлар билан алмашув учун имкониятларни кўриб чиқадилар.
- (70) Улар тегишли ҳукумат муассасалари ёки ташкилотлари ўртасида таълим ва фан соҳасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни ҳамда ҳамкорликни рағбатлантирадилар.
- (71) Улар келгусида таълим ва жисмоний ёки ақлий ноқис болаларда мақбул қобилиятларни тиклаш соҳасида ихтисослашган муассасалар ва эксперtlар ўртасида ҳамкорликни ва алоқаларни рағбатлантирадилар.

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИННИНГ ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ

Иштирок этувчи давлатлар,

EXХК Якунловчи ҳужжати ва бошқа ҳужжатлари бўйича зиммаларига юклатилган инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш, одамлар ўртасидаги муносабатлар ва шу билан боғлиқ бошқа гуманитар тусдаги масалаларга оид мажбуриятлар ҳақида эслаб,

EXХК бўйича барча мажбуриятлар бажарилишини ва куйида **EXХК** инсонийлик мезонлари деб аталадиган ушбу соҳаларда ўз ҳамкорлигини яхшилаш зарурлигини эътироф этиб,

EXХК Якунловчи ҳужжати ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларининг принциплари ва қоидалари асосида куйидагиларга қарор қилдилар:

1. **EXХК** инсонийлик мезонларига тааллуқли масалалар юзасидан ахборот алмашиш ҳамда бошқа иштирок этувчи давлатлар томонидан берилган ах-

борот тұғрисидаги сўровномаларга ва тақдимномаларга жавоб қайтариш. Бундай мурожаатлар дипломатик каналлар бўйича юборилиши ёки шу мақсадларда тайинланган ҳар қандай органга йўлланиши мумкин;

2. EXXK инсонийлик мезонларига тааллуқли масалани ўрганиш мақсадида бошқа иштирок этувчи давлатлар билан, башарти улар шуни хоҳласа, икки томонлама учрашувлар ўтказиш. Бундай мурожаатлар дипломатик каналлар бўйича юборилиши ёки шу мақсадларда тайинланган ҳар қандай органга йўлланиши мумкин;
3. ҳар қандай иштирок этувчи давлат, башарти у буни зарур деб ҳисобласа, EXXK инсонийлик мезонларига оид ҳодиса ва воқеаларга, шу жумладан 2-бандда назарда тутилган икки томонлама учрашувларда кўтарилган масалаларга бошқа иштирок этувчи давлатларнинг эътиборини жалб қилиши мумкин;
4. ҳар қандай иштирок этувчи давлат, башарти у буни зарур деб ҳисобласа, ахборот алмашуви ва унинг ахборотга оид сўровномаларига ҳамда тақдимномаларига жавоблар (1-банд) тўғрисидаги ва икки томонлама учрашувлар натижалари (2-банд) тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан ҳодисалар ва муайян воқеаларга оид ахборотни Инсонийлик мезонлари бўйича Конференция кенгашларида, шунингдек EXXKнинг келгуси асосий учрашувларида тақдим этиши мумкин.

Иштирок этувчи давлатлар инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини хурмат қилишга, одамлар ўртасидаги муносабатларга ва шу билан боғлиқ бош қа гуманитар тусдаги масалаларга нисбатан муваффақиятларга эришиш мақсадида келгусида EXXK инсонийлик мезонлари бўйича Конференциясини чақиришга қарор қилдилар. Конференция EXXKнинг келгуси учрашувига қадар ўзининг учта кенгашини ўтказади.

Конференция:

- EXXK инсонийлик мезонларига нисбатан вазият ривожланишининг, шу жумладан EXXK бўйича тегишли мажбуриятлар бажарилишининг таҳлилини ўтказади;
- 1—4-бандларда назарда тутилган тартиботлар амал қилишини баҳолайди ва 4-банд— га мувофиқ тақдим этилган ахборотни муҳокама қиласди;
- EXXK инсонийлик мезонларига тааллуқли мажбуриятлар бажарилишини яхшилашга ва 1-4 бандларда тавсиф этилган тартиботлар самарадорлигини кучайтиришга қаратилган янги чора-тадбирлар ҳақидаги амалий таклифни кўриб чиқади.

Бу таклифлар асосида Конференция янги чора-тадбирлар кўриш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

Конференциянинг биринчи кенгashi Парижда 1989 йил 30 майдан 23 июнгача ўтказилади.

Конференциянинг иккинчи кенгashi Копенгагенда 1990 йил 5 июндан 29 июнгача ўтказилади.

Конференциянинг учинчи кенгashi Москвада 1991 йил 10 сентябрдан 4 октябргача ўтказилади.

Кун тартиби, дастур ва бошқа ташкилий шарт-шароитлар X Иловада баён этилган.

ЕХХКнинг 1992 йил 24 мартадан бошлаб Хельсинкида ўтказиладиган кейинги асосий учрашуви 1-4 бандларда баён этилган тартиботлар амал қилишини ҳамда ЕХХК инсонийлик мезонлари бўйича Конференциясининг кенгашларида эришилган муваффақиятларни баҳолайди. У бу тартиботларни янада кучайтириш ва яхшилаш йўлларини кўриб чиқади ҳамда тегишли қарорлар қабул қиласди.

КЕНГАШДАН КЕЙИНГИ КЕЛГУСИ ҚАДАМЛАР

Якунловчи хужжатнинг тегишли қоидаларига амал қилган ҳолда ҳамда ЕХХК томонидан бошланган кўп томонлама жараённи давом эттиришга ўзлари қарор қилганилиги ва бунга ўзларининг содиклигига мувофиқ иштирок этувчи давлатлар ўз вакиларининг келгуси учрашувларини мунтазам ўтказадилар.

Келгуси қадамлар доирасидаги кейинги, тўртинчи асосий учрашув 1992 йил 24 мартадан бошлаб Хельсинкида ўтказилади.

Вена учрашуви кун тартиби, ишчи дастури ва шартлари *mutatis mutandis* тарзида Хельсинкидаги асосий учрашувга нисбатан, башарти бу масалалар юзасидан бошқа қарорлар кўйида эслатиб ўтилган тайёргарлик учрашуви томонидан қабул қилинмаса, қўлланилади.

Вена асосий учрашувида қўлланилган кун тартиби, ишчи дастури ва шартларига аниқликлар киритиш мақсадида Хельсинкида 1992 йил 10 мартадан бошлаб тайёргарлик учрашуви ўтказилади. Шунга эришилдики, бу борадаги аниқликлар қуръа ташлаш санаси ва жойи ўзгаргани натижасида тузатиш талаб этадиган бандларга, шунингдек 1986 йилги Вена учрашуви қарорларига мувофиқ ўтказиладиган бошқа учрашувлар тўғрисидаги эслатмаларга, тааллуқлидир. Тайёргарлик учрашуви давомийлиги икки ҳафтадан ошмайди.

Мазкур хужжатда ЕХХК келгуси учрашувлар учун эслатиб ўтилган кун тартиби, ишчи дастури ва шартлар Вена асосий учрашувида тайёрланган. Бу учрашувларнинг натижалари Хельсинкидаги асосий учрашувда тегишли тарзда эътиборга олинади.

Ушбу бўлимда эслатиб ўтилган барча учрашувлар Якунловчи хужжатнинг «Кенгашдан кейинги келгуси қадамлар» бўлимининг 4— бандига мувофиқ ўтказилади.

Иштирок этувчи давлатлар ЕХХКнинг келгуси учрашувлари учун шартларни тартибга солиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда хомашёлардан яхшироқ фойдаланишни таъминлаш имкониятини кўриб чиқдилар. Бу тадқиқот борасида ҳамда Вена асосий учрашувида қабул қилинган қадамлар, шу жумладан мазкур хужжатга илова қилинадиган мандатларни ишлаб чиқиши муносабати билан улар:

- тайёргарлик учрашувларисиз, башарти бошқа қарорга эришилмаса, иш кўришга;
- учрашув мақсадини ҳисобга олган ҳолда мумкин қадар мажлислар бир ваҳтнинг ўзида ўтказиладиган ёрдамчи органлар сонини чеклаб қўйишга;
- учрашувлар давомийлигини, башарти бошқа қарорга эришилмаса, турт ҳафтадан ошмайдиган қилиб чеклаб қўйишга;
- ноҳукумат мақоми бўлган иштирокчилар таклиф этиладиган учрашувлар бўлган тақдирда, жонли муҳокамани таъминлаш учун норасмий мажлислар ўтказиш имкониятидан тўла фойдаланишга;

- қабул қилувчи мамлакат сифатида миллий кунни нишонлашга қарор қилдилар.

Хельсинкидаги асосий учрашув бу чора-тадбирлар ва бошқа шартлар таҳлилини зарур бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгаришлар киритиш мақсадида, ортирилган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўтказади.

Мазкур ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига, ЮНЕСКО Бош директорига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодий комиссияси Ижрочи котибига ҳамда ушбу ҳужжатда эслатиб ўтилган бошқа халқаро ташкилотларга тошириш илтимоси билан Австрия ҳукуматига мурожаат қилинмоқда. Австрия ҳукуматига ушбу ҳужжатни унда қатнашмайдиган Ўрта ер денгизи давлатлари ҳукуматларига тошириш илтимоси билан ҳам мурожаат этилмоқда.

Бу ҳужжатнинг матни ҳар бир иштирок этувчи давлатда чоп этилиб, бу давлат уни тарқатади ва мумкин қадар кенг ошкор қиласди.

Иштирок этувчи давлатлар вакиллари Австрия халқи ва ҳукуматига Вена учрашуви аъло даражада ташкил этилгани ҳамда бу учрашувда қатнашган делегацияларга кўрсатилган самимий ва очиқ қабул учун ўз чуқур миннатдорчилигини билдирадилар.

Х ИЛОВА

ЕХҲК ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯ КЕНГАШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ КУН ТАРТИБИ, ДАСТУРИ ВА БОШҚА ТАШКИЛИЙ ШАРТЛАРИ

I. КУН ТАРТИБИ

1. Кенгашнинг расмий очилиши. Қабул қилувчи мамлакат вакилининг табрик сўзи.
2. Иштирок этувчи давлатлар вакилларининг кириш баёноти.
3. Иштирок этувчи давлатларда инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини хурмат қилишга, одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда шу билан боғлиқ гуманитар тусдаги бошқа масалаларга, шу жумладан ЕХҲК бўйича тегишли мажбуриятларни бажаришга нисбатан вазият тўғрисида фикр алмашув.
4. 1—4-бандларда баён этилган тартиботлар амал қилишини баҳолаш ҳамда ЕХҲК ушбу Якунловчи ҳужжатининг инсонийлик мезонларига тааллуқли бўлими 4-бандига мувофиқ тақдим этилган ахборотни муҳокама қилиш.
5. ЕХҲК инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар бажарилиши ва ҳамкорликни яхшилашга ҳамда эслатиб ўтилган тартиботлар самарадорлигини оширишга қаратилган янги чораларга нисбатан амалий таклифлар тақдим қилиш ва кўриб чиқиш.
6. Иштирок этувчи давлатлар вакилларининг якуний баёнотлари.
7. Кенгашнинг расмий ёпилиши.

ХІ ИЛОВА

ВЕНА ЯКУНЛОВЧИ ҲУЖЖАТИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН КЕЛГУСИ ҚАДАМЛАР ДОИРАСИДА ЕХҲҚ КЕНГАШЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА УЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ЭРКИНЛИГИ ТҮҒРИСИДА РАИС БАЁНОТИ

Якунловчи ҳужжатнинг тегишли қоидаларига асосланган ҳамда қабул қилувчи мамлакатлар томонидан амалга ошириладиган ЕХҲҚ кенгашларининг очиқлиги ва уларда иштирок этиш эркинлиги амалиёти ижобий тарзда ривожланмоқда. Хусусан, бу амалиёт қабул қилувчи мамлакатга кириш эркинлигини беришга, ЕХҲҚ кенгашлари мажлислари ўтказиш жойи ва уларнинг ҳам қабул қилувчи мамлакат, ҳам хорижий оммавий ахборот воситалари, ноҳукумат ташкилотлар ёки диний гурӯҳлар вакиллари ва фуқароларнинг хусусий шахслари учун очиқлигига, вакиллар ёки меҳмонлар ва қабул қилувчи давлат фуқаролари ўртасида монеликсиз муносабатлар ўрнатишга; ЕХҲҚ билан боғлиқ фаолиятнинг ҳурмат қилинишига, шу жумладан тинчлик йўли билан мажлислар ўтказилишига ва журналистларнинг монеликсиз репортажлар узатиш, шунингдек ЕХҲҚ бўйича мажбуриятларига мувофиқ профессионал фаолиятини олиб бориш эркинлигини ҳурмат қилишга тааллуқlidir. Бу тажриба доирасида барча иштирок этувчи давлатлар ўртасида шунга эришилдики, Вена Якунловчи ҳужжатида эслатиб ўтилган келгуси қадамлар доирасида ЕХҲҚ кенгашлари бўлиб ўтадиган мамлакатлар ҳукуматлари охирги пайтда Вена учрашувида кўлланилган амалиётга риоя эта-дилар ва уни кенгайтирадилар.

ЕХҲК ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА
КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ КОПЕНГАГЕН
КЕНГАШИ ҲУЖЖАТИ
Копенгаген, 1990 йил 29 июнь

Иштирок этувчи давлатлар 1989 йил Парижда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши(ЕХҲК) инсонийлик мезонлари бўйича Конференциясининг биринчи Кенгаши ўтказилганидан сўнг Европада рўй берган туб сиёсий ўзгаришларни катта мамнуният билан маъқуллайдилар. Улар бу ўзгаришларга ЕХҲК жараёни жиддий таъсир кўрсатганини ва бу воқеалар ўз навбатида ЕХҲКнинг Якунловчи ҳужжати ва бошқа ҳужжатлари қоидаларининг бажарилишини кўп даражада олға силжитганини таъкидлайдилар.

Улар инсоннинг барча ҳукуқлари ва асосий эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш, одамлар ўртасида муносабатларни ривожлантириш ва шу билан боғлиқ гуманитар тусдаги масалаларни ҳал қилиш учун хилма-хил демократия ва ҳукуқий давлат жиддий зарурлигини эътироф этадилар. Шу сабабли улар барча иштирок этувчи давлатлар томонидан демократия ва сиёсий плюрализм фояларига садоқатни, шунингдек уларнинг эркин сайловлар ва қонун устуворлиги асосида демократик жамиятлар қуриш ҳақида умумий қарорга келганикларини маъқуллайдилар.

Копенгаген кенгашида иштирок этувчи давлатлар инсонийлик мезонлари соҳасидаги ўз мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Улар Париж кенгаши ўтказилганидан сўнг ЕХҲК ҳужжатларининг тегишли қоидалирида акс эттирилган мажбуриятларга амал қилиш даражаси анча ошганлиги ҳақида фикр билдирилар. Лекин улар инсонийлик мезонларига тааллуқли бўлган ўз мажбуриятларини тўлароқ бажариш учун келгуси қадамлар қўйиш кераклиги ҳақида ҳам фикр билдирилар.

Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини тўла ҳурмат қилиш, фикрлар хилма-хиллигига таянган демократия ҳамда қонун устуворлигига асосланган жамият ривожланиши – улар Европада қарор топтиришга ҳаракат қилаётган мустаҳкам тинчлик, хавфсизлик, адолат ва ҳамкорликнинг барқарор вазиятини таъминлаш учун зарур шарт эканлигига ишонч билдирадилар. Шу боис улар ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари соҳасига оид Якунловчи ҳужжати қоидалари ва бошқа ҳужжатларига тўла ҳажмда риоя этиш мажбуриятларини тасдиқлайдилар ва эришилган муваффақиятларни бундан буён ҳам ривожлантириш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Улар ўз муштарак мақсадларига доимий равишда эришишни таъминлаш учун ўзаро ҳамкорлик ҳамда алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилот ва муассасаларнинг фаол иштироки жуда зарур эканлигини эътироф этадилар.

Инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини ҳурматлашга ҳамда амалга оширишга, одамлар ўртасида муносабатларни ривожлантириш ва шу билан боғлиқ бошқа гуманитар тусдаги масалаларни ечишга қўмаклашиш мақсадида иштирок этувчи давлатлар қўйи— дагиларга розилик билдирадилар:

I

- (1) Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш бошқарувнинг асосини ташкил этувчи мақсадларидан бири эканлигига ишонч билдирадилар ҳамда бундай ҳуқуқлар ва эркинликларни эътироф этиш озодлик, адолат ва тинчликнинг асоси ҳисобланишини тасдиқлайдилар.
- (2) Улар ҳуқуқий давлатнинг асосини ташкил этадиган адолатнинг бундай принципларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қарор қилганлар. Улар ҳуқуқий давлат демократик тартибга эришиш ва уни сақлаб туриш борасида мунтазамлик ва изчилликни таъминлайдиган, нафақат қонунийликни, балки инсон шахси олий қадрият эканлигини тан олиш ва тўлиқ қабул этишга асосланган ҳамда бунинг энг тўла намоён бўлишини таъминловчи тузилмалар ташкил этувчи муассасалар томонидан кафолатланадиган адолатни англатади, деб ҳисоблайдилар.
- (3) Улар демократия ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланишини тасдиқлайдилар. Улар сиёсий ташкилотларга нисбатан фикрлар хилма-хиллиги аҳамиятини эътироф этадилар.
- (4) Улар бир-бирларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андозаларга мувофиқ ўз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин танлаш ва ривожлантириш ҳуқуқини ҳурмат қилишларини тасдиқлайдилар. Бу ҳуқуқни рўёбга чиқариб, улар ўзларининг қонунлари, маъмурий қоидалари, амалиёти ва сиёсати уларнинг халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мос келишини ҳамда ЕХҲК бўйича принциплар Декларацияси қоидаларига ва бошқа мажбуриятларга мувофиқ бўлишини таъминлайдилар.
- (5) Улар тантанали радиша шуни баён қиласидиларки, инсон шахсига хос қадр-қимматни ҳамда барча одамларнинг teng ва ажралмас ҳуқуқларини тўла-роқ ифода этиш учун зарур адолат мезонлари сирасига қўйидагилар киради:
 - (5.1) – амалиётда сайловчиларнинг ўз вакилларини сайлашлари чоғида фикр билдиришни таъминлайдиган шароитларда яширин овоз бериш ёки шунга teng овоз бериш йўли билан оқилона вақт оралиqlари ўртасида ўтказиладиган эркин сайловлар;
 - (5.2) – ўз моҳияти жиҳатидан бошқарувнинг вакиллик шакли, бунда ижроия ҳокимиияти сайланган қонун чиқарувчи органларга ёки сайловчиларга ҳисобдор бўлади;
 - (5.3) – ҳукумат ва давлат ҳокимииятининг конституцияга риоя этиш ва қонунга мос тарзда иш юритиш мажбурияти;
 - (5.4) – давлат ва сиёсий партиялар ўртасида аниқ бўлиниш, жумладан сиёсий партиялар давлат билан қўшилиб қетмайди;
 - (5.5) – ҳукумат ва маъмуриятнинг, шунингдек, суд органларининг фаолияти қонун томонидан белгиланган тизимга мувофиқ амалга оширилади. Бундай тизимнинг ҳурмат қилиниши таъминланган бўлиши керак;

- (5.6) – куролли күчлар ва полиция фуқаролар ҳокимиюти назоратида бўлади ҳамда уларга ҳисобдордир;
- (5.7) – инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари қонун билан кафолатланади ҳамда халқаро ҳуқуқ мажбуриятларига мувофиқ бўлади;
- (5.8) – тегишли ошкор тартибот тугаллангач, қабул қилинган қонунлар ва маъмурӣ қоидалар матбуотда чоп этилади, бу уларнинг кўлланилиши шартидир. Бу матнлар ҳамманинг танишиши учун очиқ бўлади;
- (5.9) – барча одамлар қонун олдида тенг ва ҳеч қандай камситилишсиз қонун томонидан бир хил ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Шу муносабат билан қонун ҳар қандай камситишни тақиқлайди ҳамда барча шахсларга қайсиdir сифат бўйича камситишдан тенг ва самарали ҳимоя қилинишни кафолатлайди;
- (5.10) – асосий ҳуқуқларнинг ҳурмат қилинишини кафолатлаш ва ҳуқуқий тизимга зарар етказилмаслигини таъминлаш учун ҳар бир киши маъмурий қарорларга қарши ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларига эга бўлади;
- (5.11) – бирор-бир шахсга қаратилган маъмурий қарорлар тўла асосланган ва, одатда, уларда ҳуқуқий ҳимоянинг мавжуд бўлган оддий воситалари кўрсатилиши керак;
- (5.12) – судьяларнинг мустақиллиги ва давлат суд хизматининг ҳаққоний амал қилиши таъминланади;
- (5.13) – адвокатларнинг мустақиллиги эътироф этилади ва ҳимоя қилинади, жумладан бу уларни ишга қабул қилиш шартларига тааллуқидир;
- (5.14) – жиноят процессига тегишли нормалар ишни кўриб чиқишга ва ишни кўриб чиқишдан аввал ҳамда бир вақтнинг ўзида бўлган чораларга нисбатан ваколатнинг таърифидан иборат бўлади;
- (5.15) – жиноий айлов бўйича ҳар бир ҳибсга олинган ва ушланган шахс ҳибсга олинганлиги ёки ушланганлигининг қонунийлигига оид қарор чиқариши учун зудлик билан судья ёки қонун томонидан бундай вазифани амалга оширишга ваколатли бошқа мансабдор шахсга етказилиш ҳуқуқига эга;
- (5.16) – ҳар бир киши ўзига қўйилаётган жиноий айловни кўриб чиқишида ёки бошқа ҳар қандай фуқаролик процессида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда қонунга асосан тузилган ваколатли, мустақил ҳамда одил суд томонидан адолатли ва очиқ муҳокама қилиниш ҳуқуқига эга;
- (5.17) – суд тартибида таъқибга олинган ҳар қандай шахс ўзини шахсан ёки зудлик билан ўзи танлаган ҳимоячи орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига, башарти бу шахс ҳимоячи хизматларига тўлаш учун етарли маблағи бўлмаса, қачонки буни одил судлов манфаатлари талаб қиласа, бундай хизматлардан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;
- (5.18) – ҳеч ким қандайдир жиноий қилмиш учун, башарти бу жиноят элементларини равшан ва аниқ белгилаб берадиган қонунда бу жиноят кўзда тутилмаган бўлсагина, айбланмайди, судланмайди ёки ҳукм қилинмайди;
- (5.19) – ҳар бир шахс унинг айбдорлиги қонунга биноан исботланмагунга қадар айбсиз ҳисобланади;
- (5.20) – миллий даражада қонун устуворлигини таъминлашга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ воситаларининг ҳиссасини муҳим ҳисоблаб, иш-

тирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, улар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар түғрисидаги халқаро пактга, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар түғрисидаги халқаро пактга ҳамда бошқа тегишили халқаро ҳуқуқий воситаларга қўшилиш масаласини, башарти улар буни ҳали амалга оширмаган бўлсалар, кўриб чиқадилар;

- (5.21) – ҳуқуқий ҳимоянинг ички чора-тадбирларини тўлдириш ва иштирок этувчи давлатлар томонидан ўз зиммаларига олинган халқаро мажбуриятлар ҳурмат қилинишини яхшироқ таъминлаш учун иштирок этувчи давлатлар халқаро органларда алоҳида шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси тартиботини назарда тутадиган Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Европа конвенцияси ёки Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар түғрисидаги халқаро пактнинг Факультатив протоколи каби инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид минтақавий ёки универсал халқаро конвенцияга қўшилиш масаласини кўриб чиқадилар.
- (6) Иштирок этувчи давлатлар шуни баён қиласидиларки, мунтазам ўтказиладиган ва ҳақиқий сайловлар борасида эркин ҳамда чинакам ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асосидир. Иштирок этувчи давлатлар тегишинча ўз фуқароларининг бевосита ёки ҳақиқий сайлов жараёнида ўзлари эркин сайлайдиган вакиллар орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқларини ҳурмат қиласидилар. Улар халқ ҳоҳиш-иродасининг ифодаси орқали эркин ўрнатилган демократик тартибни ўз қонунлари, халқаро ҳуқуқ бўйича ўзларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ терроризмдан ёки зўравонликдан фойдаланадиган ёки уларни бартараф этишни рад қиласидиган ёхуд бошқа иштирок этувчи давлатдаги бундай тартибни йўқ қилишга қаратилган терроризмни ёки зўравонликни рад этишдан бош тортадиган алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларнинг фаолиятидан ҳимоя қилиш ва муҳофазалашдаги ўз масъулиятини эътироф этадилар.
- (7) Халқ ҳоҳиш-иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун иштирок этувчи давлатлар:
- (7.1) – қонунда белгиланганидек оқилона вақт оралиғида эркин сайлов ўтказадилар;
- (7.2) – миллий қонун чиқарувчи органнинг ҳеч бўлмаса бир палатасидаги ҳамма мандатлар умумхалқ сайлови жараёнида номзодлар эркин тортишувининг обьекти бўлишига йўл қўядилар;
- (7.3) – катта ёшдаги фуқароларга умумий ва teng сайлов ҳуқуқини кафолатлайдилар;
- (7.4) – овоз бериш яширин ўтказилишини ёки эркин овоз беришга teng келадиган тартибот қўлланилишини ва овозларни ҳисоблаш ҳамда бу ҳақдаги ахборот ҳаққоний бўлишини, унинг расмий якунлари эса матбуотда эълон қилинишини таъминлайдилар;
- (7.5) – фуқароларнинг шахс сифатида ёки сиёсий партияларнинг ёхуд ташкилотларнинг вакили сифатида, камситишларсиз, сиёсий мавқега ёки давлат лавозимларига эришиш ҳуқуқларини ҳурмат қиласидилар;
- (7.6) – алоҳида шахсларнинг ёки шахслар гуруҳларининг тўла эркинлик шароитида ўз сиёсий партияларини ёки бошқа сиёсий ташкилотларни тузиш ҳуқуқини

хурмат қиладилар ҳамда бундай сиёсий шартиялар ва ташкилотларга ҳуқук ва давлат органлари олдида тенглик асосида, бир-бiri билан мусобақалашиш имконини берувчи зарур юридик кафолатлар берадилар;

- (7.7) – ҳеч қандай маъмурий ҳаракат, зўравонлик ёки қўрқитиши партия ва номзодларни ўз қарашлари ҳамда баҳолашларини эркин баён этишдан тўхтата олмайдиган, шунингдек, сайловчиларга бу қарашлар ва баҳолашлар билан танишиш ва уларни муҳокама қилиш ёки жазоланишдан қўрқмасдан эркин овоз бериш учун ҳеч ким халақит бермайдиган эркинлик ва ҳаққонийлик шароитида сиёсий кампаниялар ўтказилишига қонун ва давлат сиёсати йўл қўйишини таъминлайдилар;
 - (7.8) – оммавий ахборот воситаларидан монсликсиз фойдалана олиш учун сайлов жараённида иштирок этишни хоҳловчи барча сиёсий групкалар ва алоҳида шахсларга камситмаслик асосида қандайдир юридик ёки маъмурий тўсиқлар ўрнатилмаслигини таъминлайдилар;
 - (7.9) – қонунда белгиланган зарур миқдорда овоз олган номзодлар лозим даражада мансабларини эгаллаши ва мансабларида ваколат муддати тугагунга қадар ёки бошқа, демократик парламент ва конституциявий тартиботга мос рашида қонун билан мувофиқлаштириладиган тарзда ваколатлари тугатилгунга қадар қолишларини таъминлайдилар;
- (8) Иштирок этувчи давлатлар ҳам хорижий, ҳам миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараённинг обўйини ошириши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар ЕХҲКда иштирок этувчи ҳар қандай бошқа давлатдан ҳамда ҳар қандай тегишли муассаса ва ташкилотлардан кузатувчиларни қонун йўл қўядиган даражада миллий сайлов боришини қузатиш учун таклиф қиладилар. Худди шунингдек, улар умуммиллий даражадан настроқ даражада ўтказиладиган сайлов жараёнларида иштирок этиш учун ҳам кўмаклашишга ҳаракат қиладилар. Бундай кузатувчилар сайлов жараённига аралашмаслик мажбуриятини ўз зиминаларига оладилар.

II

- (9) Иштирок этувчи давлатлар қўйидагиларни тасдиқлайдилар:
- (9.1) – ҳар бир киши ўз фикрини ифодалаш, шу жумладан муомала қилиш ҳуқуқини эркин тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқук ўз фикрида бўлиш ҳамда давлат ҳокимияти томонидан аралашувсиз ва давлат чегараларида қатъи назар ахборот ҳамда foяларга эга бўлиш ва уларни тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади. Ҳуқуқни амалга ошириш қонунда ўз аксини топган ва халқаро андозаларга мос келадиган чеклашларнинг предметигина бўлиши мумкин. Жумладан муаллифлик ҳуқуқини ҳам ўз ичига оладиган интеллекгуал мулкка тааллуқли ҳуқуқларга риоя қилган ҳолда, барча турдаги ҳужжатларни кўпайтирувчи воситалардан фойдаланиш эркинлигига ва улардан фойдаланишга ҳеч қандай чеклашлар белгиланмайди;
- (9.2) – ҳар бир киши тинчлик йўли билан йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқларни амалга ошириш борасида белгиланиши

- мумкин бўлган ҳар қандай чеклашлар қонунда кўрсатилади ва халқаро андозаларга мос келади;
- (9.3) – уюшиш ҳуқуқи кафолатланади. Касаба уюшмасининг умумий ҳуқуқидан келиб чиқсан ҳолда, касаба уюшмасини ташкил қилиш ҳуқуқи ва ўз аъзолигини белгилаш, касаба уюшмасига эркин аъзо бўлиш кафолатланади. Бу ҳуқуқлар ҳар қандай олдиндан назоратни истисно этади. Ишчилар учун уюшиш эркинлиги, шу жумладан иш ташлаш эркинлиги қонунда кўрсатилган ва халқаро андозаларга мос бўлган чеклашлар билан бирга кафолатланади;
- (9.4) – ҳар бир киши фикрлаш, виждан ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ динини ёки эътиқодини ўзгартириш ва ўз динига ёки эътиқодига ҳам якка тартибда, ҳам бошқалар билан бирга оммавий ёки хусусий тарзда ибодат қилиш, диний маросимлар ва урф-одатларга ўргатиш ва уларни бажариш йўли билан амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади. Бу ҳуқуқларни амалга ошириш фақат қонунда кўрсатилган ва халқаро андозаларга мос келадиган чеклашларга тегишлидир;
- (9.5) – улар давлатнинг халқаро ҳуқуқ бўйича халқаро мажбуриятларига ва ЕХҲК бўйича мажбуриятларига мувофиқ ҳар қайси одамнинг ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўзининг мамлакатини ҳам тарк этиш ҳамда ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқини ҳурмат қиласидилар. Бу ҳуқуқнинг чекловлари кам учрайдиган истиснолар турага эга бўлиб, улар шундай ҳолларда зарур саналадики, қачонки улар муайян ижтимоий эҳтиёжга жавоб беради, қонуний мақсадни кўзлайди ва бу мақсадга мувофиқ бўлади ҳамда суистеммол ёки ўзбошимчалик билан қўллаш предмети бўлмайди;
- (9.6) – ҳар бир одам ўз мулкидан якка тартибда ёхуд бошқалар билан бирга тинчлик йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўз мулкидан маҳрум қилиниши мумкин эмас, жамият манфаатлари билан белгиланадиган қонунда ҳамда тегишли халқаро мажбуриятларда ва халқаро ҳуқуқий мажбуриятларда кўзда тутилган шароитдаги ҳоллар бундан мустасно.
- (10) Алоҳида шахснинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини билиш ҳуқуқини самарали таъминлаш ҳамда уларга мувофиқ иш юритиш ва уларнинг ривожланиши ва ҳимоясига мустақил ёки бошқалар билан бирга фаол ҳисса қўшиш борасидаги ўз мажбуриятини тасдиқлаб, иштирок этувчи давлатлар ўзларининг куйидаги мажбуриятлари ҳақида маълум қиласидилар:
- (10.1) – ҳар кимнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳақида мустақил ёки бошқалар билан бирга фикр ҳамда ахборот сўраш, олиш ва эркин узатиш ҳуқуқини, шу жумладан бундай фикр ва ахборотни тарқатиш ҳамда матбуотда эълон қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;
- (10.2) – ҳар кимнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этилиши масалаларини ўрганиш ҳамда муҳокама қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишини ҳамда инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро андозаларга риоя этишини таъминлашнинг янада мукаммалроқ воситаларини яхшилашга тааллуқли фикрларни мустақил ёки бошқалар билан бирга тайёрлаши ва муҳокама қилишини ҳурматлаш;
- (10.3) – алоҳида шахсларга уюшишга доир ҳуқуқни, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантиришга ҳамда ҳимоя қилишга интилувчи ноҳуку-

мат ташкилотларини, шу жумладан инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини назорат қилувчи касаба уюшмалари ва гурӯҳларини, шу жумладан уларни ташкил қилиш, уларга қўшилиш ва уларнинг ишида фаол иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга рухсат берилишини таъминлаш;

- (10.4) – бундай гурӯҳлар ва ташкилотларнинг аъзоларига ўз мамлакатларида ва унинг ташқарисида шу каби органлар билан монеликсиз танишиш имконияти бўлишига ва улар ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқани сақлаб туришга ва бундай гурӯҳлар ҳамда ташкилотлар билан фикр алмашиш, алоқаларни сақлаб туриш ва ҳамкорлик қилиш, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мақсадида миллий ва халқаро манбалардан, қонунда назарда тутилганидек, ихтиёрий молиявий бадалларни сўраб олишга рухсат бериш.
- (11) Иштирок этувчи давлатлар яна шуни маълум қиласидарки, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бузилиши рўй берган тақдирда, таъкидланганидек, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситалари қўйидагилардан иборат бўлади:
- (11.1) – алоҳида шахснинг мутаносиб юридик ёрдам сўраб олиш ҳуқуқи;
- (11.2) – алоҳида шахснинг бошқалардан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ёрдам сўраб олиш ҳуқуқи ҳамда бошқаларга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинларини ҳимоя қилиш борасида ёрдам бериш ҳуқуқи;
- (11.3) – алоҳида шахслар ва уларнинг номидан ҳаракат қилаётган гурӯҳларнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги таъкидлашга таалуқли ахборотни олиш ва кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган халқаро органлар билан алоқани сақлаб туриш ҳуқуқи.
- (12) Иштирок этувчи давлатлар ЕХҲК Вена Якунловчи хужжатининг инсонийлик мезонлари тўғрисидаги бўлимида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш борасида кенг очиқликни таъминлаш мақсадида, миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқда кўзда тутилганидек, иштирок этувчи давлатлар юборадиган кузатувчиларнинг ва ноҳукумат ташкилотлар вакиллари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларнинг суд процессларида ҳозир бўлишини ишончни мустаҳкамлаш чораси сифатида қабул қиласидар; бунда шундай тушуниладики, суд процесслари фақат қонун талаб қиласидаган ҳолатлар мавжудлигига ҳамда халқаро ҳуқуқ ва бошқа халқаро мажбуриятлар бўлганда гина ёниқ (*in camera*) бўлиши мумкин.
- (13) Иштирок этувчи давлатлар бола ҳуқуқларининг тан олинишига, унинг фуқаролик ҳуқуқлари ва шахсий эркинликларига, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларига ҳамда унинг зўравонлик ва эксплуатациянинг барча турларидан алоҳида ҳимояланиш ҳуқуқига алоҳида эътибор қаратишга қарор қиласидар. Улар, башарти ҳали буни амалга оширгмаган бўлсалар, давлатлар имзолаши учун 1990 йил 26 январдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш масаласини кўриб чиқадилар. Улар ўз миллий қонунчилигида ўzlари ҳам тарафлар ҳисобланган халқаро битимларда қайд этилган бола ҳуқуқларини эътироф этадилар.
- (14) Иштирок этувчи давлатлар ўз мамлакатларида бошқа иштирок этувчи давлатлардан бўлган талаба ва ўқувчиларни, шу жумладан касбий-техник тайёр-

гарликдан ўтаётган шахсларни ўқитиш учун шароит яратиб беришни рафбатлантиришга розилик берадилар. Улар ўз мамлакатларидағи ёшларнинг билим олиш учун бошқа иштирок этувчи давлатларга боришига ёрдам беришга ҳам розилик берадилар ва шу мақсадда зарур бўлганда уларнинг тегишили ҳукумат муассасалари, ташкилотлари ва ўқув юрглари ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тузилишини рафбатлантирадилар.

- (15) Иштирок этувчи давлатлар шундай ҳаракат қиласидарки, ҳукм қилинган шахс—ларни ушлаб бериш осонлашади ҳамда 1983 йил 21 ноябрда Страсбургда имзоланган Ҳукм қилинган шахсларни ушлаб бериш тўғрисидаги конвенцияга аъзо бўлмаган иштирок этувчи давлатларни бу Конвенцияга қўшилиш масаласини кўриб чиқишига ундиши.
- (16) Иштирок этувчи давлатлар:
- (16.1) – қийноқларни ва бошқа кўпол, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолаш турларини тақиқлаш бундай амалиётни ва у учун жазолашнинг олдини олиш самарали қонун чиқарувчи, маъмурий, суд ва бошқа чоралар қўллаш алоҳида шахсларни ҳар қандай инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларига путур етказадиган руҳий ёки бошқа тиббий амалиётдан ҳимоялаш ҳамда бундай амалиётнинг олдини олиш ва у учун жазолашнинг самарали чораларини кўриш мажбуриятларини тасдиқлайдилар;
- (16.2) – Қийноқларни ва бошқа кўпол, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолаш турларига қарши конвенцияга қўшилиш масаласини тезлик билан, башарти улар ҳали буни амалга оширган бўлсалар, ҳамда Конвенциянинг 21 ва 22 -моддаларига мувофиқ Қийноқларга қарши қўмитанинг ваколатларини тан олиш ва 20-моддага биноан қўмитанинг ваколатларига нисбатан изоҳларни олиб ташлаш масаласини кўриб чиқмоқчилар;
- (16.3) – шуни таъкидлайдиларки, ҳеч қандай истисно ҳолатлар, бу уруш ҳолати ёки уруш хавфи, ички сиёсий бекарорлик ёки бошқа ҳар қандай фавқулодда ҳолат бўладими, қийноқларни оқлаш учун хизмат қилолмайди;
- (16.4) – қийноқларни тақиқлашга оид билим бериш ва ахборот олиш фуқаролик ҳамда ҳарбий ҳукуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари, тибиёт ходимлари, давлат хизматчилари ва қамоқда сақлаб туришга, сўроқ қилишга ёки қамоққа олишнинг, ушланганлик ёхуд қамоқ жазосининг бирор-бир турига дучор бўлган бошқа ҳар қандай шахс билан муомала қилишга алоқадор шахсларни тайёрлаш тизимиға тўлалигича киритилишини таъминлайдилар;
- (16.5) – бирор-бир қийнаш ҳолатига йўл қўймаслик учун сўроқ қилиш қоидалари, йўриқномалари, услублари ва амалиётини, шунингдек, қамоқда сақлаб туриш шароитлари ва ўзларининг юрисдикцияси остидаги ҳар қандай ҳудудда қамоққа олиш, ушлаб туриш ёхуд қамоққа олиш жазосининг бирор-бир шаклига дучор бўлган шахслар билан муомала қилишни мунтазам равишида кўриб чиқадилар;
- (16.6) – расмий каналлар ёки бошқа қандайдир ишончли ахборот манбаидан ўзларига маълум бўлиб қолган қийноқларнинг ва бошқа шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала қилиш ёхуд жазолаш турларининг ҳар қандай ҳолатини кўриб чиқиши ва ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига таал-

лукли мажбуриятларни самарали бажаришнинг келишилган чора ва тартиботларига жавоб берадиган зарур ҳаракат ўтказиш учун биринчи навбатда қабул қиласидилар;

- (16.7) – вазиятни тўғрилаш учун зарур воситалар қўлланилганда қийноқларнинг бирор-бир шаклига ҳамда муомала қилиш ва жазолашнинг шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа турларига дучор бўлган ҳар қандай шахснинг ҳаётини сақлаб қолиш ва кафолатлаш тезкорлик ҳамда биринчи на-вбатда эканлигини аниқлашда ягона мезон бўлишини тушунган ҳолда ҳаракат қиласидилар ва шунинг учун ҳар қандай ҳолатдаги қийноқлар ҳамда муомала қилиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи турларини ҳар қандай халқаро орган ёки механизм доирасида ЕХҲКнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли мажбуриятларини самарали бажариш учун келишилган чора ва тартиботларга мувофиқ зарур ҳаракатлар қилишдан ҳамда ўтказишдан ўзини тийиб туришга асос бўлиб хизмат қилмайди.
- (17) Иштирок этувчи давлатлар:
- (17.1) – Вена Якунловчи ҳужжати бўйича қабул қилинган, ўлим жазоси ҳақидаги масала муҳокама ҳолатида қолдирилишининг ва тегишли халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилишнинг мажбурияти тўғрисида эслатиб ўтадилар;
- (17.2) – шу ўринда 1989 йил 15 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан мақсади ўлим жазосини бекор қилиш бўлган Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир иккинчи Факультатив протокол қабул қилинганлиги ҳақида эслатиб ўтадилар;
- (17.3) – халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган, хусусан Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддасидаги ўлим жазосини қўллашта нисбатан чеклаш ва кафолатларни таъкидлайдилар;
- (17.4) – Инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Европа конвенциясининг олтинчи протоколидаги ўлим жазосини бекор қилишга алоқадор қоидаларни таъкидлайдилар;
- (17.5) – охирги пайтда бир қанча иштирок этувчи давлатлар томонидан ўлим жазосини бекор қилиш чоралари кўрилаётганини таъкидлайдилар;
- (17.6) – баъзи ноҳукумат ташкилотларнинг ўлим жазоси ҳақидаги масала бўйича кўрсататётган фаолиятини таъкидлайдилар;
- (17.7) – Инсонийлик мезонлари бўйича Конференция доирасида ўлим жазосини бекор қилиш масаласи юзасидан ахборот алмашадилар ва бу масалани кўриб чиқишини давом эттирадилар;
- (17.8) – ўлим жазосини қўллашга доир ахборотни жамоатчиликка тақдим қиласидилар.
- (18) Иштирок этувчи давлатлар:
- (18.1) – шуни таъкидлайдиларки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон хукуқлари бўйича комиссияси ҳар кимнинг диний эътиқоди бўйича ҳарбий хизматдан бош тортиш ҳукуқини тан олади;
- (18.2) – охирги пайтда диний эътиқоди бўйича мажбурий ҳарбий хизматдан бош тортиш асосида озод этишга рухсат бериш мақсадида бир қанча иштирок этувчи давлатлар томонидан қабул қилинган чораларни таъкидлайдилар;

- (18.3) – баъзи ноҳукумат ташкилотларнинг диний эътиқоди бўйича мажбурий ҳарбий хизматдан бош тортиш билан боғлиқ фаолиятини таъкидлайдилар;
- (18.4) – муқобил хизматнинг диний эътиқоди бўйича ҳарбий хизматдан бош тортиш сабабларига мос келадиган турли шаклларини жорий этиш масаласини, башарти бу ҳали амалга оширилмаган бўлса, кўриб чиқишига розилик берадилар. Бунда муқобил хизматнинг бундай турлари жанговар қисмлардаги хизмат билан боғлиқ бўлмайди ёки фуқаролик тусига эга бўлади, жамиятга фойдали бўлади ва қандайдир жазолаш тусига эга бўлмайди;
- (18.5) – бу масала юзасидан ахборотни жамоатчилик учун очиқ қилиб қўядилар;
- (18.6) – Инсонийлик мезонлари бўйича Конференция доирасида баъзи шахсларни диний эътиқодига кўра қуролли кучларда хизмат қилишдан бош тортиш асосида мажбурий ҳарбий хизматдан, башарти бу қаерда мавжуд бўлса, озод этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун қолдирадилар ва бу масалалар юзасидан ахборот алмасиб турадилар.
- (19) Иштирок этувчи давлатлар ўз фуқароларининг янада эркин ҳаракатланиши ва улар ўртасидаги муносабатлар инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантириш маъносида муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайдилар. Улар ўз худудларига кириш сиёсатининг Якунловчи ҳужжат, Мадрид Якуний ҳужжати ва Вена Якунловчи ҳужжатининг тегишли қоидаларида баён қилинган мақсадларга тўла даражада мувофиқ бўлишини таъминлайдилар. Улар ЕХҲК ҳужжатларида акс эттирилган мажбуриятлардан воз кечмасликка қарор қилганликларини тасдиқлаб, одамлар ўртасидаги, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама асосдаги муносабатлар соҳасидаги ҳозирги мажбуриятларни тўлиқ бажариш ва такомиллаштиришни ўз зиммаларига оладилар. Улар шу маънода қўйидагиларни амалга оширадилар:
- (19.1) – ўз худудларига бошқа давлатлар фуқароларининг киришига доир тартиботни, шу жумладан мамлакатга кириш рухсатномалари берилиши, паспорт ва божхона назоратини вижданан ва асоссиз кечикиришларсиз амалга оширишга интиладилар. Улар зарур бўлганда мамлакатга кириш рухсатномалари бериш ҳақидаги қарорлар қабул қилиниши муддатларини қисқартирадилар, шунингдек мамлакатга кириш рухсатномалари бериш тўғрисидаги илтимосномаларга доир амалиётни соддалаштирадилар ва маъмурий талабларни камайтирадилар;
- (19.2) – мамлакатга кириш рухсатномалари бериш ҳақидаги илтимосномаларнинг кўриб чиқилишида, хусусан муҳим оиласиб, шахсий ёки касбий фикр-мулоҳазалар, айниқса зудлик билан амалга ошириладиган гуманитар тусдаги фикр-мулоҳазаларнинг зарур даражада ҳисобга олиниши учун бу жараён иложи борича тезроқ ўтишини таъминлайдилар;
- (19.3) – зарур бўлганда мамлакатга кириш рухсатномалари бериш ҳақидаги илтимосномалар билан боғлиқ йифимларни мумкин қадар энг кам даражагача камайтишига ҳаракат қиласадилар.
- (20) Манфаатдор иштирок этувчи давлатлар одамларнинг ҳаракатланиши кўпайиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни кўриб чиқишида маслаҳатлашадилар ва мақсадга мувофиқ бўлган тақдирда ҳамкорлик қиласадилар.

- (21) Иштирок этувчи давлатлар ЕХХКнинг Хельсинкидаги келгуси учрашуvida консуллик мавзуи бўйича эксперталар кенгаши ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тавсия этадилар.
- (22) Иштирок этувчи давлатлар кўчманчи ишчилар ҳукуқларининг ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилиши инсонийлик мезонларига дахлдор эканлигини тасдиқлайдилар. Улар шу маънода:
- (22.1) – кўчманчи ишчилар ҳукуқларининг ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилиши барча иштирок этувчи давлатларнинг вазифаси эканлигига ва бундай ҳукуқлар худди шу тарзда ЕХХК жараёни доирасида кўриб чиқилиши кераклигига розилик берадилар;
- (22.2) – ўзлари иштирокчиси бўлган халқаро битимларда назарда тутилган кўчманчи ишчиларнинг ҳукуқларини ўз миллий қонунларида тўлиқ таъминлаш мажбуриятини тасдиқлайдилар;
- (22.3) – кўчманчи ишчиларнинг ҳукуқларига тегишли бўлажак халқаро воситаларда ушбу масаланинг ҳамма учун муҳим эканлиги фактини инобатга олиш лозим, деб ҳисоблайдилар;
- (22.4) – ЕХХКнинг бўлажак кенгашларида кўчманчи ишчилар ва улар оиласари нинг ҳукуқларини янада рағбатлантиришнинг тегишли жиҳатларини ўрганишга тайёр эканликларини изҳор қиладилар.
- (23) Иштирок этувчи давлатлар Вена Якупловчи хужжатида ўзлари баён қилган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлар, шунингдек фуқаролик ва сиёсий ҳукуқларнинг рағбатлантирилиши инсон қадр-қимматининг таъминланиши ва ҳар бир кишининг қонуний орзу-умидларининг амалга оширилиши учун биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида билдирган ишончини тасдиқлайдилар. Улар Европада иқтисодий ҳамкорлик бўйича Бонн Конференцияси хужжатида ўзлари қабул қилган ижтимоий адолатни рағбатлантиришга кўмаклашишга ҳамда турмуш ва меҳнат шарт-шароитларини яхшилашга доир мажбуриятларини ҳам тасдиқлайдилар. Улар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқларнинг барча лозим бўлган усуслар билан тўлиқ амалга оширилишига изчил эришиш мақсадида ўз ҳаракатларини давом эттириш маъносида бандлик, уй-жой билан таъминлаш, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳасидаги муаммоларга алоҳида эътибор берадилар.
- (24) Иштирок этувчи давлатлар юқорида баён қилинган инсоннинг барча ҳукуқлари ва асосий эркинликларининг амалга оширилиши ҳеч қандай чеклашлар обьекти бўлиши мумкин эмаслигини таъминлайдилар, қонунда назарда тугилган ва уларнинг халқаро ҳукуққа, шу жумладан, Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир мажбуриятларига, хусусан Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси бўйича уларнинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ чеклашлар бундан мустасно. Бундай чеклашлар истисно тусига эга. Иштирок этувчи давлатлар бундай чеклашларнинг сунистество қилинmasлигини ва уларнинг хоҳлаган тарзда эмас, балки самарали амалга оширилиши таъминланадиган тарзда қўлланилишини таъминлайдилар.
- Демократик жамиятдаги ҳукуқлар ва эркинликлар ҳар қандай чеклаш қўлланиладиган қонуннинг мақсадларидан биран билан боғланиши лозим ва бу қонун мақсадига қатъий мутаносиб бўлиши керак.

- (25) Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига таллуқли мажбуриятлардан, айниқса чекиниш мумкин бўлмаган ҳуқуқлар борасида фавқулодда ҳолат шароитидаги ҳар қандай чекиниш ҳалқаро ҳуқуқда, хусусан ўzlари иштирокчиси ҳисобланадиган тегишли ҳалқаро во-ситаларда назарда тутилган қатъий доирада қолиши кераклигини тасдиқ-лайдилар. Улар қуйидагиларни ҳам тасдиқлайдилар:
- (25.1) – бундай мажбуриятлардан чекиниш ҳисобланадиган чора-тадбирлар бу во-ситаларда баён қилинган тартибот талабларига қатъий мувофиқ тарзда қабул қилиниши керак;
 - (25.2) – фавқулодда ҳолатнинг жорий этилиши расмий равишда, ошкора тарзда ва қонунда мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларга мувофиқ эълон қилиниши ло-зим;
 - (25.3) – мажбуриятлардан чекиниш ҳисобланадиган чора-тадбирлар аҳволнинг кес-кинлиги талаб қиладиган доиралар билан қатъий тарзда чекланади;
 - (25.4) – бундай чора-тадбирлар фақат ирқий мансублиги, тана ранги, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ёки озчиликни ташкил қилган миллатларга мансублиги асосида камситишларга сабаб бўлмайди.

III

- (26) Иштирок этувчи давлатлар яшашга қодир демократия миллий турмушнинг таркибий қисми сифатидаги демократик қадрияtlар ва амалиётнинг, шу-нингдек кенг доирадаги демократик институтларнинг мавжудлигига боғ-лиқ, деб эътироф этадилар. Улар шунинг учун ўzlари ўrtасида биргаликда-ги амалий саъй-ҳаракатларни ҳамда ахборот, ғоялар ва тажриба алмашувини ҳамда қуйидагилардан иборат соҳаларда алоҳида шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар ўrtасидаги тўғридан-тўғри муносабатлар ва ҳамкорликни рағ-батлантирадилар, енгиллаштирадилар ҳамда мақсадга мувофиқ бўлганда қўллаб-қувватлайдилар:
- конституциявий ҳуқуқ, ислоҳотлар ва ривожланиш;
 - сайлов ҳақидаги қонунчилик, сайловларнинг ўтказилиши ва уларни куза-тиш;
 - судлар ҳамда ҳуқуқий тизимларнинг ташкил этилиши ва уларни бошқа-риш;
 - ишга қабул қилиш ва хизмат поғоналари бўйича кўтарилиш, ходимларнинг шахсий фазилатларининг ҳисобга олиниши тизимиға асосланадиган холис ва самарали давлат хизматининг ривожлантирилиши;
 - қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши;
 - маҳаллий бошқарув ва марказий органлар баъзи вазифаларининг маҳаллий идораларга берилиши ;
 - ахборотдан фойдалана олиш ва маҳфийликнинг таъминланиши;
 - шакланаётган сиёсий партиялар ва уларнинг кўл фикрлилик жамиятлари-даги ўрни;
 - эркин ва мустақил касаба уюшмалари;

- кооперативчилек ҳаракатлари;
- жамият манфаатларини кўзлайдиган эркин уюшмалар ва гуруҳлар бошқа шаклларининг ривожлантирилиши;
- журналистика, мустақил оммавий ахборот воситалари, интеллектуал ва маданий турмуш;
- ўқув юртларида демократик қадриятлар, институтлар ва амалиёт ҳақидаги билимларнинг ўқитилиши, шунингдек эркин билим олиш мұхитининг таъминланиши.

Бундай саъй-ҳаракатлар ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари доирасидаги ҳамкорлик қирраларини, шу жумладан таълим олиш, китоблар ва ўқув материалы алмашиш, ҳамкорликдаги дастурлар ва лойиҳалар, илмий ҳамда қасбий алмашувлар ва конференциялар, стипендиялар, илмий тадқиқотлар учун субсидиялар, экспертилек билимлари ва маслаҳатчилик хизматларининг тақдим этилиши, амалий-илмий муносабатлар ҳамда дастурларни қамраб олиши мүмкін.

- (27) Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги соҳасидаги мустақил миллий институтларнинг ташкил этилиши ва мустаҳкамланишига ҳам кўмаклашади, бу институтлар иштирок этувчи давлатлардаги ана шундай институтлар ўртасида мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилиш марказлари бўлиши ҳам мумкин. Улар иштирок этувчи давлатлар парламентлари аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни, шу жумладан қўшма комиссиялар, парламентлар аъзолари иштирокидаги теледебатлар, учрашувлар ва давра сұхбатларидаги муҳокамалар орқали рағбатлантиришни таклиф қиладилар. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа Кенгashi тизимидағи ташкилотлар каби тегишли муассасаларни уларнинг бу соҳадаги бошлаган ишларини давом эттириши ва кенгайтиришини ҳам рағбатлантирадилар.
- (28) Иштирок этувчи давлатлар Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги муҳим тажрибасини эътироф этадилар ҳамда Европа Кенгашининг ЕХҲКнинг инсонийлик мезонларига ўз ҳиссасини қўшишига имкон берадиган бундан кейинги йўллар ва воситаларни ўрганишга розилик билдирадилар. Улар бундай ҳиссанинг шакли ЕХҲКнинг келгусидаги анжуманларидан бирида ўрганилиши мумкинлигига розилик билдирадилар.
- (29) Иштирок этувчи давлатлар иштирок этувчи давлатларда мавжуд бўлишга қодир демократик институтларни сақлаш ва ривожлантириш юзасидан чоратадбирларни кўриб чиқиш ҳамда муҳокама қилиш, шу жумладан иштирок этувчи давлатлардаги инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги қонунчиликни, хусусан бу соҳада Европа Кенгashi томонидан тўпланган тажрибадан ва «Қонунга асосланган демократия» комиссияси фаолиятидан фойдаланиб, қиёсий ўрганиш учун экспертлар кенгashi ёки семинарини чақириш фоясини кўриб чиқадилар.

- (30) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатларга тегишли масалалар фақат қонун устуорлигига асосланган демократик сиёсий доираларда, мустақил суд тизими амал қиласынан шароитда қониқарлы тарзда ҳал қилиниши мүмкін, деб эътироф этадилар. Бу доиралар инсон ҳуқуқтары ва асосий эркинликларининг тұла хурмат қилинишини, уларнинг барча қонуний манбаатлары ва орзу-умидларининг эркин ифодаланишини, сиёсий плюрализмни, ижтимоий бағрикенгликни ва давлат ҳокимиятининг суиистеъмол қилиниши йўлига самарали тўсиқ қўядиган ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишини кафолатлади.
- Улар нохукумат ташкилотлар, шу жумладан сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилотлар ва диний гурухларнинг бағрикенгликни, маданий ранг-барангликни рағбатлантириш ва озчиликни ташкил қилган миллатларга таалуқли масалаларнинг ҳал этилишидаги муҳим ролини ҳам эътироф этадилар.
- Улар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқтарининг умум эътироф этган инсон ҳуқуқларининг бир қисми сифатида хурмат қилиниши иштирок этувчи давлатлардаги тинчлик, адолат, барқарорлик ва демократиянинг муҳим омили ҳисобланисини ҳам тасдиқлайдилар.
- (31) Озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳеч қандай камситишсиз ҳамда қонун олдида тўлиқ тенглик шароитида ва самарали амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.
- Иштирок этувчи давлатлар зарурат бўлганида озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рўёбга чиқаришда ҳамда улардан фойдаланишда бошқа фуқаролар билан тўлиқ тенгликни кафолатлаш мақсадида маҳсус чора-тадбирларни қабул қиласидилар.
- (32) Шахснинг озчиликни ташкил қилган миллатга мансублиги унинг шахсий танлови предмети ҳисобланади ва бундай танлов амалга оширилиши туфайли ҳеч қандай нохуш оқибатлар келиб чиқиши мүмкін эмас.
- Озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар ўзларининг этник, маданий, тил ёки динга оид ўзига хослигини эркин ифодалаш, сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ўз маданиятини ўзларининг иродасига қарши тарзда, қандайдир ассимиляция уринишларига дучор бўлмасдан, унинг ҳамма жиҳатлари бўйича қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадир.
- Улар, хусусан қўйидаги ҳуқуқларга эга:
- (32.1) – шахсий ва ижтимоий ҳаётда ўз она тилидан эркин фойдаланиш;
 - (32.2) – миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ихтиёрий равишдаги молиявий ва бошқа ёрдамни, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлашни излаши мүмкін бўлган ўз таълим, маданий ҳамда диний муассасалари, ташкилотлари ёки уюшмаларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш;
 - (32.3) – ўз динига эътиқод қилиш, шу жумладан диний материалларни сотиб олиш, уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда таълим соҳасидаги диний фаолиятни она тилида амалга ошириш;

- (32.4) – ўз мамлакати доирасида ўзаро, шунингдек, ўzlари бошқа давлатларнинг умумий этник ёки миллий келиб чиқишига, диний меросга ёки диний эътиқодига эга бўлган фуқаролари билан чегаралар орқали бир-бирлари ўртасида муносабатларни монеликсиз ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш;
- (32.5) – ахборот тарқатиш, ундан фойдалана олиш ва ўз она тилида ахборот алмашиш;
- (32.6) – ўз мамлакати доирасида ташкилотлар ёки уюшмаларни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро ноҳукумат ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш.

Озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар якка тартибда, шунингдек, ўз гурухларининг бошқа аъзолари билан биргаликда ўз хукуқларини амалга ошириши ва улардан фойдаланиши мумкин. Озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахс учун шундай хукуқларнинг ҳар қандай турини амалга оширганлиги ёки амалга оширмаганлиги сабабли ҳеч қандай кўнгилсиз оқибатлар вужудга келиши мумкин эмас.

- (33) Иштирок этувчи давлатлар ўз худудида озчиликни ташкил қилган миллатларнинг этник, маданий, тил ва динга оид ўзига хослигини ҳимоя қиладилар ҳамда бу ўзига хосликни рағбатлантириш учун шарт-шароит яратадилар. Улар шу мақсадда зарур маслаҳатлашувларни ўтказганидан, шу жумладан бундай озчиликни ташкил қилган миллатларнинг ташкилотлари ёки уюшмалари билан муносабатлардан сўнг ҳар бир давлатнинг қарорлар чиқаришга доир тартиботларига мувофиқ равища зарур чора-тадбирларни қабул қиладилар.

Ҳар қандай бу каби чора-тадбирлар тегишли иштирок этувчи давлатларнинг бош— қа фуқароларига нисбатан тенглик ва камситмаслик принципларига мувофиқ бўлади.

- (34) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахс— ларнинг, тегишли давлатнинг расмий тили ёки расмий тилларини ўрганиш заруриятидан қатъи назар, ўзининг она тилини ва ўз она тилида ўрганиши учун, шунингдек, мумкин ва зарур бўлганда қўлланиладиган миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз она тилидан давлат органларида фойдаланиши учун лозим даражадаги имкониятларга эга бўлишларини кафолатлашга ҳаракат қиладилар.

Ўқув юртларида тарих ва маданиятнинг ўқитилиши маъносида ҳам улар озчиликни ташкил қилган миллатларнинг тарихи ва маданиятини ҳисобга оладилар.

- (35) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахс— ларнинг давлат ишларида, шу жумладан озчиликни ташкил қилган бундай миллатларнинг ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилишига тааллуқли ишларда қатнашиш хукуқини хурмат қиладилар.

Иштирок этувчи давлатлар муайян озчиликни ташкил қилган миллатларнинг этник, маданий, тил ва динга оид ўзига хослигини ҳимоя қилиш ҳамда уларни рағбатлантиришга шарт-шароит яратиш мақсадида ушбу мақсадларга эришиш учун мумкин бўлган воситаларнинг бири сифатида манфаатдор давлатнинг сиёсатига мувофиқ озчиликни ташкил қилган бундай миллат-

- ларнинг муайян тарихий ва ҳудудий шарт-шароитларига жавоб берадиган, лозим даражадаги маҳаллий ёки мухтор бошқарув органларини ташкил этиш йўли билан кўрилган саъй-ҳаракатларни қайд этадилар.
- (36) Иштирок этувчи давлатлар ўзлари ўртасида озчиликни ташкил қилган миллатлар масалалари юзасидан амалий ҳамкорликни ривожлантиришнинг алоҳида муҳимлигини эътироф этадилар. Бундай ҳамкорлик ўзаро бир-бирини тушуниш ҳамда ишонч, дўстона ва яхши қўшничилик муносабатлари, халқаро тинчлик, хавфсизлик ҳамда адолатга кўмаклашиш мақсадини кўзлайди.
- Ҳар бир иштирок этувчи давлат ўз ҳудудида яшайдиган барча шахслар ўртасида этник ёки миллий келиб чиқиш ё диндан қатъи назар ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик ва бирдамлик муҳитига кўмаклашади ҳамда муаммоларнинг қонун устуворлиги принциплариiga асосланган мулоқот ёрдамида ҳал қилинишини рағбатлантиради.
- (37) Ушбу қоидалардан ҳеч бири Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставидаги мақсадлар ва принципларга, халқаро ҳукуққа доир бошқа мажбуриятлар ёки Якунловчи ҳужжат қоидаларига, шу жумладан давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принципига зид равишда ҳар қандай фаолият билан шуғуланиш ёки ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш бўйича қандайдир ҳукуқни англатадиган қоида сифатида талқин қилиниши мумкин эмас.
- (38) Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахс—ларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасидаги ўз саъй-ҳаракатларида инсон ҳукуқлари бўйича мавжуд конвенциялар ва бошқа тегишли халқаро воситаларга биноан ўз мажбуриятларига тўла риоя қиласидилар ҳамда улар, башарти ҳали буни амалга оширган бўлсалар, тегишли конвенцияларга, шу жумладан алоҳида шахсларнинг шикоят қилиш ҳукуқини назарда тутадиган конвенцияларга қўшилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқадилар.
- (39) Иштирок этувчи давлатлар ўзлари аъзо бўлган ваколатли халқаро ташкилотларда, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва, тегишли ҳолларда, Европа Кенгашида уларнинг озчиликни ташкил қилган миллатларга тааллуқли масалалар юзасидан олиб борадиган ишларини ҳисобга олган ҳолда яқиндан ҳамкорлик қиласидилар.
- Улар озчиликни ташкил қилган миллатлар тўғрисидаги масаланинг ҳар томонлама муҳокама қилиниши учун эксперталар кенгашини чақириш ҳақидаги масалани кўриб чиқадилар.
- (40) Иштирок этувчи давлатлар тоталитаризмни, ирқий ва этник нафрат туйғусини, антисемитизмни, ксенофобияни ва ҳар қандай шахсга нисбатан камситишини, шунинг— дек диний ва мафкурий сабабларга кўра таъқиб қилишни аниқ ва сўзсиз қоралайдилар. Улар шу маънода рома (лўли)ларга оид алоҳида муаммоларни ҳам эътироф этадилар.
- Улар бу ҳодисаларнинг барча шаклларига қарши курашиш бўйича ўз ҳаракатларини фаоллаштириш ниятида эканликларини қатъий баён этадилар ва шунинг учун улар:
- (40.1) – самарали чора-тадбирларни, шу жумладан ўз конституциявий тузумлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ шахслар ёки гуруҳларга нисбатан зўравон-

лик кўрсатилишига оид миллий, ирқий, этник ёки диний камситишига, душманликка ёки нафратланишига асосланган иғвогарлик, шу жумладан анти-семитизмдан иборат ҳар қандай ҳаракатлардан ҳимоя этиш учун зарур бўлиши мумкин бўлган қонунларни қабул қиласидилар;

- (40.2) – ўзларининг ирқий, этник, маданий, тилга ёки динга оид ўзига хослиги на-тижасида камситиши, душманлик ёки зўравонлик таҳдиidlари ё ҳаракатлари-га дучор бўлиши мумкин бўлган шахслар ёхуд гурухларни ҳимоя қилиш учун лозим даражадаги ва тегишли чора-тадбирларни қабул қилиш мажбу-риятини ўз зиммаларига оладилар;
- (40.3) – ўз конституциявий тузумларига мувофиқ миллий, минтақавий ва маҳаллий даражаларда, айниқса, таълим, маданият ва ахборот соҳасида ўзаро бир-бирини тушуниш ва бағрикенгликка кўмаклашиш учун самарали чора-тад-бирларни қабул қиласидилар;
- (40.4) – таълим бўйича вазифлар доирасида ирқий бидъатлар ва нафрат туйғуси му-аммосига алоҳида эътибор берилиши ҳамда турли цивилизациялар ва мада-ниятларга ҳурмат-эҳтиромнинг мустаҳкамланишини таъминлашга интила-дилар;
- (40.5) – ҳар бир шахснинг ҳуқуқий ҳимоялашнинг самарали воситаларига эга бўлиш ҳуқуқини ҳамда миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ манфаатдор шахс-лар ва гурухларнинг камситиши ҳаракатлари, шу жумладан ирқчилик ҳамда ксенофобия ҳаракатлари бўйича шикоятлар билан чиқиш ҳамда бундай шикоятларни қўллаб-куватлаш ҳуқуқини эътироф этадилар;
- (40.6) – агар улар ҳали шуни амалга оширгмаган бўлсалар, камситиши муваммоси кўриб чиқиладиган халқаро воситаларга кўшилиш ҳақидаги масалани кўриб чи-қадилар ва улар юзасидан зиммаларига олинган мажбуриятлар, шу жумла-дан даврий маърузаларнинг тақдим қилинишига доир мажбуриятларнинг тўла бажарилишини таъминлайдилар;
- (40.7) – давлатлар ва алоҳида шахсларнинг халқаро органларга камситишига алоқа-дор хабарларни юборишига имкон берадиган халқаро механизмларнинг эъти-роф қилиниши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқадилар.

V

- (41) Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг ЕХҲКнинг инсонийлик мезонла-рига содиқлигини тасдиқлаб, унинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка мувозанатли ёндашувнинг таркибий қисми сифатидаги аҳамиятини таъ-кидлайдилар. Улар Вена Якунловчи ҳужжатининг ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари ҳақидаги бўлимида белгилаб қўйилганидек, ЕХҲКнинг инсо-нийлик мезонлари бўйича Конференция ва инсонийлик мезонлари ме-ханизми ўзларининг мuloқоти ва ҳамкорлигини илгарилаш ҳамда муайян ма-салаларнинг ҳал этилишига кўмаклашиш усувлари сифатида ўз қадриятини намоён қилганлигини эътироф этадилар. Улар бу усувлар ЕХҲКнинг чу-қурлашиб бораётган жараёнининг таркибий қисми сифатида яна ўз давоми ва ривожини топиши зарурлигига ишонч изҳор этадилар.
- (42) Иштирок этувчи давлатлар Вена Якунловчи ҳужжатининг ЕХҲКнинг ин-сонийлик мезонлари ҳақидаги бўлими 1—4-бандларида белгилаб қўйилга-

нидек, тартиботлар самарадорлигини янада ошириш зарурлигини эътироф этиб, ва шу мақсадда шундай қарорга келдилар:

- (42.1) – иложи борича қисқа муддатларда, лекин тўрт ҳафтадан кечиктирмасдан, уларга бошқа иштирок этувчи давлатлар томонидан 1-бандга мувофиқ ёзма шаклда ахборот тўғрисида берилган сўровномаларга ва тақдимномаларга ёзма жавоблар бериш;
 - (42.2) – 2-бандда назарда тутилган икки томонлама учрашувлар имкони борича тезроқ, қоида тариқасида, сўровнома тақдим этилган кундан бошлаб уч ҳафта мобайнода ўтказилади;
 - (42.3) – 2-бандга мувофиқ ўтказиладиган икки томонлама учрашувлар борасида, башарти фақат ҳар иккала томон шу ҳақда келишиб олмаса, бундай учрашувлар предмети билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар ва ҳоллар ҳақидаги масалани кун тартибига қўйишдан ўзини тийиш.
- (43) Иштирок этувчи давлатлар ЕХҲКнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли мажбуриятлар бажарилишининг яхшиланишига қаратилган янги чора-тадбирлар ҳақидаги амалий таклифларни ўрганиб чиқдилар. Шу муносабат билан улар тегишли масалаларнинг ҳал этилишига кўмаклашиш мақсадида вазиятлар ва муайян ҳолларни ўрганиш учун кузатувчиларнинг юборилиши, текшириш ўтказиш учун маърузачиларнинг тайинланиши ва тегишли қарорлар юзасидан таклифлар киритилиши, ЕХҲКнинг Инсонийлик мезонлари бўйича қўмитасини ташкил этиш, алоҳида шахслар, ташкилотлар ва муассасаларнинг инсонийлик мезонлари механизмидаги иштирокини кенгайтириш ҳамда икки томонлама ва кўп томонлама ҳаракатларни ривожлантиришга тааллуқли таклифларни кўриб чиқдилар.

Улар ЕХҲКнинг келгуси тегишли анжуманларида инсонийлик мезонлари механизмини мустаҳкамлашга қаратилган бу ва бошқа таклифларнинг ҳар томонлама муҳокама қилинишини давом эттириш ва ЕХҲК жараёнини янада ривожлантириш маъносида лозим бўладиган янги чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ҳақидаги масалани кўриб чиқишга қарор қиласидилар. Улар бу чора-тадбирларнинг янада самарали муваффақиятларга эришишга кўмаклашиши, можароларнинг олдини олишга ҳамда ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари соҳасида ишончни таъмин этишга ёрдам бериши кераклигига розилик билдирилар.

И Л О В А

НОҲУКУМАТ ТАШКИЛОТЛАР ВА ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЕХҲК ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИ КЕНГАШЛАРИДА ҲОЗИР БЎЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАСАЛА ЮЗАСИДАН РАИС БАЁНОТИ

Раис шуни таъкидлайдики, инсонийлик мезонлари бўйича Конференция кенгашларининг очиқлиги ва уларда ҳозир бўлиш учун рухсат қилиниши бўйича Вена учрашувида қўлланилган ҳамда учрашув Якунловчи ҳужжатининг XI иловасида мав-

жуд бўлган кўринишдаги амалиёт барча иштирок этувчи давлатлар учун муҳимдир. ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари бўйича Конференциянинг бўлажак қенгашларида ҳам ана шундай амалиётига амал қилиш ва унинг қўлланилишини кенгайтириш учун иштирок этувчи давлатлар Конференция қенгашларининг очиқлиги ва уларда ҳозир бўлиш учун рухсат қилинишининг қўйидаги амалиётига риоя қилишга розилик берадилар:

— тегишли ноҳукумат ташкилотлар аъзоларининг Конференция биносининг делегациялар ва Ижроия котибияти хизматлари учун ажаратилган қисмидан ташқари хоналарида эркин ҳаракатланиши. Шу мақсадда улар илтимосига кўра Ижроия котибияти томонидан уларга аккредитация варақалари берилади;

— тегишли ноҳукумат ташкилотлар аъзолари ва делегатлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг аккредитациядан ўтган вакиллари ўртасида ҳеч қандай монеликсиз муносабатлар ўрнатиш;

— Конференциянинг барча ишчи тилларидаги расмий ҳужжатлари, шунингдек, делегатлар тегишли ноҳукумат ташкилотлар аъзоларига юборишни хоҳлайдиган ҳар қандай ҳужжат билан танишиш мумкинлиги;

— тегишли ноҳукумат ташкилотлар аъзолари учун делегатларга ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига таалуқли маълумотлар бериш имконияти. Шу мақсадда уларга ҳар бир делегацияга етказиладиган хат-хабарлар учун катаклардан фойдаланиш имконияти таъминланади;

— делегатларнинг тегишли ноҳукумат ташкилотлар чиқарадиган ва Конференциянинг маълумоти учун Ижроия котибиятига юбориладиган барча ҳужжатлар билан эркин таниша олиши мумкинлиги. Шу мақсадда Ижроия котибияти бундай ҳужжатларнинг мунтазам тарзда янгиланадиган туркумини делегатлар тасарруфига беради.

Улар бундан кейин оммавий ахборот воситалари вакилларига қўйидагиларни кафолатлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

— Конференция биносининг делегациялар ва Ижроия котибияти хизматлари учун ажратилган қисмидан ташқари хоналарида эркин ҳаракатланиш. Шу мақсадда Ижроия котибияти томонидан зарур, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганида ак— кредитация варақалари берилади;

— делегатлар, шунингдек, тегишли ноҳукумат ташкилотлар аъзолари билан ҳеч қандай монеликсиз муносабатлар ўрнатиш;

— Конференциянинг барча ишчи тилларидаги расмий ҳужжатлари билан танишиш мумкинлиги.

Раис яна шуни таъкидлайдики, бу баёнот Копенгаген Кенгashi Ҳужжатига илова сифатида киради ва у билан бирга эълон қилинади.

**ЕХҲҚ САММИТИНИНГ
ЯНГИ ЕВРОПА УЧУН ПАРИЖ ХАРТИЯСИ**
Париж, 1990 йил 21 ноябрь

ДЕМОКРАТИЯ, ТИНЧЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Биз, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида иштирок этувчи давлатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари Парижда чуқур ўзгаришлар ва тарихий орзу-умидлар даврида тўпландик. Европанинг қарама-қарши туриш ва парчаланиш даври тугади. Биз бундан кейинги муносабатларимиз ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликка асосланишини баён қиласиз. Европа ўтмиш меросидан ҳолос бўймоқда. Эркаклар ва аёллар жасорати, ҳалқлар ҳоҳиш-иродасининг кучи ва Хельсинки Якунловчи ҳужжати ғояларининг қудрати Европада демократия, тинчлик ва бирдамликнинг янги даврини очди. Бизнинг давримиз — бу ўн йиллар мобайнида ҳалқларимиз қалбларида яшаган ишонч ва орзу-умидлар: инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига асосланган демократияга қатъий содиқлик; иқтисодий эркинлик ва ижтимоий адолат орқали равнақ топиш ҳамда бизнинг барча мамлакатларимиз учун тенг хавфсизликни амалга ошириш даври. Якунловчи ҳужжатнинг ўнта принципи кейинги ўн беш йил мобайнида муносабатларимизни яхшилаш сари бориладиган йўлни ёритганидек, бизнинг порлоқ истиқбол сари силжишимизда ҳам йўлчи юлдуз бўлиб қолади. ЕХҲҚ бўйича барча мажбуриятларнинг тўла бажарилиши ҳалқларимиз ўз орзу-умидларига мувофиқ яшашлари учун имконият яратиш мақсадида биз ҳозир бошлаётган ташаббусларимизга асос бўлиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлиги

Биз демократияни мамлакатларимиздаги бошқарувнинг ягона тизими сифатида барпо этиш, жипслаштириш ва мустаҳкамлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз. Ушбу ташаббусда биз қуйидагиларга амал қиласиз:

Инсон ҳуқуқлари ва унинг асосий эркинликлари барча шахсларга туғилганидан бошлаб тегишлидир, улар ажралмасдир ва қонун билан кафолатланади. Уларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш — ҳукуматнинг энг биринчи вазифаси. Уларни ҳурмат қилиш — ўта кучли ҳокимиятга эга бўлган давлатга қарши жиддий кафолат. Уларга риоя қилиш ва тўлиқ рўёбга чиқариш — эркинлик, адолат ва тинчлик асоси.

Демократик бошқарув эркин ва адолатли сайловлар пайтида мунтазам равиша ифодаланадиган ҳалқ ҳоҳиш-иродасига асосланади. Демократиянинг асосини инсон шахсига бўлган ҳурмат ва қонун устуворлиги ташкил этади. Демократия ўз фикрини изҳор этиш эркинлиги, жамиятдаги барча гуруҳларга нисбатан бағрикенглик ва ҳар бир инсон учун имкониятлар тенглигининг энг яхши кафолати ҳисобланади.

Вакиллик ва фикрлар хилма-хиллиги хусусиятига эга бўлган демократия сайловчиларга ҳисобот беришга, давлат ҳокимиятларининг қонунларга риоя этиш мажбуриятларига ва одил судловга олиб келади. Ҳеч ким қонундан устун турмаслиги керак.

Биз, ҳеч кандай камситишларсиз ҳар бир инсон:

фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги,
ўз фикрини изҳор этиш эркинлиги,

уюшмаларга бирлашиш ва тинч йиғилишлар ўтказиш эркинлиги, бир жойдан иккинчи жойга бемалол күчиш эркинлиги ҳуқуқларига эга эканлигини;

хеч ким:

асоссиз ҳибсга олинмаслиги ёки қамоқда сақланмаслиги, қийноққа солинмаслиги, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа турдаги муомала ва жазоларга дучор этилмаслиги; шунингдек, ҳар бир киши: ўз ҳуқуқларини билиш ва уларга мувофиқ ҳаракат қилиш; эркин ва адолатли сайловда қатнашиш, жиноят содир этганилқда айбланганда адолатли ва очиқ суд мұхокамасини талаб қилиш, мулкка якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда әгалик қилиш ва якка тартибда тадбиркорлик билан шугулланиш, ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳуқуқларига эга эканлигини тасдиқлаймиз.

Биз озчиликтен ташкил қылған миллатларнинг этник, маданий, тил ва диний ўзига хосликлари ҳимоя қилинишини, озчиликтен ташкил қылған миллатларга мансуб шахслар бу ўзига хосликларини ҳеч қандай камситишларсиз ва қонун олдиде тұла тенглик шароитларыда әркин ифодалаш, сақлаш ва ривожлантириш ҳуқуқыға эга эканликтарини тасдиқлаймиз.

Биз, ҳар бир кишига унинг ҳуқуқлари ҳар қандай бузилишига қарши миллий ёки халқаро ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларидан әркин фойдаланишни таъминлаймиз.

Мазкур қоидаларга тұла риоя қилиш бизнинг янги Европани барып этишдеги интилишимизга асос бўлади.

Давлатларимиз демократик ютуқларни муқаррар агадийлаштириш мақсадида бирбири билан ҳамкорлик қиласи ва бир-бируни кўллаб-кувватлайди.

КЕЛАЖАК МАҚСАДЛАРИ

ЕХҲКнинг барча принциплари ва қоидаларига тұла риоя қилишга қатый содиқлигимиздан келиб чиқиб, биз ҳозир халқларимиз әхтиёjlари ва орзу-умидларини қондириш мақсадида ҳамкорлигимиз мутаносиб ва ҳар томонлама ривожланишига янги туртки беришга қарор қылмоқдамиз.

Инсонийлик мезонлари

Биз инсон ҳуқуқлари ва унинг асосий әркинликларига бўлган ҳурматимиз ўзгармас эканлигини билдирамиз. Биз ЕХҲКнинг инсонийлик мезонларига оид қоидаларига тўлиқ риоя қиласи ва уларни ривожлантирамиз. Инсонийлик мезонлари бўйича Конференциянинг Копенгаген кенгаши ҳужжатига амал қилиб, биз демократик институтларни мустаҳкамлаш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида

ҳамкорлик қиласыз. Шу маңсадда биз 1991 йил 4-15 ноябрь кунлари Ослода экспертерлер семинарини ўтказиш түгрисида қарор қабул қиласыз.

Озчиликни ташкил қилган миллатларнинг жамиятимиз қастига құшаётган бой ҳиссаларига күмаклашишга қатый қарор қилған ҳолда, биз бундан бүён ҳам уларнинг ахволини яхшилаш мажбуриятини ўз зыммамизга оламиз. Биз халқаримиз ўртасидаги дүстона муносабатлар, шунингдек, тинчлик, адолат, барқарорлық ва демократия озчиликни ташкил қилған миллатларнинг этник, маданий, тилге оид ҳамда диний ўзига хосликлари ҳимоя қилинишини ҳамда бу ўзига хосликни рафбатлантириш учун шарт-шароитлар яратилишини талаб қиласыз. Биз озчиликни ташкил қилған миллатларга доир масалалар фақат демократик сиёсий доиралардагина қониқарлы ҳал этилиши мүмкінлегини маълум қиласыз. Озчиликни ташкил қилған миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари инсон умумий ҳуқуқларининг узвий қисми сифатида тұлық ҳурмат қилиниши кераклигини эътироф этамиз. Озчиликни ташкил қилған миллатларга тааллуқли масалаларда, шунингдек, уларни ҳимоялашни яхшилаш борасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш учун зарурий әхтиёжни англаң, биз 1991 йил 1-19 июль кунлари Женевада озчиликни ташкил қилған миллатлар масалалари бүйича экспертерлер йиғилишини ўтказышга қарор қиласыз.

Биз, кимга бўлишидан қатыи назар, бирор кишига нисбатан ирқий ва этник нафрат, антисемитизм, ксенофобия ҳамда камситишларнинг ҳар қандай шаклларига, шунингдек, диний ва мафкуравий асосларга кўра таъқиб этишга қарши курашда ўз қатъиятимизни ифодалаймиз.

ЕХХҚ бўйича мажбуриятларимизга мувофиқ, биз фуқароларимизнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишлари ва улар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, ахборотлар ва гоялар оқимининг тўсиқларсиз ўтиши эркин жамиятлар ва равнақ топаётган маданиятларни сақлаш ҳамда ривожлантиришда мухим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаймиз. Биз туризмнинг ривожланишини ҳамда мамлакатларимиз фуқароларининг бир-бирларига ташрифлари кенгайишини олқишлиймиз.

Инсонийлик мезонлари тартиботи ўзининг фойдалилигини исботлади ва шунинг учун ҳам биз уни инсон ҳуқуқлари масалаларида тажрибага эга бўлган экспертерлар ёки атоқли арбоблар ҳайъати хизматларини назарда тутувчи ва мазкур тартибот доирасига киритилиши мүмkin бўлган янги тадбирларни қўшиш йўли билан кенгайтириш қароримизда қатъиймиз. Мазкур тартибот асосида биз айрим шахслар уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда иштирок этишларини таъминлаймиз. Шунинг учун биз бу соҳадаги мажбуриятларимизни, жумладан, инсонийлик мезонлари бўйича Конференциянинг давлатларимиз иштирок этиши мүмкин бўлган Москва кенгашида мавжуд халқаро воситалар бўйича мажбуриятларимиз учун зарар етказмаган ҳолда янада кенгайтиришнинг қатый тарафдори эканлигимизни билдирамиз.

Биз Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқларига күмаклашиш ишига ҳамда демократия принциплари ва қонун устуворлигига, шунингдек, маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга мухим ҳисса құшаётганигина эътироф этамиз. Биз айрим иштирок этувчи давлатларнинг Европа Кенгашига кириш ва унинг Инсон ҳуқуқлари түгрисидаги Европа конвенциясига қўшилиш йўлидаги ҳаракатларини олқишилаймиз. Биз Европа Кенгашининг ўз тажрибасини **ЕХХҚ**га беришга тайёрлителини ҳам күтлаймиз.

Күчманчи ишчилар

Биз шу нарсаны эътироф қиласызки, күчманчи ишчиларни қабул қилувчи мамлекаттарда қонуний равищда яшовчи күчманчи ишчилар ва уларнинг оиласлари муаммолари иқтисодий, маданий ва ижтимоий жиҳатларга, шунингдек, ўзининг инсонийлик мезонларига эгадир. Биз күчманчи ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга күмаклашиш, шунингдек, тегишли халқаро мажбуриятларни бажариш ўзимизнинг умумий ишимиз эканлигини яна бир карра тасдиқлаймиз.

Ноҳкумат ташкилотлар

Биз ЕХҲҚ мақсадларига эришишда ноҳкумат ташкилотлар, диний ва бошқа гурӯҳлар ҳамда айрим шахслар мұхим роль ўйнашини эслатиб ўтамиз ва бундан буён ҳам уларнинг иштирок этувчи давлатлар ЕХҲҚ бўйича олган мажбуриятларини амалга оширишга қаратилган фаолиятига кўмаклашаверамиз. Мазкур ташкилотлар, гурӯҳлар ва айрим шахслар ўзларининг мұхим вазифасини бажариш учун ЕХҲҚ фаолиятига ва унинг янги тузилмаларига тегишлича жалб қилиниши лозим.

**ЯНГИ ЕВРОПА УЧУН ПАРИЖ ХАРТИЯСИДА АКС
ЭТТИРИЛГАН АЙРИМ ҚОИДАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ТҮГРИСИДАГИ ҚҰШИМЧА ҲУЖЖАТ**

Париж, 1990 йил 21 ноябрь

Күйида 1990 йил 21 ноябрда Париждә имзоланған Янги Европа учун Париж хартиясида акс эттирилған айрим қоидаларга тааллуқли тартиботлар ва ташкилий шарттар баён этилади.

**ЭРКИН САЙЛОВ БҮЙИЧА БЮРО ЕХХҚ ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ
ОЗЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ҚИЛГАН МИЛЛАТЛАР МАСАЛАЛАРИ
БҮЙИЧА КЕНГАШИ МАЪРУЗАСИ**

Женева, 1991 йил 19 июль

Париж хартиясининг тегишли қоидаларига асосан иштирок этувчи давлатларниң вакиллари озчиликни ташкил қылған миллатлар ва уларга мансуб шахслар ҳуқуқларини ҳамда ҳуқуқий, тарихий, сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитларнинг хилма-хиллигини ифода этувчи масалаларни чұқур муҳокама қилдилар. Улар озчиликни ташкил қылған миллатларга тааллуқли амалий тажрибалар ҳақида, шу жумладан миллий қонунчилік, демократик институтлар, халқаро воситалар ва ҳамкорликнинг эҳтимол тутилған бошқа шакллари түгрисида фикр алмашдилар. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгashi (ЕХХҚ) бүйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидағи мулоҳазалар айтиб ўтилди ва иштирок этувчи давлатлар вакиллари томонидан тегишли андозаларни такомиллаштириш имкониятлари күриб чиқылды. Улар юқорида айтиб ўтилған мажбуриятларни бажаришга қаратылған янги чора-тадбирларни ҳам муҳокама қилдилар.

Кенгаш томонидан күриб чиқылиши учун бир қатор таклифлар киритилди ва улар муҳокама қилинганидан сүнг иштирок этувчи давлатлар вакиллари ушбу маърузани қабул қилдилар.

Экспертларнинг озчиликни ташкил қылған миллатлар бүйича Женева Кенгashi нинг маърузаси матни ҳар бир иштирок этувчи давлатда нашр этилади, бу давлат ушбу матнни тарқатади ва у билан имкон қадар кенгроқ танишиб чиқылишини таъминлайди.

Иштирок этувчи давлатлар вакиллари таъкидлайдиларки, Кенгаш Янги Европа учун ариж хартиясига мувофиқ Кенгаш иши якунларини инобатта олади.

I

Иштирок этувчи давлатлар улар томонидан инсон ҳуқуқлари ва асосий әркинликларига риоя қилиниши ҳамда тұла амалга оширилишини, шу жумладан озчиликни ташкил қылған миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқ ва әркинликларига риоя қилиниши ҳамда тұла амалга оширилиши янги Европанинг асос-үзаги ҳисобланишини әзтироф этиб,

бу давлатларнинг халқлари ўртасида дўстона муносабатлар сақланиши ҳамда тинчлик, барқарорлик ва демократия бўлиши учун озчиликни ташкил қилган миллатларнинг этник, маданий, тил ва диний қадриятлари ҳимояланиши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари қўллаб-қувватланиши учун шароитлар яратилиши лозимлигига астойдил ишонишини яна бир бор тасдиқлаб,

озчиликни ташкил қилган миллатлар мавжуд бўлган мамлакатларда демократия барча шахслар, шу жумладан озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар қонун устуворлиги ҳамда демократик институтлар томонидан таъминланадиган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳамда имтиёзлардан тенглик асосида тўла ва самарали фойдаланишларини талаб қилишига ишониб,

бу мамлакатлардаги вазиятлар ва конституциявий тузумларнинг хилма-хиллигини англаб, эътироф этиб, бинобарин, озчиликни ташкил қилган миллатларга нисбатан ЕХҲК мажбуриятларининг бажарилишига турли ёндашувлар ҳам бўлишини, озчиликни ташкил қилган миллатлар масалаларини, айниқса, демократик институтлар эндинга вужудга келаётган, аммо озчиликни ташкил қилган миллатларга таалуқли масалалар алоҳида ташвиш туғдираётган худудларда ҳал қилишга бутун куч-ғайратни қаратиш муҳимлигини ҳисобга олиб,

озчиликни ташкил қилган миллатлар ўzlари яшаётган давлатлардаги жамиятнинг ажралмас бир қисми эканлигини, бинобарин, улар ҳам ҳар бир тегишли давлат ва жамиятнинг бойиш омили ҳисобланишини англаб,

ўzlари иштирокчиси ҳисобланиши мумкин бўлган халқаро воситалар таркибиغا кирувчи инсон ҳуқуқлари соҳаси ва асосий эркинликларига оид ўз зиммаларидаги мажбуриятларини ҳурмат қилиш ҳамда уларни тўлалигича ва адолатли бажариш лозимлигини тасдиқлаб,

озчиликни ташкил қилган миллатлар ҳамда уларга мансуб шахслар мажбуриятларини тўла ҳажмда бажариш борасида ўз қатъий қарорларини яна бир бор тасдиқлаб, Хельсинки Якунловчи ҳужжатига, Мадрид Якуний ҳужжати ва Вена Якунловчи ҳужжатига, ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари бўйича Конференцияси Копенгаген Кенгаши ҳужжатига, Маданий мерос бўйича Krakov симпозиуми ҳужжатига, шунингдек, Янги Европа учун Париж хартиясига мувофиқ қуида ўз хулосаларининг қисқача баёнини тақдим этадилар.

Иштирок этувчи давлатлар вакиллари ўз ишларининг фундаментал асоси сифатида улар томонидан қабул этилган, озчиликни ташкил қилган миллатларга таалуқли мажбуриятларни ЕХҲК қабул қилган тегишли ҳужжатларда акс эттирилган, хусусан Янги Европа учун Париж хартияси ва ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари бўйича Конференцияси Копенгаген Кенгаши ҳужжати бўйича мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар, шунингдек уларни тўлалигича яна бир бор тасдиқлайдилар.

II

Иштирок этувчи давлатлар бундан буён ЕХҲКнинг озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларга доир мажбуриятларининг бажарилишини синчковлик билан муҳокама қилиб бориш зарурлигини тасдиқлайдилар.

Улар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари озчиликни ташкил қилган миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришнинг негизи эканлигини таъкидлайдилар. Улар яна шуни эътироф этадиларки, озчиликни ташкил қилган миллатларга доир масалаларга фақат қонун устуворлигига асосланган мустақил суд тизими фао-

лият кўрсатаётган шароитда демократик сиёсий талаблар доирасида ёндашилгандаги на уларнинг қониқарли ечимини топиш мумкин бўлади. Бу талаблар доираси инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликлари ҳар жиҳатдан ҳурмат қилинишини, барча фуқароларнинг, шу жумладан озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг ҳукуқ ва мавқе жиҳатидан тенглигини, уларга ўзларининг барча қонуний ҳақ-ҳукуқлари ва орзу-умидларини эркин ифода этишни, сиёсий плюрализм, ижтимоий бағрикенгликни ва давлат ҳокимииятининг сунистеъмол қилинишига самарали тўсиқ қўядиган қонун нормаларининг бажарилишини кафолатлайдилар.

Озчиликни ташкил қилган миллатларга тааллуқли масалалар, шунингдек, уларга мансуб шахсларнинг халқаро ҳукуқ бўйича мажбуриятлари ва бошқа халқаро мажбуриятларига риоя қилиш қонуний халқаро ташвишга сабаб бўлган масалалар ҳисобланади. Бинобарин, улар тегишли давлатнинг мутлақо ички иши ҳисобланмайди.

Улар барча этник, маданий, тилга оид ва диний тафовутлар албатта озчиликни ташкил қилган миллатларнинг пайдо бўлишига олиб келавермаслигини таъкидлайдилар.

III

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб ва давлат ишларида фаол қатнашадиган шахсларнинг ҳукуқларини ҳурмат қилиб, озчиликни ташкил қилган миллатларнинг аҳволига доир масалалар ўз мамлакатларида муҳокама қилинаётган ҳолларда уларнинг ўзларига бу жараёнда самарали иштирок этишлари учун ҳар қайси давлатнинг ўз қонун-қоидаларига мувофиқ имкон бериш керак деб ҳисоблайдилар. Улар давлат ишларида фаол қатнашишнинг муҳим шарти – бу озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг ёхуд улар вакилларининг раҳбарий ёки маслаҳатлашув органларида демократик асосларда иштирок этишларидир.

Улар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш учун муайян тарзда муаммоларни музокаралар ва маслаҳатлашувлар ор – қали амалий ҳамда мулоқот асосида ҳал қилиш мақсадида маҳсус саъӣ-ҳаракатлар қилиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Улар давлатлар ўртасидаги ва давлатлар билан озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар ўртасидаги мулоқотга таъсир ўтказиш барча тарафлар ўртасида ахборот ва ғояларнинг эркин оқими мавжуд бўлганда янада муваффақиятлироқ кечишини эътироф этадилар. Улар ЕХҲКнинг озчиликни ташкил қилган миллатларга тааллуқли мажбуриятлари бажарилишининг самарадорлигини ошириш имкониятларини ўрганиш юзасидан ҳукumatларнинг икки томонлама ва кўп томонлама саъӣ-ҳаракатларини рағбатлантирадилар.

Иштирок этувчи давлатлар бундан буён инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш камситишсиз асосда, бутун жамият доирасида амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблайдилар. Асосан озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар истиқомат қиласидиган ҳудудларда ушбу озчиликка мансуб шахслар ва тегишли давлатда кўпчиликни ташкил қилувчи аҳоли ҳамда бу ҳудудларда яшайдиган бошқа озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар ўзларининг инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликлари teng равища ҳимоя қилинади.

Улар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг ихтиёрига хилоф тарзда аралаштириб юборишга бўлган уринишларга қарши турган ҳолда ўзларининг этник, маданий, тилга оид ва диний ўзига хос хусусиятларини эркин ифода

этиш, асраш ва ривожлантириш, ўз маданиятларининг барча жиҳатларини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ҳуқуқига эга эканликларини тасдиқлайдилар.

Улар ваколатли органларга ўз худудларида бўладиган барча давлат органларига режалаштирилган сайлов ҳақида ҳамда умуммиллий даражадан анча паст даражада ўтказиладиган сайлов ҳақида ҳам Эркин сайлов бўйича бюрони хабардор қилишга рухсат берадилар. Иштирок этувчи давлатлар умуммиллий даражадан анча паст даражада ўтказиладиган сайловда, шунингдек, озчиликни ташкил қилган миллатлар яшайдиган худудлардаги сайловда, қонун қанчалик йўл қўйишига қараб кузатувчиларнинг ҳозир бўлишини маъқуллайдилар ва буни таъминлашга ҳаракат қиласидилар.

IV

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларга давлат ҳаётида, иқтисодий фаолиятда ва жамиятни ривожлантиришда самарали иштирок этишлари учун тенг имкониятлар таъминлашга шарт-шароит яратиб берадилар.

Копенгаген ҳужжатининг 31-бандига мувофиқ иштирок этувчи давлатлар алоҳида шахсларга нисбатан камситишнинг, айниқса, бу ҳол иш билан банд этиш, уй-жой ва таълимга тааллуқли бўлганида у ёки бу озчиликни ташкил қилган миллатга мансублиги ёки мансуб эмаслиги сабабли камситишнинг олдини олиш зарур чораларини қўрадилар. Шу маънода улар ҳали чора кўрилмаган бўлса, озчиликни ташкил қилган миллатга мансублиги ёки мансуб эмаслиги оқибатида камситадиган муомалага учраган алоҳида шахсларга ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан самарали фойдаланиш учун шароит, шу жумладан, камситишнинг муайян жабрланувчиларига ҳуқуқий ҳимоянинг маъмурий ва суд воситаларидан фойдаланиш учун имконият яратиб берадилар.

Иштирок этувчи давлатлар ишонадиларки, озчиликни ташкил қилган миллатларнинг қадриятлари ва маданий меросини сақлаш ана шундай миллатларга мансуб шахсларнинг ҳам иштирокини талаб қиласи ҳамда турли маданиятларга нисбатан бағрикенглик ва ҳурмат шу жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб, улар озчиликни ташкил қилган миллатларга тааллуқли ва уларга мансуб шахслар томонидан маданиятга оид материалларни ишлаб чиқариш соҳасида тўсиқлар қўйишига ҳаракат қилишдан сақланишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайдилар.

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар ҳам аҳолининг бошқа қисми каби барча фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга эканлигини тасдиқлайдилар.

Иштирок этувчи давлатлар кези келганда, озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг ҳам инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланишлари борасида бошқа фуқаролар билан тенглигини таъминлаш мақсадида маҳсус чора-тадбирлар кўрилиши муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайдилар. Улар озчиликни ташкил қилган миллатларнинг худудларида уларнинг этник, маданий, тилга оид ва диний ўзига хослигини ҳимоялаш учун зарур чора-тадбирлар кўриш ва бундай ўзига хосликни рағбатлантириш учун шароит яратиш кераклигини ҳам эслатиб ўтадилар; шу каби ҳар қандай чора-тадбирлар тегишли иштирок этувчи давлатнинг бошқа фуқароларининг тенглиги ва камситилмаслиги принциплари асосида амалга оширилади.

Улар демократик институтлар энди бирлашган, озчиликни ташкил қилган миллатлар масаласи эса алоҳида ташвиш туғдириб турган бўлса, озчиликни ташкил қилган миллатларнинг тарихий ва ҳудудий шароитларини ҳам ҳисобга олувчи бундай чора-тадбирларнинг жуда муҳим эканлигини эътироф этадилар.

Конституциявий тузумларнинг фарқланиши ва уларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олиб ҳамда натижада қандайдир умумий бир ёндашувдан фойдаланиш шарт эмаслиги сабабли, иштирок этувчи давлатлар мамнуният билан қайд этадиларки, уларнинг баъзилари томонидан тегишли демократик йўл билан, шу жумладан:

- озчиликни ташкил қилган миллатлар вакиллари ҳам иштирок этадиган, айниқса, таълим, маданият ва динга оид маслаҳат берувчи ва раҳбарий органлар,
- озчиликни ташкил қилган миллатлар масалалари бўйича сайлаб қўйиладиган органлар ва ассамблея;
- маҳаллий ва муҳтор бошқарув органлари ҳамда ҳудудий асосдаги муҳторият, шу жумладан эркин ва даврий асосда сайланадиган маслаҳатлашув, қонун чиқарувчи ҳамда ижроия органлари;
- агар ҳудудий асосда муҳторият мавжуд бўлмаса, озчиликни ташкил қилган миллатларнинг ўзига хослигига доир жиҳатларда ўзини ўзи бошқариш;
- марказлаштирилмаган ёки маҳаллий бошқарув шакллари;
- озчиликни ташкил қилган миллатларга алоқадор икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар ҳамда бошқа битимлар;
- озчиликни ташкил қилган миллатлар вакилларига уларнинг сони, тарқалишининг жўкрофий тузилиши ва маданий анъаналарини ҳисобга олиб, ўз она тилларида ўқишнинг тегишли турлари ва даражасидан фойдаланиш имконини яратиш;
- озчиликни ташкил қилган миллатларнинг тилларини кенг жамоатчиликка ўқитиш ишини молиялаштириш, шунингдек, педагогика ўкув юртларининг дастурларига, хусусан, озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб кишилар тарқалган ҳудудларда озчиликни ташкил қилган миллатлар тилларини киритиш;
- бирон-бир ҳудудда муайян бир ўкув фанини озчиликни ташкил қилган миллатларнинг тилида ўқитиш имкони бўлмаса, чет элда шу тилда таълим олингани нағтиласида берилган дипломни эътироф этиш йўлларини белгилаш учун зарур чоратадбирларни кўриш;
- тенг ҳуқуқлилик ва камситмасликка оид қонунчилик ва ахборот тарқатишни ўрганиш учун давлат тадқиқот муассасаларини ташкил этиш;
- озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларга, башарти улар буни хоҳласа, таълим, маданият ва дин муассасалари, ташкилотлари ёки уюшмаларини тузишга оид ҳуқуқларни амалга ошириш учун молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш;
- амалиётдаги камситиш (масалан, фуқароларнинг ўзаро муносабатлари хизмати) билан алоқадор бўлган маҳаллий қийинчиликларни енгиб ўтишда давлат томонидан ёрдам кўрсатиш;
- озчиликни ташкил қилган миллатларнинг жамоаларида қуи поғонадаги жамоалараро муносабатларни ўрнатиш бўйича, кўпчиликни ташкил қилган аҳоли жамоалари билан озчиликни ташкил этувчиларнинг жамоалари ҳамда чегарадош бўлган ҳудудлардаги жамоалар ўртасида жойларда юзага келиши мумкин бўлган ихтилофларнинг олдини олиш ва зиддиятлар келиб чиқсан тақдирда уларни тинчлик йўли билан бартараф этиш борасидаги куч-ғайратларни рағбатлантириш;
- чегарадош ҳудудларда музокараларнинг доимийлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёки давлатлараро ёхуд минтақавий доимий қўшма комиссиялар ташкил қилишни рағбатлантириш орқали ижобий натижаларга эришилди.

Иштирок этувчи давлатлар бу ва бошқа ёндашувлар, улар хоҳ якка тартибда, хоҳ уйғунликда бўлсин, озчиликни ташкил қилган миллатларнинг ўз ҳудудларидағи шароитларини яхшилашга хизмат қиласи, деб ҳисоблайдилар.

V

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қылган миллатларга мансуб шахсларнинг якка тартибда ёки бошқа фуқаролар билан биргаликда ўз ҳуқуқларини амалга оширишларини, ўз мамлакатлари доирасида ташкилотлар ва уюшмалар тузишларини ҳамда уларга кўмак беришларини, халқаро ноҳукумат ташкилотлар ишида қатнашишларини хурмат қиласидилар.

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қылган миллатларга мансуб шахсларнинг ўз таълим, маданият ва дин муассасалари, ташкилотлари ҳамда уюшмаларини ташкил этиш ҳуқуқини яна бир бор тасдиқлайдилар ва бу ҳуқуқни амалга оширишга монелик қилмайдилар.

Шу муносабат билан улар алоҳида шахслар, нодавлат муассасалар, диний ва бошқа гурухларнинг турли маданиятлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни ҳамда жамиятнинг барча даражаларидаги муносабатларни яхшилаш, шунингдек, халқаро чегаралар орқали яхшилаш борасида тутган ҳаётий муҳим ролини эътироф этадилар.

Улар бундай ташкилот, гуруҳ ва алоҳида шахсларнинг бевосита кузатишлари ва тажрибаси озчиликни ташкил қылган миллатларга мансуб шахсларга алоқадор бўлган EXXK мажбуриятларини бажаришни рағбатлантиришда фоят муҳим аҳамият касб этиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шу боис улар бундай ташкилот, гуруҳ ва алоҳида шахсларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайдилар, бунга монелик қилмайдилар ҳамда уларнинг бу соҳага қўшган ҳиссаларини маъқуллайдилар.

VI

Иштирок этувчи давлатлар ирқий, этник ва диний нафратни, антисемитизм, ксенофобия ҳамда камситиши ҳолатларининг намоён бўлиши ўсиб бораётганидан ташвишланиб, кимга нисбатан бўлишидан қатъи назар, бундай ҳолатларни доимий равишда қоралаш хусусидаги ўз қатъиятларини таъкидлайдилар.

Шу маънода улар ромалар /лўлилар/нинг алоҳида муаммолари мавжудлигини тан олишларини эътироф этадилар. Улар одатда ромалар билан ўз давлатида яшаб келаётган одамлар ва бошқа аҳоли ўртасида тўлақонли тенгликка эришиш учун самарали чора-тадбирлар кўришга тайёрдир. Шунингдек, улар ромаларга ва улар рўбарў бўлаётган алоҳида муаммоларнинг ҳал қилинишига қаратилган тадқиқот ва изланишларни рағбатлантирадилар.

Улар бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва имкониятларнинг тенглигини, келиб чиқиши турлича бўлган шахслар ўртасида ўзаро муносабатларни рағбатлантириш учун уларнинг мамлакатлари доирасида самарали чора-тадбирлар кўрадилар.

Иштирок этувчи давлатлар ўз конституциявий ҳуқуқлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ, башарти улар ҳали бундай қилмаган бўлсалар, ўз мазмуни жиҳатидан зўравонликка ундейдиган миллий, ирқий, этник ёки диний камситишларга, антисемитизмни ҳам қамраб оловчи душманлик ва адватга асосланган ҳаракатларни тақиқлайдиган қонунларга риоя қилиниши учун самарали ҳаракат қиласидилар ҳамда бундай қонунларнинг ижро этилишини таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилиниши сиёсатини юритадилар.

Бундан ташқари, жамоатчиликнинг бидъат ва нафрат нималигини тўла англаб этиши, адват билан боғлиқ жиноятларга доир қонунларни такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, жамиятда адват ва хурофотларни енгишга бўлган бундан буёнги

саъй-ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида ўз тегишли ҳудудларида содир бўлаётган ва замерида ирқقا, этник мансубликка ёки динга нисбатан хурофот ётган жиноятлар ҳақида мунтазам равишда ахборот тўплаш, бундай маълумотларни тўплаш учун фойдаланиладиган раҳбарий принципларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, уларни нашр қилиш учун куч-ғайратларини сарфлайдилар. Бу маълумотларда муайян шахслар тўғрисидаги ахборотлар бўлмаслиги лозим.

Улар хурофот ва адоват мавжудлигидан далолат берувчи жиноятлар ҳақида ҳалқаро миқёсда, шу жумладан ЕХХКнинг бўлажак кенгашиларида маслаҳатлашадилар ҳамда фикр-мулоҳаза ва ахборот алмашадилар.

VII

Озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш учун эркин ахборот оқими ва ғоялар алмашуви бўлиши кераклигига ишонган иштирок этувчи давлатлар, давлат ҳокимиятининг аралашувисиз ҳамда давлат чегараларидан қатъи назар, озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар ўртасидаги мулоқотнинг муҳимлигини таъкидлайдилар. Бундай ҳукуқларни амалга оширишни чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ва ҳалқаро андозаларга мос келган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин. Улар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб бирорта шахс ўзининг бундай озчиликни ташкил қилган миллатларга мансублиги ёки улар билан мулоқотда бўлганлиги сабабли ўзи яшаётган мамлакат ёки унинг ташқарисида жиноий ёки маъмурий жазоларга тортилмаслигини яна бир бор тасдиқлайдилар.

Улар ахборот воситаларидан эркин фойдаланиш соҳасида ҳеч кимга нисбатан этник, маданий, тил ва динга мансублик асосида камситиши йўлини ўтказмайдилар. Улар электрон оммавий ахборот воситалари ўз дастурларида озчиликни ташкил қилган миллатларнинг этник, маданий, тилга оид ва диний ўзига хослигини ҳисобга олишга ёрдам берувчи ахборотни тақдим этадилар.

Улар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар ўртасида, шунингдек, мамлакат чегаралари орқали озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар орасида этник ёки миллий келиб чиқиши жиҳатидан маданий мерос ёки диний эътиқодлар борасида умумийлик бўлган шахслар билан монеликсиз мулоқот ўрнатиш ва уни олиб бориш ўзаро бир-бирини тушунишга хизмат қилишини ҳамда яхши қўшичиллик муносабатлари ўрнатишга имкон беришини яна бир карра тасдиқлайдилар.

Шу сабабдан улар миллий, минтақавий ва маҳаллий даражадаги чегаралараро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузишни, жумладан маҳаллий аҳоли томонидан чегараларни кесиб ўтиш, маданий, тарихий обидалар ва саёҳат жойларига бориш ҳамда уларни асраб-авайлаш, транспорт қатновини, иқтисодиётни яхшилаш, ёшлар ўртасидаги мулоқотлар, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳамда минтақавий комиссиялар тузишни рағбатлантирадилар.

Шунингдек, улар озчиликни ташкил қилган миллатлар яшаётган жойларда озчиликни ташкил қилган миллатларга оид масалаларни муҳокама қилиш, тажриба алмашиш ва таклиф киритиш борасида норасмий ишчи тузилмаларини тузишни (масалан, хоҳ иштирок этувчи давлатлар доирасида бўлсин, хоҳ иштирок этувчи давлатлар ўртасида бўлсин, семинарлар ва кўмиталар ташкил қилишни) рағбатлантирадилар.

Озчиликни ташкил қилган миллатларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида хабардорликни яхшилаш мақсадида иштирок этувчи давлатлар ўз ҳудудларида яшаётган озчиликни ташкил қилган миллатларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида ихтиёрий равища

ЕХХҚ Котибияти орқали бошқа иштирок этувчи давлатларга ахборот ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсати тўғрисида баёнот юбориб турадилар.

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатлар бўйича ЕХХҚ экспертларининг ялни мажлислари пайтида тақдим этилган маърузаларининг нусхаларини жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида сақлаш учун ЕХХҚ Котибиятига топширадилар.

VIII

Иштирок этувчи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа Кенгаши вакиллари томонидан озчиликни ташкил қилган миллатлар масалалари бўйича Женева Кенгаши экспертлари ишига кўшилган ижобий ҳиссани маъқуллайдилар. Улар бу ташкилотларнинг иши ва фаолияти ЕХХҚ доирасида озчиликни ташкил қилган миллатлар масалаларини муҳокама қилиш жараёнида бундан буён ҳам инобатга олинишини таъкидлайдилар.

Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатларга тааллуқли масалаларни ҳал қилишда ЕХХҚ тегишли тартиботидан фойдаланиш имкониятини таъкидлайдилар. Шунингдек, улар ЕХХҚ инсонийлик мезонлари Конференциясининг учинчи кенгашида инсонийлик мезонлари тартиботини кенгайтириш масалаларини кўриб чиқиши тавсия этадилар. Улар алоҳида шахсларнинг ўз хукуқларини, шу жумладан озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш борасидаги иштирокини рафбатлантирадилар.

Пировардида иштирок этувчи давлатлар вакиллари Кенгашнинг Ижроия котибидан ушбу маъruzani ЕХХҚ инсонийлик мезонлари Конференциясининг учинчи кенгашига тоширишни сўрайдилар.

Иштирок этувчи давлатлар вакиллари Женева Кенгашининг аъло даражада ташкил этилганлиги ва Кенгашда қатнашувчи делегацияларга нисбатан кўрсатилган саимиий меҳмондорчилик учун Швейцария халқига ва давлатига ўзларининг чукур миннатдорчилигини изҳор этадилар.

**ЕХҲК ИНСОНИЙЛИК
МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МОСКВА КЕНГАШИННИНГ ҲУЖЖАТИ**

Москва, 1991 йил 3 октябрь

Иштирок этувчи давлатлар шуни таъкидлайдиларки, инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия ва қонун устуворлиги масалалари халқаро аҳамиятга эга, чунки бундай ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилиш халқаро тартибнинг асосларидан бири ҳисобланади. Улар узил-кесил ва батамом баён қилганидек, ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари соҳасида қабул қилган мажбуриятлари барча иштирок этувчи давлатлар учун бевосита ва қонуний аҳамиятга молик бўлиб, муайян бир давлатнинг мутлақ ички ишлари доирасига кирмайди. Улар инсонийлик мезонлари соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришга қарор қилганликларини ва бу мажбуриятларни тинчлик йўли билан якка тартибда ёки биргаликда ҳал қилишга, у билан боғлиқ ҳамма масалаларни бир-бирларига нисбатан ўзаро ва ҳамкорлик асосида ечишга аҳд этганликларини маълум қиласидилар. Улар шу маънода алоҳида шахслар, гуруҳлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг бу ишда фаол иштирок этиши ушбу йўналишда доимий муваффақиятларга эришиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини тан оладилар.

Иштирок этувчи давлатлар ўз жамоавий қарорларини баён қилиб, бундан буён ҳам инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишлари ҳамда ўз ҳудудларида демократияга қаратилган саъӣ-ҳаракатларни мустаҳкамлашларини маълум қиласидилар. Улар Европада чукур ўзгаришларда ифодаланадиган ва ҳозирги вақтда ўз ҳудудларида намоён бўлаётган инсон ҳуқуқлари муаммоларини кўриб чиқишида ЕХҲКнинг самарадорлигини ошириш зарурлигини тан оладилар.

Вена Якунловчи ҳужжатининг ЕХҲКнинг инсонийлик мезонларига бағишлиланган бўлимида баён қилинган инсонийлик мезонлари механизмини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, шунингдек ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари бўйича Конференцияси Копенгаген Кенгаши ҳужжатида мавжуд мажбуриятларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш мақсадида иштирок этувчи давлатлар қўйидагиларни қабул қиласидилар:

I

- (1) Иштирок этувчи давлатлар шуни таъкидлайдиларки, Вена Якунловчи ҳужжати ЕХҲКнинг инсонийлик мезонларига бағишлиланган бўлимининг 1-4-бандларида баён қилинган инсонийлик мезонлари механизми ЕХҲК жараёнининг мулоқот ва ҳамкорлик, шунингдек, бу соҳага тегишли аниқ масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш йўли билан инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия ва қонун устуворлигининг янада ҳурмат қилиншини таъминловчи восита сифатидаги ўз қимматини исботлаган муҳим ютуфи ҳисобланади. ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлари бажарилишини янада яхшилаш мақсадида улар ушбу механизмнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уни қўйидаги бандларда баён қилинган тарзда мустаҳкамлашга ва кенгайтиришга қарор қиласидилар.
- (2) Иштирок этувчи давлатлар Копенгаген Ҳужжатининг 42.1 ва 42.2-бандларига уларнинг ўзларига бошқа иштирок этувчи давлатлар инсонийлик мезонлари механизмининг 1-бандига мувофиқ мурожаат этиши мумкин бўлган

ахборотлар ва тақдимотлар ҳақидаги сўровномаларга иложи борича қисқа муддатда, бироқ ўн кундан кечиктирмасдан сўзма жавоб беришига доир ўзгартиришлар киритадилар. Инсонийлик мезонлари механизмининг 2-бандида сўз борадиган икки томонлама учрашувлар имкони борича қисқа муддатда, одатда, сўровнома олинганидан сўнг бир ҳафта давомида ўтказилади.

- (3) EXXK институтида¹ ҳар бир иштирок этувчи давлатдан учтагача экспертни ўз ичига оладиган номзодлар рўйхати пайсалга солмасдан тузилади. Таниқли мутахассислар, иложи борича инсонийлик мезонлари соҳасида тажрибага эга ва ўз вазифаларини холисона бажара оладиган мутахассислар эксперт бўлиши лозим.

Тайинловчи давлатнинг хоҳишига қараб эксперталар уч йилдан олти йилгacha бўлган муддатга тайинланади. Бунда ҳеч бир эксперт ўз вазифаларини қато расига икки муддатдан ортиқ вақт бажариши мумкин эмас. EXXK институтиning тайинлаш ҳақидаги хабарномасидан сўнг тўрт ҳафта мобайнида ҳар қандай иштирок этувчи давлат бошқа иштирок этувчи давлатнинг тайинлаши лозим бўлган кўпи билан икки нафар экспертига нисбатан мулоҳазалар билдириши мумкин. Бу ҳолда тайинловчи давлат бундай мулоҳазалар ҳақида хабарнома берилган вақтдан бошлаб тўрт ҳафта давомида ўз қарорини қайта кўриб чиқиши ва бошқа экспертни ёки эксперталарни тайинлаши мумкин; агар у дастлаб мўлжалланган тайинловни тасдиқласа, унда тегишли эксперт мулоҳаза билдирган давлатнинг бевосита розилигисиз бу давлатга нисбатан бўладиган қандайдир қоида-русумларда иштирок этиши мумкин бўлмайди. Номзодлар рўйхатидан фойдаланиш 45 нафар эксперт тайинланганидан кейин бошланади.

- (4) Иштирок этувчи давлат EXXK инсонийлик мезонларига тааллуқли масалаларнинг ўз ҳудудида кўриб чиқилиши ёки ҳал қилинишига кўмаклашиш учун уч нафар экспертдан иборат таркибда EXXK миссиясининг ёрдамидан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолда давлат номзодлар рўйхатидан тегишли шахсни ёки шахсларни танлайди. Бундай иштирок этувчи давлатнинг ўз фуқаролари ёки резидентлари, улар номзодлар рўйхатига таклиф қилган ҳар қандай муайян давлатнинг шахслари ёхуд бир кишидан ортиқ фуқароси ёки резиденти эксперталар миссиясига киритилиши мумкин эмас. Таклиф этувчи давлат EXXK институтини эксперталар миссияси ташкил қилинганилиги ҳақида пайсалга солмасдан хабардор қиласди, ўз навбатида институт ҳам барча иштирок этувчи давлатларни хабардор қиласди. EXXK институтлари ҳам зарур ҳолларда бундай миссияни лозим даражада қўллаб-куватлайдилар.

- (5) Эксперталар миссиясининг мақсади EXXK инсонийлик мезонларига тегишли муайян масала ёки муаммонинг ҳал этилишига кўмаклашишдан иборатдир. Бундай миссия унинг вазифалари бажарилиши учун зарур бўлган ахборотларни йиғиши ҳамда зарур ҳолларда манфаатдор тарафлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликка кўмаклашиш учун яхши ниятли воситачилик хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Тегишли давлат миссия билан унинг ваколатларини аниқ келишиб олади ва шу тариқа эксперталар миссиясига EXXK мажбуриятларининг риоя қили-

¹ Бундай институтга таалуқли қарор Кенгаш тлмонидан қабул қилинади.

нишига кўмаклашиш йўллари ҳамда воситаларини тавсия этиш мақсадида ҳар қандай қўшимча вазифаларни бажариш, шу жумладан фактларни аниқлаш ва маслаҳатчилик хизмати кўрсатиш вазифасини юклаши мумкин.

- (6) Таклиф этувчи давлат экспертлар миссияси билан тўла ҳамкорлик қилади ва унинг ишини енгиллаштиради. У миссиянинг ўз вазифаларини мустақил амалга ошириши учун барча зарур шарт-шароитларни яратади. Шу жумладан у миссияга ўз вазифаларини бажариш учун ўз ҳудудига кириб келиши, у ерда муҳокамалар ўтказиши ва бу ҳудудда эркин айланиб юриши, мансабдор шахслар, ноҳукумат ташкилотлар ва ахборот олишни хоҳдаган ҳар қандай гуруҳлар ёки шахслар билан монеликсиз учрашиши учун пайсалга солмасдан имконият яратади. Шунингдек, миссия ўзи кўриб чиқаётган масалалар юзасидан ҳар қандай шахс, гуруҳ ёки ташкилотдан махфий равишда ахборот олиши мумкин. Бундай миссия аъзолари ўз вазифасининг махфийлигига риоя этади. Иштирок этувчи давлатлар, шахслар, ташкилотлар ёки институтлар экспертлар миссияси билан алоқада бўлганлиги ёхуд унга ҳар қандай очиқ ахборотни берганлиги учун уларга қарши ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзларини тиядилар. Таклиф этувчи давлат миссиянинг мулоҳозаларини унинг ушбу масала юзасидан қабул қилган ёки қабул қилишни мўлжаллаган ҳар қандай чора-тадбирларини ҳам баён этган ҳолда ЕХҲК институти орқали бошқа иштирок этувчи давлатларга мулоҳазалар тақдим этилганидан кейин уч ҳафтадан кечиктирмасдан юборади. Бундай мулоҳазалар ва таклиф этувчи давлатнинг ҳар қандай фикрлари шундан кейин бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай чора-тадбирлар ҳақидаги масалани кўриб чиқиши мумкин бўлган Юқори лавозимли шахслар қўмитаси томонидан муҳокама қилиниши мумкин. Мулоҳазалар ва фикрларнинг махфийлиги то улар юқори лавозимли шахслар эътиборига ҳавола қилингунига қадар сақлаб қолинади. Мулоҳазалар ва фикрлар тарқатилгунига қадар ушбу масала юзасидан бошқа экспертлар миссияси тайинланниши мумкин эмас.
- (7) Бундан ташқари, инсонийлик мезонлари механизмининг 1—ёки 2-бандини амалга оширган бир ёки бир неча иштирок этувчи давлат ЕХҲК институтидан унинг бошқа иштирок этувчи давлатдан ўз ҳудудида ЕХҲКнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли аниқ белгиланган муайян масалани кўриб чиқиш учун экспертлар миссиясини таклиф қилишга розилигини аниқлаб беришни сўраши мумкин. Агар бошқа иштирок этувчи давлат мазкур мақсад учун экспертлар миссиясини таклиф қилишга рози бўлса, унда 4—6— бандларда баён қилинган қоидалар қўлланилади.
- (8) Агар 8-бандга мувофиқ қайсиdir иштирок этувчи давлат (а) бошқа иштирок этувчи давлатга сўровнома юборган бўлса ва бу давлат сўровномани олганидан сўнг ўн кун мобайнида экспертлар миссиясини ташкил қилмаса ёки (б) кўриб чиқилаётган масала экспертлар миссиясини юбориш натижасида ҳал қилинмади деб ҳисобласа, у бошқа иштирок этувчи давлатларнинг камида бештаси ёрдамида ЕХҲКнинг учта маърузачисигача бўлган таркибдаги миссияни шакллантиришга киришиши мумкин. Бундай қарор ЕХҲК институтига юборилади, институт тегишли давлатни, шунингдек, бошқа барча иштирок этувчи давлатларни пайсалга солмасдан хабардор қилади.

- (9) Сўровнома юборувчи давлат ёки давлатлар ЕХҲК маърузачиси вазифаларини бажариш учун номзодлар рўйхатидан бир кишини тайинлаши мумкин. Сўровномани олувчи давлат, агар у институтнинг ЕХҲК маърузачиси тайинлангани ҳақидаги хабарномасини олганидан сўнг олти кун давомида шундай қарор қабул қиласа, номзодлар рўйхатидан яна бир маърузачини тайинлаши мумкин. Бундай ҳолда ҳар иккала тайинланган маърузачи тегишли давлатлардан ҳеч бирининг фуқаролари ёки резидентлари, шунингдек, бундай давлатларнинг учинчи маърузачи номзодлари рўйхатига таклиф қилинган шахслари бўлиши мумкин эмас. Агар улар саккиз кун давомида келишувга эришолмаса, тегишли давлатлардан ҳеч бирининг фуқаролари ёки резидентлари, шунингдек, бундай давлатларнинг учинчи маърузачи номзодлари рўйхатига таклиф қилинган шахслари бўлиши мумкин бўлмаган учинчи маърузачи Кенгаш тайинлаган ЕХҲК органининг олий мансабдор шахси томонидан номзодлар рўйхатидан тайинланади.
- 4-банднинг иккинчи қисми ва 6-банднинг жами қоидалари маърузачилар миссиясига нисбатан ҳам қўлланилади.
- (10) ЕХҲК маърузачиси (маърузачилари) фактларни аниқлайди, улар юзасидан маъруза тайёрлайди ва қўтарилиган масала бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган қарорларга доир тавсияларни беради. Маърузачи (маърузачилар)нинг фактлар баёнини ўз ичига олган маърузаси, таклифлари ёки тавсиялари тегишли иштирок этувчи давлатга ёки тегишли иштирок этувчи давлатларга ва, башарти барча тегишли давлатлар бошқа нарса тўғрисида келишиб олмаса, ЕХҲК институтига кейинги маърузачи тайинланганидан сўнг уч ҳафтадан кечиктирмасдан тақдим қилинади. Сўровномани олувчи давлат, башарти барча тегишли давлатлар бошқа нарса тўғрисида келишиб олмаса, ЕХҲК институтига маъруза юзасидан ҳар қандай мулоҳазаларини маъруза тақдим қилинганидан сўнг уч ҳафтадан кечиктирмасдан тақдим этади.
- ЕХҲК институти маърузани, шунингдек, сўровномани олувчи давлат ёки ҳар қандай бошқа иштирок этувчи давлатнинг ҳар қандай мулоҳазаларини барча иштирок этувчи давлатларга пайсалга солмасдан юборади. Маъруза ҳақидаги масала ҳар қандай келгуси ҳаракатлар ҳақидаги қарорни қабул қилиши мумкин бўлган Юқори лавозимли шахс— лар қўмитасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши мумкин. Маърузанинг махфийлиги қўмитанинг ушбу мажлиси тугагунига қадар сақлаб қолинади. Маъруза тарқатилгунига қадар ушбу масала юзасидан бошқа маърузачилар тайинланиши мумкин эмас.
- (11) Агар қайсибир иштирок этувчи давлат бошқа иштирок этувчи давлатда ЕХҲК—нинг инсонийлик мезонларига тааллуқли қоидаларнинг бажарилиши алоҳида жиддий хавф остида қолган деб ҳисобласа, у бошқа иштирок этувчи давлатларнинг камиде тўққизтаси ёрдамида 10-бандда белгиланган қоидалардан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолда 11-банднинг қоидалари қўлланилади.
- (12) Ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг илтимосига кўра Юқори лавозимли шахслар қўмитаси ЕХҲК экспертлари ёки маърузачилари миссиясини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Бундай ҳолда қўмита бундан олдинги бандларнинг тегишли қоидалари қўлланилишини ҳам белгилайди.
- (13) ЕХҲК экспертлари ёки маърузачилари миссиясининг ташкил этилиши ҳақида илтимос билан мурожаат қилган иштирок этувчи давлат ёки ишти-

рок этувчи давлатлар ушбу миссиянинг харажатларини тўлайди. Юқори лавозимли шахслар қўмитасининг қарорини ижро этиш юзасидан экспертилар ёки маърузачилар тайинланганида харажатлар иштирок этувчи давлатлар томонидан харажатларни тақсимлашнинг оддий шкаласига мувофиқ тўланади. Бундай қоидалар таҳлили Хельсинки учрашувида ЕХХКнинг истиқболдаги қадамлари доирасида амалга оширилади.

- (14) Юқорида баён қилинганларнинг ҳеч бири иштирок этувчи давлатларнинг ЕХХК жараёни доирасида ЕХХКнинг ҳар қандай мажбуриятлари, шу жумладан ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига тааллуқли ҳар қандай мажбуриятлари бажарилишига доир ҳар қандай масалаларни кўтариш ҳуқуқига дахлдор бўлмайди.
- (15) Қайсиdir бир шахсга нисбатан 9— ва 10— ёки 11-бандларда баён қилинган қоидаларни қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиша иштирок этувчи давлатлар бундай шахснинг иши шунгача қайсиdir халқаро суд тартиботи доирасида кўриб чиқилаёттани ёки кўриб чиқилмаёттанини лозим даражада аниқлаб олишлари керак.

II

(16) **Иштирок этувчи давлатлар:**

- (16.1) – ҳар қандай иштирок этувчи давлатда вакиличик ҳокимиятидан эркин ва адолатли сайлов жараёнида ифода этилган халқнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишида ва қонуний белгиланган конституциявий тузумни бузиб ҳокимиётни тортиб олишга уринувчи кучларни сўзсиз қоралайдилар;
- (16.2) – ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг демократик асосда сайланган қонуний ҳукумати нодемократик воситалар орқали ағдариб ташланган ёки ағдариб ташлашга уринилган тақдирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ ушбу давлатнинг инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлигини ҳимоя қилиб турган қонуний органларини асосий қадриятларни бундай чеклашга бўлган ҳар қандай уринишга қарши ҳаракат қилиш борасидаги ўзларининг умумий мажбуриятларини эътироф этиб, қатъиян кўллаб-қувватлайдилар;
- (16.3) – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун демократик жараёнга ортга қайтмайдиган тус бериш ҳамда Якунловчи ҳужжат, Вена Якунловчи ҳужжатида, Копенгаген Кенгashi ҳужжатида, Янги Европа учун Париж хартиясида ва ушбу ҳужжатда баён қилинган андозалардан ҳеч қандай чекинишга йўл кўймаслик мақсадида якка тартибда ёки биргаликда инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлигига тегишли бундан кейинги куч-файратларни ишга солиш зарурлигини эътироф этадилар.
- (17) Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг Копенгаген Кенгashi ҳужжатида баён қилинган қонун устуворлигига содиқлиги ҳақида эслатиб ўтадилар ҳамда ҳуқуқий давлат негизини ташкил этувчи адолат принципларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга бўлган интилишини тасдиқлайдилар. Ҳусусан, улар яна бир бор шуни тасдиқлайдиларки, демократия ҳуқуқий давлатнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади ва фикрлар хилла-хиллиги сиёсий ташкилотларнинг фаолияти учун катта аҳамият касб этади.

- (17.1) Қонун ҳужжатлари халқ иродасини бевосита ёки у сайлаган вакиллар орқали ифодалайтидан очиқ жараён натижасида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.
- (17.2) Ҳар бир киши асосий эркинликларининг ҳурмат қилиниши кафолатланиши ва ҳуқуқий тизимга зарар етказилмаслиги таъминланиши учун маъмурий қарорлардан ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситаларига эга бўлади.
- (17.3) Ана шу мақсадда маъмурий қоидаларнинг таъсири натижасида зарар кўрган шахслар учун ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситалари назарда тутилади.
- (17.4) Иштирок этувчи давлатлар бундай қоидалар ва қарорлар устидан суд назоратини таъминлашга ҳаракат қиласидилар.
- (18) Иштирок этувчи давлатлар:
- (18.1) – судьялар ва амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг мустақиллиги ҳамда давлат суд хизмати холисона фаолият кўрсатишига таалуқли халқаро эътироф этилган нормаларга, шу жумладан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга риоя қиласидилар;
- (18.2) – тегишли нормалар ва мажбуриятларни амалга оширишда суд органлари мустақиллигининг мамлакат конституцияси ёки қонунларида кафолатланиши ва амалиётда риоя этилишини қўйидаги қоидалар назарда тутиладиган суд тизими мустақиллигининг асосий принципларига алоҳида эътибор берган ҳолда таъминлайдилар:
- (I) судьяларга ноқонуний таъсир кўрсатишнинг тақиқланиши;
- (II) суд қарорларининг маъмурий органлар томонидан қайта кўриб чиқилишига йўл қўймаслик, ваколатли ҳокимиятларнинг судьялар чиқарган ҳукмлар қатъийлигини қонунга мувофиқ камайтириши ёки уларни юмшатиши бундан мустасно;
- (III) суд органлари ходимларининг фақат ўз вазифаларини амалга ошириши билан бирга кўшиб олиб бориши мумкин бўлган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг сўз эркинлиги ва уюшма тузиш эркинлигини ҳимоя қилиш;
- (IV) судьяларнинг лозим даражадаги малакага ва тайёргарликка эга бўлиши ҳамда камситилмайдиган асосда сайланиши таъминланиши;
- (V) алмаштирилмаслик кафолатлари ва хизмат қилиш учун лозим даражадаги шарт-шароитлар, шу жумладан мақбул бўлганда судьяларнинг хизмат лавозими бўйича юқорига кутарилиши масалаларида шарт-шароитлар таъминланиши;
- (VI) дахлсизлик шартларига риоя қилиниши;
- (VII) судьяларга нисбатан интизомий чоралар кўрилиши, уларнинг лавозимидан четлаштирилиши ва ишдан бўшатилиши қонунга мувофиқ амалга оширилишининг таъминланиши.
- (19) Суд органлари мустақиллигини таъминлаш учун иштирок этувчи давлатлар қўйидагиларни амалга оширадилар:
- (19.1) – судьялар ва адвокатларнинг миллий ҳамда халқаро уюшмалари ўз аъзолари мустақиллигининг янада кўпроқ ҳурмат қилинишини таъминлаш, шунинг-

- дек суд органлари ҳамда ҳуқуқшуносларнинг жамиятдаги роли масалаларида таълим бериш ва касбий тайёрлаш ишидаги муҳим ролини эътироф этиш;
- (19.2) – суд органлари мустақиллигининг ҳурмат қилиниши ва адвокатларнинг ҳимояланиши таъминланишидан манфаатдор миллий уюшмалар ҳамда бошқа гурухлар ўртасидаги мулоқот, тажриба алмашишлар, ҳамкорликка кўмаклашиш ва хизмат қилиш;
- (19.3) – судьялар ва амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг мустақиллигини ҳимоя қилиш масалаларидаги муаммоли соҳаларни аниқлаш, бундай муаммоларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш йўллари ва воситаларини белгилаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилиш, шу жумладан мулоқот, алоқалар ва тажриба алмашиш йўли билан ҳамкорлик қилиш;
- (19.4) – судьялар ва амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг таълими ва касбий тайёргарлиги, шунингдек, улар мустақиллигининг янада ҳурмат қилиниши ва давлат суд хизматининг холисона фаолият кўрсатишига қаратилган қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши каби соҳаларда доимий асосда ҳамкорлик қилиш.
- (20) Иштирок этувчи давлатлар қўйидагиларни амалга оширадилар:
- (20.1) – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг жамоат тартибини ўрнатишида жамият манфаатларини кўзлаб, аниқ эҳтиёжлар ва қонуний муҳофаза қилиш ҳаракатлари эҳтиёжларидан ошиб кетмайдиган, вазиятларга мувофиқ келадиган усуслар ва воситаларни қўллаши учун барча зарур чоратадбирларни кўрадилар;
- (20.2) – ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳаракатларининг суд назоратида бўлиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг бундай ҳаракатлар учун жавоб бериши ва юқорида кўрсатилган мажбуриятларнинг бузилиши сифатида баҳоланадиган ҳаракатлар қурбонлари миллий ҳуқуққа кўра лозим бўлган товонни талаб қилиши мумкинлигини таъминлайдилар.
- (21) Иштирок этувчи давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш курсига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳаддан ортиқ куч ишлатишининг тақиқланишига тааллуқли ўқув фанлари ва ахборотлар, шунингдек тегишли халқаро ҳамда миллий хулқ-атвор кодекслари киритилиши таъминланиши учун зарур чора-тадбирларни кўрадилар.
- (22) Иштирок этувчи давлатлар озодликдан маҳрум қилинган барча шахслар билан инсоний ва инсон шахсига хос бўлган қадр-қимматни ҳурмат қилган ҳолда муносабатда бўладилар ҳамда одил судлов ўтказилишига ва ҳибсга олинган шахсларнинг инсон ҳуқуқларига доир халқаро эътироф этилган андозаларга риоя қиласадилар.
- (22.1) Иштирок этувчи давлатлар қўйидагиларни таъминлайдилар:
- (I) шахс фақат қонунга кўра белгиланган асосларда ва қоидаларга мувофиқ озодликдан маҳрум қилиниши мумкин;
- (II) ҳибсга олинадиган ҳар қандай шахс ўзининг ҳибсга олиниши сабаби ва ўзига қарши қўйилаётган ҳар қандай айловлар ҳақида ўзига мақбул бўлган тилда пайсалга солмасдан хабардор қилинади;
- (III) озодликдан маҳрум қилинган ҳар қандай шахс ўзининг миллий қонунларга доир ҳуқуқларидан пайсалга солмасдан хабардор қилинади;

- (IV) ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушланган шахс ўзининг ҳибсга олиниши ёки ушланганинг қонунийлигини белгилашга ваколатли бўлган судья ёки бошқа мансабдор шахсга пайсалга солмасдан учраштирилиш ва ноқонуний ҳибсга олинган тақдирда зудлик билан озод қилиниш ҳуқуқига эга бўлади;
- (V) жиноят содир этганликда айбланган ҳар қандай шахс ўзини мустақил тарзда ёки ўзи танлайдиган адвокат ёрдамида ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади, агар бу шахснинг адвокат хизматини тўлаш учун етарли маблағи бўлмаса, адолат манфаатлари талаб этган тақдирда бундай хизматдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;
- (VI) ҳар қандай ҳибсга олинган ёки ушланган шахс асоссиз равишдаги пайсалга солишиларсиз ваколатли органни унинг ҳибсга олинганилиги, қамоқда ушлаб турилганлиги ва жойлашган жойи ҳақида хабардор қилиш ёки ўзи танлайдиган тегишли шахсларга хабар берилишини илтимос қилиш ҳуқуқига эга бўлади; бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши борасидаги ҳар қандай чеклашлар қонун орқали белгиланади ва халқаро андозаларга мувофиқ бўлади;
- (VII) қамоқда сақлаш ёки қамоққа олиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан шахсни ўз айбига икрор бўлиш, ўз бўйнига ноҳақдан айб олиш ёки бошқа шахсга нисбатан кўрсатмалар беришга мажбур қилиш мақсадида фойдаланилмаслиги таъминланиши учун, башарти шу пайтгача бу амалга оширилмаган бўлса, самарали чора-тадбирларни кўрадилар;
- (VIII) ҳар қандай сўроқ ва сўроқлар ўртасидаги танаффуслар давомийлиги қайдномага киритилади ва миллий ҳуқуққа мувофиқ тасдиқланади;
- (IX) ҳибсга олинган шахс ёки унинг адвокати унга қилинадиган муомала, хусусан, қийноқлар ёки бошқача шафқатсиз, раҳмсиз ёки қадр-қимматни камситадиган тарзда қилинган муомала юзасидан қамоқда сақлаш жойининг бошқарилиши учун жавобгар органларга, юқори ташкилотларга, зарур бўлганида эса назорат қилувчи ёки аҳволни тузатиш юзасидан бошқа ваколатларга эга тегишли органга илтимоснома ёки шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади;
- (X) бундай илтимоснома ёки шикоят тезлик билан кўриб чиқилади ва уларга асоссиз равишда пайсалга солинмасдан жавоб берилади; илтимоснома ёки шикоят рад қилинганида ёки уни кўриб чиқиш ноқонуний тарзда пайсалга солинганида аризачи ариза билан суд ёки бошқа органга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади; ҳибсга олинган ёки қамоқда ушлаб турилган шахс ва ҳар қандай бошқа аризачи илтимоснома ёки шикоят билан мурожаат қилганилиги сабабли жабр кўрмаслиги лозим;
- (XI) ноқонуний ҳибсга олиниши ёки қамоқда ушлаб туришидан жабр кўрган ҳар қандай шахс суд ҳимояси томонидан таъминланган товон талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт.
- (22.2) Иштирок этувчи давлатлар қийидагиларни амалга оширадилар:
- (I) ҳибсга олинган ёки қамоқда ушлаб турилган шахсларнинг яшайдиган шартшароитларини яхшилаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришга интиладилар;
- (II) қамоқда ушлаб туришнинг муқобиллари муаммосига алоҳида эътибор берадилар.

- (23) Иштирок этувчи давлатлар шахсий ва оиласи турмуш, уй-жой, ёзишмалар ва электрон хабар етказишлар сирининг ҳимоя қилиниши ҳуқуқини тасдиқлайдилар. Ҳар қандай демократик жамиятга зарар етказиши мумкин бўлган давлатнинг алоҳида шахс ҳаётига ноқонуний ёки беихтиёр аралашувининг олдини олиш учун бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши фақат қонунда назарда тутилган ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳалқаро эътироф этилган андозаларга мувофиқ келадиган ҳолларда чекланади. Жумладан, иштирок этувчи давлатлар шахслар тинтуб қилиниши ва ҳибсга олиниши, шунингдек, хусусий уй-жой ва мол-мулкнинг тинтуб қилиниши фақат суд ҳимояси билан таъминланган нормаларга мувофиқ амалга оширилишини таъминлайдилар.
- (24) Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни амалга оширадилар:
- (24.1) – ўзларининг қуролли кучлари ва ҳарбий қисмлари, ички хавфсизлик ва айфоқчилик хизматлари, шунингдек, полицияси самарали бошқарув ва тегишли фуқаролик ҳокимиятлари назорати остида бўлади;
- (24.2) – ижроия ҳокимиятининг қуролли кучлар ва ҳарбий қисмлардан фойдаланишини, шунингдек, ички хавфсизлик ва айфоқчилик хизматлари, полиция фаолияти устидан назоратини қўллаб-қувватлайдилар ва зарур бўлган жойларда мустаҳкамлайдилар;
- (24.3) – бундай барча кучлар, хизматлар ва фаолият турлари устидан қонунчилик ҳокимияти назоратининг самарали тартиботи барпо этилмаган жойларда бундай тартиботни яратиш ва мавжуд жойларда уларни қўллаб-қувватлаш учун лозим даражада чора-тадбирлар кўрадилар.
- (25) Иштирок этувчи давлатлар ўз фикрини изҳор қилиш эркинлиги ҳуқуқини, шу жумладан мuloқot қилиш ҳуқуқи ҳамда ахборот воситаларининг ахборотлар, янгиликлар ва фикр-мuloқazаларни йиғиш, эълон қилиш ва тарқатиш ҳуқуқини тасдиқлайдилар. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилишига тегишли ҳар қандай чеклашлар қонунда назарда тутиладиган ва ҳалқаро андозаларга мувофиқ келадиган бўлади. Улар яна шуни ҳам эътироф этадиларки, мустақил оммавий ахборот воситалари – эркин ва очиқ жамият ҳамда ўз ҳаракатлари учун масъул бўлган давлат тизимлари учун энг муҳим шарт ҳисобланиб, улар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ишида алоҳида роль ўйнайди.
- (25.1) Иштирок этувчи давлатлар шундай ҳисоблайдиларки, улар ҳудудидаги матбуот ва телерадио воситалари хорижий янгиликлар манбалари ва ахборот хизматлари билан ҳеч қандай тўсиқларсиз мuloқot қила билиши керак. Жамоатчилик, чегараларга қарамасдан, шу жумладан хорижда эълон қилинган материаллар ва телерадио дастурлари орқали давлат ҳокимиятларининг аралашувисиз ахборотлар ҳамда ғояларни олиш ва беришдан иборат шунга ўхшаш эркинликлардан фойдаланади. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилишига доир ҳар қандай чеклашлар қонунда назарда тутиладиган ва ҳалқаро андозаларга мувофиқ келадиган бўлади.
- (25.2) Иштирок этувчи давлатлар мустақил ахборот воситаларининг ахборотлар, материаллар ва техника воситаларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдалана олиш ҳуқуқининг камситилишига йўл қўймайдилар.
- (26) Иштирок этувчи давлатлар:

- (26.1) – инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қонун устуворлиги ва демократияга асосланган ҳуқуқий тизимларни ривожлантириш, айниңса, ҳозирча бундай тизимлар мавжуд бўлмаган давлатларда уларни ривожлантириш мақсадида давлат, маъмурий, савдо, фуқаролик ҳуқуқи ва ижтимоий таъминот ҳуқуқига тааллуқли соҳаларда ва бошқа тегишли соҳаларда ҳамкорлик қилиш ниятини билдирадилар;
- (26.2) – ана шу мақсадларда ҳуқуқ ва бошқарув соҳасида, шу жумладан қуйидаги йўналишлар бўйича икки томонлама ва қўп томонлама ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтиришни назарда тутадилар:
- самарали маъмурий тизимнинг барпо этилиши;
 - қонунлар ва қоидалар ишлаб чиқилишига қўмаклашиш;
 - бошқарув ва ҳуқуқ соҳасида ходимларни тайёрлаш;
 - ҳуқуқ соҳасида илмий ишлар ва даврий нашрлар алмашуви.
- (27) Иштирок этувчи давлатлар фавқулодда ҳолат шароитида инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини ҳимоя этишни, Копенгаген Кенгаши ҳужжатининг тегишли қоидаларини ҳисобга олишни ва ўзлари ҳам қўшилган халқаро конвенцияларга риоя қилишни муҳим, деб ҳисоблайдилар.
- (27.1) Иштирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, фавқулодда ҳолат фақат зарур ва энг жиддий вазиятларда ушбу давлатнинг халқаро мажбуриятлари ҳамда унинг ЕХҲК доирасидаги мажбуриятларига мувофиқ ўзини оқлаши мумкин. Фавқулодда ҳолатдан демократик конституциявий тузумни ағдариб ташлаш учун фойдаланилиши ҳамда у халқаро миқёсда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини барбод қилишга қаратилиши мумкин эмас. Агар куч ишлатиш чорасини четлаб ўтиб бўлмаса, унда у оқилона ва имкони борича чекланган доираларда қўлланилиши лозим.
- (27.2) Фавқулодда ҳолат фақат тегишли ваколатларга эга бўлган қонуний конституциявий орган томонидан эълон қилиниши мумкин. Фавқулодда ҳолатнинг эълон қилиниши ҳақидаги қарор ижроия ҳокимияти органлари томонидан қонуний асосларда қабул қилиниши мумкин бўлган ҳолларда бундай қарор қонун чиқарувчи орган томонидан энг қисқа муддат ичida тасдиқланиши ёки назоратга олиниши лозим.
- (27.3) Фавқулодда ҳолатнинг жорий этилиши ҳақидаги қарор расмий равища, оммавий тарзда ва қонунда белгиланган қоидаларга мувофиқ эълон қилиниши керак. Бундай қарорда, мумкин бўлган ҳолларда, фавқулодда ҳолат амал қилишининг ҳудудий доиралари кўрсатилиши лозим. Тегишли давлат кўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги ахборотдан ўз фуқароларини пайсалга солмасдан хабардор қиласди. Фавқулодда ҳолат имкони борича тезроқ бекор қилинади ва у муайян вазиятда жуда зарур бўлганидан ортиқ муддат амал қилиб туриши мумкин эмас.
- (27.4) Фавқулодда ҳолатнинг қонунда белгилаб қўйилган қоидаларни бузган ҳолда де-факто сифатида жорий этилиши ёки унинг узайтирилишига йўл қўйилмайди.
- (27.5) Иштирок этувчи давлатлар фавқулодда ҳолатнинг амал қилиб туриши даврида қонун чиқарувчи органларнинг бир меъёрдаги фаолияти кафолатлашини таъминлашга ҳаракат қиласди.

- (27.6) Иштирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига тааллуқли мажбуриятлардан фавқулодда ҳолат шароитида ҳар қандай орқага чекинишлар қатъий тарзда халқаро ҳуқуқда назарда тутилган доираларда, шу жумладан улар учун мажбурий бўлган тегишли халқаро ҳужжатлар, айниқса, орқага чекиниб бўлмайдиган ҳуқуқларга тегишли ҳужжатларда назарда тутилган доираларда қолиши лозим.
- (27.7) Иштирок этувчи давлатлар ўzlари иштирокчиси ҳисобланадиган халқаро конвенцияларга мувофиқ фавқулодда ҳолат шароитида мажбуриятларидан чекиниш мумкин бўлган ҳар қандай чекинишлардан ўzlарини тийишга ҳарарат қиладилар. Бундай мажбуриятлардан чекиниш тарзида кўриладиган чоратадбирлар ушбу ҳужжатларда мус— таҳкамлаб қўйилған процессуал талабларга қатъий амал қилган ҳолда қабул қилиниши лозим. Улар аниқ вазиятда мутлақо зарур бўлганидан ортиқ муддат амал қилиб қолиши мумкин эмас; улар ўз табиатига кўра фавқулодда чора-тадбирлар ҳисобланади ҳамда чегараловчи тарзда талқин қилиниши ва қўлланилиши лозим. Бундай чоратадбирлар ҳеч қачон ирқий мансублик, тана ранги, жинс, тил, дин, ижтимоий келиб чиқиш ёки озчиликни ташкил қилганларга мансублик белгиси асосида камситишга сабаб бўлмайди.
- (27.8) Иштирок этувчи давлатлар қонун устуворлигини қўллаб-қувватлаб туриш учун зарур бўлган ҳуқуқий кафолатлар фавқулодда ҳолат вақтида ўз кучида қолишини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Улар ўз қонунларида фавқулодда ҳолатга тааллуқли қарорлар, шунингдек, уларнинг амалга оширилиши устидан назоратни эътиборда тутишга интиладилар.
- (27.9) Иштирок этувчи давлатлар жамоатчилик инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этилиши ҳамда фавқулодда ҳолатнинг бекор қилиниши ҳақидаги масалани муҳокама қилиш имкониятига эга бўлиши учун уларнинг халқаро вазифалари ва мажбуриятларига мувофиқ келадиган сўз эркинлиги ҳамда ахборот эркинлигини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Улар халқаро андозаларга мувофиқ сўз эркинлигига нисбатан, аниқ вазиятда мутлақо зарур бўлган чора-тадбирлардан ташқари, журналистларнинг ўз касбий вазифаларини қонуний амалга оширишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган бирор-бир чора-тадбирларни кўрмайдилар.
- (27.10) Агар иштирок этувчи давлатда фавқулодда ҳолат эълон қилинса, тегишли давлат бундай қарор ҳақида, шунингдек ушбу давлатда инсон ҳуқуқлари соҳасида йўл қўйилган халқаро мажбуриятлардан ҳар қандай чекиниш тўғрисида ЕХҲК институтини¹ зудлик билан хабардор қиласи. Институт бошқа иштирок этувчи давлатларни бу ҳақда пайсалга солмасдан хабардор қиласи.
- (28) Иштирок этувчи давлатлар алоҳида фуқароларнинг давлат органлари ҳаракатлари устидан шикоятларини кўриб чиқишга доир вазифалар зиммаларига юклangan омбудсманлар ва бошқа шунга ўхшаш институтлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда ахборот алмашишларнинг ривожлантирилишидан ўзининг умумий манфаатдорлигини эътироф этиб, Испаниянинг шу мамлакатда омбудсманлар учрашуви ўтказилиши ҳақидаги таклифини миннатдорлик билан қайд этадилар.
- (29) Иштирок этувчи давлатлар ЕХҲКнинг тегишли анжуманлари Эркин сайлов бўйича бюронинг иштирок этувчи давлатларда демократик институт-

лар мустаҳкамланишига ёрдам кўрсатиши мумкин бўлиши учун ушбу Бюронинг вазифаларини кенгайтириш ҳақидаги масалани кўриб чиқишни тақлиф қиласидилар.

- (30) Иштирок этувчи давлатлар Европа Кенгашида инсон ҳуқуқлари соҳасида катта тажриба ва билимлар тўйланганлигини эътироф этадилар. Унинг Европада демократияни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасини, шу жумладан ўз тажрибасини ЕХҲКга беришга тайёр эканлигини қутлайдилар.

III

- (31) Иштирок этувчи давлатлар Хельсинки Якунловчи ҳужжати, Вена Якунловчи ҳужжати ҳамда ЕХҲКнинг бошқа тегишли ҳужжатлари принциплари ва қоидаларига ғоят содиқлигини яна бир бор баён қиласидилар. Зоро, улар бу ҳужжатларда кўп мажбуриятларни, шу жумладан инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларини ҳурмат қилиш ва уларнинг ҳеч қандай камситишсиз ҳамма учун кафолатланишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олганлар.
- (32) Иштирок этувчи давлатлар, уларнинг миллий қонунларига мувофиқ бўлган ЕХҲК доирасидаги мажбуриятларга ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга мувофиқ келадиган ҳарбий манфаатлар, хавфсизлик, экология ёки бошқа қонуний давлат манфаатларидан ташқари, ўз фуқаролари ва хорижий фуқароларнинг ўз ҳудуди доирасида ҳаракатланишга ҳамда доимий истиқомат қилиш ҳуқуқига эга шахсларнинг яшаш жойига тааллуқли барча ҳуқуқий ва бошқа чеклашларни бартараф этадилар. Иштирок этувчи давлатлар бундай чеклашларни энг кам даражага етказиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.
- (33) Иштирок этувчи давлатлар зарур ҳолларда хавфли касбий хизмат сафарларида бўлган, айниқса, ҳарбий можаролар вазиятларида бўлган журналистларни ҳимоя қилиш учун барча чора-тадбирларни кўрадилар ва шу мақсадда ҳамкорлик қиласидилар. Бундай чора-тадбирлар йўқолган журналистларни излаш, улар тақдирини аниқлаш, уларнинг ўз оиласидаги қайтарилиши учун зарур ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашишни ўз ичига олади.
- (34) Иштирок этувчи давлатлар ижод эркинлигининг кафолатланиши ва маданий мероснинг сақлаб қолиниши ЕХҲК инсонийлик мезонларининг таркибий қисми ҳисобланади, деб эътироф этадилар. Улар мустақил интеллиектуал ва маданий турмуш эркин жамиятлар ҳамда демократик институтларнинг амал қилиши учун ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисоблайдилар. Улар маданий мерос бўйича Krakow симпозиуми ҳужжатида баён қилинган маданият соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажарадилар ҳамда ЕХҲК доирасида маданият, шу жумладан эркинлик, ижодий фаолият ва бу соҳадаги ҳамкорлик муаммоларини кўриб чиқиши давом этгариш керак, деган фикрни изҳор этадилар.
- (35) Иштирок этувчи давлатлар ўзларининг Вена Якунловчи ҳужжатидаги ўлим жазоси ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун қолдиришга доир мажбуриятини эслатиб ўтадилар ва ўзларининг Копенгаген Кенгashi ҳужжатидаги ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги масалага доир ахборот алмашиниш ва унинг қўлланилишига доир ахборотни жамоатчиликка тақдим этишга оид мажбуриятларини тасдиқлайдилар.

- (35.1) Улар шуни қайд этадиларки,
- (I) 1991 йил 11 июлда ўлим жазосининг бекор қилинишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир Факультатив протоколь кучга кирди;
- (II) қатор иштирок этувчи давлатлар кейинги пайтда ўлим жазосини бекор қилишга қараб қадам қўймоқдалар;
- (III) қатор ноҳукумат ташкилотлар ўлим жазосини бекор қилиш масаласи юзасидан фаолият олиб бормоқда.
- (36) Иштирок этувчи давлатлар EXXКнинг ҳамма ҳужжатларида, шу жумладан, EXXКнинг инсонийлик мезонлари бўйича Конференцияси Копенгаген Кенгashi ҳужжатида ва EXXК эксперталари Женева кенгашининг озчиликни ташкил қилган миллатлар масалаларига доир Маърузасида мавжуд бўлган озчиликни ташкил қилган миллатлар муаммоларига ҳамда уларга мансуб шахслар хукуқларига тааллуқли қоидалар ва мажбуриятларни тасдиқлайдилар, уларни тўлиқ ҳамда тез вақт ичидан бажаришга даъват этадилар. Улар, шу жумладан EXXКнинг янги ва кенгайтирилган тартиботи ҳамда русум-қоидаларининг кўлланилиши озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар хукуқларини бундан кейин ҳам ҳимоя қилишга ва рафбатлантиришга кўмаклашади, деб ҳисоблайдилар.
- (37) Иштирок этувчи давлатлар бундай давлатларда қонуний истиқомат қила-диган кўчманчи ишчилар ва улар оиласарининг хукуқлари ҳурмат қилинишининг таъминланиши ҳамда уларнинг миллий, маданий, диний ва тилга оид ўзига хос хусусиятларини эркин намоён этиш хукуқини алоҳида таъ-кидлаш зарурлигини эътироф этадилар. Бундай хукуқларнинг амалга оши-рилишига нисбатан фақат қонунга кўра белгиланган ва халқаро андозалар-га мос келадиган чеклашлар кўлланилиши мумкин.
- (37.1) Улар барча ирқий мансублик, тана ранги ва этник келиб чиқишига кўра камситишни, кўчманчи ишчиларга нисбатан тоқатсизлик ва ксенофобия ҳаракатларини қоралайдилар. Улар ўз миллий қонунлари ва халқаро маж-буриятларига кўра кўчманчи ишчиларга нисбатан бағрикенглик, тушуниш, имкониятлар тенглигининг рафбатлантирилиши ва инсоннинг асосий хукуқлари ҳурмат қилиниши учун самарали чора-тадбирларни кўрадилар; агар улар ҳали шу пайтгача бундай қилмаган бўлсалар, миллий, ирқий, эт-ник ёки диний камситиш, душманлик ёки адоватга асосланган зўравонликка ундашдан иборат ҳаракатларни тақиқлаш чора-тадбирларини кўрадилар.
- (37.2) Улар кўчманчи ишчиларнинг иштирок этувчи давлатлар ижтимоий турму-шида қатнашишига имкон берадиган тегишли чора-тадбирларни кўрадилар.
- (37.3) Улар инсонийлик мезонларига тааллуқли ҳар қандай бошқа масалалар син-гари ҳудудида истиқомат қиладиган кўчманчи ишчилар инсонийлик мезонлари билан боғлиқ масалалар инсонийлик мезонлари механизми доира-сида кўтарилиши мумкин бўлур эди, деб таъкидлайдилар.
- (37.4) Улар EXXКга ўзининг инсонийлик мезонлари соҳасидаги келгуси фаолия-тида кўчманчи ишчиларга тааллуқли барча масалалар, шу жумладан тегишли мамлакатнинг тили ва ижтимоий турмуши билан танишиш ҳақидаги масаланинг мақсадли муҳокамаси ўтказилиши учун тегишли чора-тадбир-ларни кўриб чиқиши тавсия қиладилар.

- (38) Иштирок этувчи давлатлар:
- (38.1) – инсонпарварлик ёрдами күрсатиши борасидаги тадбирларнинг тезкорлик билан ва самарави үтказилиши учун ҳамкорлик қилишга ўз тайёрлигини кучайтирадилар ва тўлиқ ҳажмда ҳамкорлик қиласидилар;
- (38.2) – ана шундай ёрдам күрсатиши борасидаги тадбирларнинг үтказилиши учун жабр кўрган ҳудудларга тез ва тўсиқларсиз етиб боришни енгиллаштириш мақсадида барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар;
- (38.3) – ана шундай ёрдам күрсатиши бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши учун зарур келишувларни тузадилар.
- (39) Иштирок этувчи давлатлар шуни эътироф этадиларки, эркаклар билан хотин-қизлар ўртасидаги тўлиқ ва ҳақиқий тенглик қонун устуворлигига асосланган адолатли ва демократик жамиятнинг фоят муҳим жиҳати ҳисобланади. Улар жамиятнинг яхлит ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлигининг оширилиши эркаклар билан хотин-қизларнинг тўлиқ ва тенг иштирок этиши учун тенг имкониятларни тақозо этади, деб биладилар. Улар шу маънода қуйидагиларни амалга оширадилар:
- (39.1) – ЕХХК доирасида инсон хукуқлари ва асосий эркинликларининг ҳимоя қилиниши ҳамда рағбатлантирилишига тааллуқли барча мажбуриятлар тўлиқ ва жинсга қараб ҳеч қандай камситишларсиз қўлланилишини таъминлайдилар;
- (39.2) – agar улар Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларини тугатиш тўғридаги конвенция қатнашчилари бўлсалар, унга тўлиқ риоя қилиш, башарти ҳали унга аъзо бўлмаган бўлсалар, улар ушбу Конвенцияни ратификация қилиш ёки унга кўшилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқадилар; ушбу Конвенцияни ҳар хил шартлар билан ратификация қилган ёки унга кўшилган давлатлар бундай шартларни олиб ташлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқадилар;
- (39.3) – ўзлари ҳам тарафлари ҳисобланган халқаро шартномаларга доир мажбуриятларни самарави амалга ошириш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хотин-қизлар аҳволини яхшилаш соҳасидаги Найроби истиқболли стратегияларини рўёбга чиқариш борасида лозим даражадаги чора-тадбирларни кўрадилар;
- (39.4) – эркаклар билан хотин-қизлар учун нафақат юридик, балки амалдаги тенгликка ҳам эришиш, шунингдек, бу йўналишда самарави чора-тадбирлар кўришга кўмаклашиш уларнинг мақсади эканлигини тасдиқлайдилар;
- (39.5) – дастурлар ва сиёсатнинг хотин-қизлар аҳволига таъсирини баҳолаш үтказилишини таъминлаш учун хотин-қизлар аҳволини яхшилашга доир тегишли миллий тартиботни яратадилар ёки мустаҳкамлайдилар;
- (39.6) – хотин-қизлар учун барча иқтисодий имкониятларни таъминлаш, шу жумладан таълим олиш ва касбий тайёргарлик борасидаги имкониятлар, меҳнат қилувчи хотин-қизлар ҳамда эркакларнинг ишни ва оиласидаги вазифаларни қўшиб олиб боришини енгиллаштирадиган чора-тадбирларни самарави рағбатлантирадилар; ва таркибий қайта қуришни назарда тутадиган ҳар қандай сиёсат ёки дастурлар хотин-қизлар учун камситувчи оқибатларга олиб келмаслигини таъминлашга ҳаракат қиласидилар;
- (39.7) – хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларини ва хотин-қизлар билан олди-сотди қилиш ҳамда хотин-қизлар фоҳишабозлигининг бар-

ча шаклларини тугатишга, шу жумладан бунга ўшаган ҳаракатларга нисбатан тегишли юридик тақиқларни қабул қилиш ва бошқа тегишли чоратадбирларни кўриш йўли билан тугатишга ҳаракат қиласидилар;

- (39.8) – хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ва қарор қабул қилиш жараёнларида, шунингдек, умуман халқаро ҳамкорликда тенг ҳамда кенг иштирок этишига кўмаклашадилар ва ёрдам берадилар;
- (39.9) – хотин-қизларнинг ва хотин-қизлар ташкилотларининг хотин-қизлар ҳуқуқлари ривожлантирилиши ҳамда кенгайтирилишига қаратилган миллий ва халқаро саъӣ-ҳаракатларда тутадиган ҳаётий муҳим мавқеини таъминлаш, шу жумладан бевосита хизматларни тақдим этиш, шунингдек, ҳукуматлар ҳамда зикр этилган ташкилотлар ўртасида хотин-қизларнинг кўпроқ тенглигини таъминлаш мақсадида тўлиқ шериклик қилишини кўллаб-куватлаш ва ёрдам бериш йўли билан ҳам эътироф этадилар;
- (39.10) – хотин-қизларнинг сиёсий, маданий, ижтимоий ва иқтисодий турмушнинг барча жабҳаларидағи қимматли ҳиссасини эътироф этадилар ҳамда бундай ҳиссанинг, шу жумладан норасмий ва ҳақ тўланмайдиган шўйбалардаги ҳиссанинг янада кенгроқ эътироф этилишига кўмаклашадилар;
- (39.11) – халқаро ҳуқуқ ҳамда давлат ҳуқуқига кўра хотин-қизлар ва уларнинг ҳуқуқларига тегишли ахборотдан бемалол фойдаланиш таъминланишига кўмаклашиш мақсадида чора-тадбирлар кўрадилар;
- (39.12) – таълим соҳасида уларнинг конституциявий тузумларга мувофиқ келадиган сиёсатини ишлаб чиқадилар, хотин-қизларнинг таълим олишига ва меҳнат фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан ноанъанавий соҳаларда қатнашишига кўмаклашадилар, эркаклар билан хотин-қизлар тенглигига тааллуқли масалаларнинг кўпроқ тушунилишига кўмаклашадилар ва ёрдам берадилар;
- (39.13) – хотин-қизларнинг аҳволини лозим даражада баҳолаш, назорат остига олиш ва яхшилаш учун маълумотлар йиғилиши ҳамда таҳлил этилишини таъминлайдилар; бундай маълумотлар ҳеч қандай шахсий тусдаги ахборотга эга бўлмаслиги керак.

- (40) Иштирок этувчи давлатлар қўйидагилар ҳақида қарор қабул қиласидилар:
 - (40.1) – ногирон шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
 - (40.2) – бундай шахсларга жамият ҳаётida тўла даражада қатнашиш учун тенг имкониятларни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;
 - (40.3) – бундай шахсларнинг уларга дахлдор бўлган соҳаларда қарорлар қабул қилинишида тегишли равишда иштирок этишига кўмаклашиш;
 - (40.4) – ногирон шахсларнинг касбий ва ижтимоий реабилитация қилиниши бўйича хизматлар кўрсатиш ҳамда бу соҳа бўйича ижтимоий ходимлар тайёрланшишига кўмаклашиш;
 - (40.5) – ногирон шахсларнинг ижтимоий бинолар ва хизмат кўрсатиш турлари, турар жой иморатлари, транспорт, маданий турмуш ва дам олишдан фойдалана олишини таъминловчи қулай шарт-шароитларни яратиш.
- (41) Иштирок этувчи давлатлар:
 - (41.1) – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим асосий аҳамиятга эга эканлигини ва шу сабабли уларнинг фуқаролари инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликла-

ри, шунингдек, миллий қонунларда ҳамда ўзлари қатнашчиси бўлган халқаро шартномаларда бундай ҳукуқлар ва эркинликларнинг хурмат қилинишига доир белгиланган мажбуриятлар юзасидан билим олиши ғоят муҳимлигини тасдиқлайдилар;

- (41.2) – инсон ҳукуқлари соҳасидаги самарали таълим тоқатсизлик, диний ва этник бидъатлар ҳамда душманлик, шу жумладан ромаларга қарши душманлик, ксенофобия ва антисемитизмга қарши курашишга кўмаклашиши эътироф этадилар;
 - (41.3) – ўзларининг ўқув дастурларини тайёрлаш билан шуғулланадиган ваколатли органлари томонидан барча даражалардаги талабалар, айниқса, ҳукуқ, бошқарув ва ижтимоий фанларни ўрганувчи талабалар, шунингдек, ҳарбий ва полиция ўқув юртлари ҳамда давлат бошқаруви институтларининг тингловчилари учун инсон ҳукуқлари бўйича самарали ўқув режалари ва курслари ишлаб чиқилишига кўмаклашадилар;
 - (41.4) – ўзларининг ўқитувчиларига ЕХҲК инсонийлик мезонларининг барча қоидалари ҳақидаги ахборотни тақдим этадилар;
 - (41.5) – ташкилотлар ва ўқув юртлари ўртасида инсон ҳукуқлари соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда алмашинишда миллий ва халқаро даражалардаги ҳамкорликни рағбатлантирадилар;
 - (41.6) – инсон ҳукуқлари соҳасида янада кенг маънодаги таълимни ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар доирасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европа Кенгаши каби тегишли халқаро ҳукумат ва ноҳукумат органларидағи тажриба, дастурлар ва ҳамкорлик шакллари ҳисобга олинишига ҳаракат қиласидилар.
- (42) Иштирок этувчи давлатлар тегишли миллий русум-қоидаларга биноан ўзларини ноҳукумат ташкилотлар (НҲТ)деб эълон қилган ташкилотларни НҲТ сифатида эътироф этадилар ва ўз худудида бундай ташкилотларнинг эркин фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашадилар; улар шу мақсадда қўйидагиларни амалга оширадилар:
- (42.1) – НҲТ билан тегишли миллий органлар ва давлат муассасалари ўртасида алоқалар ва фикр алмашувлар учун шарт-шароитларнинг янада яхшиланиши учун имкониятларни излаб топишга ҳаракат қиласидилар;
 - (42.2) – инсонийлик мезонлари соҳасидаги шарт-шароитларни кузатиш мақсадида ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг ноҳукумат ташкилотларнинг ўз мамлакатларига ташриф буюришига кўмаклашишга ҳаракат қиласидилар;
 - (42.3) – НҲТ фаолиятини, шу жумладан унинг ЕХҲК инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар бажарилишини текширишга доир фаолиятини маъқуллайдилар;
 - (42.4) – НҲТнинг ЕХҲК инсонийлик мезонлари доирасида тутган муҳим ролини эътиборга олиб, унга ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги бундан кейинги фаолияти вақтида ўз ҳукуматлари ва бошқа иштирок этувчи давлатлар ҳукуматлари эътиборига ўз фикр-мулоҳазаларини етказиши учун имконият берадилар.
 - (42.5) ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги бундан кейинги фаолияти вақтида НҲТ ва ЕХҲК инсонийлик мезонларининг аниқ муаммолари бўйича

күшимча ёзма варақаларини барча делегациялар ўртасида тарқатиш имкониятини берадилар.

- (42.6) ЕХХҚ Котибияти ўзида мавжуд бўлган ресурслар доирасида НҲТнинг ЕХХҚ—га тааллуқли умумий тарқатиладиган ҳужжатларнинг уларга тақдим қилинишига доир илтимосларини қондиради.
- (42.7) ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги бундан кейинги фаолияти вақтида НҲТ иштирокини белгилайдиган раҳбарлик қилувчи принциплар қисман қуидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
- (I) кенгашлар ўтказиладиган жойларда ёки бевосита яқин жойларда НҲТ эҳтиёjlари учун умумий хоналар ажратиш, шунингдек, техник воситалар, шу жумладан фотонусха қўчириш техникаси, телефонлар ҳамда телекоммуникациялардан оқилона даражада ва улар ҳисобидан фойдаланишини таъминлаш керак бўлади;
- (II) ошкоралик ва фойдаланиш қоидлари ҳақидаги масала бўйича НҲТни ўз вақтида хабардор қилиш ҳамда унга йўл-йўриқлар бериш лозим;
- (III) ЕХХҚ кенгашларида делегацияларга НҲТ аъзоларини ўз таркибига киритиш ёки таклиф қилишни бундан кейин ҳам тавсия қилиш керак бўлади. Иштирок этувчи давлатлар Хельсинки Кенгашига бундан кейинги қадамлар доирасида шундай раҳбарий принципларни белгилаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиши тавсия қиласилар.

1992 ЙИЛГИ ХЕЛЬСИНКИ ҲУЖЖАТИ – ЎЗГАРИШЛАР
ДАВРИ Даъвати
Хельсинки, 1992 йил 10 июль

I. Хельсинки олий даражадаги учрашуви декларацияси

Ўзгаришлар даврининг умидлари ва муаммолари

1. Биз, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида иштирок этувчи давлатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизга янги бир ички туртки бериш мақсадида Хельсинки жараёни бошланган жойга қайтиб келдик.
(...)
7. Биз давлатларнинг бир-бирлари олдидағи ва ҳукуматларнинг ўз халқлари олдидағи мажбуриятларини мужассамлаштирувчи Хельсинки Яқунловчи ҳужжатида ҳамда Париж хартиясида баён этилган йўл-йўриқ кўрсатувчи принциплар ва умумий қадриятлар ўз кучини йўқотмаганлигини яна бир карра тасдиқлаймиз. Улар ҳамжамиятимизнинг жамоа виждонини акс этиради. Биз уларнинг бажарилиши учун бир-биrimiz олдида жавобгар эканлигимизни эътироф этамиз. Биз ўз ҳукуматларидан бу қадриятлар ва нормаларни ҳурмат қилишни талаб этиш фуқароларнинг демократик ҳуқуқи эканлигини таъкидлаймиз.
8. Биз ЕХҲК инсонийлик мезонлари соҳасида қабул қилинган мажбуриятлар қандайдир биргина давлатнинг мутлақ ички иши эмас, балки барча иштирок этувчи давлатлар учун бевосита ва қонуний қизиқиш уйғотишга молик эканлигини таъкидлаймиз. Инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларни рўёбга чиқаришда ёрдам бериш, шунингдек, демократик институтларни мустаҳкамлаш кенг қамровли хавфсизлигимизнинг ҳаётий муҳим асоси эканлигича қолади.
(...)
12. Ҳозирги кун фақат умид бағишлибгина қолмай, балки унда бекарорлик ва ишончсизлик ҳам мавжуддир. ЕХҲК миңтақасидаги барқарорликка иқтисодий таназзул, ижтимоий кескинлик, тажовузкор миллатчилик, муросасизлик, ксенофобия (хорижликларга нафрат) ҳамда этник можаролар таҳдид солмоқда. ЕХҲКнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги, шу жумладан озчиликни ташкил қилган миллатларга тааллуқли ҳуқуқлар ва эркинликларнинг қўпол тарзда бузилиши янги демократик давлатларда ҳам жамиятнинг тинч ривожланишига жиддий хавф туғдирмоқда. Хилма-хилликни ҳар томонлама ҳимоялашни ва унинг амалиётда ҳурмат қилинишини таъминловчи демократик ҳамда фикрлар хилма-хиллиги қарор топган жамиятларни шакллантириш учун ҳали кўп иш қилиниши даркор. Шунинг натижасида биз ҳар қандай шаклдаги ирқий, этник ва диний камситишларни суриб чиқарамиз. Эркинликни ҳамда бағрикенглик муносабатини ўрганиш ва уларни амалиётда қўллаш лозим.

Хельсинки қарорлари

I. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг институтлари ва тузилмаларини мустаҳкамлаш

(1) Иштирок этувчи давлатлар ўз маслаҳатлашувларининг фоят изчиллигини ҳамда умумий сиёсий хоҳиш-ирода асосида келишиб олинган саъй-ҳаралатлар самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, ўзаро ҳамкорликнинг амалий жиҳатларини янада ривожлантириш мақсадида ЕХҲК институтлари ва тузилмаларини янада ривожлантириш тўғрисида Париж хартияси ҳамда Прага ҳужжатида баён этилган қарорларни яна бир бор тасдиқлашга ва ривожлантиришга қарор қилдилар.

Шу мақсадда улар қуидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

Давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг учрашувлари

- (2) Давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг учрашувлари, Париж хартиясида баён этилганидек, қоида тариқасида, таҳлил бўйича ўтказиладиган конференциялар муносабати билан икки йилда бир марта бўлиб ўтади.
- (3) Бу учрашувларда устувор йўналишлар белгиланади ва олий сиёсий даражадаги мўлжаллар кўрсатиб берилади.

Таҳлил бўйича конференциялар

- (4) Таҳлил бўйича конференциялар давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари учрашувларидан олдин ўтказилади. Улар тезкор тусда бўлади ва узоқ давом этмайди. Конференциялар:
- ЕХҲК доирасидаги бутун фаолият қирралари таҳлилини амалга оширади, шу жумладан ижро масалаларини ҳам муфассал муҳокама қиласида ва ЕХҲК жараёнини мустаҳкамлашга доир бундан бўёнги ишларни кўриб чиқади;
 - қарорлар қабул қилишга мўлжалланган ҳужжатни учрашувда тасдиқлаш учун тайёрлайди.
- (5) Таҳлил бўйича конференцияларни тайёрлаш, шу жумладан кун тартибини тайёрлаш ва ташкилий шарт-шароит яратиш ишлари ҳам маҳсус тайёрлов учрашувини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин бўлган Юқори лавозимли шахслар қўмитаси /ЮЛШК/ томонидан амалга оширилади.

ЕХҲК Кенгashi

- (6) Кенгаш ЕХҲКнинг кўрсатма берувчи ва раҳбарлик қилувчи марказий органи ҳисобланади.
- (7) Кенгаш ЕХҲК турли тадбирларининг ЕХҲК асосий сиёсий вазифалари билан узвий алоқасини таъминлайди.
- (8) Иштирок этувчи давлатлар Кенгашнинг иш услубларини такомиллаштириш ва унинг учрашувларида самарали маслаҳатлашувлар ўтказишга кўмаклашиш ҳақида келишиб олдилар.

Юқори лавозимли шахслар қўмитаси

- (9) Париж хартиясида акс этган қарорларни ривожлантира бориб ва Прага ҳужжатида баён этилганидек, ЕХҲК Кенгashi учрашувлари ўртасидаги даврда

ЮЛШҚ умумий таҳдил, бошқарув ва мувофиқлаштириш учун жавоб беради ҳамда тегишли қарорларни қабул қилишда Кенгаш вакили сифатида фаолият кўрсатади. Кўшимча мажбуриятлар мазкур ҳужжатнинг III бобида келтирилади.

Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича. Олий комиссар

- (23) Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссарни Кенгаш тайинлайди. Олий комиссар озчиликни ташкил қилган миллатлар муаммолари билан боғлиқ ҳамда ЕХҲК минтақасида иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги тинчлик, барқарорликка ёки ўзаро муносабатларга дахлдор можарога айланишга қодир бўлган кескин вазиятларнинг ilk босқичидаёқ «Эртароқ огоҳлантириш»ни ҳамда тегишли ҳолатларда «шошилинч ҳаракатлар» қилинишини таъминлайди. Олий комиссар Варшавадаги Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИҲБ) техник воситалари ҳамда имкониятларидан фойдаланади.

Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги таҳдиллар

- (26) ЕХҲК бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги муфассал таҳдил ЕХҲК фаолиятида ҳамон муҳим аҳамият касб этади ва иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди.
- (27) Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги таҳдиллар, бу ЕХҲКнинг тегишли ҳужжатларида назарда тутилганидек, таҳдил бўйича конференцияларда ҳамда ДИИҲБ ва МБМ шу мақсадда чақирадиган маҳсус кенгашларда, шунингдек, ЮЛШҚ мажлисни Иқтисодий анжуман сифатида ўтказганда мунтазам тартибда амалга оширилади.
- (28) Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги бу таҳдиллар ҳамкорликдаги фаолият тарзида бўлиб, қамровига кўра барча масалаларни ўз ичига олади ва айни вақтда аниқ муаммоларни кўриб чиқиш учун имконият яратади.
- (29) Иштирок этувчи давлатларга ўзларининг ижро тажрибаларини акс эттирувчи, шу муносабат билан дуч келган муаммоларга алоҳида эътибор берган ҳолда ҳисса қўшиш, шунингдек, бутун ЕХҲК минтақаси доирасида мажбуриятларнинг бажарилиши масалаларига оид ўз фикрларини маълум қилиш таклиф этилади. Иштирок этувчи давлатларга кенгаш ўтказилишидан олдин ҳиссалари баён этилган материалларни тарқатиш тавсия этилади.
- (30) Таҳдиллар муаммоларни кўриб чиқиш учун зарур ҳаракатларни белгилаш имконини бериши керак. Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги таҳдил келтириладиган кенгашлар ЮЛШҚ эътиборини, уларнинг фикрларига, мажбуриятларнинг бажарилишини яхшилаш борасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлган чора-тадбирларга оид ҳар қандай таклифга қаратиши мумкин.

II. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссари

- (1) Иштирок этувчи давлатлар Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қиласидилар.

Мандат

- (2) Олий комиссар ЮЛШҚ ҳомийлигида фаолият кўрсатади ва шу тариқа мажароларнинг мумкин қадар илк босқичидаёқ уларнинг олдини олишга ёрдам беради.
- (3) Олий комиссар ҳали олдини олиш босқичидан чиқмаган, аммо бунга қодир бўлган, Олий комиссарнинг фикрича, озчиликни ташкил қилган миллатлар билан боғлиқ ҳамда ЕХҲҚ минтақасида иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги тинчлик, барқарорликка ёки муносабатларга дахлдор мажарога айланиси мумкин бўлган кескин вазиятларнинг илк босқичидаёқ «эртароқ огоҳлантириш»ни ва тегишли ҳолатларда «шошилинч ҳаракатлар» қилининини таъминлайди, шунингдек, Кенгаш ёки ЮЛШҚдан бунга эътибор берилишини ва ҳаракатлар қилинишини талаб қиласиди.
- (4) ЕХҲҚда қабул қилинган принциплар ва мажбуриятларга асосланган бу мандат доирасида Олий комиссар ишни маҳфий амалга оширади ҳамда бундай кескин вазиятларга бевосита жалб қилинган барча тарафлардан мустақил тарзда иш юритади.
- (5a) Олий комиссар озчиликни ташкил қилган миллатнинг у фуқароси бўлган ёки у ҳудудида доимий яшаб турган давлатда юзага келадиган муаммоларни, шунингдек, у мансуб бўлган озчиликни ташкил қилган миллатга дахлдор муаммоларни, фақат бунга бевосита дахлдор бўлган барча тарафлар, шу жумладан сўз бораётган давлатнинг ҳам розилиги бўлгандағина кўриб чиқади.
- (5b) Олий комиссар озчиликни ташкил қилган миллатнинг уюшган террорчилик ҳаракатлари билан боғлиқ вазиятлардаги масалаларини кўриб чиқмайди.
- (5c) Олий комиссар ЕХҲҚ бўйича мажбуриятларнинг у ёки бу озчиликни ташкил қилган миллатга мансуб алоҳида шахсга нисбатан бузилишини ҳам кўриб чиқмайди.
- (6) Олий комиссар у ёки бу вазиятни кўриб чиқиша уни тартибга солиш учун демократик воситалар ва халқаро қонун-қоидалар бор-йўқлигини ҳамда манфаатдор тарафларнинг улардан фойдаланганлигини тўлиқ даражада ҳисобга олади.
- (7) Озчиликни ташкил қилган миллатларга тааллуқли муайян масала ЮЛШҚга маълум этилган ҳолларда Олий комиссарнинг бу масалани кўриб чиқишига жалб этилиши учун тегишли илтимоснома ҳамда ЮЛШҚнинг аниқ мандати талаб этилади.

Умумий маълумотлар, тайинлаш, қўллаб-куватлаш

- (8) Олий комиссар лавозимини тегишли катта тажрибага эга ва топширилган вазифаларни бажаришда холисликни таъминлайдиган таниқли халқаро арбоблар эгаллайдилар.

- (9) Олий комиссарни тайинлаш Кенгаш томонидан ЮЛШҚ тавсиясига кўра консенсус асосида уч йиллик даврга амалга оширилади, бу муддат кўпи билан бир марта уч йил муддатга узайтирилиши мумкин.
- (10) Олий комиссар Варшавадаги ДИИХБнинг техник воситалари ва имкониятларидан, шу жумладан, озчиликни ташкил қилган миллатлар муаммоларининг барча жиҳатлари бўйича ДИИХБ ихтиёрида бўлган ахборотдан фойдаланади.

Эртароқ огоҳлантириш

- (11) Олий комиссар:
- (11a) озчиликни ташкил қилган миллатлар масалаларига доир ахборотни қўйида сўз борадиган манбалардан /Кўшимчанинг /23/-/25/-бандларига қаранг) тўплайди ва олади;
- (11b) бевосита манфаатдор тарафларнинг ролини, кескинлик ва унга боғлиқ кейинги ҳодисалар хусусиятини, шунингдек, имкони бўлса ЕХҲК минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик учун келтириши мумкин бўлган муқаррар оқибатларини иложи борича энг эрта босқичда баҳолайди;
- (11c) шу мақсадда Кўшимчанинг /17/-бандига, шунингдек, /27/-/30/-бандларига мувофиқ, иштирок этувчи давлатлардан исталган бирига бориш ва /25/-банд қоидаларини назарда тутиб, озчиликни ташкил қилган миллатлар аҳволи тўғрисидаги ахборотни илк манбадан олиш учун манфаатдор тарафлар билан бевосита алоқага киришиш имкониятига эга бўлади.
- (12) Олий комиссар иштирок этувчи давлатларга бориб, ахборотни барча бевосита иштирок этувчи тарафлардан илк манбалардан олганда тарафлар билан тегишли масалаларни муҳокама қилиши, зарурият бўлганда улар ўртасидаги мулоқотга, ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин.

Эртароқ огоҳлантиришни таъминлаш

- (13) Агар Олий комиссар тегишли тарафлар билан ахборот алмашиш ва мулоқотлар асосида низо хавфи аниқ, деган хulosага келса, //3/-бандда баён этилганидек/, у амалдаги Раис томонидан ЮЛШҚга тезкорлик билан етказиладиган эртароқ огоҳлантириш масаласида чиқиши мумкин.
- (14) Амалдаги Раис бу эртароқ огоҳлантириш масаласини ЮЛШҚнинг кейинги учрашуви кун тартибига киритади. Агар давлатлардан бирортаси бундай эртароқ огоҳлантириш шошилинч маслаҳатлашувлар ўтказишни тақозо қиласи деб ҳисобласа, у Кенгашнинг Берлин учрашуви хulosалари Резолюциясининг («Фавқулодда механизм») 2-иловасида баён қилинган тартибдан фойдаланиши мумкин.
- (15) Олий комиссар эртароқ огоҳлантириш масаласида чиқиши сабабларини ЮЛШҚ— га изоҳлаб беради.

Шошилинч ҳаракатлар

- (16) Олий комиссар ЮЛШҚ томонидан тасдиқланган мандатга мувофиқ мумкин бўлган ечимларни топиш мақсадида манфаатдор тарафлар билан ало-

қаларни ўрнатиш ва муфассалроқ маслаҳатлашувлар олиб бориш учун ўзига қўшимча ваколатлар берилишини тавсия этиши мумкин. ЮЛШҚ тегишли қарор қабул қилиши мумкин.

Ҳисобдорлик

- (17) Олий комиссар озчиликни ташкил қилган миллатларга алоқадор кескин вазиятларни кўриб чиқиши мақсадида бирорта иштирок этувчи давлатга боришдан олдин амалдаги Раис билан маслаҳатлашувлар ўтказади. Амалдаги Раис махфийлик асосида тегишли иштирок этувчи давлат /иштирок этувчи давлатлар) билан маслаҳатлашиши, шунингдек, кенгроқ маслаҳатлашувлар олиб бориши мумкин.
- (18) Олий комиссар иштирок этувчи давлатга бориб келганидан кейин амалдаги Раисга ўзи аниқлаган далиллар ва берилган муайян масалани ҳал қилишга оид ишларнинг бориши тўғрисида қатъий махфий ҳисобот топширади.
- (19) Олий комиссар у ёки бу аниқ масала устидаги ишларини якунлаганидан сўнг амалдаги Раисга ўзи аниқлаган далиллар, натижалар ва хulosалар тўғрисида ҳисобот тақдим этади. Амалдаги Раис бир ой муддатда тегишли иштирок этувчи давлат (иштирок этувчи давлатлар) билан аниқланган далиллар, натижалар ва хulosалар юзасидан махфийлик тартибида маслаҳатлашувлар олиб боради, шунингдек, у янада кенгроқ маслаҳатлашувлар ўтказиши мумкин. Шундан сўнг ҳисобот мумкин бўлган қайдлар билан ЮЛШҚга берилади.
- (20) Агар Олий комиссар вазият можарога айланиб кетади, деган хulosага келса, ёки ўз ҳаракатларини қўллаш хусусидаги имкониятлари тугалланган деб ҳисобласа, бу ҳақда у амалдаги Раис орқали ЮЛШҚни хабардор қиласди.
- (21) ЮЛШҚ у ёки бу муайян масалани кўриб чиқишига қўшилган тақдирда Олий комиссар ахборотни ЮЛШҚга, шунингдек, ЮЛШҚ сўрови, тавсиясига кўра ёки мазкур ҳужжатнинг III боби қоидаларига мувофиқ ЮЛШҚ мазкур кескин вазият ёки низога нисбатан бирор-бир ҳаракат қўллашни таклиф қилган ҳар қандай муассаса ёки ташкилотга тақдим этади.
- (22) Олий комиссар ЮЛШҚ томонидан тегишли илтимослар тушган тақдирда ва ўз мандатини амалга оширишнинг махфийлик тўғрисидаги талабларини ҳисобга олиб ўз фаолияти тўғрисида ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари масалаларига бағишланган тадбирлар бажарилишини кўриб чиқишига доир кенгашларида ахборот беради.

Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича ахборот манбалари

- (23) Олий комиссар:
- (23a) ҳар қандай манбадан, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва нохукумат ташкилотлардан, /25/-баннда кўрсатилганлар бундан мустасно, озчиликни ташкил қилган миллатларнинг аҳволи ва унга дахлдор тарафларнинг роли тўғрисидаги ахборотни тўплаши ва олиши;
- (23b) озчиликни ташкил қилган миллатлар масалалари билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида бевосита алоқадор тарафлардан аниқ маърузалар олиши мумкин. Бундай маърузалар қаторига озчиликни ташкил қилган миллатларга нисбатан ЕХҲК бўйича мажбуриятларнинг бузилиши, шунингдек, озчиликни

ташкыл қылған миллатлар масалаларига боғлиқ бөшқа қоидабузарликлар түғрисидаги маъruzалар киритилиши мумкин.

- (24) Олий комиссарга йўлланадиган бундай аниқ маъruzалар қўйидаги талабларга жавоб берishi лозим:
- улар ёзма тарзда тақдим этилиши, бевосита Олий комиссарга йўлланган ҳамда фамилияси, исми ва тўлиқ манзилини кўрсатиб, имзоланган бўлиши даркор;
 - уларда яқинда бўлиб ўтган, асосан бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда содир этилган, озчиликни ташкыл қылған миллатларга мансуб шахсларга таалуқли воқеалар, шунингдек, алоқадор тарафларнинг роли түғрисидаги ҳақиқий ҳисобот мавжуд бўлиши лозим. Маъruzаларда етарлича ишонарли далиллар билан мустаҳкамланган ахборот акс этиши зарур.
- (25) Олий комиссар террорчилик ёки зўравонлик қилувчи ёхуд уларни ошкора қўллаб-қувватловчи ҳар қандай шахслар ёки ташкилотлар билан алоқада бўлмайди, шунингдек, улар тақдим этадиган ахборотни қабул қилмайди.

Бевосита манфаатдор тарафлар

- (26) Кескин вазиятга жалб этилган, Олий комиссарга аниқ маъruzалар тақдим этиши мумкин бўлган ва Олий комиссар иштирок этувчи давлатга ташриф буюрганда шахсан муносабат ўрнатишга интиладиган бевосита манфаатдор тарафлар қўйидагилар ҳисобланади:
- (26a) иштирок этувчи давлатлар ҳукуматлари, шу жумладан тегишли ҳолларда озчиликни ташкыл қылған миллатлар яшайдиган жойлардаги минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятлар;
- (26b) бевосита манфаатдор бўлган ҳамда озчиликни ташкыл қылған миллатлар яшайдиган кескин вазиятлар юзага келган жойлардаги уюшмалар, ноҳукумат ташкилотлар, диний ва бөшқа гуруҳлар вакиллари, бу озчиликни ташкыл қылған миллатлар томонидан ўз манфаатларини ифодалаш ваколати берилган вакил шахслардир.

Олий комиссар сафарлари шартлари

- (27) Олий комиссар мўлжалланган сафарни амалга оширишдан олдин тегишли иштирок этувчи давлатга бу сафарнинг назарда тутган мақсадлари түғрисида аниқ ахборот тақдим этади. Икки ҳафталик муддатда тегишли давлатлар Олий комиссар билан бу сафар вазифаларига оид маслаҳатлашувлар олиб боради. Бу маслаҳатлашувлар тарафлар ўртасидаги ўзаро мулоқотга, ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беришни ўз таркибига олиши мумкин. Олий комиссар ташриф буюрганда тегишли давлат унга ўз сафарини тўсиқларсиз амалга оширишида ва юқорида келтирилган /25/— банд қоидаларини ҳисобга олиб умумлаштиришга ёрдам беради.
- (28) Агар тегишли давлат Олий комиссарга мамлакатга кириш, шунингдек, бир жойдан иккинчи жойга монсликсиз бориш ва мулоқотда бўлиш имконини яратиб бермаса, Олий комиссар бу ҳақда ЮЛШҚни хабардор қиласи.

- (29) Бундай сафар вақтида Олий комиссар /25/-банд қоидаларини назарда тутиб, иштирок этувчи тарафлар билан маслаҳатлашувлар олиб боради ва ҳар қандай бевосита манфаатдор шахслар, гурухлар ёки ташкилотлардан Олий комиссар шуғулланаётган масалалар бўйича махфий ахборот олиши мумкин. Олий комиссар бу ахборотнинг махфийлигига риоя қиласи.
- (30) Иштирок этувчи давлатлар Олий комиссар билан алоқа боғлаганлиги учун шахс— лар, ташкилотлар ёки муассасаларга қарши қандай бўлмасин чоралар кўришдан ўзларини тиядилар.

Олий комиссар ва эксперталар иштироки

- (31) Олий комиссар ҳал қилиш учун ихтисослашган қисқа тадқиқот ва маслаҳатлашув талаб этиладиган муайян масалалар бўйича маҳсус тажриба ва билимларга эга бўлган кўпи билан учта экспертни ёрдамга чақиришга қарор қилиши мумкин.
- (32) Агар Олий комиссар эксперталарга мурожаат қилишга қарор қилган бўлса, у эксперталарнинг мандатлари ва иш муддатларини аниқ белгилайди.
- (33) Эксперталарнинг иштирок этувчи давлатга боришлари, унга Олий комиссар ташриф буюрган вақтдагина амалга оширилади. Уларнинг мандатлари Олий комиссар мандатининг таркибий қисми ҳисобланади, уларнинг сафарлари эса айни ўша шартларда амалга оширилади.
- (34) Эксперталардан сўралган маслаҳат хulosалари ҳамда тавсиялар Олий комиссарга махфийлик тартибида тақдим этилади ва у эксперталар фаолияти ва маърузалари учун жавобгар бўлади ҳамда маслаҳат хulosалари ва тавсияларни манфаатдор тарафларга бериш-бермаслик, агар берадиган бўлса, уни қандай шаклда бериш тўғрисида қарор қабул қиласи. Маслаҳат хulosалари ва тавсиялар мажбурийлик тусига эга бўлмайди. Агар Олий комиссар бундай маслаҳат хulosалари ва тавсияларни манфаатдор давлат/лар/га беришга қарор қилган бўлса, бу давлат/лар/га улар юзасидан ўз фикрларини айтиш имконияти яратилади.
- (35) Олий комиссар эксперталарни, Москва Кенгashi ҳужжатида назарда туттилганидек, ДИИҲБ ёрдамида ДИИҲБ тузган номзодлар рўйхатидан танлаб олади.
- (36) Манфаатдор иштирок этувчи давлатнинг фуқаролари ёки унинг ҳудудида доимий яшовчи шахслар, шунингдек манфаатдор давлат томонидан тайинланган ҳар қандай шахс ёки бу иштирок этувчи давлат томонидан илгари фикр билдирилган ҳар қандай эксперт эксперталар қаторига киритилмайди. Эксперталар қаторига бу иштирок этувчи давлатнинг ўз фуқаролари ёки унинг ҳудудида доимий яшайдиган шахслар ёхуд бу давлат номзодлар рўйхатига киритиши учун таклиф этган шахслардан бирортаси, шунингдек, муайян давлатнинг биттадан ортиқ фуқароси ёки ҳар қандай муайян давлатда доимий яшовчи шахсларнинг биттадан ортиғи киритилмайди.

Бюджет

- (37) ДИИҲБ алоҳида бюджетни тузади. Бу бюджет тегишли ҳолатларда сафарлар ва муносабатларнинг моддий-техникавий таъминотини назарда тутади. Бюджетни маблағ билан таъминлаш иштирок этувчи давлатлар томонидан ЕХҲК харажатларини тақсимлашнинг белгиланган шкаласига мувофиқ

амалга оширилади. Аниқ қоидаларни Молия құмитаси ишлаб чиқади ва уни ЮЛШҚ тасдиқлайды.

VI. Инсонийлик мезонлари

- (1) Иштирок этувчи давлатлар ЕХХҚ бүйіча мажбуриятлар инсонийлик мезонлари соңасыда бажарилишининг фойдали таҳдилини амалга оширилдилар. Улар ўз муҳокамаларида Янги Европа учун Париж хартиясида баён этилган ўзлари ўргаларида шакланған ва кейинги йилларда ЕХХҚ доирасыда янги андозаларнинг қарор топиши натижасыда ривожлантирилған янги муштарак қадриятларга асосланды. Улар инсонийлик мезонлари бүйіча мажбуриятларнинг бажарилишида сезиларлы тараққиётта эришилганинни қайд этдилар, аммо жиддий ташвиш үйғотадиган ҳодисалар содир ҳам бўлиб, бу ишларнинг аҳволини янада яхшилаш зарурлиги тақозо этилишини ҳам тан олдилар.
- (2) Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий әркиниларининг тўлиқ ҳурмат қилинишини таъминлаш, қонунчилик асосида ҳаракат қилиш, демократия принципларини ҳаётта жорий этиш ва шу муносабат билан демократик институтларни яратиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, бугун жамият кўламида бағрикентлик принципларини ривожлантиришга қатъий қарор қилганиларни ифодалайдилар. Шу мақсадда улар аниқроқ ва реал мазмун билан таъминланған ахборот, фоя ва ташвишларни алмашлаш, шу жумладан жиддий аҳволнинг ва яққол можаролар пайдо бўлишининг илгарироқ олдини олишга имкон бериш учун ДИИҲБни янада мустаҳкамлаш орқали ЕХХҚнинг тезкорлик асосини кенгайтирадилар. Бунда улар ўз эътиборларини алоҳида аҳамиятга эга инсонийлик мезонлари масалаларига қаратадилар. Шунга кўра улар, айниқса, ўзгаришлар давридаги инсонийлик мезонларини мустаҳкамлашни доимо кузатиб борадилар.
- (3) Шу муносабат билан иштирок этувчи давлатлар қуидагиларни қабул қила-дилар:

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши бүйіча мажбуриятларнинг бажарилишини кузатишининг ва инсонийлик мезонлари соңасидаги ҳамкорликка ёрдам беришининг концептуал асослари

- (4) ЕХХҚ бүйіча мажбуриятларнинг бажарилиши жараёнини ва уларнинг бажарилишини кузатишини кучайтириш, шунингдек, инсонийлик мезонлари соңасидаги тараққиётни ривожлантириш мақсадида иштирок этувчи давлатлар ўз ҳамкорлигининг концептуал асосини мустаҳкамлашга қарор қилдилар ва бу вазифаларни амалга ошириш учун қуидаги қарорга келдилар:

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг ролини кучайтириш

- (5) ЮЛШҚ умумий раҳбарлигига иш юритиб, ЕХХҚ институтлари ва тузилмаларини янада ривожлантириш тўғрисидаги Янги Европа учун Париж хартиясида ҳамда Прага ҳужжатида баён этилган ўзининг мавжуд вазифаларига қўшимча равишда ДИИҲБ инсонийлик мезонлари соңасидаги бош институт сифатида қуидагиларни амалга оширади:

- (5a) Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши устидан кузатишда қуйидаги йўсинда ёрдам кўрсатиш:
- Вена учрашуви Якунловчи ҳужжатида баён этилганидек, инсонийлик мезонлари механизмининг 3-бўлими 2-бандига мувофиқ икки томонлама учрашувларни ўтказиш жойи сифатида, 3— бандига мувофиқ ахборот алмашиш канали сифатида иш кўриб;
 - Инсонийлик мезонлари механизми доирасидаги миссиялар ҳисобланмайдиган инсонийлик мезонларига алоқадор ЕХҲКнинг миссиялари ташриф буюрган давлатлардан изоҳлар олиб: Бюро бундай миссиялар маърузаларини, шунингдек, уларга берилиши мумкин бўлган изоҳларни уларнинг бажарилишини кўриб чиқиш бўйича навбатдаги кенгашда ёки шарҳлар бўйича конференцияда муҳокама қилишни назарда тутиб, барча иштирок этувчи давлатларга юборади;
 - миссияларда иштирок этиб ёки уларни кенгаш ёхуд ЮЛШҚ топшириғига биноан амалга ошириб;
- (5b) ахборот маркази сифатида қуйидаги ҳолларда иш кўради:
- Инсонийлик мезонлари бўйича конференция Москва Кенгаши ҳужжатининг 28.10-бандида назарда тутилганидек, фавқулодда ҳолатларга даҳлдор бўлганда;
 - аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги номзодлар рўйхатига ва ёрдам кўрсатишга ёки маҳаллий ҳамда минтақавий даражадаги демократияга, шунингдек, ушбу масалалар бўйича миллий семинарларни ўтказишга алоқадор бўлганда;
- (5c) инсонийлик мезонлари соҳасидаги фаолиятнинг бошқа турларида, шу жумладан демократия институтларини яратишда ҳам қуйидаги йўсинда:
- «Яқинда қабул қилинган иштирок этувчи давлатларга мувофиқлаштирилган ёрдам кўрсатиш дастури»да белгиланган вазифаларни бажарган ҳолда;
 - иштирок этувчи давлатларнинг илтимосларига жавобан «демократик жараён муаммолари бўйича семинарлар»ни ташкил этган ҳолда ёрдам беради. Бу семинарларга нисбатан «Яқинда қабул қилинган иштирок этувчи давлатларга мувофиқлаштирилган ёрдам кўрсатиш дастури»да баён этилган айнан ўша қоидалар қўлланилади;
 - бир ёки бир неча иштирок этувчи давлатларнинг илтимосига кўра семинарларни тайёрлашда ўз тасарруфидаги заҳиралари доирасида кўмаклашган ҳолда;
 - Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссарга зарур бўлганда техник воситалар ва имкониятларни тақдим этган ҳолда;
 - зарур бўлганда тегишли халқаро ва ноҳукумат ташкилотлар билан муносабатларни амалга оширган ҳолда;
 - Европа Кенгашининг тегишли органлари ҳамда унга алоқадор ташкилотлар билан маслаҳатлашувлар ва ҳамкорликни амалга ошириб, шунингдек, зарур бўлганда улар ДИИҲБ фаолиятига қандай кўмак бера олишлари масаласини ўрганганд ҳолда ёрдам кўрсатади. ДИИҲБ иштирок этувчи давлатларнинг илтимосига кўра, уларга Европа Кенгаши доирасида амалга оширилаётган, барча иштирок этувчи давлатлар учун очиқ бўлган дастурлар тўғрисида ҳам ахборотни тақдим этади.

- (6) ДИИХБ инсонийлик мезонлари бўйича амалга ошираётган фолият, жумладан, можароларни бартараф этиш ишида ҳам илгарироқ олдини олиш имконини бериши мумкин.

Инсонийлик мезонлари механизми

- (7) Иштирок этувчи давлатлар Инсонийлик мезонлари механизмини ЕХХК-нинг мавжуд тузилмалари ва институтлари билан мувофиқлаштириш мақсадида қуидаги қарорни қабул қиласидар:
- Иштирок этувчи давлатларнинг ҳар қайсиси, агар у буни зарур деб топса, 2-бандга мувофиқ икки томонлама учрашувларни ўтказиш жойи ҳисобланниши мумкин бўлган ДИИХБ орқали ёки дипломатик йўллар орқали Вена учрашуви Якуний хужжатининг «ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари» деб номланган боби 1 ёки 2-бандлари бўйича талаб мавзуси бўлган вазиятлар ва ҳодисалар тўғрисидаги ёки бу қоидаларнинг натижалари ҳақидаги ахборотни иштирок этувчи давлатларга тақдим этиши мумкин. Бундай ахборот ЮЛШҚ учрашувларида, инсонийлик мезонлари масалаларига бағишлиланган мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишига доир йигилишларда, таҳлилга оид конференцияларда муҳокама қилиниши мумкин.
- (8) Экспертлар ва маъruzачиларнинг Инсонийлик мезонлари механизми доирасидаги миссияларини қоплашга доир тартиботлар таҳлил бўйича навбатдаги конференцияда тўпланган тажриба асосида кўриб чиқилиши мумкин.

Мажбуриятларнинг бажарилиши

Инсонийлик мезонлари масалаларига бағишлиланган мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишига доир кенгаш

- (9) Таҳлил бўйича конференциялар ўтказилмайдиган йили ДИИХБ ўз қароргоҳида иштирок этувчи давлатлар экспертлари даражасида ЕХХК бўйича инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил қилиш учун уч ҳафталик кенгашни ташкил этади. Бу кенгаш қуидаги вазифаларни бажаради:
- (9a) Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида, бунга Инсонийлик мезонлари механизмининг 4-бандига мувофиқ тақдим этилган ахборотни ҳамда ЕХХК миссияси маъruzаларининг инсонийлик мезонларига оид жиҳатлари муҳокамасини ҳам қўшган ҳолда, муфассал фикр алмашувни ўтказади, шунингдек, мажбуриятларнинг бажарилиши жараёнини такомиллаштириш йўллари ва воситаларини ҳам кўриб чиқади;
- (9b) Мажбуриятларнинг бажарилишини кузатиш қоидаларини баҳолашни амалга оширади.
- (10) Мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишига доир кенгаш, унинг фикрича, мажбуриятларнинг бажарилиши жараёнини такомиллаштириш учун амалга оширилиши зарур бўлган таклифларни ЮЛШҚ эътиборига ҳавола қилиши мумкин.
- (11) мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишига доир кенгашларда келишилган ҳужжат тайёрланмайди.
- (12) Ёзма иловалар ёки ахборот материаллари уларни тақдим этган давлатларнинг кўрсатмаларига мувофиқ умумий ёки чекланган тарзда тарқатишга мўлжалланади.

- (13) Мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгашлар мажлислари расмий ёки норасмий бўлади. Барча расмий йиғилишлар очиқ бўлади. Бундан ташқари, иштирок этувчи давлатлар ҳар бир аниқ вазиятдан келиб чиқиб, норасмий йиғилишларни очиқ ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.
- (14) Мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгаш Европа Кенгашига, «Қонунга асосланган демократия» Европа Комиссиясига, Европа тикланиш ва тараққиёт банкига, шунингдек, бошқа тегишли халқаро ташкilot ва муассасаларга кенгашларда иштирок этиш ва улар ишида ўз ҳиссаларини қўшишни таклиф қилади.
- (15) Инсонийлик мезонлари соҳасида тегишли тажрибага эга бўлган ноҳукумат ташкilotлар мажбуриятларнинг бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгашга, масалан, ДИИХБ орқали ёзма тақдимномалар қилишга таклиф этилади ва уларнинг ёзма тақдимномаларини ҳисобга олиб, улар тегишли ҳолларда аниқ масалалар бўйича оғзаки баёнотлар беришга таклиф этилишлари мумкин.
- (16) Мажбуриятлар бажарилишини кўриб чиқишга доир кенгашлар жараёнида расмий кенгашлар ўтказилмагандан НХТ билан қўшимча учрашувлар ташкил этиш имкониятини яратиш учун иш куни икки қисмга ажратилади. Бу вақтда зал кенгаш ўтказиш ўрнига НХТ ихтиёрига берилади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг инсонийлик мезонлари бўйича семинарлари

- (17) ДИИХБ ЕХҲКнинг инсонийлик мезонларига бевосита алоқадор бўлган ва сиёсий маънода долзарб ҳисобланадиган муайян масалаларни кўриб чиқишга багишланган семинарларини ЮЛШҚ умумий раҳбарлигида ташкил этади. ЮЛШҚ семинарлар ишининг ҳар йилги дастурини, шу жумладан уларнинг мавзуи ва ўтказиш муддатларини ҳар йили қабул қилади. Ҳар бир семинарнинг кун тартиби ва ташкилий шарт-шароитини ЮЛШҚ у бошланишидан камида уч ой олдин тасдиқлайди. ЮЛШҚ бунда ДИИХБнинг билдирган фикрларини эътиборга олади. Бошқача таклиф тушмаган ҳолларда семинарлар ДИИХБ қароргоҳида ўтказилади ва уларнинг давомийлиги бир ҳафтадан ошмайди. Иш дастури тегишли халқаро ташкilotлар ва муассасалар ишини ҳисобга олиб тузилади.
- (18) Бу семинарлар ошкоралик ва мослашувчанлик принциплари асосида ташкил этилади. Семинарлар ишида иштирок этиш ва унга ҳисса қўшишга тегишли халқ— аро ташкilotлар ҳамда институтлар, шунингдек, тегишли тажрибага эга НХТ таклиф этилиши мумкин. Семинар ишида миллий делегациялар аъзоси сифатида иштирок этувчи мустақил эксперталар ҳам шахсан чиқишилар қилиш имкониятига эга бўладилар.
- (19) ЕХҲК семинарларида мажлислар расмий ва норасмий бўлади. Барча расмий мажлислар очиқ ўтади. Бундан ташқари, иштирок этувчи давлатлар ҳар бир муайян ҳолатдан келиб чиқиб, норасмий мажлисларни очиқ мажлисларга айлантириш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.
- (20) ЕХҲК семинарларида келишилган ҳужжат ёки кейинги ҳаракатлар дастурлари қабул қилинмайди.
- (21) Мустақил эксперталарнинг ҳиссалари умумий тарқатишга мўлжалланади.

- (22) Иштирок этувчи давлатлар ЕХХКнинг инсонийлик мезонларига доир семинарлари янги туркумини тезликда бошлаш учун Хельсинки учрашувида навбатдаги қадамлар доирасида ДИИХБ қуидаги түртта семинарни ташкил этиш түғрисида қарор қабул қилади:
- кўчиш муаммолари;
 - озчиликни ташкил қилган миллатларнинг муайян муаммоларини ўрганиш: уларни ҳал қилишнинг ижобий натижалари;
 - бағрикенглик муаммолари;
 - эркин ахборот воситалари.

Бу семинарлар 1993 йил 31 декабригача ўтказилади. Бу семинарларнинг кун тартиби ва уларни ўтказиш шартларини ЮЛШҚ белгилайди. Кўчманчи ишчилар ва маҳаллий демократия масалалари бўйича семинарлар семинарларнинг биринчи йиллик дастурига киритилади. ЮЛШҚ семинарлар дастурини амалга оширишнинг молиявий оқибатлари билан боғлиқ масалаларни диққат марказида тутади.

Иисонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар ва ҳамкорликни кучайтириш

Озчиликни ташкил қилган миллатлар

Иштирок этувчи давлатлар

- (23) ЕХХК бўйича барча ўз мажбуриятларини, шу жумладан Вена учрашуви Якуний хужжатида, Коненгаген хужжатида ҳамда озчиликни ташкил қилган миллатлар ва уларга мансуб шахсларнинг хукуқлари масалаларига оид Женева Кенгashi маъruzасида баён этилган мажбуриятларини кечиктирмай ва вижданан бажариш мақсадларини қатъий тасдиқлайдилар.
- (24) Шу муносабат билан улар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар томонидан ўз инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини, бунга демократик қоидаларга мувофиқ ҳар бир давлатнинг ўз мамлакати сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида қарорлар қабул қилишда, шу жумладан миллий, минтақавий ва маҳаллий даражадаги раҳбарий ва маслаҳат органлари ишида, хусусан, сиёсий партиялар ва уюшмалар доирасида демократик асосда иштирок этиш хукуқларини ҳам қўшиб якка тартибда ва бошқалар билан бирга амалга оширилишини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштирадилар.
- (25) Ўзларининг ЕХХК бўйича тегишли мажбуриятларини, шу жумладан озчиликни ташкил қилган миллатларнинг этник, маданий, тил ва диний ўзига хосликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш учун шароитлар яратиш билан боғлиқ мажбуриятларини самаралироқ бажаришнинг бундан бўёнги имкониятларини бир томонлама, икки томонлама тартибда кучайтириш асосида ўрганишни давом эттирадилар.
- (26) Озчиликни ташкил қилган миллатлар муаммоларини ЕХХК принциплари ва мажбуриятлари асосида тинчлик воситалари ҳамда барча манфаатдор тарафлар ўргасида мулоқотлар олиб бориш йўли билан амалий руҳда ҳал қиладилар.
- (27) Ўз худудлари доирасида худудларнинг этник таркибини ўзгартириш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга кўчириш амалиётидан ўзларини тийиб турадилар, куч билан ёки уни кўллашни таҳдид қилиб бир жойдан иккинчи жойга кўчиришга бўлган барча уринишларни қоралайдилар.

- (28) **ДИИХБга 1993 йил баҳорида ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари соҳасида «Озчиликни ташкил қилган миллатларнинг муайян муаммоларини ўрганиш: уларни ҳал қилишнинг ижобий натижалари» мавзуусидаги семинарни ўтказишни топширадилар.**

Туб аҳоли

Иштирок этувчи давлатлар

- (29) Туб аҳолига мансуб шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда маҳсус муаммоларга тўқнаш келишлари мумкинлигини қайд этиб, ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига тааллуқли ЕХХК бўйича мажбуриятлари бундай шахсларга нисбатан тўлиқ ва ҳеч бир камситишларсиз қўллалиши мумкинлигига розилик билдирадилар.

Бағрикенглик ва камситмаслик

Иштирок этувчи давлатлар

- (30) Яқинда содир бўлган йўл қўйиб бўлмайдиган тоқатсиз камситишлар, тажовузкор миллатчилик, ксенофобия, антисемитизм ва ирқчилик ҳолатларидан ташвишда эканликларини билдирадилар ҳамда барқарор демократик жамиятни барпо этиш ва сақлаш ишида бағрикенглик, ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик жуда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайдилар.
- (31) **ДИИХБга 1992 йил кузида ЕХХКнинг бағрикенгликка бағишлиланган инсонийлик мезонлари соҳасидаги семинарини ташкил этишни топширадилар.**
- (32) Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга риоя қилиш, агар улар буни ҳали амалга оширгмаган бўлсалар, имкониятларини ўрганиб чиқадилар.
- (33) Ўз ҳудудларида турган барча шахсларга ирқий, этник ва диний белгилар бўйича камситишлардан ҳимояланишни таъминлайдиган, шунингдек, барча шахсларни ва ажнабийларни ҳам зўравонлик ҳаракатлари, шу жумладан бу белгиларнинг ҳар қандайидан ҳимоя қиласидиган тегишли тадбирларни ўз конституциявий тузумлари ва ўз халқаро мажбуриятлари доирасида қабул қилиш имкониятларини ўрганиб чиқадилар. Бундан ташқари, улар ўз ички юридик қоидаларидан, шу жумладан унга тааллуқли мавжуд қонунларга риоя қилинишини таъминлашдан ҳам тўлиқ даражада фойдаланадилар.
- (34) Турли маданиятлар намоёндалари ўртасида камситмаслик ва ўзаро бир-бiriни тушуниш принципларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш дастурларини ишлаб чиқиш имкониятини ўрганадилар, бунда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги маърифий фаолиятига, оддий фуқароларга йўналтирилган тадбирларга, шунингдек, маданий хилма-хиллик соҳасидаги таълим ва тадқиқотларга унинг доирасида зътибор берилади.
- (35) Шу муносабат билан анъанавий тарзда лўлилар деб аталмиш рома жамоалари ва бошқа гурӯҳларга мансуб ўз фуқаролари муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тегишли дастурларнинг ишлаб чиқилиши, шунингдек, бу шахслар жамият ҳаётида тенг имкониятларга эга бўладиган ва тўлиқ иштирок этадиган шарт-шароитларнинг яратилиши зарурлигини яна бир карра тасдиқлайдилар ва бу мақсаддага эришиш учун ҳамкорлик йўлларини ўрганиб чиқадилар.

Кўчманчи ишчилар

Иштирок этувчи давлатлар

- (36) Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари барчага тегишли эканлигини ва кўчманчи ишчилар ҳам, ўз яшаш жойларидан қатъи назар, бу ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишларини яна бир бор билдирадилар, шунингдек, иштирок этувчи давлатлар ҳудудида қонуний яшаб турган кўчманчи ишчилар ва уларнинг оиласарига тааллуқли ЕХҲК бўйича барча мажбуриятларнинг бажарилиши муҳимлигини таъкидлайдилар.
- (37) Кўчманчи ишчилар билан улар қонуний яшаб турган иштирок этувчи давлатнинг жамияти ўртасида янада уйғунроқ муносабатларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга ёрдам берадилар. Шу мақсадда улар, жумладан кўчманчи ишчилар ва уларнинг оиласарига қабул қилувчи мамлакат жамияти ҳаётида иштирок этиш имкониятини бериш учун уларга тегишли иштирок этувчи давлат тилини ўрганиб олишлари ва ижтимоий ҳаёт билан танишишларига ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни кўрадилар.
- (38) Ўз ички сиёсалари, ўз ички қонунлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ тегишли ҳолларда қонуний яшаб турган ва ишлаб турган кўчманчи ишчиларга меҳнат қилиш, таълим олиш, ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш, турар-жой таъминоти, касаба уюшмалари фаолиятида иштирок этишга ва маданий ҳуқуқларга доир тенг имкониятларни таъминлашга ёрдам берувчи шароитларни яратишга ҳаракат қиладилар.

Қочқинлар ва бир жойдан иккинчи жойга кўчирилган шахслар

Иштирок этувчи давлатлар

- (39) Қочқинлар ва кўчирилган шахслар муаммоларидан ташвишда эканликларини билдирадилар.
- (40) Қочқинлар ва кўчирилган шахсларнинг оммавий оқимига сабаб бўлиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш муҳимлигини кўрсатиб ўгадилар ҳамда аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва мажбурий миграциясининг туб сабабларини аниқлаш ҳамда кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлайдилар.
- (41) Қочқинлар ва кўчирилган шахсларнинг оммавий оқимлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган халқаро ҳамкорлик зарурлигини тан оладилар.
- (42) Кўчириш ҳоллари кўпинча ЕХҲК бўйича мажбуриятлар, шу жумладан инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятларнинг бузилиши натижаси ҳисобланишини тан оладилар.
- (43) Қочқинларни ҳимоя қилиш ҳамда уларга ёрдам кўрсатишга оид мавжуд халқаро стандартлар ва ҳужжатларнинг муҳимлигини яна бир бор таъкидлайдилар ҳамда Қочқинлар мақоми тўғрисидаги конвенция ва Протоколга кўшилиш тўғрисидаги масалани, агар улар буни ҳали амалга оширгмаган бўлсалар, кўриб чиқадилар.
- (44) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари ва Халқаро Қизил Xоч Кўмитаси, шунингдек, қочқинларни ҳамда кўчирилган шахсларни ҳимоялашни таъминлаш ҳамда уларга ёрдам кўрса-

тиш билан шуғулланадиган ноҳукумат ташкилотларнинг фаолияти муҳимлигини тан оладилар.

- (45) Кочқинлар ва кўчирилган шахсларни ҳимоялашни таъминлаш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш бўйича узоқ муддатли ечимларни излашга қаратилган бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама саъй-ҳаракатларни олқишлийдилар ва кўллаб-куватлайдилар.
- (46) 1993 йил бошида ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги миграция, шу жумладан қоюқлар ва кўчирилган шахслар муаммоларига бағишлига семинарини ташкил этишни ДИИҲБга топширадилар.

Халқаро гуманитар ҳуқуқ

Иштирок этувчи давлатлар

- (47) Халқаро гуманитар ҳуқуқ инсон шахсининг ажralmas фазилатига асосланнишини эслатиб ўтадилар.
- (48) Халқаро гуманитар ҳуқуқни, шу жумладан фуқаро аҳолини ҳимоя қилишни ҳар қандай ҳолатларда ҳам ҳурмат қиласидилар ва ҳурмат қилинишини таъминлайдилар.
- (49) Халқаро гуманитар ҳуқуқни бузувчилар ўз хатги-ҳаракатлари учун шахсан жавобгар эканликларини эслатиб ўтадилар.
- (50) Халқаро Қизил Xоч Қўмитасининг халқаро ҳуқуқ, шу жумладан Женева конвенциялари ва уларнинг тегишли Протоколларини амалга ошириш ва ривожлантиришдаги жуда муҳим ролини тан оладилар.
- (51) Ўзларининг Халқаро Қизил Xоч Қўмитаси, шунингдек, Қизил Xоч ва Қизил Ярим ой Жамиятлари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими ташкилотларига, айниқса, қуролли можаролар даврида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳимоя рамзларини ҳурмат қилиш, бу рамзларни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш ва зарур ҳолларда тегишли ҳудудларга боришини таъминлашда бор куч-ғайратларини сарфлаш мажбуриятларини яна бир карра тасдиқлайдилар.
- (52) Халқаро гуманитар ҳуқуқ доирасида ўз мажбуриятларига доир маърифий фаолиятни олиб бориш ва ахборот тарқатиш мажбуриятларини бажаришга содиқ эканликларини баён этадилар.

Маҳаллий ва минтақавий даражадаги демократия

Иштирок этувчи давлатлар

- (53) Демократик жараёнлар ва институтларнинг қарор топишини кучайтириш мақсадида ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш тартибида маҳаллий ва минтақавий даражада демократиянинг фаолият кўрсатиши муаммолари бўйича тегишли тажриба алмашишга интиладилар ҳамда шу муносабат билан Европа Кенгашининг бу соҳадаги ахборот ва маърифий тармоғи фаолиятини олқишлийдилар.
- (54) Маҳаллий ҳамда минтақавий даражаларда тегишли органлар ўртасидаги алоқаларга ёрдам берадилар ва ҳамкорликнинг турли шаклларини рафбатлантирадилар.

Фуқаролик

Иштирок этувчи давлатлар

- (55) Ҳар бир киши фуқаролик ҳуқуқига эга эканлигини ва ҳеч ким ўз фуқаролигидан зўравонлик билан маҳрум этилиши мумкин эмаслигини тан оладилар.
- (56) Фуқароликнинг барча жиҳатлари қонунчилик жараёни билан тартибга соилинишини таъкидлайдилар. Зарур бўлганда улар ўз мамлакатларининг конституциявий тузумига мувофиқ тадбирларни фуқаролиги бўлмаган шахслар кўпайиб кетмаслиги учун қўллайдилар.
- (57) Бу масалалар ЕХҲК доирасида муҳокама қилинишини давом эттирадилар.

Ўлим жазоси

Иштирок этувчи давлатлар

- (58) Коненгаген ва Москва ҳужжатларидаги ўлим жазоси тўғрисидаги масалага доир ўз мажбуриятларини тасдиқлайдилар.

Эркин оммавий ахборот воситалари

Иштирок этувчи давлатлар

- (59) ДИИҲБга инсонийлик мезонлари соҳасидаги эркин оммавий ахборот воситаларига бағишлаб, 1993 йилда бўлиб ўтадиган ЕХҲК семинарини ташкил этишни тоширадилар. Семинар давлат органлари вакиллари билан оммавий ахборот воситалари ўртасида алоқа ўрнатиш ва ахборот алмашишни муҳокама қилиш, борасида ёрдам бериши керак.

Таълим

Иштирок этувчи давлатлар

- (60) Таълимнинг демократия, инсон ҳуқуқлари ва демократик тузум foяларини, айниқса ўзгаришлар даврида тарқатишда муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб, Европа Кенгаши томонидан бу мақсадга барча иштирок этувчи давлатлар учун очиқ бўлған «Таълим: тузилмалар, сиёсат ва стратегиялар» семинарининг ташкил этилишини олқишлидилар.

Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар тўплами

Иштирок этувчи давлатлар

- (61) Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларни чуқурроқ тушунишга ва шу йўсинда уларнинг бажарилишига ёрдам беришга даъват этилган ЕХҲК бўйича мажбуриятлар тўпламлари тайёрланишини олқишлидилар.

Миллий қонунчиликни амалга ошириш соҳасидаги раҳбарий принциплар

Иштирок этувчи давлатлар

- (62) ЕХҲК бўйича мажбуриятларга тааллуқли инсон ҳуқуқлари масалаларига оид миллий қонунчиликни самарали амалга оширишга кўмаклашиш учун зарур ҳолларда раҳбарий принципларни ишлаб чиқишига кўмаклашадилар.

КЕНГАШНИНГ ТҮРТИНЧИ УЧРАШУВИ

Rим, 1993 йил 30 ноябрь – 1 декабрь

ЕХҲҚ ВА ЯНГИ ЕВРОПА – ХАВФСИЗЛИГИМИЗ БЎЛИНМАС КЕНГАШНИНГ РИМ УЧРАШУВИ ҚАРОРЛАРИ

...
Вазирлар танглик, зўравонлик ва очиқдан-очиқ адоватнинг кенг намоён бўлиши сақланиб турганда тинчлик ҳамда барқарорликка таҳдид ортиши юзасидан жиддий ташвишланаётганини билдирилар. Улар инсон ҳуқуқи ва гуманитар ҳуқуқ тез-тез бузилиб туриши ҳолларини, шунингдек, баъзи мамлакатлар томонидан ўзгалар ерини зўравонлик билан босиб олишга уринишларни кескин қораладилар. Куролли тўқнашувларнинг оқибати ҳисобланадиган қочқинларнинг ортиб бораётган оқимини зудлик билан камайтириш ва одамлар чекаётган азоб-уқубатларни енгиллаштириш зарур. Вазирлар инсонийликка қарши жиноятларда айбдор шахсларнинг шахсан жавобгар эканликларини яна бир бор баён этдилар.

...
Вазирлар ҳар бир нарсанинг олдини илк босқичдаёқ олиш ва превентив дипломатия соҳасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХҲҚ) имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш ва бу ишни инсонийлик мезонлари жиҳатига кўпроқ қаратиш зарурлигини таъкидладилар. Улар бу имкониятларни мустаҳкамлашда Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссарнинг ҳиссасини юқори баҳоладилар. Улар инсонийлик мезонлари масалаларида Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюронинг ортиб бораётган ролини, шунингдек, можароларнинг олдини олиш ва тангликни тартибга солиш ишидаги ЕХҲҚ миссияларининг ҳиссасини мамнуният билан таъкидладилар. Бундан кейинги ҳаракатлар юзага чиқиши мумкин бўлган тангликни илк босқичидаёқ олдини олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилиши зарур.

КЕНГАШНИНГ РИМ УЧРАШУВИ ҚАРОРЛАРИ

III. **Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар**

Озчиликни ташкил қилган миллатларга тааллуқли масалалар билан можароларнинг олдини олиш масалалари ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, вазирлар Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар /ОМОК/га ўз ваколати доирасидаги ҳаракатларини давом эттиришни таклиф қилдилар. Улар ОМОК бирор нарсанинг олдини илк босқичдаёқ олиш ва превентив дипломатия соҳасида янги ҳамда самарали восита эканлигини эътироф этдилар. Вазирлар иштирок этувчи давлатларнинг Олий комиссар билан кенг кўламда ҳамкорлик қилишлари, шунингдек у таклиф этган тавсияларни амалга ошириш борасидаги фаолиятда қўллаб-куватлашлари муҳим эканини таъкидладилар. Улар ОМОК учун ажратиладиган ресурслар миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги ЮЛШҚ қарорини маъқулладилар.

IV.

Инсонийлик мезонлари

1. Вазирлар инсонийлик мезонлари масалалари ЕХХҚ қабул қилған кенг қамровли хавфсизлик концепциясининг асосини ташкил этишини яна бир бор таъкидлаб ўтдилар. Улар ЕХХҚ минтақасининг катта қисмida инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларга қатъий риоя қилишга эришиш вазифаси турғанлигини ва айни вақтда ЕХХҚ минтақасида давом этаётган можаролар борасида фуқаролар ҳали ҳам ваҳшийлик қурбонлари бўлаётганидан алоҳида ташвишланадиганни билдирилар. Кескинликнинг туб сабаблари азалий мутаассиблик билан ниқобланганлигини ташвиш билан англаған вазирлар хусусан маърифий фаолият доирасида аҳолини бағрикенглик руҳида тарбиялаш ва умумий қадриятлар тизимиға дахлдорлигини англашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишга даъват этдилар. Вазирлар алоҳида таъкидладиларки, инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларни бажариш ЕХХҚнинг можароларни бартараф этиш бўйича ҳаракатларида марказий ўрин тутади.
2. Шу мақсадда вазирлар ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги можароларни бартараф этиш ва ҳар бир нарсанинг илк босқичдаёқ олдини олиш механизмларини мустаҳкамлашга қарор қилдилар. Улар шу муносабат билан Европа Кенгаши каби тегишли ҳалқаро ташкилотлар ва ноҳукумат ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурлигини таъкидладилар.
3. Куйидаги қарорлар қабул қилинди:
 - Сиёсий маслаҳатлашувлар жараёни ва ЕХХҚ миссиялари:
 - Қабул қилинган қарорлар учун масъул бўлган ЕХХҚ органлари инсонийлик мезонлари доирасида музокараларни ва сиёсий соҳадаги муайян фаолиятни кучайтириш мақсадида инсонийлик мезонлари масалаларини мунтазам асосда кўриб чиқади, бу эса Европа хавфсизлиги муаммоларини муҳокама қилишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. ДИИҲБ бундай муҳокамалар манфаати учун ресурс ва ахборотни тақдим этиб туради.
 - ЕХХҚ миссиялари мандатларида, шунингдек, миссияларнинг ҳисоботлари асосидаги фаолиятида инсонийлик мезонлари масаласига катта аҳамият берилади. Худди шу мақсадда ЕХХҚ миссияларига тайёргарлик кўришда, хусусан, ДИИҲБ томонидан тўпланган билим ва тажриба асосида миссияларга ахборот ҳамда таклифлар беришда ДИИҲБ роли янада оширилади.
 - ЮЛШҚ ва ЕХХҚ Доимий қўмитаси можароларни бартараф этиш ва тангликини бошқариш юзасидан рўй берган ҳодисага боғлиқ равишда оммавий кўчиш масаласини, яъни тегишли ҳалқаро органларнинг ролини ҳисобга олган ҳолда кўчган шахслар ва қочқинлар масаласини кўради.
4. Демократик институтлар ва инсон ҳукуқлари бўйича бюро
Вазирлар ДИИҲБ фаолиятини кучайтириш ва унинг ролини ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Хусусан, ДИИҲБ ўз мандатига мувофиқ куйидаги соҳаларда фаолиятини кучайтиради:
 - инсонийлик мезонлари билан боғлиқ соҳаларда эксперталар тўғрисидаги маълумотларнинг кенгайтирилган банкини ташкил этиш. Иштирок этувчи давлатлар ва ноҳукумат ташкилотларга инсонийлик мезонлари билан боғ-

лиқ эксперлар мавжудлиги түғрисида ДИИХБ учун ахборот бериш илтимосномаси;

- сайлов жараёни устидан кенг қамровли кузатиш олиб боришда ДИИХБ ролини мустаҳкамлаш;
- фаолиятни мувофиқлаштириш ва биргаликда ҳаракат қилиш учун имкони бўлган соҳаларни аниқлаш мақсадида тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш;
- инсонийлик мезонлари соҳасида тегишли тажрибага эга бўлган НҲТ дан ахборот олиш;
- ЕХҲК доирасидаги мажбуриятларга мувофиқ иштирок этувчи давлатлар томонидан тақдим этиладиган ахборотни олиш учун алоқа пункти ролини бажариш;
- инсонийлик мезонлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқ соҳасида умумий ахборотни тарқатиш.

Вазирлар ДИИХБ ўзининг янги вазифаларини бажариши учун унга қўшимча ресурслар ажратишга қарор қилдилар. Улар ЮЛШҚ га мурожаат этдилар ва ДИИХБни эслатиб ўтилганидек мустаҳкамлашнинг молиявий ва маъмурий оқибатлари түғрисидаги масалани кўриб чиқиши илтимос қилдилар.

5. Москва механизмини такомиллаштириш

Инсонийлик мезонлари соҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун Москва механизмининг ҳукуматлараро восита сифатидаги роли ни тан олиб, вазирлар унинг самарадорлигини оширишга ва механизмда кўзда тутилган номзодлар рўйхатини кенгайтириш ҳамда муддатини қисқартириш йўли билан ундан фойдаланишга келишиб олдилар. Бундан ташқари, ЕХҲК Доимий қўмитаси бу механизмни амалга оширишга, шунингдек, маърузачилар тайёрлаган маърузалар асосида янги қадам қўйишга ваколатли бўлади. Шу мақсадда А — Иловага мувофиқ механизм учун зарур ўзгартишларни назарда тутишга қарор қилинди.

6. Инсонийлик мезонлари масалаларининг бажарилишига бағишланган Кенгаш ва инсонийлик мезонлари бўйича семинар якунлари бўйича фаолият

- Вазирлар инсонийлик мезонлари масалалари бажарилишини кўриб чиқиши бўйича биринчи Кенгаш, шунингдек, инсонийлик мезонлари соҳасида ўтказилган семинарлар якунлари муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Инсонийлик мезонлари масалалари бажарилишини кўриб чиқиши бўйича Кенгаш натижалари юқори баҳо олди, ЮЛШҚга, шунингдек, ЕХҲК Доимий қўмитасига тегишли келгуси қадамлар түғрисидаги масалани кўриб чиқиши топширилди.
- ЕХҲК сиёсий органлари томонидан инсонийлик мезонлари соҳасидаги кенгаш ва семинар қоидалари қисқача баёни хулосаларининг ижроси юзасидан кўрсатилаётган фаолиятни кучайтириш мақсад қилиб қўйилди. ДИИХБга ЮЛШҚ ёки Доимий қўмитанинг келгуси учрашувларида кўриб чиқиши учун инсонийлик мезонлари бўйича семинар якунларидан келиб чиқадиган келгуси қадамлар доирасида тегишли ҳаракатлар түғрисидаги янги таклифларини манфаатдор иштирок этувчи давлатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказишида тақдим қилиш таклиф этилади.

- Вазирлар ижод жиҳатидан мустақил радио ва телевидение ҳамда эркин матбуот воситаларини құллаб-құвватлаш мақсадида эркин оммавий ахборот воситалари бүйича семинарда бажарылған ишларга юқори баҳо бердилар. Улар асосий инсон ҳуқуқтаридан бири ҳисобланадиган фикрни ifoda этиш эркинлигини ҳимоя қилиш нияти ҳақида яна бир карра баён қылдылар ҳамда жамиятнинг эркинлиги ва очиқлигини таъминлаш учун мустақил оммавий ахборот воситалари зарурлигини таъкидладилар. Шу мақсадда вазирлар очиқ ва турли хил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга, шу жумладан ЕХҲК миссияларининг тегишли имкониятларини ўрганишга күмаклашиш учун ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги меканизмларидан яхшироқ фойдаланиш зарурлиги түғрисида қарор қабул қылдылар.
- Будапешт Конференциясынан қадар таҳлил бүйича инсонийлик мезонлари соҳасида күчманчи ишчилар, маҳаллий даражадаги демократия масалалари ҳамда агар вақт ва ДИИХБ ресурслари имкон берса, ЕХҲК миңтақасидаги рома элати муаммолари бүйича семинарлар ўтказилади. Инсонийлик мезонлари масалалари бажарилишини күриб чиқиш бүйича кенгашда күтарилилган бошқа мавзуларни ҳам уларни 1995 йилги ва ундан кейинги даврдағи семинарлар дастурига киритиш ёки киритмаслик жиҳатидан күриб чиқиш лозим.

X. Тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм түғрисидаги декларация

1. Вазирлар Кенгашнинг Стокгольм учрашувида қабул қилингандың үз қарорлари түғрисида эслатган ҳолда айни вақтда ҳудудий экспансионизм, шунингдек, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм кўринишларида тажовузкор миллатчилик ортиб бораётганлигидан қаттиқ ташвишланаётганини таъкидладилар. Бу ҳолатлар ЕХҲК доирасида қабул қилингандың принципи ва мажбуриятларга зиддир.
2. Вазирлар бундай ҳодисалар зўравонлик қилишга, этник заминда куч ишлестиш йўли билан ажralиб чиқиш ва низоларга интилишга, энг нохуш ҳолларда эса айбсиз фуқароларга нисбатан оммавий қувғин, этник тозалаш ва зўравонлик қилишнинг ваҳший ҳолатларига олиб келиши мумкинлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.
3. Тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм давлатларда ва улар ўртасидаги муносабатларда этник, сиёсий ва ижтимоий танглик вазиятини вужудга келтиради. Улар халқаро барқарорликка ва инсоннинг умумий ҳуқуқтарини янада мустаҳкамлаш мақсадида бутун дунёда қатъият билан амалга оширилаётган ҳаракатларга ҳам путур етказади.
4. Вазирлар халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилишни, шу жумладан ҳарбий жиноятларда ва инсониятта қарши қаратилған бошқа жиноятларда айборларни таъқиб қилиш ва жазолашни мустаҳкамлаш мақсадида тезкор ҳаракатлар зарурлигига эътиборни қаратдилар.
5. Вазирлар бу ҳаракатларда ЕХҲК мухим роль ўйнаши зарурлигига рози бўлдилар. ЕХҲК мажбуриятларида акс эттирилған ёрқин ахлоқ андозалари халқаро ҳуқуққа, шунингдек, озчиликни ташкил қилған миллатларни ҳимоя

қилишга мувофиқ ҳар бир инсоннинг тенг ҳуқуқлиигини таъминлашни фаол қўллаб-қувватлашдан иборат.

6. Вазирлар ЕХҲК фаолияти доирасида бу масалага биринчи навбатда эътибор беришга қарор қилдилар ва шу муносабат билан:
- Доимий қўмитага эҳтимолдаги бўлган келгуси қадамлар тўғрисидаги масалани ўрганишни топшириш;
 - Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссарга унинг мандати муносабати билан тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шо-винизм, ксенофобия ва антисемитизмнинг барча жиҳатларига алоҳида эътибор беришни таклиф этиш;
 - ДИИҲБга шу каби ҳолларга алоҳида эътибор беришни ва заруратга қараб бу муаммоларни ҳал қилиш учун ресурслардан фойдаланишни тавсия қилиш қарорига келдилар.

A — Илова

1991йилги ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари бўйича Конференцияси Москва Кенгаши ҳужжатининг 3, 7, 11, 13 ва 14-бандларида баён этилган тартиботларга тузатишлар киритилади; бу қоидалар қўйидаги таърифларда баён қилинган:

- (3) ЕХҲК институтида кечиктирмасдан номзодлар рўйхати тузилиб, унга ҳар бир иштирок этувчи давлатдан учтагача эксперт киритилади. Экспертлар сифатида таниқли мутахассислар, шу жумладан имконият бўлса, озчиликни ташкил қилган миллатлар билан боғлиқ масалаларда тажрибага эга, ўз вазифаларини сидқидилдан бажара оладиган, инсонийлик мезонлари соҳасида тажриба орттирган мутахассислар иш кўриши керак.

Экспертлар уч йилдан олти йилгacha бўлган муддатга тайинлаётган давлат ихтиёри билан тайинланади, бунда бирор-бир эксперт узлуксиз икки муддат давомида ўз вазифаларини бажариши мумкин эмас. ЕХҲК институти эксперт тайинлаш тўғрисида билдириш юборганидан кейин турт ҳафта ичida ҳар қандай иштирок этувчи давлат бошқа иштирок этувчи давлат томонидан тайинланадиган кўпи билан икки эксперт ҳақида шартлар қўйиши мумкин. Бу ҳолда тайинлаётган давлат шартлар тўғрисида хабар қилинган вақтдан бошлаб турт ҳафта давомида ўз қарорини кўриб чиқиши ва бошқа эксперт ёки экспертларни тайинлаши мумкин; агар у дастлаб белгиланган тайинловни тасдиқласа, у ҳолда тегишли эксперт шарт қўйган давлатнинг қандайдир тартиботларида бундай давлатнинг бевосита розилигисиз иштирок эта олмайди.

Номзодлар рўйхатидан фойдаланиш 45 нафар эксперт тайинланганидан кейин бошланади.

- (7) Экспертлар миссияси иложи борича тезроқ, мумкин бўлса таклиф этган давлатга миссия ўюштирилганидан кейин уч ҳафта давомида ўз мулоҳазаларини тақдим этади. Таклиф этувчи давлат миссиянинг мулоҳазаларини мазкур масала бўйича кўрилган ёки кўрилиши мўлжалланаётган ҳар қандай тадбирларни баён этиш билан бирга ЕХҲК инс— титути орқали мулоҳазалар тақдим этилганидан кейин икки ҳафтадан кечиктирмасдан бошқа иштирок этувчи давлатларга юборади.

Таклиф этувчи давлатнинг бу фикри ва ҳар қандай мuloҳазалари Юқори лавозимли шахслар қўмитаси томонидан муҳокама қилиниши мумкин бўлиб, бу қўмита келгусида эҳтимоли бўлган ҳар қандай тадбирлар ҳақидаги масалани кўриши мумкин. Барча мuloҳазалар ва фикрларнинг маҳфийлик тузи юқори лавозимли шахсларни маълум қилгунга қадар сақланади. Мuloҳаза ва фикрлар тарқатилгунига қадар бу масала бўйича эксперталар миссияси тайинланиши мумкин эмас.

- (11) EXXK маърузачиси (маърузачилари) фактларни аниқлаб, улар юзасидан маъруза матнини тузади ҳамда мазкур масаланинг эҳтимоли бўлган ечимларига тавсиялар бериши мумкин. Маърузачи (маърузачилар)нинг фактлар, таклиф ва тавсиялар баёнидан иборат маърузаси тегишли иштирок этувчи давлатга ёки тегишли иштирок этувчи давлатларга тақдим қилинади ҳамда, башарти барча тегишли давлатлар бу ҳақда бошқа фикрга келмаса, охирги маърузачи тайинланганидан кейин икки ҳафтадан кечиктиրмасдан EXXK институтига тақдим этилади. Сўраётган давлат маъруза бўйича ҳар қандай фикр-мулоҳазаларини EXXK институтига, башарти барча тегишли давлатлар бошқа фикрга келмасалар, маъруза тақдим қилинган кундан кейин икки ҳафтадан кечиктирилмасдан тақдим этади.
- EXXK институти маърузани, шунингдек, сўраётган ёки бошқа ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг фикр-мулоҳазаларини барча иштирок этувчи давлатларга кечиктирилмасдан юборади. Маъруза тўғрисидаги масала Юқори лавозимли шахслар қўмитаси ёки EXXK Доимий қўмитасининг кейинги навбатдаги кенгаши кун тартибига киритилади, улар эса келгусида эҳтимоли бўлган ҳаракатлар тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Маърузанинг маҳфийлик тузи Қўмитанинг ушбу мажлиси тугагунга қадар сақланади. Ушбу масала юзасидан маъруза тарқатилгунга қадар бошқа маърузачилар тайинланиши мумкин эмас.
- (13) Ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг илтимосига мувофиқ, Юқори лавозимли шахслар қўмитаси ёки EXXK Доимий қўмитаси EXXK эксперталар ё маърузачилар миссиясини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиши мумкин. Бу ҳолда Қўмита олдинги бандларнинг тегишли қоидалари жорий қилиниши-қилинмаслигини ҳам аниқлайди.
- (14) Эксперталар ёки маърузачилар миссиясини ташкил этиш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилган иштирок этувчи давлат ёки иштирок этувчи давлатлар мазкур миссия харажатларини тўлайди. Агар эксперталар ёки маърузачилар Юқори лавозимли шахслар қўмитаси ёки EXXK Доимий қўмитаси қарорини ижро этиш асосида тайинланган бўлса, харажатлар иштирок этувчи давлатлар томонидан харажатларни тақсимлаш оддий шкаласига мувофиқ тўланади. Бу тартиботларнинг таҳлили EXXKнинг келгуси қадамлари доирасида Хельсинки учрашувида амалга оширилади.

**1994 ЙИЛГИ БУДАПЕШТ ҲУЖЖАТИ
ЯНГИ ДАВРДА ҲАҚИҚИЙ ҲАМКОРЛИК САРИ
ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ БУДАПЕШТ УЧРАШУВИ
ДЕКЛАРАЦИЯСИ**

Будапешт, 1994 йил 6 декабрь

7. ...Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХХК)нинг демократик қадриятлари барча давлатларнинг суверен тенглиги ва мустақиллиги тўлиқ даражада ҳурмат қилинадиган, ҳеч қандай таъсир этиш соҳалари бўлмайдиган, инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишга оид кучли чора-тадбирлар барча одамларга нисбатан уларнинг ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, ижтиёмий келиб чиқиши ёки бирорта озчиликни ташкил этувчи миллатга мансублигидан қатъи назар қўлланиладиган, хоҳ эски, хоҳ янги ажратувчи чегаралардан холи бўлган миллатлар ҳамжамиятини қуриш мақсадини амалга оширишимиз учун асос бўлувчи аҳамиятга эгадир.
- ...
14. Биз ЕХХК фаолиятининг барча турларида инсонийлик мезонларининг муҳим ролини тасдиқлаймиз. Инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини, демократияни ва қонун устуворлигини ҳурмат қилиш ЕХХК минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорликнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У ЕХХК фаолиятида асосий мақсадлардан бири бўлиб қолиши керак. ЕХХКда аввал бошданоқ ҳал қилувчи ролни ўйнайдиган инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларимиз бажарилишининг даврий таҳлили алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Имкониятлари кенгайтириладиган Демократик институтлар ва инсон ҳукуқлари бўйича бюро иштирок этувчи давлатларга, айниқса ўтиш даврида бўлган давлатларга ёрдам кўрсатишни давом эттиради. Биз ўтмишдаги ора бузилишлар оқибатидан қутулишда одамлар ўртасидаги муносабатларнинг муҳимлигини таъкидлаймиз.

БУДАПЕШТ ҚАРОРЛАРИ

**I. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг
мустаҳкамланиши**

1. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликнинг бошланган янги даври ўзи билан бирга ЕХХКдаги туб ўзгаришларни ҳамда бизнинг хавфсизлигимиз умумий маконини шакллантиришда ўзининг роли кескин ортишига олиб келди. Бу далил ЕХХКга берилган янги номда ҳам ўз ифодасини топади, бундан буён у Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) деб юритилади. Бу янги ном 1995 йил 1 январдан бошлаб қўлланилади. Шу санадан бошлаб ЕХХК тўғрисидаги мулоҳазаларга ЕХХТ тўғрисида билдирилган мулоҳазалар сифатида қаралади.
- ...
3. Давлат ва хукумат раҳбарлари бундан буён ЕХХКнинг роли ва вазифалари қуидагилардан иборат бўлади, деб қарор қилдилар:
- ...
11. Инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликлари, шунингдек, инсонийлик мезонларининг бошқа соҳаларида ЕХХК фаолиятини бундан буён ҳам ривожлантириш;

- ...
14. ЕХХКнинг шу мақсадларга эришиш бўйича фаолияти қўйидаги тартибда ташкил этилади;
15. Давлат ва ҳукумат бошлиқларининг кейинги учрашуви 1996 йилда Лиссабонда бўлиб ўтади; ундан олдин тайёргарлик кенгаши ўтказилади. Учрашувда келгуси олий даражадаги учрашувлар қай вақтда ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинади.
16. Вазирлар Кенгаши (илгариғи ЕХХК Кенгаши) ЕХХКнинг марказий раҳбарлик органи сифатида қарорлар қабул қилиниши учун масъул бўлиб, одатда, ҳар қайси Раис ваколати тугашидан бир муддат олдин ташқи ишлар вазирлари даражасида ўз учрашувларига йиғилади.
17. Раҳбарлик кенгаши (Юқори лавозимли шахслар қўмитаси ўрнига) ҳар йили камида икки марта Прагада ўз учрашувларига йиғилади. Унинг кўшимча учрашуви Вазирлар Кенгаши учрашувидан олдин ўтказилади. Раҳбарлик кенгаши сиёсат ва бюджетни умумий режалаштириш соҳасидаги раҳбарий принципларни муҳокама қиласида ва шакллантиради. Иштирок этувчи давлатлар бу Кенгашда сиёсий департамент директорлари даражасида ёки шунга teng даражада иш кўришлари мақбул бўлур эди.
18. Доимий кенгаш (илгариғи Доимий қўмита) мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш билан шуғулланади. У фавқулодда ҳолатлар вужудга келганида ҳам чақирилиши мумкин. Кенгаш таркибиға иштирок этувчи давлатларнинг доимий вакиллари киритилади, унинг мажлислари Венада ўтказилади.
19. Тезкорлик фаолиятига умумий раҳбарлик амалдаги Раис зиммасида қолади. У аввалгидай ўз ваколатидан, шу жумладан шахсий вакилларини юбориш орқали ҳам тўла фойдаланади. Амалдаги Раис Учлик ёрдамига таянади. Раиснинг ваколат муддати одатда бир календарь йилини ташкил этади.
20. Бош котиб ўз мандатидан тўлиқ фойдаланишни давом эттиради ва амалдаги Раисга ёрдам кўрсатиш тартибида ЕХХК фаолиятини бошқаришнинг барча тадбирларида фаол иштирок этади. У Учлик учрашувларида вазирлар даражасида қатнашади.
21. Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссарнинг келгуси фаолияти қўллаб-куватланади, унинг эҳтиёжлари учун ресурслар миқдори эса кўпайтирилади. Иштирок этувчи давлатлар унинг тавсияларини бажариш юзасидан ўз ҳаракатларини фаоллаштирадилар.
22. Доимий кенгаш ЕХХК миссияларини уларнинг ишлаши борасида сиёсий жиҳатдан доим қўллаб-куватлайди ва тегишли келгуси қадамлар тўғрисида қарорлар қабул қиласида. Иштирок этувчи давлатлар миссиялари ўз вазифаларини бажаришини таъминлаш учун одам ва молияга оид зарур ресурслар ажратади.
23. ЕХХКнинг Демократик институтлар ва инсон ҳукуқлари бўйича бюроси ЕХХК фаолиятида муҳим ўрин тутадиган орган сифатида мустаҳкамланади.
24. Амалдаги Раис Парламент ассамблеяси (ПА) билан яқиндан алоқани ва фаол мулоқотда бўлишни давом эттиради. У ПА тавсияларини Доимий кенгаш кўриши учун киритади ва ЕХХК фаолияти тўғрисида ПАга ахборот берабор боради.
25. ЕХХК бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши таҳлилига оид мавжуд тартиб сақланади. Олий даражадаги ҳар бир учрашув олдидан таҳлил бўйича чақириладиган кенгаш Венада ўтказилади.

VIII. ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ

Кириш

1. Иштирок этувчи давлатлар ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларини кўриб чиқишга бағишиланган ўз мунонзараларида ЕХХК доирасида белгиланган юксак даражадаги андозаларда ўз ифодасини тоғган қадриятлар бўйича эришилган умумийликдан келиб чиқдилар. Муҳокама давомида инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилишида Эришилган муваффақиятлар қайд этилди. Айни чоғда иштирок этувчи давлатлар баъзи соҳаларда аҳвол жиддий равишда ёмонлашганлигини ҳамда давом этаётган инсон ҳуқуқлари бузилишлари ва тажовузкор миллатчилик, шу жумладан ҳудудий экспансизонизм, шунингдек инсониятни азоб-укубатларга олиб келаётган ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизмга қарши муҳим чора-тадбирлар кўриш зарурлигини эътироф этдилар.
2. Хавфсизликнинг кенг қамровли концепцияси доирасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, қонун устуворлиги ва демократик институтлар можароларнинг олдини олиш учун имкон берган ҳолда, тинчлик ва хавфсизликка мос бўлиб хизмат қилмоқда. Инсон ҳуқуқларини, шу жумладан озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш демократик фуқаролик жамиятининг тамал тоши ҳисобланади. Бу ҳуқуқларга нисбатан бенисандлик жиддий тус олган тақдирда у экстремизм, минтақавий бекарорлик ва турли можароларнинг сабабларидан бирига айланади. Иштирок этувчи давлатлар шуни тасдиқлайдиларки, ЕХХК бўйича мажбуриятларга риоя этиш соҳасидаги муаммолар барча иштирок этувчи давлатлар учун қонуний ва умумий манфаат ҳисобланади ҳамда шунинг учун ЕХХКга хос бўлган ҳамкорлик руҳида ва юқори натижаларга эришишни мўлжаллаган ҳолда бу муаммоларни қўйиш ижобий амалиётдир. Улар учун мулоқот юритиш, шунингдек, мажбуриятлар бажарилиши ва механизмлар таҳлил қилиниши самарадорлигини ошириш йўли билан ЕХХКнинг мажбуриятлари бажарилишини рағбатлантиришга аҳд қилдилар. Улар, хусусан Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюрони (ДИИҲБ) мустаҳкамлаш, унинг Доимий кенгаш ва миссия фаолиятидаги иштироки дарожасини ошириш, шунингдек, инсонийлик мезонлари масалалари билан шуғулланувчи ҳалқаро ташкилотлар ва институтлар билан ҳамкорликни ривожлантириш йўли билан ЕХХКнинг тезкорлик асосини кенгайтирадилар.
3. Ноҳукумат ташкилотлар (НХТ)нинг иштироки мажбуриятларнинг бажарилиши таҳлилига фойдали ҳисса бўлди. Бу ташкилотларнинг вакиллари ўз чиқишларида ўз ғоялари билан ўртоқлашдилар ва ўзларини қизиқтирган масалаларни иштирок этувчи давлатларнинг кўриб чиқишига ҳавола қилдилар. Шунингдек, улар иштирок этувчи давлатларга ўзларининг, шу жумладан можароларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш соҳасидаги фаолияти тўғрисида ахборот бердилар. Будапешт конференциясининг таҳлил бўйича тажрибаси ЕХХК доирасида иштирок этувчи давлатларнинг ўзаро мулоқотига, қўшимча равишида ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг ўзаро мулоқотига кўмаклашиш борасидаги масалани келгусида кўриб чиқиш учун имкон беради.
4. Иштирок этувчи давлатлар инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлаб, ЕХХК бўйича мавжуд мажбуриятларини бажариш фавқулодда муҳим вазифа эканлигини ҳисобга олиб, айни вақтда ўз ҳамкорлиги доирасини кенгайтиришга келишиб олдилар ва шу мақсадда қўйидаги қоидаларни қабул қилдилар:

ЕХҲҚ МАЖБУРИЯТЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА МУЛОҚОТГА КЎМАКЛАШИШ

Мажбуриятларнинг бажарилиши самарадорлиги

5. 1992 йилги Хельсинки ҳужжатида мажбуриятларнинг бажарилишини таҳдил қилиш учун кўзда тутилган тузилмаларни ривожлантира бориб, шунингдек, инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини такомиллаштиришга ҳаракат қилиб, иштирок этувчи давлатлар инсонийлик мезонлари масалаларида кенгроқ мулоқот олиб боришга ва мажбуриятлар бажарилмай қолган тақдирда лозим бўлган чораларни кўриш учун Доимий кенгашдан фойдаланадилар. Шу мақсадда иштирок этувчи давлатлар инсонийлик мезонлари масалалари мунтазам равишда Доимий кенгашда кўриб чиқилади, деб қарор қилдилар. Улар ўз ҳудудларидаги инсонийлик мезонлари масалаларини ўрганиш ва бу масалаларнинг ҳал қилинишига кўмаклашиш учун Москва механизми томонидан тақдим қилинадиган имкониятлардан кенг фойдаланадилар.
6. Улар амалдаги Раисни инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар бажарилмаган жиҳдий ҳоллар тўғрисида келган хабарлардан, шу жумладан ДИИҲБ маълумотлари, озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар (МОК) – нинг маъruzalari ва тавсиялари ёки ЕХҲҚ миссиялари раҳбарларининг маъruzalari асосида, шунингдек, тегишли давлатдан келаётган ахборотдан Доимий кенгашни хабардор қилишга чақирадилар.
7. Иштирок этувчи давлатлар ўз мандатига тўла мувофиқ ҳолда озчиликни ташкил қилган миллатларга тааллуқли бир қанча муҳим масалаларга эътиборни қаратадилар. Олган ва бунда иштирок этувчи давлатлар ҳамда бевосита манфаатдор бўлган тарафларнинг муайян вазиятини ҳисобга олиб бу масалаларни муваффақиятли кўриб чиқсан ОМОК фаолиятига юқори баҳо берганлигини яна бир карра тасдиқлайдилар. Иштирок этувчи давлатлар ОМОКни ўзининг ҳозирги фаолиятини давом эттиришга даъват этиб, амалга оширилган ишларни, шу жумладан унинг тавсияларига кўра амалга оширилган ишларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича фаолият олиб боришини кўллаб-қувватлаш фикрини билдиридилар. Улар бу тавсияларни бажариш борасидаги ўз ҳаракатларини фаоллаштирадилар.

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг роли

8. Инсонийлик мезонлари соҳасида асосий институт ҳисобланган ДИИҲБ амалдаги Раис билан келишувга кўра Раҳбарлик кенгашида ва Доимий кенгашда муайян вақт оралифида ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериди ва ишнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб, олиб бориладиган муҳокамаларда маслаҳатчи сифатида қатнашади. У иш бажарилишининг ҳар йилги таҳдили учун ёрдам берадиган материаллар тақдим этади ва зарур бўлганда олинган ахборот юзасидан тушунтиришлар беради ёки уларни тўлдиради. ДИИҲБ директори амалдаги Раис билан яқиндан маслаҳатлашувлар асосида кейинги чора-тадбирлар юзасидан тақлифлар киритиши мумкин.
9. Иштирок этувчи давлатлар ахборот, шу жумладан маъruzalар алмашиш, шунингдек, мазкур ҳужжатда айтилганидек, келажакка мўлжалланган тадбирларни тайёрлаш мақсадида ДИИҲБ орқали инсонийлик мезонлари масалалари билдиридилар.

лан шуғулланувчи халқ— аро ташкилотлар ва институтлар, шу жумладан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини эътироф этадилар.

10. Иштирок этувчи давлатлар қарор қиласидилар:
Кочқинлар, кўчирилган шахслар, бошқа хил мажбурий кўчирилганлар турлари, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларидан ва бошқа кўшни давлатлардан доимий яшаб келган жойларига қайтганларга доир масалаларни кўриш учун ҚОҚБ томонидан минтақавий конференцияни тайёрлаш бўйича ўтказиладиган ишга ҳисса қўшиш мақсадида, кўчиш масалалари бўйича эксперт учун норасмий молиявий комиссия доирасида маслаҳатлашувлар ўтказгандан сўнг, ихтиёрий йифилган бадаллар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган вақтинчалик лавозим таъсис этиш орқали ЕХҲКнинг бошқа халқаро ташкилотлар ва институтлар, хусусан ҚОҚБ ва КХТ билан ҳамкорлиги мустаҳкамлансин;
— ДИИҲБ зиммасига минтақада оммавий ахборот воситалари муаммоларига доир ахборот алмашиб учун марказ вазифалари юклатилсин; шунингдек, улар ҳукуматлар, журналистлар ва НҲТ оммавий ахборот воситаларининг аҳволи тўғрисида ДИИҲБга маълумотлар бериб туради деб умид билдирадилар.
11. ЕХҲК миссияларининг мандатлари ДИИҲБ билан маслаҳатлашувлардан ке-йин тасдиқланади. Бунда ДИИҲБ ҳам Доимий кенгаш миссия маърузалари асосида белгиланган келгуси қадамларнинг қўйилишига ўз ҳиссасини қўшади. ЕХҲК миссиялари учун ходимлар танланганда инсонийлик мезонлари масалалари бўйича экспертлар тўғрисида ДИИҲБда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш лозим. Бундан ташқари, ушбу миссиялар инсонийлик мезонлари масалаларида ДИИҲБ ва НҲТ билан алоқа боғлашни ўз аъзоларидан бирига топширадилар.
12. ДИИҲБ сайлов жараёнини кузатишда сайлов бошлангунгача, унинг борасида ва у тугаганидан кейин ҳам катта роль ўйнайди. Шу маънода ДИИҲБ оммавий ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар мавжудлигини баҳолаши лозим.
Иштирок этувчи давлатлар сайлов жараёнини кузатадиган турли ташкилотларга ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришни яхшилашни таклиф этадилар ва бу соҳада мувофиқлаштириш учун асос яратиш мақсадида барча тегишли ташкилотлар билан маслаҳатлашувлар ўтказишини ДИИҲБга топширадилар.
Бундан ташқари, ДИИҲБ сайлов жараёнини кузатиш тайёргарлиги ва тартиботини такомиллаштириш мақсадида кузатувчилар учун қўлланма тайёрлайди ва бўлажак сайловларнинг доимо янгиланиб турадиган календарини юритади.
13. Мазкур ҳужжатнинг инсонийлик мезонларига бағишланган бобида акс эттирилган қоидалар ДИИҲБ мандатини ҳам, ОМОҚ мандатини ҳам ҳеч қандай ўзгартирмайди.

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг семинарлари

14. Инсонийлик мезонлари бўйича ўтказиладиган кенг қўламдаги семинарлар сони ўрта ҳисобда йилига икки марта гача қисқартирилади. Бу семинарлар диққат марказида энг катта қизиқиш уйғотадиган мавзулар бўлади.
Минтақавий семинарларга жуда катта эътибор берилади. Мақсадга мувофиқ бўлганда улар Мувофиқлаштирилган ёрдам дастурининг таркибий қисми сифатида ўтказилади. Бу семинарларда улар ўтказилаётган минтақадаги барча давлатларнинг иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қилиш лозим. Инсонийлик мезонлари бўйича семинарларнинг таъсирчанлигини ошириш йўллари тўғрисида ўтказилади.

- сидаги маързани Доимий кенгашга тақдим қилиш илтимоси ДИИҲБга қартилади. Бу семинарларда келишилган ҳужжатлар тайёрланмайди, аммо бундан кейинги қадамларни такомиллаштиришга жуда катта аҳамият бериш лозим бўлади.
15. Таҳдил бўйича Конференция борасида ҳам кенг миқёсдаги, ҳам минтақавий семинарлар учун кўплаб мавзулар таклиф этилди. Ижроия котибияти уларнинг рўйхатини тузади, бу рўйхат Доимий кенгашга топширилади. 1992 йилги Хельсинки ҳужжатининг тегишли қоидаларига биноан Доимий кенгаш ДИИҲБ ва ОМОК тавсияларини ҳисобга олиб, ҳар йилги иш дастурини семинарларнинг мавзуи, муддати ва ўтказиладиган жойини кўрсатган ҳолда тузади.
 16. Иштирок этувчи давлатлар Руминиянинг ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ДИИҲБ ва Европа Кенгаши ҳомийлигига Бухарестда 1995 йил Халқаро бағрикенглик йили деб эълон қилинганлиги боисидан бағрикенглик муаммоларига багишланган халқаро семинар ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайдилар.

Ноҳукумат ташкилотларнинг роли

17. ЕХҲКнинг иштирок этувчи давлатлари ва институтлари 1992 йилги Хельсинки ҳужжатининг IV бобида айтилганидек, ЕХҲКнинг фаолиятида НҲТнинг янада кенгроқ иштирок этиши учун имкониятлар яратади. Улар НҲТ томонидан амалга оширилаётган ишлар ва тақдим этиладиган ахборотдан ЕХҲК манфаатлари учун самарали фойдаланиш йўлларини излайдилар. Бош котибга НҲТнинг иштирокини янада кенгайтириш мумкин бўлган усуслар тўғрисидаги масалани ўрганиш таклиф этилади.

МАЖБУРИЯТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК

Қонун устуворлиги

18. Иштирок этувчи давлатлар давлат ҳокимияти органларининг барча ҳаракатлари қонун устуворлиги принципига мувофиқ келиши кераклигини таъкидлайдилар, бу эса шахс ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигининг кафолати бўлиб хизмат қиласи.

Улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи шахсларни ҳимоялаш зарурлигини ҳам таъкидлайдилар ҳамда БМТ доирасида шахслар, гурӯҳлар ва жамоат органларининг умум— эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини мусткаҳкамлаш ҳамда ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва мажбурияти тўғрисидаги декларациянинг такомиллаштирилишини ва қабул қилинишини қизиқиш билан кутмокдалар.

Ўлим жазоси

19. Иштирок этувчи давлатлар ўлим жазоси тўғрисидаги масалага тааллуқли Конвенгаген ва Москва ҳужжатлари бўйича ўз мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлайдилар.

Қийноқларга барҳам бериш

20. Иштирок этувчи давлатлар қийноқларнинг барча шаклларини инсон ҳуқуқлари ва инсон қадр-қимматини қўпол равища бузишлардан бири сифатида қатъий қоралайдилар. Улар бундай қийноқларга бутунлай барҳам бериш мақсадида иш олиб бориш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Улар бу борада инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда, хусусан, БМТнинг Қийноқлар

ҳамда муомала қилиш ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциясида, шунингдек Қийноқ ҳамда шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала қилиш ва жазолашга барҳам берриш тўғрисидаги Европа конвенциясида мустаҳкамланган халқаро нормалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этадилар. Улар қийноқларга барҳам беришга қаратилган миллӣ қонунчилик муҳимлигини ҳам тан оладилар. Улар қийноқларга солиш ҳоллари тўғрисидаги шикоятларни текшириш ва айборларни суд тартибида таъқиб қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Бундан ташқари, улар қийноқларга барҳам бериш мақсадидаги муайян қоидаларни ҳукуқтартибот ва полицияни кўллаб-қувватловчи кучларнинг шахсий таркибини ўқитиш ва тайёрлаш бўйича ўз дастурларига киритиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Улар мазкур муаммо бўйича ахборот алмашиш муҳим зарурий шарт, деб ҳисоблайдилар. Иштирок этувчи давлатлар бундай ахборотни олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бу борада ЕХҲК БМТнинг Инсон ҳукуқлари бўйича комиссияси тайинлаган Қийноқлар ҳамда муомала қилиш ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи турлари масалалари бўйича Махсус маърузачиси тажрибасига таяниши, шунингдек, ноҳукумат ташкилотлар тақдим этадиган ахборотдан фойдаланиши зарур.

Озчиликни ташкил қилган миллатлар

21. Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилишга оид ЕХҲК Якунловчи ҳужжати қоидалари ва бош— қа барча ҳужжатларининг бажарилишига изчил ёрдам беришда ўз қатъиятини тасдиқлайдилар. Бу соҳада улар ОМОК амалга ошираётган ишларга юқори баҳо берадилар.
22. Иштирок этувчи давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилишни яхшилашга доир халқаро ҳаракатни маъқуллайдилар. Улар Европа Кенгашида озчиликни ташкил қилган миллатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳадли конвенциянинг қабул қилинишини таъкидлайдилар. Улар мазкур Конвенциянинг Европа Кенгашига аъзо бўлмаган давлатлар учун ҳам таклифга кўра имзолашга очиқ эканлигини таъкидлайдилар; улар унга қўшилиш имкониятларини ўрганиш масаласини қўриб чиқишилари мумкин.

Рома ва синти

23. Иштирок этувчи давлатлар ДИИҲБ рома ва синти (лўлилар) златига тааллуқли масалалар бўйича алоқалар учун қароргоҳ ташкил этишга қарор қилдилар. ДИИҲБга куйидагилар топширилади:
 - рома ва синти (лўлилар) билан боғлиқ масалаларда, шу жумладан рома ва синти (лўлилар)га тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот алмашиш учун марказ сифатида ҳаракат қилиш;
 - иштирок этувчи давлатлар, халқаро ташкилотлар ва институтлар, шунингдек, НХТ ўртасида рома ва синти (лўлилар) элати муаммолари бўйича алоқаларни енгиллаштириш;
 - бу масалаларда ЕХҲК институтлари ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда институтлар ўртасидаги муносабатларни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш. Бу вазифаларни бажариш учун ДИИҲБ мавжуд ресурслардан тўла равишда фойдаланади. Бу борада улар рома ва синти (лўлилар) вакиллари бўлган баъзи ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллар ўтказиш ниятларини маъқуллайдилар.

24. Иштирок этувчи давлатлар бошқа халқаро ташкилотлар ва институтлар, хусусан Европа Кенгаши томонидан рома ва синти (лўлилар) масалалари бўйича ўтказиляётган чора-тадбирларни маъқулайтилар.

Бағрикенглик ва камситмаслик

25. Иштирок этувчи давлатлар муросасизлик кўринишларини, айниқса, тажовузкор миллатчилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизмни қоралайдилар ҳамда уларни батамом йуқотишга қаратилган таъсирчан чоралар кўришга бундан буён ҳам кўмаклашадилар. Улар ДИИҲБга бундан кейин ҳам шу ҳодисаларга алоҳида аҳамият бериб, иштирок этувчи давлатларда уларнинг турли кўринишлари тўғрисида ахборот тўплашни таклиф этадилар. Улар бу борадаги қонун ҳужжатларини мустаҳкамлашга ёки тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилишга интиладилар, шунингдек бундай ҳодисалар кўринишларига барҳам бериш мақсадида мавжуд қонунчиликни самарали қўллашни таъминлаш учун тегишли чоралар кўрадилар. Улар бундай ҳодисаларга қарши курашга интеграцияга мўлжалланган сиёсат ва маърифатнинг таркибий қисми сифатида қараш лозимлигини таъкидлайдилар. Улар гўёки этник софликка эришиш мақсадида содир этилган барча жиноятларни қоралайдилар ва собиқ Юgosлавия учун Гаагадаги Ҳарбий жиноятлар бўйича халқаро трибунални самарали қўллаб-куватлашни давом эттирадилар.
26. Улар ирқчилик, ксенофобия, антисемитизм ва муросасизликка нисбатан Европа Кенгашининг қабул қилинган ҳаракатлар дастурини ижобий баҳолайдилар. ЕХҲК инс—титутлари Кенгашнинг Рим учрашуви Декларацияси мазмунидан келиб чиққан ҳолда келгуси қадамлар борасида Европа Кенгаси, шунингдек, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда ишлаш имкониятларини ўрганадилар.
27. Виждон ва дин эркинлигини таъминлаш ҳамда турли диний жамиятлар, шунингдек, диндорлар билан даҳрийлар ўртасида ўзаро муроса ва хурмат мұхитини вужудга келтириш юзасидан мажбуриятларини яна бир бор тасдиқлаб, улар тажовузкор миллатчилик мақсадларида диндан фойдаланишлардан ташвишда эканиклиарни билдирадилар.

Кўчманчи ишчилар

28. Иштирок этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари барча учун умумий ва бўлинмаслигини яна бир бор тасдиқлайдилар. Улар кўчманчи ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш ўз инсонийлик мезонларига эга эканлигини тан олдилар. Улар кўчманчи ишчиларнинг этник, маданий, диний ва тилга доир ўзига хослигини эркин ифода қилиш ҳуқуқини эътироф этадилар. Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши қонун билан белгиланган ва халқаро нормаларга мувофиқ келадиган чекловлар остига олиниши мумкин.
29. Улар кўчманчи ишчилар ва уларнинг оиласаларига нисбатан ирқий хуружлар ва бошқа муросасизлик, зўравонлик кўринишларининг олдини олиш учун тегишли самарали чоралар кўришга қарор қилдилар.
30. Улар ирқи, тана ранги ва этник келиб чиқишига кўра барча камситувчи ҳаракатларни, шунингдек кўчманчи ишчиларга нисбатан муросасизлик ва ксенофобияни қоралаганликларини яна бир бор тасдиқлайдилар. Улар бундан буён ҳам ички қонун ҳужжатлари ва халқаро мажбуриятларга мувофиқ келадиган самарали чоралар кўрадилар.

31. Улар күчманчи ишчилар қонуний яшаб турған мамлакатларида уларнинг ижтимоий интеграциясига күмаклашишни давом эттирадилар. Улар интеграция жарабининг муваффақияти кўп жиҳатдан күчманчи ишчиларнинг ўзлари уни фаол амалга оширишларига боғлиқ эканлигини тан оладилар ва шунга мувофиқ уларни бу борада рафбатлантиришга қарор қилдилар.

Кўчиш

32. Иштирок этувчи давлатлар ЕХҲҚ мінтақасида оммавий кўчиш содир бўлаётганидан, шу жумладан асосан уруш, қуролли тўқнашувлар, ижтимоий адоват ва инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилиши оқибатида миллионлаб қочоқлар ва кўчирилган шахслар пайдо бўлаётганини ташвишланаётганикларини изҳор қиласидилар. Улар 1993 йилги Рим учрашуви Кенгашининг қарорини эътиборга олиб, бу соҳада тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга қарор қиласидилар.

Улар ҚОҚБ томонидан Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва бошқа манфаатдор кўшни давлатларда қочқинлар, кўчирилган шахслар ва мажбурий кўчиришининг бошқа шаклларига дучор бўлган ҳамда ўзининг доимий яшаш жойига қайтаётган шахсларга тегишли муаммоларни кўриб чиқиш учун мінтақавий конференцияни тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни таъкидлайдилар.

Халқаро гуманитар ҳуқуқ

33. Иштирок этувчи давлатлар кейинги йилларда ЕХҲҚ мінтақасида юз берган халқаро гуманитар ҳуқуқнинг қўпол бузилишлари муносабати билан жиддий ташвиш билдирадилар ва умумий гуманитар ҳуқуқни хурмат қилиш ҳамда унинг хурмат қилинишини таъминлаш мажбуриятини ва хусусан ўзлари иштирокчилари ҳисобланган тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан 1949 йилги Женева конвенциялари ва уларга оид қўшимча протоколлар бўйича мажбуриятларини яна бир карра тасдиқлайдилар.
34. Улар барча вазиятларда қўлланиладиган энг кам гуманитар нормалар тўғрисидағи декларациянинг асл аҳамиятини таъкидлаб, БМТ доирасида уни ишлаб чиқишида фаол иштирок этишга тайёр эканликларини баён қиласидилар. Улар халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидаларига таалуқли ўз ҳарбий хизматлари шахсий таркибининг лозим даражада хабардор қилинишини ва тайёрланишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар ҳамда бу борадаги ахборот танишиб чиқиш учун очиқ бўлиши керак деб ҳисоблайдилар.
35. Улар ЕХҲҚ ва Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚҲҚ) ўртасида, шу жумладан ЕХҲҚ миссиялари иштирокида ривожланаётган ҳамкорликни юқори баҳолайдилар, ХҚҲҚ нинг бундай ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини маъқуллайдилар ҳамда бундан буён ҳам ХҚҲҚни, хусусан, жойларда ишләётган ЕХҲҚ миссиялари ва ХҚҲҚ делегациялари ўртасида қарор топган муносабатларни мустаҳкамлаш йўли билан қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Фикр билдириш эркинлиги /эркин оммавий ахборот воситалари

36. Иштирок этувчи давлатлар ўз фикрини эркин билдириш инсоннинг асосий ҳуқуқи ва демократик жамиятнинг муҳим унсурларидан бири ҳисобланганини яна бир бор тасдиқлайдилар. Шу маънода оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ҳамда плюрализми эркин ва очиқ жамият ҳамда давлат бошқаруви органлари ҳисобдорлигини таъминлаш учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг раҳбарий принципи бу ҳуқуқни ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

37. Улар журналистларга қарши барча ҳужум ҳолларини ва уларга нисбатан мақсадли йўналтирилган ёвуз хулқ-атворда бўлишни қоралайдилар ҳамда бундай ҳужумлар ва хулқ-атворда бўлишга бевосита айбор шахсларни жавобгарликка тортишга интиладилар.
38. Улар, айниқса, ҳукумат томонидан оммавий ахборот воситалари ёрдамида эзлатлараро нафрат қўзғатадиган ва кескинликни кучайтирадиган хатти-ҳаракатлар яқинлашиб келаётган можародан дастлабки огоҳлантириш бўлиб хизмат қилишини таъкидлайдилар.

Ҳаракатланиш эркинлиги /одамлар ўртасидаги муносабатлар) маданий мерос

39. Иштирок этувчи давлатлар бундан кейин ҳам одамлар ўртасидаги муносабатларни, шунингдек, маданият ва таълим соҳасидаги алмашувларни рағбатлантирадилар ҳамда енгиллаштирадилар ва ЕХҲК ҳужжатларига мувофиқ ҳамкорлик қиладилар. Улар ЕХҲК иштирок этувчи давлатларининг маданий мероси бўйича Кравков симпозиуми ҳужжатида ва ЕХҲКнинг бошқа тегишли ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган маданият соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришни давом эттирадилар. Улар ўз мамлакатларида маданий меросни сақлаш мақсадида давлат миқёсида ва хусусий даражаларда амалга оширилаётган ҳаракатларни рағбатлантирадилар.
40. Улар ўз фаолиятида бошқа давлатлар фуқаролари билан муносабатда бўладиган маъмурий органлар томонидан ЕХҲК доирасида қабул қилинган сафарларга бориши борасидаги мажбуриятларнинг тўла бажарилишини рағбатлантирадилар ҳамда шахс билан камситадиган муомалада бўлишдан ва унинг қадр-қимматига нисбатан бошқа хил тажовуз қилишдан ўзларини тиядилар. Улар ЕХҲКда қабул қилинган тегишли қоидалар тўпламини тузиш зарурлигини ҳам кўриб чиқадилар.
41. Доимий кенгашнинг юқоридаги иккита бандда эзлатилган муаммолар бўйича норасмий учрашувлар ўтказиш имкониятларини ўрганиб чиқадилар.

МУВОФИҚЛАШТИРИЛГАН ЁРДАМ ДАСТУРИ

42. Иштирок этувчи давлатлар ДИИҲБнинг мувофиқлаштирувчи роли туфайли кейинги икки йил ичida Мувофиқлаштирилган ёрдам дастурини бажариш борасида эришилган муваффақиятларни ҳисобга олиб, мазкур дастурни амалга оширишини давом эттириш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилдилар. ДИИҲБ ва Бош котиб манфаатдор давлатларнинг ЕХҲК бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишини енгиллаштириш мақсадида бундан кейин ҳам ЕХҲКга алоқадор масалалар бўйича кенгаш ва семинарларни ташкил этаверадилар. Иштирок этувчи давлатлар ушбу давлатлар вакилларининг мавжуд билим, тажриба ва малака даражаларини ошириш мақсадида уларни ҳукумат томонидан молиялаштириладиган стажировка, ўқитиш ва тайёрлаш дастурларига киритишни давом эттирадилар.
43. Улар Мувофиқлаштирилган ёрдам дастурига биноан инсонийлик мезонлари масалаларида юқори малакали эксперт ёрдами кўрсатиш бўйича ДИИҲБ имкониятларини янада ривожлантириш зарурлиги тўғрисида келишиб олдилар. Манфаатдор, янги мустақил давлатларнинг демократиялаштиришнинг барча жиҳатлари бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларига жавоб бернишга ҳаракат қилиб, улар Мувофиқлаштирилган ёрдам дастури доирасида маҳсус топшириқлар бўйича экспертлардан фойдаланиш ДИИҲБ фаолияти учун фойдали қўшимча бўлади, деган қарорга келдилар.

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЛИССАБОН УЧРАШУВИ

1996 йилги Лиссабон ҳужжати

1. Биз, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти қатнашчилари ҳисобланмиш давлатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ЕХХТ минтақасидаги вазиятга баҳо бериш ва ҳамкорликка асосланган умумий хавфсизлигимиз нойдеворини қўйиш учун Лиссабон шаҳрида тўпландик. Янги юз йиллик бўсағасида умумий саъй-ҳаракатларимиз билан ЕХХТ минтақасида тинч келажакни барю этиш вазифаси биз учун ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳим бўлиб турибди. Зоро, худди мана шундай тинчлик туфайлигина бизнинг барча мамлакатларимиз ва бутун аҳолимиз ўзини хавфсиз ҳис эта олиши мумкин.
2. Бугун биз ЕХХТ минтақасида ҳамма ерда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида XXI асрда Европа учун Умумий ва кенг қамровли хавфсизлик модели тўғрисидаги Лиссабон декларациясини қабул қиласиз. Биз Европада Одатдаги қуролли кучлар (ЕОҚҚ) тўғрисидаги шартномани имзолаган ЕХХТ қатнашчиси бўлмиш давлатларнинг 1997 йил бошида Европада хавфсизлик соҳасида ўзгариб турувчи вазиятда бу ҳужжатни татбиқ этиш юзасидан музокараларга киришиш ҳақидаги тарихий қарорини қутлаймиз. Биз ЕХХТ жами минтақасида тинчликни мустаҳкамлаш ва бундан бўёнги равнақни таъминлаш мақсадида ўзимизда мавжуд бўлган бутун салоҳиятни ишга солиш ниятидамиз. Бизнинг ЕХХТ ҳамда бошқа тегишли институтларимиз доирасида Босния ва Герцеговинада мустаҳкам тинчлик ўрнатиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз бунга мисол бўла олади.
3. Биз Хельсинки Якунловчи ҳужжатида белгиланган ЕХХТ принципларини ва ЕХХТ доирасида қабул қилинган бошқа мажбуриятларни яна бир бор таъкидлаймиз. Биз ана шу барча принципларга риоя этилишини ва қабул қилинган барча мажбуриятларнинг бажарилишини такомиллаштириш ва уларни мунтазам равища кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Биз, чунончи, мамлакатларимизнинг хавфсизлиги ва сувернитетига дахлдор жиддий хатарлар ва хуружлар мавжудлиги ҳамон муҳим муаммо бўлиб турганлигини эътироф этамиз. Биз бу муаммони ҳал этиш билан шуғулланишни қатъий мақсад қилиб қўйганимиз.
4. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бизнинг Париж хартиясида ифодаланган демократия концепциямиз ва демократлаштириш жараёнининг энг муҳим унсури бўлиб қолмоқда. Биз 1989 йилдан бўён юз берган ўзгаришлар натижасида эришилган демократия ютуқларини мустаҳкамлашга ҳамда ЕХХТ минтақасида бу ўзгаришларнинг бундан бўёнги ривожини тинч йўлга солиб юборишга қатъий аҳд қилиганимиз. Биз демократик институтларни мустаҳкамлашда ҳамкорлик қиласиз.
5. ЕХХТ хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишида унинг барча мезонлари бўйича энг асосий ролни ўйнашга давъат этилгандир. Биз можароларнинг эртароқ олдини олиш, уларни бартараф этиш, тангликларни тартибга солиш ва низолардан кейи— нги тикланиш ишларининг асосий воситаларидан бири сифатида бу Ташкилотнинг самарадорлигини янада ошириш учун ўз саъй-ҳаракатларимизни давом эттиришга қарор қилдик. Биз амалдаги Раисдан ушбу йўналишда қилинган ишлар тўғрисида 1997 йилда бўладиган Вазирлар Конгмилия учрашувида ахборот беришини сўраймиз.

6. ХХІ асрда Европа учун Умумий ва кенг қамровли хавфсизлик модели тұғрисидағи Лиссабон декларацияси бизнинг ЕХХТ мінтақасыда янада мустақам хавфсизлик ва барқарорлыкка интилишизміздинг ҳар томонлама түлиқ ифодаси ҳисобланади; зотан бу ҳужжат шу ҳолида бу соҳада Европадаги ва Атлантика ортидаги институтлар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган бир-бирини қувватловчы саяй-харакаттарни тұлдіради.
7. Қурол-яроғлар устидан назорат қилиш умумий хавфсизлигимизнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Чунончы, ЕОҚҚ тұғрисидағи шартнома бизнинг хавфсизлигимиз ва барқарорлигимиз нұқтаи назаридан ҳал қилувчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади. Фаолияти мамлакатларимиз хавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик форуми (ХХФ) томонидан келажакдаги ишларимизнинг янги йўналишларини белгилаб берувчи иккита қарор қабул қилинди, булар: «Қурол-яроғлар устидан назорат қилиш учун концептуал негиз» ва «Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик форумининг кун тартиби ривожи» тұғрисидағи қарорлардир. Ванкувердан тортиб то Владивостоккача бўлган ҳудудни қамраб олувчи ҳамда барча томонлар ўргасидаги муносабатларнинг транспарентлигини ошириш мақсадини кўзловчы Очиқ осмон бўйича шартнома ҳамкорлик асосидаги хавфсизлигимизни таъминлаш намунаси бўлиб хизмат қиласи. 1994 йилги Будапешт учрашуви нинг қарорини эслатган ҳолда, биз яна бир бор бу Шартноманинг кучга кириши ва унинг бажарилиши муҳимлигини қатъий суратда таъкидлаймиз. Бундан ташқари, айниқса, можаролар юз берган ҳудудларга қуролларни ноқонуний равишда етказиб беришни тұхтатиш фақат мінтақавий эмас, балки глобал хавфсизлигимизни ҳам мустақамлашга қўшилган яна бир йирик ҳисса бўлур эди.
8. Биз Қозоғистон, Украина ва Беларуснинг ўз ҳудудларидан барча ядро каллакларини олиб чиқиш борасида зиммаларига олган мажбуриятларини бажарғанлигини қутлаймиз. Бу Европада ядро хавфини камайтириш ва ягона хавфсизлик мақонини яратиш йўлида қўйилган тарихий қадамдир.
9. ЕХХТ томонидан қабул қилинган хавфсизликка доир кенг қамровли ёндашув инсонийлик мезонлари соҳасидаги барча мажбуриятларнинг, чунончы, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига дахлдор мажбуриятларнинг ҳам янада са-маралироқ бажарилишини назарда тутади. Бу барча иштирок этувчи давлатларда умумий хавфсизлигимизнинг асосий таянчларидан бири ҳисобланган эркин ва демократик жамиятнинг умумий қадриятларини бундан бүсн ҳам қарор топтиришга кўмаклашади. Инсонийлик мезонларининг ўтқир муаммолари орасида ҳамон давом этаётган инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари, чунончы инсон ҳуқуқларининг мажбурий кўчиш шаклидаги бузилиши, шунингдек, демократик ислоҳотларнинг ниҳоясига етказилмаётганлиги, мустақил оммавий ахборот восита-лари шаънига бўлаётган иўписалар, сайловдаги қаллобликлар, агрессив миллат-чилик, ирқчилик, шовинизм, ксенофобия ва антисемитизм кўринишларининг намоён бўлиши ЕХХТ мінтақасидаги барқарорликка катта хавф бўлиб қолмоқда. Биз бу муаммоларни ҳал қилиш борасидаги саяй-харакатларимизни давом эттиришга қатъий аҳд қилғанмиз.
10. ЕХХТ мінтақасининг турли қисмларида кейинги пайтда қочқинлар бошига тушган фожиаларни ёдга олиб ва зўрлик билан кўчириш муаммосини эътиборга олиб, биз яна бир бор ҳар қандай «этник тозалашлар» сиёсатини ёки аҳолини ённасига қувғин қилишни қоралашимизни билдирамиз ва бундай сиёсат юрит-

масликни зиммамизга оламиз. Бизнинг давлатларимиз қочқинлар ҳамда мамлакат ичкарисида кўчиб юрган шахсларнинг хавфсиз ва муносиб тарзда қайтиши учун ҳалқаро нормаларга мувофиқ шарт-шароит яратиб беради. Бу одамларнинг дастлабки истиқомат жойларига ҳеч қандай камситмаслик асосида ижтимоий жиҳатдан қўшилиб кетувига эришмоқ даркор. Биз Демократик институтлар ва инсон ҳукуқлари бўйича бюро (ДИИҲБ) нинг кўчиб юриш муаммолари бўйича маслаҳатчиси олиб бораётган ишларни маъқуллаймиз ва унинг қочқинлар, кўчиб юрувчи шахсларга, файриихтиёрий тарзда кўчиб юришларнинг бошқа шаклларига ҳамда ўз доимий истиқомат жойларига қайтаётган шахсларга тааллуқли муаммоларни кўриб чиқишга доир Минтақавий конференцияда 1996 йил май ойида қабул қилинган Ҳаракатлар дастури асосида тегишли давлатларда олиб борилаётган фаолиятини қўллаб-қувватлашимизни билдирамиз.

11. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги чинакам демократик фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шартларидан биридир. Хельсинки Якунловчи ҳужжатида биз бу принципни хурмат қилишни ўз зиммамизга олганимиз. Бошқа ҳалқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишларни ҳисобга олган ҳолда, ЕХҲТ доирасида оммавий ахборот воситаларига доир қабул қилинган мажбуриятларни бажаришни жадаллаштириш зарурати яққол кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам биз Доимий кенгашга ЕХҲТ доирасида қабул қилинган оммавий ахборот воситаларига тааллуқли мажбуриятларни бажариш масалаларига эътиборни кучайтириш йўлларини ўрганиб чиқишни ҳамда ЕХҲТнинг оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакилини тайинлаш учун мандат ишлаб чиқишни топширамиз. Ушбу мандат Вазирлар Кенгашининг 1997 йилда ўтказиладиган учрашувидан кечиктирмасдан унинг муҳокамасига тақдим этилиши лозим.
12. Хавфсизликка нисбатан мана шундай кенг қамровли ёндашув иқтисодий мезонлар соҳасида ЕХҲТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан саъй-ҳаракатларни давом этиришни ҳамда ЕХҲТнинг иқтисодий, ижтимоий ва экология хавфсизлигига даҳлдор муаммоларни ҳал этиш борасидаги фаолиятини зарур даражада кучайтиришни талаб этади. ЕХҲТ иқтисодий, ижтимоий ва экология соҳаларидағи муаммолар туфайли юзага келадиган хавфсизлик учун таваккалларни аниқлаши, бу муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари ва эҳтимол тутилган оқибатларини кўриб чиқиши, шунингдек тегишли ҳалқаро институтларнинг эътиборини ана шу таваккаллар билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни енгib ўтиш борасида зарур чора-тадбирларни кўриш заруриятига жалб этиши лозим. Бунинг учун ЕХҲТ бир-бирини қўллаб-қувватловчи ҳалқаро иқтисодий ва молия институтлари билан ўз алоқаларини бундан буён ҳам кенгайтириши зарур, шу жумладан иқтисодий, ижтимоий ва экология жараёнларининг хавфсизликка нисбатан эҳтимол тутилган таъсирини эртароқ босқичда аниқлаш ва баҳолаш қобилиятини ошириш мақсадида тегишли даражаларда мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиш йўли билан ҳам бундай алоқаларни кенгайтириши керак. Иқтисодиёт ва атроф муҳит соҳасида минтақавий, қўшимча минтақавий ва трансчегаравий ҳамкорлик бўйича ташабbusларнинг қатнашчилари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш даркор, чунки бу яхши қўшничилик муносабатлари ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам биз Доимий кенгашга ЕХҲТ Котибиятининг иқтисодий мезонлар соҳасида-

ги мавқеини таҳдил қилиб чиқишни ҳамда ЕХХТ Котибияти доирасида иқтисодиёт ва атроф муҳит соҳасида ЕХХТ фаолиятининг мувофиқлаштирувчиси учун мандат ишлаб чиқишни топширамиз, бу мандат Вазирлар Кенгашининг 1997 йилда ўтказиладиган учрашувидан кечиктирмасдан унинг муҳокамасига тақдим этилмоғи даркор.

13. Биз Босния ва Герцеговинада Тинчлик ҳақидаги умумий рама битимини амалга оширишга кўмаклашиш борасида ЕХХТнинг Босния ва Герцеговинадаги миссияси томонидан эришилган натижаларни муносиб баҳолаймиз. Бундай ютуқقا эришишга кўп жиҳатдан халқаро институтлар ва СВС билан амалий масалалардаги ҳамкорлик, шунингдек, Юқори вакилнинг фаолияти сабаб бўлди; бу билан институтларнинг бир-бирини қўллаб-қувватловчи қандай ҳамкорлик шакллари хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиши мумкинлиги яққол намойиш этилди.
14. Биз Босния ва Герцеговина Раёсати томонидан Вазирлар Кенгашини ташкил этиш тўғрисида эришилган келишувни қутлаймиз, бу биргаликдаги чинакам санарадор институтларнинг шаклланиши йўлида муҳим қадам бўлиб ҳисобланади. Тинчлик ҳақидаги битимни тўлиқ бажариш заруратини яна бир бор таъкидлаган ҳолда, биз 1996 йил 14 ноябрда Париж шаҳрида Вазирларнинг раҳбарий қўмитаси билан Босния ва Герцеговина Раёсати ўртасида бўлиб ўтган учрашувда келишилган асосий тамойилларни, шунингдек ЕХХТнинг Босния ва Герцеговинадаги миссияси мандатининг амал қилиш муддатини 1997 йилгача узайтириш ҳақидаги қарорини маъқуллаймиз, бу муддатни икки йиллик жисслашув даври доирасида узайтириш имконияти борлигини таъкидлаймиз. Биз миссия ўз мандатини бажариши учун ҳам молиявий, ҳам кадрлар жиҳатидан зарур бўлган барча ресурсларни ажратиш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.
15. ЕХХТ ўз доирасида қабул қилинган принциплар ҳамда мажбуриятлар асосида Босния ва Герцеговинада тинчликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш борасида бундан буён ҳам муҳим роль ўйнайверади. Биз 1997 йилда ҳокимиятнинг муниципал органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш устидан кузатув олиб боришимизни таъкидлаймиз ва шу муносабат билан тарафларнинг Тинчлик ҳақидаги битимга З-Илова бўйича эришилган келишувини маъқуллаймиз. Биз миссия фаолиятини ва унинг сайлов натижаларини рўёбга чиқаришга қўшадиган ҳиссасини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаймиз. Биз аниқ дастурларни амалга ошириш йўли билан демократиянинг қарор топишига кўмаклашамиз, шунингдек, инсон ҳукуқларининг қарор топиши ҳамда унинг рўёбга чиқишини кузатиш борасида фаол иш олиб борамиз. Биз бундан буён ҳам Тинчлик ҳақидаги битимнинг тарафлари ўртасида қўшимча минтақавий барқарорлаштириш тадбирларини амалга оширишда ёрдам бераверамиз.
16. Тинчлик ҳақидаги битимнинг бажарилиши учун жавобгарлик биринчи нав—батда тарафларнинг ўз зиммаларида эканлигини эслатиб ўтган ҳолда, биз уларни ЕХХТ ва бошқа институтлар билан Тинчлик ҳақидаги битимнинг фуқаролик жиҳатларини рўёбга чиқаришда вижданан ҳамкорлик қилишга чақирамиз. Шу туфайли бундан буён ҳам Олий вакил ўта муҳим роль ўйнайверади. Биз тарафларни собиқ Югославия бўйича Халқаро жиноят трибунали билан тўлиқ даражада ҳамкорлик қилишга давъат этамиз.
17. Босния ва Герцеговинада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги битим ҳамда қурол-яроғлар устидан қўшимча минтақавий

назорат түғрисидаги битим бундан бүён ҳам Босния ва Герцеговина ҳамда унинг атрофларида ҳарбий барқарорликни таъминлаш ва сақлаш учун ўз муҳимлигини сақлаб қолади. Бу битимларнинг тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш даркор. Бироқ ушбу битимлар бўйича мажбуриятларнинг ҳамон бажарилмай келаётганлиги жиддий ташвиш уйғотади. Биз Вазирлар раҳбарий қўмитаси ҳамда Босния ва Герцеговина Раёсатини 1996 йил ноябрь ойида Париж шаҳрида ўтказиладиган учрашув пайтида мазкур ҳар иккала битимнинг тўлиқ бажарилиши зарурлиги ва уларни четлаб ўтишга мутлақо йўл қўймаслик лозимлигини тасдиқлаганликларини маъқуллаймиз. Биз тарафларни ҳамкорлик асосида ўз мажбуриятларини вижданан бажаришга чақирамиз. Қурол-яроғлар устидан минтақавий назорат масаласига келсак, шуни айтиш керакки, Тинчлик ҳақидаги битим I-В иловасининг II ва IV моддаларини бажариша қониқарли силжишга эришилган тақдирда V модданинг бажарилишига кўмаклашишга қаратилган саъй-ҳаракатлар давом эттирилади.

18. Босния ва Герцеговинада Тинчлик ҳақидаги битимнинг бажарилиши Жанубий-Шарқий Европада мустаҳкам тинчлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик алоқаларини таъминлаш мақсадини кўзда тутувчи минтақавий ҳамда қўшимча минтақавий миқёсдаги саъй-ҳаракатларга йўл очди. Биз қўшимча минтақавий мuloқot ва ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи турли ташаббусларнинг ишлаб чиқилаётганлигини, масалан, Руайомонда бошланган Барқарорликни мустаҳкамлаш жараёнини, Жанубий-Шарқий Европада ҳамкорлик бўйича ташаббусни, Марказий Европа ташаббусини ҳамда Жанубий-Шарқий Европа мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг София декларацияси томонидан яна ҳаракатга келтирилган барқарорлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир кенг қамровли жараённи қутлаймиз. EXХТ ҳамкорлик бўйича ушбу турли минтақавий саъй-ҳаракатларнинг салоҳияти тўлиқ ишга солинишига, улар бир-бирини қўллаб-қувватлаши ва мустаҳкамлашига ўз ҳиссасини қўшган бўлур эди.
19. Биз EXХТда Югославия Иттифоқдош Республикаси ҳақидаги масаланинг кўриб чиқилиши давом эттирилганлигини маъқуллаймиз. Биз EXХТнинг Косово, Санжак ва Воеводинадаги узоқ муддатли миссияси имкон қадар энг қисқа муддатларда ўз ишини тиклай олади, деб умид қиласиз. Ўз мандатини бажарар экан, бу миссия чунончи, вазиятнинг ривожланишини кузатишда ва мавжуд қийинчиликларни енгib ўтиш мақсадида мuloқotни йўлга қўйишга фаол ҳисса қўшмоғи лозим. EXХТнинг иштироки бошқа шаклларда ҳам давом этса, янада мақбул бўлур эди. Гап, жумладан демократлаштиришни жадаллаштириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳамда бўлиб ўтадиган сайлов эркин ва ҳалол тусда ўтишини таъминлаш ҳақида кетмоқда. Ўзимизнинг илгариги берган баёнотларимизни эслатиб ўтган ҳолда, биз федерал ҳокимият билан Косовонинг албан аҳолиси вакиллари ўртасида у ерда сақланиб турган барча муаммоларни ҳал этиш мақсадида олиб бориладиган мазмунли мuloқotни ривожлантиришга чақирамиз.
20. Биз Грузиянинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини унинг ҳалқаро тан олинган чегаралари доирасида қатъий қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор таъкидлаймиз. Биз Абхазияда кўпчиликни ташкил этувчи грузин аҳолисини оммавий

равиша йўқ қилиш ва зўрлик билан қувиб чиқариш ҳолатларига олиб келган «этник тозалаш»ни қатъий қоралаймиз. Сепаратчилар (ажралиб чиқишига интилувчилар)нинг номақбул бузғунчилик ҳаракатлари, шу жумладан қочқинлар ва кўчиб юрувчи шахсларнинг қайтиши учун тўсиқлар яратиш, шунингдек, Абхазияда ва Жанубий Осетиянинг Цхинваль минтақасида сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарор бу можароларни сиёсий йўл билан бартараф этиш учун қилинаётган ижобий саъй-ҳаракатларга путур стказади. Биз халқаро ҳамжамият, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ЕХХТ, Россия Федерациясининг кўмаклашувчи тараф сифатидаги иштирокида, бундан бўён ҳам низоларни тинчлик йўли билан бартараф этиш борасидаги изланишларга фаол ҳисса қўшишларига аминмиз.

21. Биз Молдовада низоларни сиёсий бартараф этиш йўлида муайян силжиш рўй берганлигини таъкидлаймиз. Ҳозир мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш, Молдова Республикасининг суверенитети ва худудий яхлитлигига асосланган қарор қабул қилинишига эришиш учун аниқ сиёсий хоҳиш-ирода зарурдир. Биз барча тарафларни ана шу мақсадда ўз саъй-ҳаракатларини кучайтиришга даъват этамиз. Олий даражадаги Будапешт учрашувининг қарори ҳақида эслатиб ўтар эканмиз, биз 1994 йил 21 октябрда Молдова билан Россия ўртасида Россия кўшинларини олиб чиқиб кетиш ҳақида қабул қилинган битимнинг кучга кириши ва бажарилишига таалуқди масалада силжиш бўлмаётганлигидан ташвишда эканлигимизни яна бир бор билдирамиз. Биз Россия кўшинларининг тез орада, тартиб билан ва тўлиқ олиб чиқиб кетилишини кутамиз. ЕХХТнинг миссияси мандати ва бошқа тегишли қарорларини амалга ошириш мақсадида биз ЕХХТ зиммасида унинг айнан ўз миссияси орқали бу жараённинг рўёбга чиқиши учун синчковлик билан кузатиш, шунингдек россиялик ва украиналик воситачилар билан яқин ҳамкорликда Молдованинг шарқий қисмида барқарорликка эришилишига кўмаклашиш мажбурияти тарафдан таъкидлаймиз. амалдаги Раис эришилган силжиш ҳақида Вазирлар Кенгашининг келгуси учрашувида ахборот беради.
22. Биз кейинги вақтда Россия Федерациясининг Чеченистон қисмида низоларни тинчлик йўли билан бартараф этиш борасида қўйилган қадамларни қутлаймиз. Биз Чеченистондаги тангликни сиёсий йўл билан ҳал этишга қаратилган мулоқот олиб борилишида ЕХХТ Кўмаклашув гуруҳининг муҳим аҳамият касб этишини эътироф қиласиз. Биз Кўмаклашув гуруҳи бундан бўён ҳам ўз вазифасини бажариши керак, чунончи, бунда у тангликни барқарор тинчлик йўли билан бартараф этишга эришилишини эътиборга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни кузатиши ва инсонпарвар ташкилотларни қўллаб-қувватлаши зарур, деб ҳисоблаймиз.
23. Биз ЕХХТда Марказий Осиё давлатларининг муҳим роль ўйнашини таъкидлаймиз. Биз ЕХХТнинг бу минтақада демократик тузилмаларни ривожлантириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва низоларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш мақсадидамиз.
24. Биз Ўрта ер денгизидаги шерикларимиз билан, Япония ва Корея Республикаси билан мулоқотларимизни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Шу аснода Ўрта ер денгизида хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ЕХХТ минтақасида ба-

рәкарорлик учун муҳим аҳамиятга эгадир. Биз Ўрта ер денгизида ҳамкорлик қилаётган шерикларимиз, Япония ва Корея Республикаси томонидан ЕХХТга билдирилаётган зўр қизиқишни, шунингдек, чукурлашиб бораётган муроқот ва улар билан бўлган ҳамкорликни маъқуллаймиз. Биз уларни мақсадга мувофиқ ҳолларда бизнинг фаолиятимизда қатнашишга, ўтказилаётган учрашувлар ишида иштирок этишга таклиф қиласиз.

25. Вазирлар Кенгашининг навбатдаги учрашуви 1997 йил декабрь ойида Копенгагенда бўлиб ўтади.
26. Биз ЕХХТнинг навбатдаги олий даражадаги учрашувини Истанбулда ўтказиш ҳақидаги Туркиянинг таклифини маълумот учун қабул қиласиз.
27. 1998 йилда амалдаги Раис вазифасини Польша бажаради.

**ХХІ АСРДА ЕВРОПА УЧУН ҮМУМИЙ ВА КЕНГ
ҚАМРОВЛИ ХАВФСИЗЛИК МОДЕЛИ ТҮГРИСИДАГИ
ЛИССАБОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ**

1. Биз, ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг давлат ва ҳукумат раҳбарлари Лиссабон учрашувига тўпланар эканмиз, тарих бизга беқиёс имконият берди, деб ҳисоблаймиз. Озодлик, демократия ҳамда мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳозирги пайтда умумий хавфсизлигимиз асосицидир. Биз ўтмишдаги фожеали воқсалардан сабоқ чиқаришга ва бизнинг ҳамкорликка асосланган келажагимизни барча давлатлар тенг ҳуқуқли ҳисобланган, ажратувчи чизиклардан эркин бўлган ягона хавфсизлик макони яратиш йўли билан воқеликка айлантиришга қатъий аҳд қилганимиз.
2. Биз жиҳдий хуружларга дуч келмоқдамиз, бироқ унга қарши ўлароқ биз яқдилмиз. Бундай хуружлар давлатларимизнинг хавфсизлиги ва суверенитетига, бу билан эса жамиятларимизнинг барқарорлигига дахл қиласи. ЕХХТ доирасидаги барча давлатларда ҳам инсон ҳуқуқларига тўлиқ даражада риоя этилаяпти, деб бўлмайди. Элатлараро кескинлик, агрессив миллатчилик, озчиликни ташкил этувчи миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш, шунингдек, иқтисодиётдаги ўтиш жараёнлари билан боғлиқ жиддий қийинчиликлар барқарорлик учун хавф туғдириши ва бошқа давлатларга кенг тарқалиб кетиши мумкин. ЕХХТ ҳамжамиятининг барча аъзоларида террорчилик, уюшган жиноятчилик, гиёхванд моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний муомаласи, назорат қилиб бўлмайдиган кўчиб юришлар ва атроф муҳитнинг бузилиши борган сари жиддий ташвиш уйғотмоқда.
3. Биз ўз хилма-хиллигимиз ҳолида күчларимизни тўплаб, бу хуружларга ЕХХТ доирасида ҳамкорликда ва бошқа халқаро ташкилотлар билан шериклика қарши турдикамиз. Бизнинг ёндашувимиз демократия, инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликларини ҳурмат қилиш ва қонун устуворлиги, бозор иқтисодиёти ҳамда ижтимоий адолат доирасидаги ҳамкорлик асосида хавфсизликни таъминлашдан иборатдир. Бундай ҳамкорлик ҳар қандай ҳукмронликка интилишни истисно қиласи. У ўзаро ишонч ҳамда низоларни тинчлик йўли билан бартараф этишни англаради.
4. ЕХХТ бизнинг умумий мақсадимиз – ягона хавфсизлик макони яратишни амалга оширишда марказий роль ўйнайди. Унинг энг муҳим унсурлари – хавфсизликнинг кенг қамровлилик хусусияти ва бўлинмаслиги, шунингдек бизни бирлаштирувчи қадриятлар, мажбуриятлар ҳамда хулқ-автор меъёрларига содиқлик – бизнинг ҳукуматларимизга ва алоҳида ҳар бир инсонга қандай қилиб бундан ҳам яхшироқ ҳамда бундан ҳам хавфсизроқ келажакни қуриш имкониятини яратиш борасидаги тасавуримизни илҳомлантириш манбаи бўлиб хизмат қиласи.
5. Биз ЕХХТ давлатлари ўз фуқароларига ҳисоб беришлари кераклигини ва Ташкилот доирасидаги ўз мажбуриятларини бажариш учун бир-бирлари олдида жавобгар эканликларини эътироф этамиз.
6. Биз биргаликда қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммамизга оламиз:
 - ҳамкорлик руҳида ҳаракат қилиб, Хельсинки Якунловчи ҳужжатида, Париж хартиясида ва ЕХХТ/ЕКХХ (Европа Кенгашининг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиги)нинг бошқа ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган, ЕХХТ доирасида қабул қилинган тамойиллар ва мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

- ЕХХТ доирасида олган ўз мажбуриятларимизга мувофиқ ҳамда ЕХХТ тартиботи ва воситаларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда хавфсизлиги таҳдид остида қолган иштирок этувчи давлат билан тезда маслаҳатлашувлар ўтказиш ҳамда умумий қадриятларимизни ҳимоя қилиш учун қандай саъй-ҳаракатлар зарур бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги масалани биргаликда кўриб чиқиш;
 - ҳалқаро ҳуқуқни бузган ҳолда бирор-бир иштирок этувчи давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига қарши куч қўллайдиган ёки қўллаш билан хавф соладиган иштирок этувчи давлатларни қўллаб-қувватламаслик;
 - барча иштирок этувчи давлатларнинг хавфсизлиги манфаатларини уларнинг бирор-бир ҳарбий тузилма ёки шартномаларга дахлдорлигидан қатъи назар муҳим ҳисоблаш.
7. Биз ҳар бир иштирок этувчи давлатга хос бўлган ўз хавфсизлигини таъминлаш йўлларини эркин танлаш ва уни ўзгартириш ҳуқуқини, шу жумладан иттифоқ шартномалари тузиш ҳуқуқини яна бир бор таъкидлаймиз. Ҳар бир иштирок этувчи давлат бу борада бошқа барча иштирок этувчи давлатларнинг ҳуқуқлари ни ҳурмат қиласди. Улар ўз хавфсизликларини бошқа давлатларнинг хавфсизлиги эвазига мустаҳкамлаб олмайдилар. ЕХХТ доирасида бирорта ҳам давлат, ташкилот ёки гуруҳ ЕХХТ минтақасида тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш учун бирор-бир ортиқча жавобгарлик ҳуқуқига ёки ЕХХТ минтақасининг бирор-бир қисмига ўз таъсир кўрсатиш доираси сифатида қараш ҳуқуқига эга эмас.
8. Биз у ёки бу иштирок этувчи давлатнинг ҳудудида хорижий қўшинларнинг бўлиши ҳалқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келишини, бу ҳолат қўшинларни қабул қилувчи давлатнинг эркин билдирилган розилигига ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли қарорига асосланишини таъминлаймиз.
9. Биз саъй-ҳаракатларимизда ва бир-биrimиз билан муносабатларимизда транспарентликни таъминлаш тарафдоримиз. Бизнинг хавфсизлик соҳасидаги келишувларда қатнашувчи барча давлатлар бундай келишувлар ошкора, олдиндан хабар бериладиган ва очиқ бўлиши ҳамда хавфсизлик соҳасида якка тартибдаги ва жамоавий эҳтиёжларга жавоб бериши шартлигидан келиб чиқадилар. Бу келишувлар доирасида бошқа давлатларнинг суверен ҳуқуқлари камситиямаслиги ва уларнинг қонуний хавфсизлик манфаатлари ҳисобга олинмоғи даркор. Биз ЕХХТдан хавфсизлик соҳасидаги келишувларимизга дахлдор декларациялар ва битимларни сақловчи сифатида фойдаланишимиз мумкин.
10. Ана шу қатъий қоидалар асосида бизнинг эндиғи вазифамиз кслажакни кўзлаган ҳолда ўзаро ҳамкорлигимизни ривожлантиришдан иборатdir. Шу мақсадда:
- биз яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ва минтақавий ташабbusларни рафбатлантирамиз. Шу маънода ЕХХТ минтақавий хавфсизлик жараёнларини қувватлашга қаратилган ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари мажмууни кўриб чиқиши мумкин бўлур эди. Биз бундан буён ҳам Европада Хавфсизлик тўғрисидаги иактнинг бажарилишини кузатиб борамиз. Минтақавий давра сұхбатларини ўтказиш превентив (олдини олувчи) дипломатиянинг фойдали воситаси бўлиши мумкин;
 - хавфсизликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса сифатида биз озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларига доир барча мажбуриятларимизни тўлиқ даражада ҳурмат қилиш ва бажаришга қатъий аҳд қилганлигимизни яна бир бор таъкидлаймиз. Биз Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш истагида

эканлигимизни яна бир бор таъкидлаймиз. Биз ўз ҳудудида озчиликни ташкил қилган миллатлар муаммоларини ҳал қилишга интилаётган ҳар қандай иштирок этувчи давлатнинг илтимосига лаббай деб жавоб беришга тайёрмиз;

— биз Ўрта ер денгизига алоҳида эътибор берган ҳолда ЕХХТ миңтақасига ёндош миңтақалар билан ҳамкорлигимизни қадрлаймиз;

— биз ЕХХТ миңтақасида хавфсизликнинг марказий масаласи ҳисобланган қурол-яроғлар устидан назорат жараёнининг давом этишига хайриҳоҳ эканлигимизни билдирамиз.

Европа хавфсизлигининг келажаги нұқтаи назаридан олганда, одатдаги қурол-яроғлар устидан назорат қилиш орқали барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳал қилувчи роль ўйнашга давъят этилгандир. Биз Европада Одатдаги қуролли кучлар (ЕОҚҚ) тўғрисидаги шартноманинг муҳимлигини яна бир бор таъкидлаймиз ва ЕОҚҚ тўғрисидаги шартнома қатнашчиси бўлган давлатларнинг бу Шартномани Европада хавфсизлик соҳасидаги ўзгариб борувчи вазиятга мослаштириб бориш, бу билан умумий, бўлинмас хавфсизликни таъминлашга ҳисса кўшиш тўғрисидаги қарорини маъқулаймиз. Биз Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик форуми томонидан қурол-яроғлар устидан назорат қилиш учун Концептуал негизга ҳамда Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик форумининг кун тартиби ривожига доир қабул қилинган қарорни маъқулаймиз. Биз мазкур Форум доирасида иштирок этувчи давлатлар хавфсизлигининг умумий муаммоларини биргаликда ҳал қилиш бўйича бундан бүн ҳам куч-ғайрат сарфлашга ва ЕХХТ доирасида қабул қилинган ҳамкорликка асосланган кенг қамровли хавфсизлик концепциясига бундан буён ҳам асосланаверишга қатъий аҳд қилганимиз.

Шу туфайли биз ҳалқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни эътиборга олган ҳолда хавфсизлик соҳасида қонуний якка тартибдаги ёки жамоавий эҳтиёжлар билан ўлчанадиган ҳарбий салоҳиятнигина сақлаб қоламиз, деб яна бир бор таъкидлаймиз. Биз ўз ҳарбий салоҳиятимизни бошқа давлатларнинг қонуний хавфсизлик манфаатларини, шунингдек, ҳалқаро хавфсизлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш заруратини ҳисобга олган ҳолда ўз миллий демократик тартиботимиз асосида ва транспарентлик руҳида белгилаймиз;

— биз иштирок этувчи давлатлар билан Европа ҳамда Атлантика ортидаги ташкилотлар ўртасида Европада хавфсизлик учун кенг доирада ҳамкорлик қилиш ва саъи-ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурлигини яна бир бор таъкидлаймиз. ЕХХТ — бу таркиби бўйича очиқ ва хусусияти бўйича кенг қамровли ташкилот бўлиб, у ўзи қамраб олган миңтақада маслаҳатлашувлар ўтказиш, қарорлар қабул қилиш ва ҳамкорлик қилиш учун мўлжалланган ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг VIII боби мазмунига кўра миңтақавий битим тузишга мўлжалланган ташкилотdir. Бу хусусиятига кўра у Ҳамкорликни ривожлантириш форуми вазифаларини бажариш ҳамда шундай ташкилотлар ва институтлар ўртасида ўзаро бир-бiriни тўлдиришни кучайтириш учун айниқса яхши мослангандир. ЕХХТ ўз миңтақасида вужудга келувчи хавфлар ва хуружларга самарали жавоб бериш йўлларини излаш борасида бу ташкилотлар билан шерикликда ҳаракат қиласи.

Иштирок этувчи давлатлар фавқулодда ҳолатларда ЕХХТ номидан у ёки бу масалани (агар ушбу масалалар юзасидан қилинган хulosаларга кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави VII бобининг тегишли қоидаларига мувофиқ Хавфсизлик Кенгашини томонидан чора-тадбирлар кўрилиши талаб этилса) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига киритиш ҳақида биргаликда қарор қабул қилишлари мумкин;

- ЕХХТ хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи, фаолияти транспарент ва очиқ-ойдин бўлган, қатнашчилари ЕХХТ доирасида қабул қилинган тамойиллар ва мажбуриятларга якка тартибда ёки жамоавий тарзда риоя қиласиган ҳамда аъзолиги ошкора ва ихтиёрий равишда қабул қилинган мажбуриятларга асосланадиган бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлайверади.
11. Бизнинг хавфсизлик модели устидаги ишимиз айни авжиди ва у фаол давом этади. Биз вакилларимизга хавфсизлик модели устида жадал иш олиб бориши топширамиз ва амалдаги Раисдан Копенгагенда бўлиб ўтадиган Вазирлар Конгенинг нав— батдаги учрашувига тегишли маъруза тақдим этишини сўраймиз. Бу ишлар учун кун тартибида куйидаги масалалар назарда тутилган:
- ЕХХТ принципларига риоя этиш ҳамда ЕХХТ мақсадларига эришиш ишларида олға силжиш бўлиши учун олинган мажбуриятларни бажариш масалаларини бундан бўён ҳам кўриб чиқавериш ва мазкур кун тартибида белгиланган ишларни бажариш;
 - бирор-бир иштирок этувчи давлат ЕХХТ доирасида ўз зиммасига олинган мажбуриятларини бажармаган тақдирда ЕХХТ йўналиши бўйича ҳамкорлик асосида биргалиқда амалга оширилиши мумкин бўлган саъй-ҳаракатларнинг омиллари самарадорлигини ошириш;
 - ҳамкорликка асосланган Хавфсизлик масалалари бўйича дастур асносида ЕХХТ ҳамда юқорида кўрсатилганларга мувофиқ хавфсизлик муаммолари билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ташкилий шартларини белгилаш;
 - ЕХХТда мавжуд бўлган превентив дипломатия ва низоларни бартараф этиш воситаларидан фойдаланиш тажрибаси негизида ҳозир мавжуд бўлган воситаларни такомиллаштириш ҳамда иштирок этувчи давлатларни ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида ЕХХТдан кенгроқ фойдаланишга жалб этиш учун янги воситаларни ишлаб чиқиш;
 - иштирок этувчи давлатлар ўртасида ушбу Декларацияда акс этган концепциялар ва принципларни бундан бўён ҳам ишлаб чиқиш ҳамда хавфсизлик соҳасидаги аниқ хатарлар ва хуружларга қарши тура олиш қудратимизни ошириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш;
 - Европада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши мумкин бўлган ЕХХТ доирасидаги янги мажбуриятлар, тузилмалар ёки келишувларга тааллуқли тавсияларни шакллантириш.
- Ана шу саъй-ҳаракатларга таянган ҳолда, Хельсинки Якунловчи ҳужжатига содиклигимизни сақлаб қолган ва Париж хартияси қоидаларини ёдда тутган ҳолда, биз келгуси юз йилликда халқларимизнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган Европада хавфсизлик хартиясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқамиз.
12. Бизнинг мақсадимиз — янада хавфсиз бўлишга доир ўз интилишларимизни барча фуқароларимизнинг эзгу орзу-истакларини амалга ошириш ва уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасидаги биргалиқдаги саъй-ҳаракатларимизга мужассамлаштиришдан иборатdir. Бу йўлда биз фақат гояларга эмас, балки амалий натижаларга таянамиз, ЕХХТнинг эпчил ва ривожланиб борувчи хусусиятидан ҳамда унинг хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги марказий ролидан фойдаланамиз.

II ИЛОВАЛАР

1-ИЛОВА

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ АМАЛДАГИ РАЙСИННИНГ БАЁНОТИ

Сизларнинг барчангизга маълумки, кейинги иккى йил мобайнида Тоғли Қорабоғ можаросини ҳал қилиш ва Озарбайжон Республикасининг худудий яхлитлиги масаласида силжишга эришишга муваффақ бўлинмади. Мен, таассуф билан таъкидлайманки, тарафларнинг вазиятни бартараф этиш принципларига доир фикрларини муросага келтиришга қаратилган Минск конференцияси ҳамраисларининг саъй-ҳаракатлари муваффақиятли якунланмади.

Минск гуруҳи ҳамраислари Тоғли Қорабоғ можаросини бартараф этишининг йўли сифатида учта принципни тавсия этдишлар. Бу принциплар Минск гуруҳи аъзолари бўлган барча давлатлар томонидан маъқулланди. Булар қуйидагилардир:

- Арманистон Республикаси ва Озарбайжон Республикасининг худудий яхлитлиги;
- Тоғли Қорабоғнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига асосланган битимда қайд этилган ҳамда Тоғли Қорабоғга Озарбайжон таркибида ўзини ўзи бошқаришнинг энг юқори даражасини берадиган ҳуқуқий мақоми;
- Тоғли Қорабоғ ва унинг бутун аҳолиси учун кафолатланган хавфсизлик, бунга барча тарафлар томонидан низони бартараф этиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича олинган ўзаро мажбуриятлар ҳам киради.

Мен афсус билан таъкидлайманки, иштирок этувчи давлатлардан бири бунга қўшилмади. Бу принциплар бошқа барча иштирок этувчи давлатлар томонидан маъқулланди.

Мазкур Баёнот олий даражадаги Лиссабон учрашувининг ҳужжатларига киритилади.

2-ИЛОВА

АРМАНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

ЕХХТ амалдаги Раисининг берган баёноти муносабати билан Арманистон делегацияси ўзининг қуйидаги масалалар бўйича хавотирда эканлигини билдиради:

1. Баёнот 1997 йилги Будапешт саммитида белгиланган ҳамда сиёсий битимга эришилгандан сўнг музокаралар олиб боришни кўзда тутувчи Минск гуруҳи мандатининг руҳи ва мазмунини ифодаламайди. Мақом муаммоси ниҳоясига етмай қолган бевосита музокараларда муҳокама қилинган эди.
2. Бу Баёнот Тоғли Қорабоғнинг мақомини олдиндан белгилаб қўяди, бу эса ЕХХТнинг 1992 йилги Вазирлар Кенгashi қарорига зиддир. Зоро, ушбу қарорга мувофиқ бу масала ЕХХТнинг Минск конференцияси ваколатига таалуқли деб белгиланган эди, мазкур конференция эса сиёсий битимга эришилгандан сўнг бошланиши керак.
3. Арманистон тарафи муаммони ҳал этиш йўли ЕХХТнинг Хельсинки Якунловчи ҳужжатида қайд этилган халқаро ҳуқуқ ва принциплар асосида, авваламбор, ҳал-

Қларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши принципига асосан топилиши мумкинлигига аминдир.

4. Арманистон тарафи муросага келувчи қарорни қабул қилишга эришиш мақсадида Минск гуруҳи доирасида ҳам ва бу гуруҳнинг ҳамраислари томонидан мувофиқлаштириб туриладиган бевосита алоқалар даражасида ҳам энг жадал музокараларни давом эттиришга тайёрdir.

Ушбу Баёнотни саммитнинг Декларациясига илова қилишини сўраймиз.

III

ҚУРОЛ-ЯРОЕЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН КОНЦЕПТУАЛ НЕГИЗ

I. Кириш

1. Қурол-яроелар устидан назорат қилиш, шу жумладан қуролсизланиш ҳамда ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ЕХХТ томонидан қабул қилинган ҳамкорликка асосланган кенг қамровли хавфсизлик концепциясининг ажралмас қисми ҳисобланади. ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг қурол-яроелар устидан назорат қилиш тўғрисидаги келишувларини тўлиқ бажариш ва янада ривожлантиришга бўлган қатъий содиқлиги ЕХХТ минтақасида ҳарбий-сиссий барқарорликни мустаҳкамлаш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳамкорлик, транспарентлик ва олдиндан хабар беришни таъминлашга бўлган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш зарур.
2. Қурол-яроелар устидан назорат қилиш борасидаги мавжуд чора-тадбирларга асосланиб, ЕХХТ ўз минтақасидаги барча давлатларнинг манфаатларига дахлдор бўлган хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишнинг янги йўлларини топишга интилади. Бундай хавфсизлик муаммоларига, чунончи бошқа давлатларнинг хавфсизлигига таъсир кўрсатиб, кенг тарқалиб кетиши мумкин бўлган давлатлараро ҳамда давлатлар ичкарисидаги кескинлик ва ихтилофлар киради. Мақсад — қурол-яроелар устидан назорат қилиш соҳасида, шу жумладан минтақавий тусдаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича турли саъй-ҳаракатларга таянадиган концепциялар ишлаб чиқиши ва тузилмалар яратишдан иборат бўлмоғи лозим. Бутун ЕХХТ миқёсидағи ёндашувлар билан минтақавий ёндашувлар ўргасидаги ўзаро бир-бирини тўлдиришни доимий равишда таъминлаш муҳим вазифадир. Қурол-яроелар устидан назорат қилиш бўйича минтақавий саъй-ҳаракатлар, чунончи ҳарбий хавфсизликнинг аниқ масалаларига асосланмоғи керак.
3. Иштирок этувчи давлатлар ЕХХТ доирасидаги саъй-ҳаракатларнинг концептуал ва тузилмавий жиҳатдан ўзаро алоқасини таъминлаш мақсадида қурол-яроелар устидан назорат қилиш учун концептуал негизни барпо этишга қарор қилдилар. Бу негиз қурол-яроелар устидан назорат қилиш соҳасидаги бир-бирига уйғунлашиб кетган ҳамда бир-бирини қувватловчи юридик ва сиссий мажбуриятлар тизимини яратишга қаратилгандир. Концептуал негиз қурол-яроелар устидан назорат қилиш бўйича ҳозирги ва келгусидаги саъй-ҳаракатларнинг кенг қамровли тузилмасини боғлаш имконини беради. У иштирок этувчи давлатлар ўргасида қурол-яроелар устидан назорат қилиш борасида келгусидаги музокаралар учун мўлжал бўлиб хизмат қиласида қурол-яроелар устидан назорат қилиш соҳасида бундан буёнги фаолият учун ўзгарувчан кун тартибини ишлаб чиқишига асос бўлади. Концептуал негиз ЕХХТнинг хавфсизлик соҳасидаги янада кенгроқ саъй-

ҳаракатларига мұхим қисса бўлиб қўшилади ва ЕХХТда XXI аср учун хавфсизлик моделини яратиш бўйича олиб борилаётган ишларни тўлдиради.

4. Бундай тизим учун асос ҳозирдаёқ мавжуддир. ЕОҚҚ тўғрисидаги шартнома ҳарбий соҳадаги барқарорлик ва олдиндан хабар беришга пойдевор қўяди, бу эса ЕХХТ иштирок этувчи барча давлатларининг хавфсизлиги учун асос бўлувчи аҳамият касб этади. Венада қабул қилинган ҳужжат шарофати билан ЕХХТ иштирок этувчи барча давлатларининг қуролли кучлари ва ҳарбий фаолиятига нисбатан ўзаро ишонч ва транспарентлик ошди. Хулқ-атвор кодексида хавфсизлик нинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига тааллуқли мұхим меъёрлар белгиланган. Мана шу барча мавжуд юридик ва сиёсий мажбуриятлар ЕХХТда қабул қилинган ҳамкорлик асосидаги хавфсизлик концепциясининг ўзаги ҳисобланади.

Имкони борича тезроқ амалга киритилиши лозим бўлган Очиқ осмон бўйича шартнома транспарентлик ва ошкораликни оширишга катта қисса бўлиб қўшилиши мумкин.

ЕХХТ ҳомийлигига қурол-яроғлар устидан назорат қилиш жараёни ЕХХТнинг хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир саъй-ҳаракатларининг мұхим қисми бўлиб ҳисобланади, бу жараённи эса Босния ва Герцеговинада Тинчлик тўғрисидаги умумий доирадаги битим бошлаб берган эди.

Мавжуд битимларнинг тўла ҳажмда бажарилишига ва зарур даражада янада ривожлантирилишига катта эътибор бера бориб, шу билан бир қаторда ЕХХТ иштирок этувчи давлатлари хавфсизлигига нисбатан ҳарбий хуружларга самарали жавоб чора-тадбирлар кўрилишини таъминлаш учун янги музокаралар ўтказиш ва бу битимларга қўшилган ҳиссани тўлдирувчи янги саъй-ҳаракатларга киришиш зарурдир.

5. Илгариги саъй-ҳаракатларнинг сабоқлари ва натижалари мазкур ҳужжатда қайд этилган музокаралар олиб бориш мақсадлари, усуслари ва тамойиллари билан уйғун тарзда ЕХХТ минтақасида ҳарбий хавфсизликка нисбатан хуружлар ва хавфларга қарама-қарши туриш учун асос яратади. Шундай қилиб, Концептуал негизи доирасида кейинги музокаралар ва уларда эришилган битимлар билан мавжуд битимлар ўртасидаги концептуал алоқа таъминланади. Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик форуми ЕХХТ доирасида ЕХХТ иштирок этувчи барча давлатларининг хавфсизлиги ва фаровонлигига хизмат қиласидаги алоҳида тарздаги ҳамда жами тарздаги кўп сонли мустақил ташабbusлар ўртасидаги боғланишларни амалга оширишда ҳал қилювчи ролни ўйнашга даъват этилгандир.

6. Концептуал негизни белгилаш қўйидаги маъноларни англатади:

- ЕХХТ минтақасини ажralmas умумий хавфсизлик макони сифатида, чунончи қурол-яроғлар устидан назорат қилиш соҳасида келгусидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишини рағбатлантириш йўли билан янада ривожлантиришга кўмаклашиш;
- ЕХХТ иштирок этувчи давлатлари ўртасида хавфсизлик соҳасидаги шерикчиликни мустаҳкамлашга қаратилган аниқ қадамлар қўйиш орқали хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун асос солиш;
- ЕХХТ иштирок этувчи давлатлари учун хавфсизликнинг муайян муаммоларини алоҳида ажralиб қолган тарзда эмас, балки зарур даражада, уларнинг барчаси содиқ бўлган ЕХХТнинг умумий вазифалари доирасида ҳал қилиш имкониятини яратиш;
- қурол-яроғлар устидан назорат қилиш соҳасида бир-бирига боғлиқ бўлган ҳамда бир-бирини қувватловчи юридик ва сиёсий мажбуриятлар тизимини яра-

- тиш, бу тизимга хавфсизлик – ЕХХТ иштирок этувчи барча давлатлари учун ажралмас ҳисобланади, деган принцип сингдирилган бўлади;
- мавжуд ва келажакдаги битимлар ўртасида тузилмавий боғлиқликни таъминлаш;
- ЕХХТ доирасида қурол-яроғлар устидан келгусида ҳам назорат қилиш соҳасида мослашувчан кун тартибини ишлаб чиқиш учун асос яратиш.

II. Хуружлар ва хавфлар

7. ЕХХТ минтақасида ҳарбий хавфсизлик соҳасида ҳамон янги хуружлар ва хавфлар мавжуд ҳамда янгилари вужудга келиши мумкин. Концептуал негиз қурол-яроғлар устидан назорат қилиш чора-тадбирлари орқали бартараф этиш мумкин бўлган хуружлар ва хавфларга қарши ҳамкорликка асосланган жавоб чораларини ишлаб чиқишига кўмаклашади. Бунда қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш зарурдир:
- бекарорликка олиб келувчи ҳарбий тенгсизликлар;
 - давлатлар ўртасида, шу жумладан чегараолди ҳудудларида ҳарбий хавфсизликка дахл қилувчи кескинлик ва тўқнашувлар;
 - ҳарбий кескинлик ёки давлатлар ўртасида можаролар вужудга келишига сабаб бўлувчи ички низолар;
 - давлатларнинг ҳарбий соҳадаги мақсадларига нисбатан транспарентлик ва олдиндан хабар беришни ошириш;
 - конституциявий жиҳатдан таъсис этилган ҳокимият органлари томонидан ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган кучлар ҳамда хавфсизлик кучлари томонидан демократик тарзда сиёсий назорат қилиш ва раҳбарлик қилишни таъминлашга, шунингдек қонун устуворлигини таъминлашга кўмаклашиш;
 - кўп миллатли ҳарбий ва сиёсий ташкилотларнинг тадрижий ривожланиши ёки ташкил тоғиши ЕХХТда қабул қилинган, ҳамкорликка асосланган кенг қамровли хавфсизлик концепциясига тўлиқ мос бўлишини, шунингдек қурол-яроғлар устидан назорат қилиш соҳасидаги мақсадлар ва вазифаларга тўла мувофиқ келишини таъминлаш;
 - бирорта ҳам иштирок этувчи давлат, бирорта ҳам ташкилот ёки гуруҳнинг бошқалар хавфсизлиги ҳисобидан ўз хавфсизлигини мустаҳкамлашига ва ЕХХТ минтақасининг бирор-бир қисмини ўзининг алоҳида таъсир кўрсатиш доираси сифатида қарашига йўл қўйилмаслигини таъминлаш;
 - у ёки бу иштирок этувчи давлат ҳудудида хорижий қўшинларнинг бўлиши ҳалқаро ҳукуқ қоидаларига мос келишини, қўшинларни қабул қилувчи давлатнинг эркин ифодаланган розилигига ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли қарорига асосланишини таъминлаш;
 - ҳар қандай вазиятларда, шу жумладан тангликлар даврида ҳам қурол-яроғлар устидан назорат қилиш соҳасидаги битимларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;
 - қурол-яроғлар устидан назорат қилиш бўйича битим ЕХХТ минтақасидаги хавфсизлик эҳтиёжларига бундан буён ҳам жавоб бераверишини ҳамкорликка асосланган хавфсизлик руҳида олиб борилган мунтазам шарҳлаш жараёни орқали таъминлаш;
 - терроризмнинг барча шакллари ва кўринишларига қарши кураш олиб боришда ҳар томонлама ҳамкорликни, шу жумладан мавжуд мажбуриятларни бажаришдаги ҳамкорликни таъминлаш.

III. Музокараларни олиб бориш принциплари

8. Курол-яроғлар устидан назорат қилиш соҳасидаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини қувватловчи битимлар foяси мантиқан олганда хавфсизликнинг бўлинмас эканлиги принципидан келиб чиқади. Мос равишида EXХТ минтақасида EXХТ иштирок этувчи барча давлатлари учун ҳам мажбурий кучга эга бўлмаган минтақавий ёки бошқа битимларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилиши — барча иштирок этувчи давлатлар учун бевосита манфаатдорлик касб этади. EXХТ иштирок этувчи давлатлари курол-яроғлар устидан назорат қилиш бўйича ихтиёрий асосдаги музокаралар йўли билан ишлаб чиқиладиган битимлар орқали ишонч ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини давом эттирадилар. Курол-яроғлар устидан назорат қилиш тартиблари доирасида у ёки бу иштирок этувчи давлатлар қуролли кучларининг муайян хусусиятлари, шунингдек, келишиб олинган сиёсий ва юридик мажбуриятлар ҳисобга олилади. Тўпланган тажрибага таяниб, EXХТ иштирок этувчи давлатлари келгусида музокаралар олиб борилишида асосланиш мақсадга мувофиқ бўлган қуйидаги принципларни ишлаб чиқдилар. Ушбу принциплардан ҳар бирининг қўлланиш имконияти хавфсизлик соҳасидаги кўриб чиқиладиган муайян эҳтиёжларга боғлиқдир.

— Етарлилик. Курол-яроғлар устидан назорат қилиш тартиблари ўз таркибига ҳар бир иштирок этувчи давлат хавфсизлик соҳасида фақат ўзининг қонуний якка тартибдаги ва жамоавий эҳтиёжлари билан ўлчанадиган ҳарбий салоҳиятнингина сақлаб қолишини ва бошқа қайси иштирок этувчи давлат устидан бўлмасин ҳарбий ҳукмронликка эришиш учун ҳаракат қилмаслигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ўз таркибига олмоғи лозим.

— Ахборот алмашиш орқали транспарентликни таъминлаш. Ҳарбий кучларнинг миқдорлари, тузилмалари, жойлаштирилиши ва ҳарбий доктринасига, шунингдек, ҳарбий кучлар фаолиятига тааллуқли тегишли ишончли ахборотни тўлиқ ва ўз вақтида алмашишни таъминлаш қурол-яроғлар устидан назорат қилиш самарали тартибининг ҳал қилувчи унсурларидан бири ҳисобланади.

— Текшириш. Кўрилган чора-тадбирлар тегишли ҳолларда уларнинг мазмуни ва аҳамияти билан ўлчанадиган текшириш тадбири билан тўлдирилиши керак. Бунга алмашув пайтида тақдим қилинган ахборотни баҳолаш учун етарли даражада интрузив бўлган текшириш, шунингдек, текширилиши зарур бўлган келишилган чора-тадбирларнинг бажарилишини баҳолаш ва бу билан ишончни мустаҳкамлашга кўмаклашиш кабилар киради.

— Куролли кучларни чеклаш. Чеклаш, зарур ҳолларда эса қисқартириш қуролли кучларнинг янада қўйироқ даражаларида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлларини келгусида излашнинг муҳим унсури ҳисобланади. Куролли кучларга тааллуқли бошқа чеклов қоидалари, шунингдек, хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ҳам ҳамон бар— қарорликни мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатларнинг муҳим унсурлари бўлиб қолмоқда.

IV. Курол-яроғлар устидан назоратни янада ривожлантириш мақсадлари ва усуллари

9. Курол-яроғлар устидан назорат соҳасидаги мақсадлар ҳамда барқарорлик ва хавфсизликни қарор тоғтириш учун кўмаклашишга даъват этилган усуллар, шунингдек, EXХТ минтақасида транспарентликни ошириш, ҳамкорлик ва ишончни чуқурлаштириш қўйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

- хавфсизликнинг бўлинмаслиги концепциясини мустаҳкамлаш;
- бутун ЕХХТ доирасида мавжуд бўлган хавфсизлик соҳасидаги ҳозирги ва келгусидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирларни уларнинг самарадорлигини баҳолашни давом эттириш асосида такомиллаштириш ҳамда тегишли ҳолларда ана шундай тусдаги янги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- минтақавий хавфсизлик муаммоларини ЕХХТ иштирок этувчи давлатлари ўртасидаги минтақавий бекарорликни ва ҳарбий номувофиқликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида янада амалийроқ ва аниқроқ йўсинда муҳокама қилишга ўтиш;
- муайян танглик вазиятларини барқарорлаштириш учун қурол-яроғлар устидан назорат қилиш соҳасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шу жумладан ҳозирда мавжуд бўлган ҳар қандай тегишли тадбирлардан зарур даражада фойдаланиш;
- тегишли ҳолларда қуролли кучларга нисбатан чеклашлар жорий этиш ва улар фаолиятига тааллуқли чеклов чора-тадбирлари ҳақидаги масалани кўриб чиқиш;
- қурол-яроғлар устидан назорат қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишида, у ёки бу ҳарбий-сиёсий иттифоқка мансублигидан қатъи назар, ҳар бир иштирок этувчи давлатнинг қонуний хавфсизлиги манфаатларини ҳисобга олиб бориш;
- транспарентликни ошириш, кўп миллатли ҳарбий ҳамда сиёсий ташкилотларнинг тадрижий ривожланиши ёки уларни ташкил этиш масалаларида маслаҳатлашувлар ва ҳамкорликни ривожлантириш, шу аснода ҳар бир иштирок этувчи давлатнинг ўз хавфсизлигини таъминлаш йўлларини танлаш ҳамда ўзгартириш, шу жумладан иттифоқ шартномаларини тузишга доир ажралмас ҳуқуқини танолиш;
- ЕХХТ минтақасида ЕХХТ иштирок этувчи барча давлатлари учун мажбурий ҳисобланмаган минтақавий ва бошқа битимларни имзолаган тарафлар ўртасидаги келишувга кўра шундай битимларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни барча иштирок этувчи давлатларга тақдим этиш йўли билан кенг транспарентликни таъминлаш;
- назорат ҳақидаги мавжуд қоидаларни такомиллаштириш ва зарурат бўлганда шундай янги қоидаларни ишлаб чиқиш.

10. Иштирок этувчи давлатлар улар томонидан келишиб олинган барча юридик ва сиёсий мажбуриятларнинг тўлиқ ҳамда доимий равища бажарилиши ушбу мақсадларга эришилишига бекиёс ҳисса бўлиб қўшилишини зътироф этадилар. Улар бу мажбуриятларнинг бажарилишини дикқат билан ва мунтазам равища кузатиб боришни давом эттириш, шу жумладан бу мажбуриятларнинг мавжуд эксперт салоҳияти ва ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобидан бажарилиши учун янада самарали усулларни излаб топиш ниятидадир.

V. Қурол-яроғлар устидан назорат қилиш соҳасидаги битимлар тизимини яратиш

11. Иштирок этувчи давлатлар қурол-яроғлар устидан назорат қилиш соҳасида бир қатор юридик ва сиёсий мажбуриятларни қабул қилдилар. Улар юридик ёки сиёсий жиҳатдан мажбурий ҳисобланиб, ўз мазмуни ва жуғрофий қамровига кўра (бутун ЕХХТ миқёсида глобал, минтақавий ва икки томонлама мажбуриятлар) фарқ қиласди. Мазкур ҳужжатга Иловада санаб ўтилган битимлар бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини қувватловчи битимлар тизимининг асосини ташкил этади. Санаб ўтилган битимларни тўла ҳажмда бажариш — бу битимлар-

нинг қатнашчиси бўлиш-бўлмаслигидан ёхуд уларни имзолаган ёки имзоламаганлигидан қатъи назар, барча иштирок этувчи давлатларнинг жамоавий ёки якка тартибдаги хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун зарурдир.

12. Эришилган натижаларга таянган ҳолда, қурол-яроғлар устидан назорат қилиш бўйича келгусидаги саъй-ҳаракатлар вужудга келадиган ва янги хуружларга жавоблар топишга, шунингдек, ҳарбий соҳада транспарентлик ва ошкораликни янада ошириш ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилади. Қурол-яроғлар устидан назорат қилиш бўйича бўлажак битимлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқилиши мумкин, бироқ улар бу тизимнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

«Курол-яроғлар устидан назорат қилиш учун концептуал негиз»га илова

- Европада Одатдаги қуролли кучлар тўғрисидаги шартнома.
- Очиқ осмон бўйича шартнома.
- Европада одатдаги қуролли кучлар шахсий таркибининг миқдори тўғрисидаги музокараларнинг якунловчи хужжати.
- Маҳаллий танглик вазиятларига нисбатан барқарорлаштириш чора-тадбирлари.
- Одатдаги қурол-яроғларни топширишни тартибга солувчи принциплар.
- Ҳарбий ахборотнинг кенг кўламдаги алмашуви.
- 1994 йилги Вена хужжати.
- Хулқ-атвор кодекси.
- Қурол-яроғларни тарқатмасликни тартибга солувчи принциплар.

IV

ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ФОРУМИНИНГ КУН ТАРТИБИ РИВОЖИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг иштирок

этувчи давлатлари:

- 1992 йил 10 июлда олий даражада бўлиб ўтган Хельсинки учрашуви Декларациясининг V бобида ифодаланган ЕХХТ давлатлари ҳамжамиятида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик форумини (ХХФ) таъсис этиш тўғрисидаги ўз қарорини ёдда тутган ҳолда,
- ХХФ доирасидаги музокараларда эришилган натижаларни, чунончи Хельсинкида келишилган Зудлик билан ҳаракат қилиш дастурига мувофиқ кўриб чиқиб ва баҳолаб, шунингдек, 1994 йил 6 декабрда олий даражада бўлиб ўтган Будапешт учрашуви Декларациясининг V бўлимида белгиланган кейинги вазифаларни ҳал этиш ниятида;
- ХХФ учун янги иш дастури зарурлиги хусусида хулосага келиб,
- «Курол-яроғлар устидан назорат қилиш учун концептуал негиз» номли ҳужжатга асосланиб,
- иштирок этувчи давлатлар томонидан хавфсизлик соҳасида бир-бирлари олдида қабул қилган мажбуриятлари тизимини мустаҳкамлаш мақсадида қурол-яроғлар устидан назорат қилиш соҳасида кун тартибини тузиш учун асос сифатида, чунончи ушбу Концептуал негиздан ҳам фойдаланишга доир ўз мажбуриятларини ёдда тутиб ҳамда

— хавфсизлик соҳасидаги тегишли битимлар ва алоҳида эҳтиёжларни, шунингдек, у ёки бу иштирок этувчи давлатлар қуролли кучларининг муайян хусусиятларини эътиборга олиб,

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик форуми қўйидаги масалаларни биринчи навбатда кўриб чиқиши лозим, деган қарорга келдилар.

I. Қурол-яроғлар устидан назорат қилиш бўйича келишилган чора-тадбирларни бажариш

Иштирок этувчи давлатлар ЕХХТ минтақасида ишонч, хавфсизлик ва барқарорликни янада ошириш мақсадида ЕХХТда қабул қилинган қурол-яроғлар устидан назорат қилишнинг барча мавжуд чора-тадбирлари ҳамда ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари (ИҲЧ) тўлиқ даражада ҳамда уларнинг мазмуни ва руҳига мувофиқ тарзда бажарилишига бундан бўён ҳам эришаверишга келишиб оладилар. Хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига тааллукли Хулқ-атвор кодексига риоя қилишга, шу жумладан бундан бўён қўйиладиган қадамлар доирасида конференция ўтказиш имкониятини ўрганишга эътибор берилади. XXФ бслгиланган тартиботдан фойдаланган ҳолда, келишилган тадбирларнинг бажарилишини баҳолашни давом этиради.

XXФ иштирок этувчи давлатларнинг сўровига биноан бажариш масалаларида кўмаклашиш имкониятини кўриб чиқади. Бунда иштирок этувчи давлатлар томонидан ихтиёрий асосда ажратиладиган ресурслардан, шунингдек, мавжуд ресурслардан ва Низоларни бартараф этиш марказининг тажрибасидан фойдаланилади.

II. Минтақавий чора-тадбирлар

Муайян минтақалардаги вазиятлар муносабати билан вужудга келаётган муаммолар ва пайдо бўлаётган имкониятларни эътироф этган ҳолда, иштирок этувчи давлатлар XXФ доирасида норасмий асосда ҳамда очиқ таркибда минтақавий масалаларни кўриб чиқиш ва ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини ўрганиш билан шуфулланишлари мумкин. Бундай иш тегишли минтақадаги у ёки бу иштирок этувчи давлатнинг (ёки давлатнинг) ташаббуси ва манфаатдорлигига асосланади. Шунингдек, иштирок этувчи давлатлар минтақавий масалаларни ЕХХТ минтақасининг бирор-бир қисмидаги мавжуд беқарорликка ёки унга ташқаридан кириб тарқалиш хавфини solaётган беқарорликка бевосита жавоб тариқасида минтақавий масалаларни кўриб чиқишилари мумкин. Чунончи XXФ маҳаллий танглик вазиятларига нисбатан барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорни амалда янада самаралироқ кўллаш йўлларини ўрганиши мумкин.

Бундай ташаббуслар доирасида минтақанинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олувчи ҳамда бутун ЕХХТ доирасидаги саъй-ҳаракатларни тўлдирувчи (агар бундай саъй-ҳаракатлар у ёки бу минтақанинг муайян эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадидаги қувватлашга муҳтож бўлса) чора-тадбирлар кўриб чиқилиши мумкин. Мазкур чора-тадбирлар транспарентлик ва олдиндан ҳабар беришни мустаҳкамлаш ёки оширишга, ҳарбий соҳадаги яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ёки кескинликни юмшатишга қаратилган бўлиши мумкин. Улар бутун ЕХХТ миқёсида қабул қилинган мажбуриятларнинг таркибий қисмига айланади.

XXФ ЕХХТнинг бевосита иштирокида ёхуд унинг ҳомийлигига ишлаб чиқиши музокараларда ишлаб чиқилиши зарур бўлган минтақавий битимларни қўллаб-куватлайди.

III. Қурол-яроғлар устидан назорат қилиш бүйича битимлар тизимини яратиш

Қурол-яроғлар устидан назорат қилиш учун концептуал негизни қабул қилиб, иштирок этувчи давлатлар бу билан бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини құвватловчи битимлар тизимини яратиш бүйича саъй-харакаттарни бошладилар.

Бу иш иштирок этувчи давлатларнинг ихтиёрий ва тенг ҳуқуқи асосда ўтказылдиган музокаралар йўли билан ишлаб чиқишилари мумкин бўлган усувларни ўрганиш, ҳамкорликка асосланган ёндашувларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тузиладиган янги битимлар, шунингдек, Қурол-яроғлар устидан назорат қилиш учун концептуал негизда айтиб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш ва хавфсизлик соҳасидаги эҳтиёжларни қаноатлантириш кабилардан иборат бўлиши мумкин. Ўз мазмуни ва жуғрофий қамровига кўра фарқланиши мумкин бўлган мазкур шартномалар (бутун ЕХХТ миқёсидаги, минтақавий ёки икки томонлама шартномалар) ана шу тизимнинг ажralмас қисми бўлади ва ўзаро келишиб олинган бўлади ҳамда Қурол-яроғлар устидан назорат қилиш учун концептуал негизда баён этилган мақсадлар ва усувларга мос бўлади.

Ўз мандатига мувофиқ ХХФ ўзининг хавфсизлик масалаларига доир мuloқotни ўтказиш бүйича форум вазифаларини ривожлантиради. Иштирок этувчи давлатлар амалга оширилган ишлар ҳақидаги жиддий ахборотни мунтазам асосда алмашиш ҳамда қурол-яроғлар устидан назорат қилиш соҳасидаги алоҳида музокаралар ва жараёнлар доирасида (масалан, Биргаликдаги маслаҳатлашув гурухлари доирасида) эришилган олға силжишлар учун мазкур органдан тўла даражада фойдаланадилар. Ишлар ана шундай ташкил этилганда ХХФ шаънига айтилган мuloқазалар ва хавотирлар юқорида айтиб ўтилган музокаралар ва жараёнлар чоғида ЕХХТ томонидан қабул қилинган хавфсизликнинг бўлинмаслиги кенг қамровли концепциясини ҳисобга олган ҳолда эътиборга олиниши мумкин бўлур эди.

IV. Келишиб олинган чора-тадбирларни мустаҳкамлаш ва янгиларини ишлаб чиқиши

Иштирок этувчи давлатлар қурол-яроғлар устидан назорат қилиш ҳамда Ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари (ИХЧ) бўйича мавжуд битимларни, шу жумладан 1994 йилги Вена хужжатини мустаҳкамлаш йўлларини ахтариш, улар ўртасида хавфсизлик соҳасидаги муносабатлар транспарентлиги ва очиқ-оидинлигини ошириш мақсадида келишиб оладилар. ХХФ ҳам назоратнинг ҳамкорликка асосланган шаклларидан янада фаол фойдаланиш истиқболларини, шунингдек, превентив дипломатияда, тангликларни бартараф этиш ва можароларнинг оқибатларини енгиб ўтишда ИХЧ ҳамда қурол-яроғлар устидан назорат қилишининг бошқа тартиботини қўллашнинг оқилона усувларини кўриб чиқиш билан шуғулланади.

ХХФ хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига тааллуқли Хулқ-атвор кодекси, Одатдаги қурол-яроғларни тоғширишни тартибга солувчи асосий принциплар ҳамда қурол-яроғларни тарқатмасликни тартибга солувчи принциплар сингари меъёрлар ва стандартларни белгиловчи чора-тадбирларни ривожлантириш борасида келгусидаги саъй-харакатлар тўғрисидаги масалани, шунингдек, меъёрлар ва стандартларни белгиловчи янги чора-тадбирларни қабул қилиш эҳтимоли тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

Қурол-яроғлар устидан назорат қилиш борасидаги Концептуал негизда баён этилган хавфлар ва хуружларни эътиборга олиб, ХХФ янги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини ўрганади. Иловада ҳозирги пайтга келиб бир ёки бир неча иштирок этувчи давлатлар томонидан киритилган тегишли таклифлар рўйхати келтирилади.

* * * * *

Иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни, яъни:

- ХХФ фаолиятининг усуллари самарадорлигини ошириш имкониятини;
- ХХФ ҳамда Доимий кенгашнинг улар бир-бирини тўлдирадиган соҳалардаги фаолиятини янада узвий боғлаб олиб боришни таъминлаш йўлларини;
- ХХФнинг тажрибасини қўшни Ўрта ер денгизи минтақасида жойлашган шс-рик давлатларнинг ихтиёрига, агар улардан тегишли илтимос тушган тақдирда ва мавжуд ресурслар доирасида тақдим этиш имкониятини;
- ҳалқаро ҳамжамият томонидан пиёдаларга қарши миналар муаммосининг са-марали ечимини излаш ҳамда терроризмга қарши кураш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни тўлдириш (такрорлаш эмас) мақсадида чора-тадбирлар кўриш масалаларини муҳокама қиласидилар.

* * * * *

Шунингдек, ЕХХТ иштирок этувчи давлатлари эришилган натижалар ҳақида ҳамда ХХФ кун тартиби доирасида қайси аниқ масалаларга эътиборни кучайтиришга қарор қилганлиги тўгрисида ХХФ Вазирлар Кенгашининг навбатдаги учрашувига маъруза тақдим этади, деган қарорга келдилар.

«Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик форумининг кун тартиби ривожи»га доир илова

Муайян иштирок этувчи давлатлар томонидан билдирилган хавотирларни эъти-борга олиб, консенсус бўлмаган бир ёки бир неча иштирок этувчи давлатлар томони-дан қуйидаги таклифлар киритилди:

- ИХЧни ҳарбий денгиз кучлари фаолиятига татбиқ этиш.
- Ички хавфсизлик кучлари тўгрисида ахборот алмашиш.
- Қуролли кучларни жойлаштиришга таалуқли чора-тадбирлар.
- Мудофаа ишлаб чиқаришини конверсиялаш соҳасида ҳамкорлик.
- Қуролли кучларни бошқа мамлакатларнинг ҳудудида жойлаштиришга, шу жумла-дан уларнинг чегара орқали ҳаракатланишига таалуқли чора-тадбирлар.
- Юқори ҳарбий даражада олиб борилган ҳарбий доктриналар бўйича мунтазам се-минарлар ўтказиш.
- ЕХХТда мавжуд бўлган ахборот режимларига асосланувчи мудофаа масалалари бўйи-ча «ЕХХТ Оқ китоби» ва фойдаланилаётган миллий тажриба.
- Европада ядро қуролидан холи зоналар яратиш имкониятини ўрганиш.
- Минтақавий режимлар доирасида текширишда ва ахборот алмашишда миллий асосда ихтиёрий иштирок этиш.
- Қуролли кучларнинг тузилмаси, сифат жиҳатлари ва фаолиятига доир транспарен-тилик.
- Қурол-яроғларнинг энг юқори даражаларини бир томонлама тартибда эълон қилиш.
- Ҳар қандай кейинги таклифлар ХХФ қоидалари ва тартиботига мувофиқ киритилади.

Қўшимча

Кўйида олий даражадаги учрашувда ЕОҚҚ Ҳамкорликдаги маслаҳатлашув гуру-ҳининг Раиси сифатида сўзга чиққан Бельгия Бош вазири Е.П. Жан-Люк Деэн илти-мосига биноан мазкур учрашув Раиси, Португалия Бош вазири Е.П. Антонио Гутер-риш томонидан учрашув муҳокамасига киритилган ҳужжат келтирилади.

**ЕВРОПАДА ОДАТДАГИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ТҮФРИСИДАГИ
ШАРТНОМА ҚАТНАШЧИЛАРИ БҮЛМИШ ДАВЛАТЛАР
ТОМОНИДАН ЕОҚҚ ТҮФРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ
ҚИЛИШИНИ КҮРИБ ЧИҚИШГА ДОИР БИРИНЧИ
КОНФЕРЕНЦИЯ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИНИНГ 19-БАНДИДА
НАЗАРДА ТУТИЛГАН ЖАРАЁННИНГ ҚАМРОВИ ВА
КҮРСАТКИЧЛАРИ БҮЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҲУЖЖАТ**

1996 йил 1 декабрь

I. Кириш

1. Иштирок этувчи давлатлар ЕОҚҚ түфрисидаги шартноманинг амал қилишини күриб чиқиш бўйича Биринчи конференция Якуний ҳужжатининг 19-бандида назарда тутилган жараённинг қуида келтирилаётган қамрови ва кўрсаткичлари ни белгиладилар:

II. Мақсад ва вазифалар

2. Иштирок этувчи давлатлар ўзгариб турувчи вазиятда Шартноманинг амал қилишини яхшилаш ва бу билан ҳар бир иштирок этувчи давлатнинг, у бирор-бир ҳарбий-сиёсий иттифоққа мансублигидан қатъи назар, хавфсизлигини таъминлашни амалга ошириш ниятидалар. Бу жараён ўз хусусиятига кўра шундай бўлиши керакки, Шартнома бундан буён ҳам Европа хавфсизлиги архитектурасида ҳозир мавжуд бўлган ва келгусида тахмин қилинадиган шароитларда ҳам асосий аҳамият касб этаверсин.
3. Бу жараён Шартномада назарда тутилган чеклашлар, назорат қилиш ва ахборот алмашиш тизимини мустаҳкамламоги даркор. У Шартнома мақсадларига эришишга кўмаклашмоғи ҳамда унинг Европа хавфсизлиги тамал тоши сифатидаги ҳаётий қобилияти ва самарадорлигини оширмоғи керак. Бунда Шартномага зарур деб ҳисобланиши мумкин бўлган янги унсурларни кирита бориши ва мавжуд унсурларга мослашувлар, ўзгартиришлар ёки тузатишларни кирита бориши зарур.
4. Бу жараён ҳам умумий, ҳам зонал барқарорликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашни таъминламоги лозим, шунингдек қаерда бўлишидан қатъи назар, Шартнома қўлланиладиган худуд доирасида вазият барқарорлигини бузувчи кучлар тўпланиб қолишининг олдини олишга бундан буён ҳам кўмаклашмоғи керак.
5. Бу жараён ўзаро ишонч, транспарентлик, барқарорлик ва олдиндан хабар бериш асосида иштирок этувчи давлатлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларининг шаклланиб бораётган янги тузилмасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга олиб бормоги даркор. Унинг мақсади ЕОҚҚ түфрисидаги шартнома қатнашчилари бўлмиш барча давлатлар хавфсизлигини тенг даражада таъминлашга кўмаклашишдан иборатдир. Шартнома асосида ҳаракат қилиб, иштирок этувчи давлатлар мажбурият юкловчи тартиботни яратиш орқали хавфсизлик соҳасидаги янги хавфлар ва хуружлар муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланадилар, бунда ҳар бир иштирок этувчи давлатнинг хавфсизлигига доир қонуний манфаатларини ҳисобга оладилар.

III. Принцилар

6. Жараённинг бориши қуйидаги принциплар билан белгиланади:
 - қурол-яроғлар устидан назорат қилиш бўйича ихтиёрий равишда қабул қилинган мажбуриятлар тўлиқ бажарилиши лозим;
 - Шартнома ва у билан боғлиқ бўлган ҳужжатларнинг яхлитлиги сақланиши, яъни Шартнома мақсадларига, у туфайли эришилган натижаларга ва унинг самарали амал қилишини таъминлашга умумий содиқлик сақланмоғи лозим;
 - жараён натижалари ички доирада мақбул, ўзаро боғлиқ ва яхлит бир бутун бўлмоғи керак;
 - Иштирок этувчи давлатлар аниқ мақсадлар учун аниқ кўникувларни амалга ошира бориб, умуман Шартномани қайта кўриб чиқишидан тийиладилар;
 - мазкур жараён ЕХХТ томонидан қабул қилинган хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка асосланган кенг қамровли ва бўлинмас концепцияга мувофиқ бўлмоғи даркор, бунда хавфсизликни таъминлашнинг бошқа усуllibарини ва иштирок этувчи давлатларнинг хавфсизлик соҳасидаги мажбуриятларини, уларнинг хавфсизликни таъминлаш усуllibарини танлаш ёки ўзгартириш борасидаги ажралмас ҳуқуқини бошқа қатнашчи давлатларнинг қонуний хавфсизлик манфаатларини, шунингдек, ҳар бир иштирок этувчи давлатнинг ўз миллий хавфсизлигини якка тартибда ҳимоя қилиш борасидаги асосий ҳуқуқини ҳисобга олмоғи лозим;
 - мавжуд Шартнома ва у билан боғлиқ ҳужжатлар тўлалигича ўз кучида қолмоғи керак ҳамда улар ушбу жараён мобайнида келишиб олиниши мумкин бўлган чора-тадбирлар ва кўникувлар амал қила бошлагунига қадар вижданан бажарилмоғи зарур;
 - иштирок этувчи давлатлар ҳалқаро ҳуқуқ бўйича ўз мажбуриятларини эътибордан соқит қилмаган ҳолда хавфсизлик соҳасидаги якка ёки жамоавий қонуний эҳтиёжлари билан ўлчанадиган ҳарбий салоҳиятнигина якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда сақлаб турадилар;
 - жараён ЕОҚҚ тўғрисидаги шартнома қатнашчиси бўлмиш бирор-бир давлатнинг ёки ЕХХТ иштирок этувчи бошқа бир давлатининг қонуний хавфсизлик манфаатларига салбий таъсир кўрсатадиган бирор-бир ҳолатга олиб келмаслиги лозим;
 - жараён доирасида ЕОҚҚ тўғрисидаги шартноманинг татбиқ этилиши муҳимилиги қуйидаги нуқтаи назарлардан, яъни:
 - ЕХХТ доирасидаги, чунончи Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик форумида (ХХФ) давом этаётган мулокот доирасида хавфсизликнинг янада кенгроқ мазмунини;
 - XXI аср учун умумий ва кенг қамровли хавфсизлик модели устидаги ишларнинг муҳимилиги ҳисобга олинмоғи даркор;
 - қурол-яроғлар устидан минтақавий назорат қилиш соҳасидаги мавжуд ҳамда вужудга келаётган мустақил тартибот ва музокаралар эътиборга олинади.

IV. Қамров

7. Иштирок этувчи давлатлар мазкур Ҳужжатнинг III бўлимида қайд этилган принципларга тарафдор бўлган ҳолда унинг II бўлимида баён этилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида Шартномани тадбиқ этишга доир аниқ чора-тадбирлар ва кўникувларни заруратга қараб кўриб ва ишлаб чиқадилар.

8. Бу жарасыннинг қамрови Шартнома имзоланганидан кейин бўлиб ўтган воқеа—ларни ҳисобга олган ҳолда, ЕОҚҚ тўғрисидаги музокараларнинг дастлабки мандатига, шунингдек ЕОҚҚ тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини кўриб чиқиш бўйича Биринчи конференцияда эришилган келишувларга мос бўлади ва қўйидагиларни, яъни:
 - Шартнома томонидан ческаб қўйиладиган одатдаги қурол-яроғлар ва техниканинг (ШЧҚТ Шартномада белгиланган барча мавжуд тоифаларини сақлашни (бу Шартнома қўлланиладиган ҳудудда ШЧҚТ умумий сонининг кўпайишига олиб келмайди);
 - Шартномада белгилаб қўйилган назорат тўғрисидаги ахборот ва келишувларнинг қамрови ва тафсилоти даражасини тўлиқ даражада сақлашни;
 - Шартномада белгиланган қўлланиш ҳудудини сақлашни таъминлайди.
9. Бу жараён томонидан кўриб чиқиладиган аниқ жиҳатлар доирасига, чунончи қўйидагилар тааллуклидир:
 - Шартнома гуруҳ тузилмасининг тадрижий ривожланиши, шунингдек, иштирок этувчи давлатларнинг Шартномада у ёки бу гуруҳнинг аъзоси сифатида эмас, балки бошқа сифатда қатнашувига тааллукли қоидаларни ишлаб чиқиш;
 - Шартномада назарда тутилган чекловлар тизими ва унинг алоҳида унсурларининг фаолият кўрсатиши, яъни:
 - Шартномада назарда тутилган энг юқори даражадаги тизимларнинг мавжудлиги ривожи, шу жумладан ШЧҚТнинг энг кўп миллий даражалари тизимини ишлаб чиқиш имконияти;
 - шу аснода VII моддада назарда тутилган қайта тақсимлаш тартиботининг ривожланиши;
 - зона чекловлари тамойилини сақлаб қолганда кучларнинг барқарорликни бузувчи ҳеч қандай тўпланиши юз бермаслиги учун Шартноманинг зоналарга тааллукли IV моддаси қоидалари;
 - кучларнинг барқарорликни бузувчи тарзда тўпланишига йўл қўймаслик принципи сақлаб қолинганда, Шартноманинг иштирок этувчи давлатлари гуруҳлари учун жами сонини чекловчи IV моддаси қоидалари;
 - Шартноманинг кучлар жойлаштирилишига тааллукли қоидалари;
 - XIV модда ва у билан боғлиқ назорат қилиш тўғрисидаги қоидалар, Билдиришлар ва ахборот алмашиб тўғрисидаги баённома, шунингдек ахборот алмашиб ва назорат қилиш соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари;
 - Шартноманинг белгилаб қўйилган доимий омборхоналарда сақлаш жойларига тааллукли қоидалари;
 - алоҳида давлатларнинг улар илтимосларига кўра ва шу билан боғлиқ шартларга кўра Шартномага қўшилиш имконияти;
 - тангликлар ва можаролар вазиятида Шартноманинг тўла амал қилишини таъминлаш йўллари;
 - иштирок этувчи давлатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёки ЕХХТнинг мандатига асосланиб ўтказиладиган тинчликни қўллаб-куватлашга доир операцияларга жалб қилишга ҳамда бундай операцияларни ўтказища ҳамкорлик қилишга кўмаклашишга чақиравчи қоидаларни киритиш имконияти;

- одатдаги курол-яроғлар ва техниканинг янги тоифаларини киритиш ёки мавжудларини кенгайтириш йўли билан Шартноманинг амал қилиш соҳасини яна-да кенгайтириш имконияти;
 - вақтингчалик жойлаштириш тўғрисидаги қоидалар.
10. Жараённинг ривожланишига қараб унинг доирасида юқорида кўрсатилган 9-бандда санаб ўтилганларга қўшимча тарзда бундан кейинги чора-тадбирлар ва кўникувлар кўриб чиқилиши мумкин.

V. Жадвал, ташкилий шартлар ва бошқа қоидалар

11. Иштирок этувчи давлатлар қўйидагиларга қарор қилдилар, яъни:
- бу жараённинг навбатдаги босқичи кечиктирилмасдан 1997 йилда бошланиши учун ҳамда юқоридаги II-IV бўлимларда кўрсатилган қамров ва кўрсаткичларга мувофиқ Всна шаҳридаги Ҳамкорликдаги маслаҳатлашув гуруҳи (ҲМГ) ўзининг жорий вазифаларини бажариш билан бир қаторда 1997 йил январь ойида ўз иши бошланиши билан мазкур музокараларни ўтказиш масъулиятини ўз зиммасига олади;
 - улар мазкур музокаралар Шартноманинг дастлабки мандатига мувофиқ ўтказилган музокаралар сингари худди шундай қисқа муддатларда ниҳоясига етказилиши учун вижданан ўз куч-ғайратларини сарфлайдилар;
 - улар ЕХХТнинг Копенгаген шаҳрида вазирлар даражасида ўтказиладиган учрашуви вақтида эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисботни кўриб чиқадилар;
 - бу музокараларни ўтказиш пайтида Ҳамкорликдаги маслаҳатлашув гуруҳи Раиси амалга оширилган ишлар ва эришилган силжишлар тўғрисида ЕХХТ иштирок этувчи бошқа барча давлатларини Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик форуми доирасида муайян қисқа вақт оралиғида мунтазам равишда хабардор қилиб туриши лозим; иштирок этувчи давлатлар ЕХХТ иштирок этувчи бошқа давлатлари билан фикр алмашишлари ҳамда уларнинг ўз хавфсизликларига доир билдирилган фикр-мулоҳазаларини эътиборга олишлари даркор.
12. Шунингдек улар қўйидагиларни ёдга соладилар, яъни:
- бу музокараларни ўтказиш билан бир қаторда Ҳамкорликдаги маслаҳатлашув гуруҳи ЕОҚҚ тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини кўриб чиқиш бўйича Биринчи конференциянинг Якуний ҳужжатида санаб ўтилган масалаларни ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни (бундай саъй-ҳаракатлар музокаралар жараённинг ютуқقا эришишига жиддий равишда кўмаклашишига асосланиб) фаол давом эттироғи зарур;
 - бу музокаралар жараёни Ҳамкорликдаги маслаҳатлашув гуруҳида ҳозирги Шартноманинг амал қилиши самародорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар айни бир вақтда қабул қилиниши учун тўсиқлар яратмайди.

VI. Жараённи қувватлаш

13. Европада Одатдаги куролли кучлар тўғрисидаги шартнома туфайли эришилган натижаларни ривожлантира бориб, иштирок этувчи давлатлар ҳужжатда назарда тутилган музокаралар мобайнида ўзларининг одатдаги қуролли кучларининг ҳозирги курилиши ва салоҳиятига нисбатан тийилиш намоён этиш, шу жумладан Шартнома қўлланиладиган ҳудудда ўз қуролли кучларининг даражаси ва уларни жойлаштиришга тааллукли масалаларда бағрикенглик намоён этиш ва бунда Европада хавфсизлик соҳасидаги вазиятнинг ривожланиши бирор-бир иштирок

этувчи давлатнинг хавфсизлигига зиён етказишига йўл қўймаслик мақсадини кўзлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Ушбу мажбурият музокараларнинг якунини олдиндан белгилаб бермайди, айрим иштирок этувчи давлатлар томонидан ўз кучларининг даражасини қисқартириш ёки уларни кенгайтириш ҳақида ихтиёрий асосда қарор қабул қилишлари имкониятига путур етказмайди ҳамда уларнинг қонуний хавфсизлик манфаатларига зарар етказмайди.

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ИСТАМБУЛ УЧРАШУВИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Истамбул, 1999 йил 19 ноябрь

1. Биз, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти иштирок этувчи давлатларининг давлат ва ҳукумат раҳбарлари XXI аср бўсағасида Хельсинки Якунловчи ҳужжати имзоланганлигининг йигирма беш йиллиги арағасида Истамбулда тўпландик. Бизнинг охирги учрашувимиздан кейин ўтган давр мобайнида биз ЕХХТни бемисл хуружларга жавоб беришга қодир бўлиши учун қайта ташкил этдик. Бизнинг бевосита Лиссабондаги учрашувимиз олдидан ЕХХТ биринчи марта жойларда – Босния ва Герцеговинада кенг миқёсда фаолият кўрсатишга киришди. Кейинги уч йил мобайнида биз ўзимизнинг жойлардаги миссиямиз сони ва миқёсларини кескин кўпайтирдик. Умумий институтларимизнинг сони ошди, уларнинг фаолият даражаси юксалди. ЕХХТ ўз саъй-ҳаракатларининг кўлами ва мазмунини кенгайтирди. Буларнинг барчаси ЕХХТ фаолият кўрсатаётган бутун минтақада унинг хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасини янада салмоқли қилди. Биз ўзининг серғайратлиги ва машақатли меҳнати билан Ташкилотнинг мана шу натижаларга эришишига олиб келган барча кишиларга алоҳида хурмат-эҳтиром билдирамиз.
2. Бугун биз Европада хавфсизлик хартиясини минтақамизда хавфсизликни ва баракорликни мустаҳкамлаш ҳамда Ташкилотимизнинг тезкорлик салоҳиятини такомиллаштириш мақсадида қабул қилдик. Биз ЕХХТнинг Доимий кенгашига мазкур Хартияда келишиб олинган янги қадамларни тез орада рўёбга чиқариш учун зарур қарорларни қабул қилишни топширамиз. ЕХХТ минтақасида дуч келинадиган таҳдидлар ва хуружларга қарши туриш, одамлар хавфсизлигини таъминлаш ва бу билан бутун саъй-ҳаракатларимизнинг бош мақсади – ҳар бир инсоннинг турмушини яхши томонга ўзгартиришга эришиш учун биз мустаҳкамланган ЕХХТга таянмоғимиз даркор. Биз инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини хурмат қилишга ҳамда қандай шаклда бўлмасин камситишларга йўл қўймасликка қагъий аҳд қилганигимизни яна бир бор билдирамиз. Шунингдек, биз ҳалқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини хурмат қилишимизни таъкидлаймиз. Биз ЕХХТ минтақасида низоларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш мажбуриятини, бундай низолар қандай бўлмасин юз берәётган пайтда эса уларни тинчлик воситалари билан ҳал этиш мажбуриятини ўз зиммизга оламиз. Биз Хартиямизнинг таркибий қисми сифатида қабул қилганимиз – ҳамкорликка асосланган Хавфсизлик дастурига таянган ҳолда бошқа ҳалқаро ташкилотлар ва институтлар билан узвий ҳамкорлик қиласиз.
3. Косоводаги (Югославия Иттифоқдош Республикаси) вазият, айниқса, у срда вужудга келган гуманитар вазият ЕХХТ учун ҳамон жиддий хуруж бўлиб турибди.

Биз Косово албанлари ўртасида юз берган күп сонли қурбонлар ва ҳалок бўлган бошқа кишиларни, мол-мулки йўқ қилинган одамлар ва ўз уйларидан қувилган ёки уйларини тарк этган юз минглаб кишиларни унугтанимиз йўқ. Ҳозир бу қочқинларнинг аксарияти орқага қайтишди. Тиклаш борасида олиб борилаётган қийин ишларнинг илгари силжишига қараб бошқа қочқинлар ҳам қайтиб келишлари мумкин. ЕХХТнинг Косоводаги миссияси – БМТнинг 1244-сонли қарорига мувофиқ иш олиб бораётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кенг кўламдаги миссиясининг муҳим қисми ҳисобланади. Бугун ЕХХТ миссияси ўз таркибига 1400 нафардан зиёд штатли ходимни жамлаган бўлиб, у Косовода кўп миллатли жамиятни қайта тиклаш жараённида ҳаётий жиҳатдан муҳим роль ўйнайди; ЕХХТнинг полиция билим юртида ўқишига биринчи бор қабул қилинган курсантлар ўқишини битиришди, Ташкилот суд ва маъмурий органлар учун хизмат қиливчи ходимларни тайёрлашга киришди. ЕХХТ фуқаролик жамиятини барпо этишга кўмаклашади, шунинг – дек кўп партиялилик сиссий муҳитини шакллантиришга, эркин оммавий ахборот воситаюари ҳамда барқарор ноҳукумат ташкилотларни ташкил этишга ўз ҳиссасини қўшади, ЕХХТ инсон ҳукуқларини қарор топтириш ва ҳимоя қилишда, қонун устуворлигини ҳурмат қилиш руҳини шакллантиришда еткачи ўрин тутади. Бу ишнинг муваффақияти демократиянинг илдиз отиши учун зарур шарт ҳисобланади. Биз уни тўла қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз. Мана шу йўналишларда илгарилаб борар эканмиз, биз Косовода илк бор эркин сайловни ўтказиш учун зарур шароитлар яратиш борасидаги ўз ишларимизни жадаллаштирамиз. Бу сайловни ташкил этиш ЕХХТга топширилган. Биз ЕХХТ миссияси томонидан олиб борилаётган ишларга маҳаллий аҳолини тобора кўпроқ жалб этишга интиlamiz.

4. Кўп йиллик жабр-зулм, муросасизлик ва зўравонликдан сўнг Косовода БМТ Хавф – сизлик Кенгашининг 1244-сонли резолюциясига мувофиқ узил-кесил барқарорлик юзага келгунга қадар Югославия Иттифоқдош Республикасининг суверситети ва худудий яхлитлигини ҳурмат қилган ҳолда мавжуд мухторият негизида кўп миллатли жамият барпо этиш борасида қийин вазифа қўндаланг бўлиб турибди. Биз бу резолюция унга алоқадор бўлган барча кишилар томонидан тўла бажарилади ва унга қатъий риоя этилади, деб умид қиламиз. Биз Косовонинг бутун аҳолисига ёрдам берамиз. Бироқ улар ҳамда уларнинг еткачилари бўлишга интилаётган кишилар ҳар бир фуқаронинг ҳукуқларига тўлиқ ва теншатенг даражада риоя этиладиган кўп элатли жамият куриш учун биргаликда ишлашлари зарур. Улар барча этник гуруҳлар ўртасида ярашувга эришиб, манфур ва қасоскор одамлар доираси билан алоқаларни қатъий узмоқлари даркор. Кейинги ойларда биз Косоводан чиқсан янги бир зиддиятнинг гувоҳи бўлдик, бу сафар серблар ва албан бўлмаган бошқа миллат фуқаролари ўртасида зиддият юз берди. Яқиндагина юртидан қочиб кетгандарга уларнинг қайтиб келишлари ва ўз ҳукуқларидан фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар тикланмоғи керак. Ўз ҳақ-ҳукуқлари учун курашиб жабрланган кишилар энди бошқаларнинг ҳам тенг ҳукуқлилиги учун курашишлари керак. Биз бундан буён қандай шаклда бўлмасин зўравонликка ва этник белгиси бўйича камситишларга қатъий қарши турамиз. Бундай ҳодисаларга қарши турмаслик минтақадаги хавфсизликка салбий таъсир кўрсатади.
5. Югославия Иттифоқдош Республикасининг демократик ривожланишидаги камчиликлар бизни минтақада жиддий ташвишга солаётган асосий манбалардан бири

бўлиб қолмоқда. Югославия Иттифоқдош Республикасининг раҳбарияти ва аҳолиси мамлакатни демократия ҳамда инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш йўлига қатъий солиб юборишлари лозим. ЕХХТ вазият тақозо этган заҳотиёқ демократлаштиришни жадаллаштиришга, мустақил оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга ҳамда Югославия Иттифоқдош Республикасида эркин ва ҳаққоний сайловни ўтказишга кўмаклашишга тайёрдир. Биз Югославия Иттифоқдош Республикасига ўзимизнинг тенг ҳукуқли шеригимиз сифатида қараш ниятида эканлигимизни таъкидлаймиз. Демократия йўлидаги аниқ тараққиёт Югославия Иттифоқдош Республикасининг халқаро ҳамжамият, шу жумладан ЕХХТ ҳаётида тенг ҳукуқли тарзда иштирок этишида ижобий қадам бўлади, ўсиш ва равнақ топиш учун янги асос яратади.

6. Биз ҳамон Босния ва Герцеговинада Тинчлик тўғрисидаги умумий доирадаги шартнома асосида кўп миллатли демократик давлат барпо этиш тарафдоримиз. Биз умумий институтларнинг ишини такомиллаштириш муҳимлигини ҳамда бу ва бошқа институтлар халқаро ҳамжамият ҳал этадиган бошқа вазифаларни ҳам ўз зиммаларига олиши зарурлигини таъкидлаймиз. Биз Босния ва Герцеговинада сайлов тўғрисидаги доимий қонун тез орада қабул қилинади ва бу қонун 2000 йилнинг кузига белгиланган умумий сайловга қадар ҳаётга татбиқ этилади, деб умид қиласиз. Биз Босния ва Герцеговинанинг барча етакчиларини иккала давлатнинг янада узвий яқинлашуви учун ҳамда кишилар, товарлар ва хизматлар ягона давлат чегараларида эркин ҳаракат қилиши учун шароит яратиш йўлида қатъий қадамлар кўйишга чақирамиз, зоро бу барқарорлик ва равнақ топишга хизмат қиласи. Биз қонун устуворлигини ҳурмат қилиш, иқтисодий ислоҳотлар ва тараққиётга жиддий хавф соладиган уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши шиддатли кураш олиб бориш муҳимлигини таъкидлаймиз. Биз ҳамон қочқинлар ва мамлакат ичкарисида кўчиб юрган шахсларнинг, айниқса, озчиликни ташкил қилган миллатларнинг ўз жойларига қайтиши мақсадларига хайриҳоҳмиз.
7. Биз Хорватияда ярашишга эришишга қаратилган саъӣ-ҳаракатларни фаоллаштириш мақсадида Хорватия ҳокимияти билан иш олиб бориш муҳимлигини таъкидлаймиз. ЕХХТ кўп миллатли Хорватияни барпо этишда бундан буён ҳам ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади, урушдан кейинги даврда ишонч ва ярашишнинг мустаҳкамланишига кўмаклашади. Биз қочқинлар ва кўчиб юрган шахсларнинг қайтишида янада тезроқ силжиш бўлишини, этник келиб чиқишидан қатъи назар, барчага бирдек муомала қилиниб, халқаро нормалар қарор топишини, оммавий ахборот воситаларига эркинлик берилишини, шунингдек эркин ва ҳаққоний сайлов ўтказилишини мўлжаллаяпмиз. Хусусий шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этган Хорватиянинг Дунай бўйи туманида ЕХХТ томонидан полиция мониторинги амалга оширилиши ЕХХТнинг янги тезкор салоҳиятни тез ва самарали яратা олиш қобилияти борлигидан далолат беради.
8. Биз Албанияга 1997 йилги ларзалар оқибатида ва 1999 йилда Косоводан келган қочқинлар оқими сабабли вужудга келган танглик туфайли юз берган муваффақиятсизликдан сўнг ўз ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлари жараёнини давом эттириш даражасига қараб кўмаклашиш мажбуриятини олишимизни яна бир бор таъкидлаймиз. Кейинги вақтда тараққиётга эришилганлигини таъкидлан ҳолда биз ҳукуматни ва барча сиёсий партияларни мамлакатдаги сиёсий му-

хитни соғломлаштиришга ҳамда бу билан демократия институтларининг мустаҳкамланишига кўмаклашишга даъват этамиз. Биз Албаниянинг янги ҳукуматини жиноятчилик ва коррупцияга қарши олиб борилаётган курашни давом эттиришга чақирамиз. ЕХХТ ўз кўмагини давом эттиришга, шунингдек «Албания дўстлари» гуруҳи доирасида Европа Иттифоқи ва халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга қатъий аҳд қилган.

9. Биз сobiқ Югославия Республикаси бўлган Македония ҳукуматининг мамлакатда барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий равнақни таъминлашга қаратилган ислоҳотларни ўтказиш йўлига содиқлигини юксак даражада қадрлаймиз. Биз ЕХХТнинг бу жараёнда мазкур ҳукуматнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қатъий аҳд қилганлигини тасдиқлаймиз ва элатлараро муносабатларни ривожлантиришга узлуксиз эътибор бериш муҳимлигини таъкидлаймиз.
10. Биз бу талотўпда энг кўп азият чеккан мамлакатлар – Албания ҳамда сobiқ Югославия Республикасининг Македония ҳукуматлари ва халқларига, шунингдек бошқа қўшни мамлакатларга уларнинг Косоводан келган қочқинлар тўлқини оқибатида юз берган танглик вақтида кўрсатган мсҳмондўстлиги, бу даврда ўз зиммаларига оғир сиёсий ва иқтисодий мушкулотларни олиб, матонат кўрсатганларни учун миннатдорчилик билдирамиз.
11. Бизнинг Жанубий-Шарқий Европадаги тажрибамиз ушбу минтақага кенгроқ назар ташлаш зарурлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам биз Европа Иттифоқининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Жанубий-Шарқий Европа учун барқарорлик тўғрисидаги ҳужжат Кёльн шаҳрида 1999 йил 10 июнда Вазирлар конференцияси томонидан қабул қилинганлигини маъқуллаймиз. Мазкур ҳужжат бошқа қатнашчи давлатлар ҳамда кўмаклашувчи давлатлар, халқаро ташкилотлар ва институтлар билан ҳамкорлик қилишда етакчи ўрин тутади. Биз олий даражадаги Сараево учрашувида пайдо бўлган фикрни, яъни минтақавий ҳамкорлик – минтақа мамлакатларининг янада кенгроқ тузилмаларга интеграциялашвида катализатор бўлиб хизмат қиласи, деган фикрни янгича куч-ғайрат билан таъкидлаймиз. Ушбу ҳужжат топширилган ЕХХТ унинг муваффақиятга эришишини таъминлашда етакчи роль ўйнашга даъват этилгандир ва биз мазкур ҳужжатнинг мақсадларига эришишга қаратилган минтақавий стратегияни ишлаб чиқишини Доимий кенгашга топширамиз. Биз Барқарорлик тўғрисидаги ҳужжат бўйича махсус мувофиқлаштирувчи шахс ҳамда ЕХХТ амалдаги Раисининг махсус вакили томонидан тақдим этилган маъruzalarни қўллаб-қувватлаймиз. ЕХХТ унинг таркибиға кирган иштирок этувчи давлатлар ва бу минтақадаги ноҳукумат ташкилотлар билан ўзаро яқин ҳамкорликда иш олиб боради.
12. Биз Халқаро жиноят трибуналининг сobiқ Югославия бўйича олиб бораётган иши минтақада мустаҳкам тинчлик ва адолатга эришиш учун принципиал жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз ва ҳамманинг Трибунал билан тўла даражада ҳамкорлик қилиш мажбурияти борлигини яна бир бор таъкидлаймиз.
13. Кейинги йилларда Марказий Осиёдаги бешта иштирок этувчи давлат билан ҳамкорлигимиз сезиларли даражада кучайди. Марказий Осиё давлатлари вакилларининг ЕХХТга ҳамда ЕХХТ вакилларининг Марказий Осиёга тобора кўпроқ юксак даражадаги ташрифлари сиёсий мулоқотнинг ривожланишига хизмат қиласи. Марказий Осиёдаги шерикларимизнинг доимий қўллаб-қувватлаши натижасида ЕХХТ бу ердаги барча бешта давлатда ўзининг бюrolарини очди. Чунончи, бу

ЕХХТнинг барча мезонлари доирасида ўзаро ҳамкорликка асосланган мuloқотларимиз кенгайишига кўмаклашди. ЕХХТнинг бутун минтақасида кенг қамровли хавфсизликка эришиш борасидаги ўз мақсадимизни яна бир бор баён этган ҳолда, биз мана шу ижобий силжишларни қизгин қўллаб-қувватлаймиз. Биз аминмизки, ҳамкорлик ва умумий мажбуриятларимиз асосидаги саъй-ҳаракатларни авж олдириш бу қийин ва мураккаб ўтиш жараёнида зарур бўлган олға силжиш учун туртки бўлади. Конун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини хурмат қилиш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш – бизнинг ҳамкорликка асосланган фаолиятимиз кенг дастурининг энг марказий унсурларидан биридир. Шу туфайли ҳам биз Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИҲБ) билан Мараказий Осиёдаги иштирок этувчи давлатлар ўртасида келишув ҳақидаги меморандумларнинг имзоланиши жараёнини қўллаб-қувватлаймиз.

14. Биз Марказий Осиёдаги қатнашчи давлатлар томонидан ҳалқаро терроризмга, тажовузкор экстремизмга, уюшган жиноятчилик ҳамда гиёхвандлик моддалари ва қурол-яроғларнинг ноқонуний муюмаласига доир билдирилган ташвишларга шерикмиз. Биз бу хуружларга, шу жумладан иштирок этувчи давлатларга қўшни бўлган ҳудудлардан чиқаётган хуружларга қарши туриш учун миллий ва минтақавий даражаларда чора-тадбирлар кўриш, шунингдек бутун ҳалқаро ҳамжамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари зарурлигига қўшиламиз. Биз минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик кўмаклашишига аминмиз ва бунга амалдаги Раиснинг фаол ёндашувини қутлаймиз.
15. Грузиянинг суверситети ва ҳудудий яхлитлигини қатъий қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор билдирилган ҳолда, биз Жанубий Осетиянинг Цхинвали минтақаси ва Абхазияга (Грузия) доир низоларни, чунончи бу минтақаларнинг Грузия таркибидағи сиёсий мақомини белгилаш йўли билан ҳал этиш зарурлигини таъкидлаймиз. Инсон ҳуқуқларини хурмат қилиш ва биргаликдаги демократик институтларни барпо этиш, шунингдек қочқинлар ҳамда мамлакат ичкарисида кўчиб юрган шахсларнинг зудлик билан, хавфсиз ва шак-шубҳасиз ўз жойларига қайтишлари бу низоларнинг тинчлик йўли билан бартараф этилишига хизмат қилади. Биз бу йўналишда амалий қадамлар қўйиш муҳимлигини таъкидлаймиз. Биз Грузиядаги Россия қурол-аслаҳалари ва ҳарбий анжомларини қисқартириш тўғрисида Грузия билан Россия ўртасида олиб борилаётган музокаралар жараёнида олий даражада ўтказилган учрашув чоғида эришилган ижобий силжишни маъқуллаймиз.
16. Жанубий Осетиянинг (Грузия) Цхинвали минтақасига келсак, шуни айтиш керакки, низони бартараф этиш йўлида муайян силжишга эришилди. Биз ҳозирги пайтда олиб борилаётган мuloқотни қўллаб-қувватлаш ва фаоллаштириш муҳимлигини таъкидлаймиз. Янги бир силжиш жараёнида биз яқин вақт ичida Венада ушбу минтақанинг эксперлари иштирокида учрашув ўтказиш ва ундан низони бартараф этиш йўлида қагъий қадамлар қўйиш учун фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Манфаатдор тарафларнинг қочқинлар ва мамлакат ичкарисида кўчиб юрган шахсларни ўй-жой билан таъминлаш ҳамда уларга ўз мулкларини қайтариб бериш учун ҳуқуқий асослар яратиши қочқинлар ва мазкур минтақа ичкарисида кўчиб юрган шахсларнинг ўз жойларига тезроқ қайтишларига қўмаклашади. Шунингдек, биз иқтисодий тиклаш тўғрисидаги Грузия – Россия бити-

мини тез орада имзолашга даъват қиласиз ва бундан буён ҳам халқаро иқтисодий ёрдам кўрсатилишини маъқуллаган бўлур эдик.

17. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Абхазиядаги (Грузия) етакчилик ролини қўллаб-қувватлайверамиз. Биз бу низони тинчлик йўли билан ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларда мавжуд боши берк кўчадан чиқиш муҳимлигини таъкидлаймиз. Шу муносабат билан биз – чунончи бизнинг орамиздан «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг дўстлари» гуруҳи таркибиға кирадиган кишилар ҳам – Грузия марказий ҳокимиюти билан Абхазия (Грузия) ҳокимиюти ўртасидаги конституциявий ваколатларни тақсимлаш тўғрисидаги хужжат лойиҳасини тайёрлаш ва тақдим этишда БМТ билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Биз, Будапешт ва Лиссабондаги олий даражада бўлиб ўтган учрашувларда айтиб ўтилганидек, Абхазияда (Грузия) оммавий вайронагарчиликларга ва кўпроқ грузин аҳолисини зўрлик билан қувиб чиқаришга олиб келган «этник тозалашларни», шунингдек 1998 йилнинг май ойида Галь ҳудудида юз берган зўравонлик ҳаракатларини қатъий қоралашимизни яна бир бор билдирамиз. Ўз жойларига қайтиб келганларнинг мавқеига хавф солиб турилганлиги муносабати билан биз, келгуси йилнинг бошларида Галь ҳудудига ЕХХТ ва БМТ вакиллари иштирокида далилларни аниқлаш юзасидан миссия юборилишини, бошқа кўпгина хабарлар каби давом этаётган этник тозалаш ҳоллари ҳақидаги хабарларга ҳам баҳо берилишини маслаҳат берамиз. Бундай миссия қочқинлар ҳамда минтақа ичида кўчиб юрган шахсларнинг шак-шубҳасиз ва хавфсиз тарзда ўз жойларига қайтишларини халқаро қўллаб-қувватлашни кенгайтириш учун асос яратган ва минтақадаги умумий барқарорликни оширишга кўмаклашган бўлур эди. Биз бу йил Абхазияда (Грузия) ўтказилган Президент сайлови ва референдум деб атalgan тадбирларни номақбул ва ноқонуний деб ҳисоблаймиз.
18. Биз кейинги вақтда Днестр бўйи муаммоларини бартараф этиш жараёнида умидбахш қадамлар қўйилганлигини маъқуллаймиз. Бу борада 1999 йил июль ойида Киевда олий даражада ўтказилган учрашув муҳим воқеа бўлди. Бироқ бош масала – Днестр бўйи минтақасининг мақомини белгилаш борасида ҳозирча сезиларли силжишлар рўй бермади. Биз бу муаммони ҳал этишда Молдова Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги таъминланиши даркор, деб яна бир бор таъкидлаймиз. Биз музокара жараёнини давом эттириш ва ривожлантириш тарафдоримиз ҳамда барча тарафларни, шу жумладан Днестр бўйи маъмуриятини музокараларда можаро оқибатларини тез орада тинчлик йўли билан бартараф этиш тўғрисида келишувга эришилиши учун зарур сиёсий ирова на майиш этишга чақирамиз. Биз Днестр бўйи минтақасининг Молдова Республикаси таркибидаги бўлажак мақоми тўғрисидаги масалага доир музокаралар жараёнида Россия Федерацияси, Украина ва ЕХХТнинг воситачилик саъй-ҳаракатлари давом эттирилишига юқори баҳо берамиз. Биз минтақада барқарорликни таъминлашда Биргаликдаги тинчлик ўрнатувчи кучларнинг ижобий аҳамият касб этишини таъкидлаймиз.
19. Будапешт ва Лиссабонда ўтказилган олий даражадаги учрашувлар ҳамда Ослода ўтказилган Вазирлар Кенгашининг учрашувларида қабул қилинган қарорларни эслатиб ўтган ҳолда, биз Россия қўшиллари Молдовадан тезда, тартиб билан ва тўлиқ олиб чиқиб кетилишини кутаётганлигимизни яна бир бор билдирамиз. Бу борада биз Молдованинг Днестр бўйи ҳудудида жамланган Россия ҳарбий мулкининг олиб чиқиб кетилиши ва йўқ қилиниши тўғрисидаги масалада кейинги

вақтда эришилган силжишни ҳамда ташиб бўлмайдиган жанговар ўқ-дориларни йўқ қилиш ниҳоясига етказилишини маъ-қуллаймиз.

Биз Россия Федерациясининг Россия қуролли кучаларини Молдова ҳудудидан 2002 йил охиригача олиб чиқиб кетишни ниҳоясига етказиш борасида олган мажбуриятини маъқуллаймиз. Шунингдек, биз Молдова Республикаси билан ЕХХТнинг, ҳар бири келишилган муддатга қадар, ўз имкониятлари даражасида бу жараёнга кўмаклашишга тайёр эканликларини маъқуллаймиз.

Биз баҳолаш бўйича халқаро миссия Россиянинг жанговар ўқ-дорилари ва қуроляроғлари олиб чиқиб кетилиши ҳамда йўқ қилиниши тўғрисидаги масалани ўрганиш учун зудлик билан жўнаб кетишга тайёр эканлигини эслатиб ўтамиз. Олиб чиқиб кетиш ва йўқ қилишни жараёни ишончли асосда ташкил этилиши учун биз Доимий кенгашга мазкур жараённинг транспарентлигини таъминлаш ҳамда олиб чиқиб кетиш ва йўқ қилишни снгиллаштириш учун таклиф этилаётган молиявий ва техникавий ёрдамни мувофиқлаштириш мақсадида ЕХХТнинг Молдовадаги миссияси мандатини кенгайтириш масаласини кўриб чиқиш учун топшириқ берамиз. Бундан ташқари, биз халқаро ихтиёрий молиявий ёрдам кўрсатиш учун жамғарма (уни ЕХХТ бошқаради) таъсис этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга розимиз.

20. Биз Тогли Қорабоғдаги можаро муносабати билан юзага келаётган вазият ҳамда сўнги воқеалар ҳақида ЕХХТнинг Минск гуруҳи ҳамраисларининг маъruzасини олдик ва улар томонидан қилинган саъи-ҳаракатларни ижобий баҳолаймиз. Бизни Арманистон ва Озарбайжон Президентлари ўртасида кучайиб бораётган мулоқот айниқса қувонтиради, уларнинг мунтазам ўтказилаётган учрашувлари мавжуд муаммони мустаҳкам ва кенг қамровли ҳал этиш йўлидаги изланиш жараёнига туртки бериш учун шароит яратди. Биз ушбу мулоқотни қатъий қўллаб-куватлаймиз ва Минск шаҳридаги гуруҳ доирасида музокараларнинг тикланишига умид қилиб, уни давом эттиришга даъват этамиз. Айни вақтда биз ЕХХТ ҳамда унинг можарони бартараф этиш йўлларини излаш учун энг қулай усул бўлиб қолаётган Минск шаҳридаги гуруҳи тинчлик жараённининг янада илгари силжишига ва келгусида унинг рўёбга чиқарилишига, шу жумладан тарафларга барча зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан амалга оширилишга кўмаклашишга тайёрмиз.
21. Биз бу йил Ереван шаҳрида ЕХХТнинг Бюроси очилишини ва Боку шаҳрида ҳам худди шундай Бюро очиш тўғрисида қарор қабул қилинганилигини маъқуллаймиз. Бу қадамлар ЕХХТга Арманистон ва Озарбайжон билан ўз ҳамкорлигини мустаҳкамлаш имконини беради.
22. Биз Беларусдаги Маслаҳатлашув-кузатув гуруҳи олиб бораётган ишларни қатъий қўллаб-куватлаймиз. Бу гуруҳ Беларусъ ҳокимияти билан ҳам, муҳолифатдаги партиялар ва еткачилар билан ҳам, шунингдек ноҳукумат ташкилотлар билан ҳам демократик институтларни қарор топтириш ва ЕХХТ доирасида қабул қилинган мажбуриятларнинг янада қатъийроқ бажарилиши борасида яқиндан ҳамкорлик қилмоқда, бу билан Беларусда конституциявий қарама-қаршиликларни енгиб ўтишга кўмаклашмоқда. Биз ЕХХТнинг Парламент ассамблеси билан яқин ҳамкорликда ЕХХТ иштирокида бўлаётган сиёсий мулоқотда тез орада силжиш бўлиши тарафдоримиз. Биз бу мулоқот йўлида кўндаланг турган барча тўсиқларни бартараф этиш, қонун устуворлиги ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги тамойиллари хурмат қилинишини таъминлаш зарурлигини таъкидлаймиз.

23. Шимолий Кавказда яқында бўлиб ўтган воқеалар муносабати билан биз Россия Федерациясининг худудий яхлиглигини тўла эътироф этишимизни ва ҳар қандай шаклдаги терроризмни қоралашимизни яна бир бор қатъий қайд этамиз. Биз ЕХХТ нормаларига риоя этилиши зарурлигини таъкидлаймиз. Биз минтақада гуманитар соҳада юз берган вазиятда фуқаро аҳолининг мушкулини осон қилиш, шу жумладан аҳолига гуманитар ёрдам кўрсатиш учун ҳалиқаро ташкилотларга тегишли шароитлар яратиб бериш билан ҳам фуқаро аҳолининг ташвишларини енгиллатиш муҳим вазифадир, деган ягона фикрдамиз. Биз муаммони сиёсий жиҳатдан ҳал этиш йўлларини топиш зарурлигини маъқуллаймиз ва ЕХХТ томонидан кўрсатиладиган ёрдам шу мақсадга эришишга кўмаклашган бўлур эди, деб биламиз. Биз ЕХХТнинг сиёсий мулоқотни тиклашга ёрдам бериш истагини маъқуллаймиз. Биз Россия Федерациясининг минтақага амалдаги Раис сифатида ташриф этишга розилик берганлигини маъқуллаймиз. Биз ЕХХТнинг Чеченистондаги ҳозирги Кўмаклашув гуруҳи мандатини тасдиқлаймиз. Шу муносабат билан биз Россия Федерациясининг минтақада барқарорлик, ҳавфсизлик ва иқтисодий равнақ учун шароитлар яратишга ёрдам берадиган мазкур чора-тадбирларга кўмаклашиш истагини ҳам маъқуллаймиз.
24. Миссиянинг бутун тарихи мобайнида унинг ишлари жуда кенг кўламда қулоч ёйдирилган йил сифатида нишонланган бу йилда биз таркибига кўра унча катта бўлмаган миссияларимиздан бири, яъни Скрунд шаҳридаги Радиолокация станцияси бўйича бирлашган комиссияда ЕХХТ вакилининг миссияси муваффақиятли ніҳояланганлигини қутлаймиз. Бу фаолият Украинанинг Крим Мухтор Республикасидаги барқарорлаштириш жараёнига ЕХХТ томонидан қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Биз Украина билан ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз, шу жумладан Украина ЕХХТ лойиҳаларининг Мувофиқлаштирувчиси йўли бўйича унинг мандати ва келишув тўғрисидаги меморандуми асосида ҳам ҳамкорлик давом этиши керак.
25. Биз ЕХХТнинг Украинадаги миссияси ишлари муваффақиятли ніҳояланганлигини қутлаймиз. Бу фаолият Украинанинг Крим Мухтор Республикасидаги барқарорлаштириш жараёнига ЕХХТ томонидан қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Биз Украина билан ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз, шу жумладан Украина ЕХХТ лойиҳаларининг Мувофиқлаштирувчиси йўли бўйича унинг мандати ва келишув тўғрисидаги меморандуми асосида ҳам ҳамкорлик давом этиши керак.
26. Олдимизда сайлов жуда кўплигини ҳисобга олиб, биз сайловларнинг эркин ва ошкора тусда ўтишини, шунингдек уларнинг ЕХХТ доирасида қабул қилинган принциплар ва мажбуриятларга мувофиқ бўлишини таъминлашга қатъий аҳд қилганимиз. Бу демократик ривожланиш учун ишончли асос яратилишини таъминлайдиган ягона йўлдир. Биз Демократик институтлар ва инсон ҳукуқлари бўйича бюро (ДИИҲБ)нинг турли мамлакатларга ЕХХТ доирасида қабул қилинган принциплар ва мажбуриятларга жавоб берувчи сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишида ёрдам кўрсатиш борасидаги ролини муносаб баҳолаймиз ва у томонидан тақдим этиладиган, сайловнинг ўтишига баҳо берилиган хулоса ва тавсияларга зудлик билан муносабат билдириш истагидамиз. Биз ДИИҲБ ва ЕХХТ Парламент ассамблеясининг сайловга қадар, сайлов вақтида ва сайловдан кейин олиб борадиган ишлари муҳимлигини эътироф этамиз, зеро бу ишлар демократия жараёнига қўшимча бир ҳисса бўлиб қўшилади. Биз озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб бўлган шахслар учун овоз бериш ҳукуқи тўлиқ даражада таъминланишини кафолатлашга ҳамда қочқинларнинг ўз дастлабки яшаш жойларицаги мамлакатда ўтказиладиган сайловда қатнашиш ҳукуқла-

рини рүёбга чиқариш учун шароитлар яратышга қатый ахд қылғанмиз. Биз номзодлар ўртасида ҳам, партиялар ўртасида ҳам ҳалол рақобат бўлишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз, шу жумладан бу ишни уларга оммавий ахборот воситаларида эркин чиқиш имкониятини яратиб бериш ва йиғилишлар ўтказиш эркинлигини хурмат қилиш йўли билан амалга оширамиз.

27. Биз фикрлар хилма-хиллиги ҳукмрон бўлган демократик жамиятлар қарор топишининг фундаментал шарти ҳисобланган оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз. Биз можаролар юз берган зоналарда нафрат ва элатлараро кескинлик оловини ёкиш учун оммавий ахборот воситаларини си— истеъмол қилишдан, шунингдек фуқароларни эркин оммавий ахборот воситаларидан маҳрум қилиш учун ҳуқуқий чекловлар ва гиж-гижлашлардан фойдаланишидан ниҳоятда ташвишдамиз. Биз ҳар қандай демократик жамиятда сиёсий мулоқотнинг энг муҳим унсурларидан бўлган ўз фикрларини эркин билдиришни таъминлаш зарурлигини таъкидлаймиз. Биз Оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакил бюросининг эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.
28. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганлигининг ўн йиллигини нишонлаш ҳамда ЕХХТнинг Коненгаген кенгаши ҳужжатида қайд этилган мажбуриятларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида, биз айниқса, можаролар шароитида ва можаролар ўтганидан кейинги шароитда болалар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини фаол ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз. Биз ЕХХТ фаолиятида болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги масалага мунтазам равища эътибор берамиз, шу жумладан 2000 йилда қуролли можаролар содир этилган шароитда болаларнинг аҳволига бағишлиган маҳсус кенгаш ташкил этиш йўли билан бу масалага эътиборни қаратамиз. Биз қуролли можароларга жалб этилган ёки уларга тортилган болаларнинг жисмоний ва психологияк фаровонлиги масалаларига алоҳида эътибор берамиз.
29. ЕХХТнинг иқтисодиёт ва атроф мухит соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи амалдаги Раис ҳамда Бош котиб раҳбарлигига ва ЕХХТнинг жойлардаги тегишли операциялари билан яқин ҳамкорликда хавфсизликка нисбатан иқтисодий ҳамда экологик хавфлар тўғрисидаги мунтазам маъruzalarни тайёрлаши даркор. Бу маъruzalarда иқтисодий ва экология муаммолари билан хавфсизлик муаммоси ўртасидаги ўзаро алоқа тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш масалалари, шунингдек бизнинг ЕХХТ мінтақасида иқтисодий ва экологик жиҳатдан хавфсизликни таъминлаш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар билан алоқаларимиз ҳақидаги масалалар ёритилиши лозим. Бундай маъruzalar Доимий кенгаш муҳокамасига киритилади.
30. Биз қонунлар ва сиёсий кўрсатмалар озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини, айниқса, маданий ўзига хосликка даҳлдор масалаларга тааллуқли ҳуқуқларини тўла даражада хурмат қилишни назарда тутишини таъминлашга қатый ахд қилғанлигимизни яна бир бор тасдиқлаймиз. Чунончи, биз озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб шахсларнинг таълим олиш ва тил ҳуқуқларига, шунингдек уларнинг жамият ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқларига тааллуқли қонунлар ҳамда сиёсий кўрсатмаларнинг қўлланиши мумкин бўлган ҳалқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлиги тўғрисидаги талабни таъкидлаймиз. Шунингдек, биз камситишларга қарши ҳамма учун мутлақо

тeng имкониятларни таъминловчи кенг қамровли қонун ҳужжатлари қабул қилиниши ва тўлиқ қўлланилиши тарафдоримиз. Биз Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссарнинг жуда мұхим иш олиб борганлигини таъкидлаймиз. Биз Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар Бюроси тавсияларини бажариш борасидаги ўз саъй-ҳаракатларимизни кучайтирамиз, деб яна бир бор таъкидлаб ўтамиз.

31. Биз озчиликни ташкил қилган миллатларга, шу жумладан рома ва синти элатларига нисбатан зўравонлик ҳоллари ҳамда бошқа ирқчилик кўринишлари ва камситишлар мавжудлигини афсус билан таъкидлаймиз. Биз қонун ҳужжатлари ҳамда сиёсий кўрсатмалар рома ва синти элатлари ҳуқуқларини тўла ҳурмат қилишни назарда тутишини, чунончи бу камситишларга қарши тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинишига кўмаклашиш зарур бўлган жойларда ҳам шундай бўлишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз. Биз рома ва синти элатларини ижтимоий жиҳатдан ажратиб қўйиш муаммосига қаттиқ эътибор бериш зарурлигини таъкидлаймиз. Бу масалаларда жавобгарлик асосан тегишли иштирок этувчи давлатлар зиммасидадир. Биз рома ва синти элатларига тааллуқли масалалар юзасидан алоқалар ўрнатиш учун ДИИҲБ хузурида фаолият кўрсатадиган пункт бу ишнинг қўллаб-қувватланишини таъминлашда мұхим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаймиз. Бу пункт Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар ҳамда мазкур муаммо билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар, шу жумладан Европа Кенгаши билан ҳамкорликда мақсадли ҳаракатлар режасини ишлаб чиқсалар, яна бир фойдали қадам бўлур эди.
32. Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тўла teng ҳуқуқлиликни таъминлаш юзасидан олган мажбуриятимиз ўзанида биз гендер соҳасида ЕХХТ ҳаракатлари режасини тез орада тасдиқлаш ва ҳаётга татбиқ этишни мўлжалламоқдамиз.
33. ЕХХТ Котибиятининг тезкорлик салоҳиятини янада мустаҳкамлаш юзасидан олган мажбуриятимиз доирасида биз Ташкилотнинг юқори малакали кадрларни ишга жалб этиш ва сақлаб қолиш борасидаги рақобатбардошлигини ошириш учун Ташкилотда ишлашга одам ёллаш шартларини яхшилаймиз, бу Котибиятга ўз вазифаларини уддалаш ҳамда бошқа вазифаларни бажариш имконини беради. Биз ЕХХТ институтларига хизматчиларни таъминлаш пайтида ва жойларда иш олиб бориш учун кадрлар таркибининг жуғрофий жиҳатдан хилма-хиллигини ҳамда эркаклар ва аёллар ўртасидаги зарур мувозанатни таъминлаш лозимлигини ҳисобга оламиз.
34. Биз шуни таъкидлаймизки, иштирок этувчи давлатларнинг катта бир қисми ЕХХТ институтларининг ҳуқуқий жиҳатдан қодирлиги тўғрисидаги ҳамда имтиёзлар ва даҳлисизликлар ҳақида масала бўйича 1993 йилда Вазирлар Кенгаши томонидан Рим шаҳрида қабул қилинган қарорни бажара олмадилар. Вазиятни тўғрилаш учун 1993 йилда Рим шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда вазирлар томонидан қабул қилинган қарордан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши борасида қатъий чора-тадбирлар кўриш зарурдир. Шу мақсадда биз ҳозирги вазиятни тўғрилаш йўлларига тааллуқли тавсиялар акс этган маърузани Вазирлар Кенгашининг навбатдаги учрашувига тайёрлаш мақсадида очик таркибининг норасмий ишчи гуруҳини ташкил этиб, бу ишни Доимий кенгашга тоширамиз.
35. ЕХХТ минтақасида биз дуч келаётган хуружларга тезлик билан ва самарали қарши туриш учун янги воситалар талаб этилади. Биз ЕХХТда зудлик билан экс-

иерг жиҳатидан қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик қилиш гурухини ташкил этиш дастурини (РЕАКТ) таъсис этиш тўғрисидаги қарор Хартияда қайд этилганлигини маъқуллаймиз. Биз имкони борича қисқа муддатларда бу гояни амалиётга тўла татбиқ этиш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз. Биз Хартияда ифодалangan бу қарорни биринчи навбатда бажаришга қатъий аҳд қилганимиз. Биз талаб этиладиган эксперталар салоҳиятини таъминлаймиз ва белгиланган тартибда зарур ресурслар ажратамиз. Биз эксперталар салоҳиятидан тезкорлик билан фойдаланишга тааллуқли хат Бош котиб томонидан Доимий кенгашга юборилганлигини маълумот учун қабул қиласиз. Биз Марказ таркибида низоларни бартараф этиш бўйича мақсадли гуруҳ ташкил этишини Доимий кенгаш ҳамда Бош котибдан илтимос қиласиз, бу гуруҳга РЕАКТ дастурини ишлаб чиқишни ҳамда 2000 йилнинг 30 июня қадар РЕАКТ гурухининг тўлиқ тезкор тайёргарлигини таъминлаш имконини берувчи бюджет тузишни тоширамиз.

36. Биз Доимий кенгашга ва Бош котибга худди шу муддатларда Марказ таркибида низоларни бартараф этиш бўйича Тезкор марказ тузиш тўғрисида Хартияда қайд этилган қарорни бажаришни тоширамиз. Бу Тезкор марказ таркибида ЕХХТ тезкор фаолиятининг барча турлари учун талаб этиладиган билимларга эга бўлган, зарурат туғилганда миқдори зудлик билан оширилиши мумкин бўлган сони унча кўп бўлмаган ходимлар асосий таркиб бўлади. Шунингдек, Котибиятни ва жойлардаги фаолиятимизни мустаҳкамлаш тўғрисида қарор қабул қилишни тоширамиз.
37. Хартияда биз ўзимизнинг қонун устуворлигига содиқлигимизни яна бир бор тасдиқладик ва коррупцияга қарши кураш олиб бориш зарурлигини таъкидладик. Биз Доимий кенгашга Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Европа Кенгashi ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти каби бошқа ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишларни ҳисобга олган ҳолда коррупцияга қарши кураш олиб боришга доир саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашнинг энг самарали йўллари тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқишни тоширамиз. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижалари ҳақида 2000 йилда вазирлар учрашувида ахборот берилади.
38. Бизнинг учрашувимиз яқиндагина вайрон этувчи зилзилалардан азият чеккан Туркияда ўтаётганлиги бизни табиий оғатларнинг бутун оғирлигини яхши англашга мажбур этади. Биз ҳалқаро ҳамжамиятнинг бундай ҳодисаларга зудлик билан эътибор қилиш қобилиятини оширишимиз, иштирок этувчи давлатлар, ҳалқаро ташкилотлар ва ноҳукумат ташкилотларнинг куч-ғайратлари мувофиқлаштирилишини яхшилашимиз зарур. Биз Доимий кенгашга бу масалани муҳокама қилишни давом эттиришни тоширамиз.
39. Биз Европада Одатдаги қуролли кучлар тўғрисидаги шартноманинг муваффақиятили татбиқ этилишини маъқуллаймиз. Татбиқ этилган шартнома янада қатъий чекловлар тизимини киритиш йўли билан ҳарбий барқарорликни таъминлаш, қуролли кучлар қўлланилган минтақада одатдаги қуролли кучларнинг транспарентлигини ошириш ва даражасини пасайтириш имконини беради. Биз иштирок этувчи давлатлар бу ҳужжатни ратификация қилишнинг миллий жараёнлари ниҳоясига стказилиши учун зудлик билан чора-тадбирлар кўрадилар, деб умид қиласиз, бунда уларнинг Шартнома ҳамда у билан боғлиқ ҳужжатларнинг Татбиқ этиш тўғрисидаги битим кучга киргунига қадар ва кучга кирганидан кейин тўлиқ ва доимий бажарилишига содиқ эканликларини, бунинг катта аҳамият касб этишини эътиборга оламиз. Татбиқ этиш тўғрисидаги битим кучга кирга-

нидан сүнг Атлантика оксанидан то Урал тоғларигача у амал қиладиган миңтақадаги худудга эга бўлган ЕХХТ иштирок этувчи давлатлари ушбу татбиқ этилган Шартномага қўшилиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишлари мумкин, бу Европада барқарорлик ва хавфсизликка янги муҳим ҳисса бўлади.

40. Биз ЕХХТнинг Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик бўйича форуми томонидан хавфсизлик, ҳамкорликни ривожлантириш, транспарентлик ва ўзаро ишонч муаммоларига доир мулоқотни силжитиш юзасидан кўрилган чора-тадбирларни, шунингдек ушбу Форум томонидан ЕХХТ учун 1992 йилда Хельсинки шаҳрида қабул қилинган унинг мандатига мувофиқ кенг қамровли ва бўлинмас хавфсизлик концепцияси бўйича амалга оширган ишларини ижобий баҳолаймиз. Биз 1999 йилда Вена шаҳрида ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида ҳужжат қабул қилинганини муносабати билан ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини қайта кўриб чиқиши ниҳоясига етказилаётганини маъқуллаймиз, зеро бу ҳужжат ҳарбий-сиёсий соҳадаги ҳамкорлик ва барқарорликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Мазкур ҳужжат ҳозирги пайтда ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг яхшиланишига ҳисса қўшади ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳимлигини тасдиқлайди. Биз хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига тааллуқли Ҳулқ-атвор кодексида қайд этилган принципларга ўзгармас равишда тўла содиқлигимизни билдирамиз. Биз Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик форумининг ўқотар қуроллар ва енгил қурол-аслаҳаларнинг тар— қалиши муаммоларининг барча жиҳатларини кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилишга киришиш ҳамда бу қуролларнинг ўта кўп миқдорда ва вазиятни бузадиган даражада тўпланиб қолиши ҳамда назорат қилинмаган ҳолда тарқалишидан келиб чиқувчи тинчлик ва барқарорликка хуружларга жавоб бериш учун бу муаммони ҳал этишнинг аниқ чора-тадбирларини ўрганишга киришиш тўғрисидаги қарорни маъқуллаймиз.
41. Биз Тинчлик тўғрисидаги умумий доирадаги битимга доир 1-В илованинг V моддасида назарда тутилган минтақавий барқарорлик ҳақидаги музокаралар амалий тус олганлигини қониқиши билан таъкидлаймиз. V моддага мувофиқ олиб бориляётган музокараларнинг муваффақиятли якунланиши минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга жиддий ҳисса бўлиб қўшилган бўлур эди. V моддага мувофиқ музокараларда қатнашаётган давлатларни 2000 йил охирига қадар ўз ишларини ниҳоясига стказишга қатъий даъват этамиз. Биз Босния ва Герцеговинада ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги битимнинг ҳамда Босния ва Герцеговинада Тинчлик тўғрисидаги умумий доирадаги битимга доир 1-В иловага мувофиқ ишлаб чиқилган қурол-яроғлар устидан минтақавий қўшимча назорат ҳақидаги битимнинг бажарилишига кўмаклашишда ЕХХТнинг фаол ўрин тутаётганини юқори баҳолаймиз.
42. Биз Очиқ осмон бўйича шартноманинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлаймиз. Шу туфайли синов парвозлари Шартномада назарда тутилган кузатув парвозлари тартиби ўрнини ҳеч қандай даражада боса олмаслигига ишонч ҳосил қилган ҳолда, биз мазкур Шартноманинг ратификация қилиниши ва кучга кириши жараёнини тез орада ниҳоясига етказишга қатъий даъват қиласиз.
43. Биз пиёдаларга қарши миналар одамларнинг оммавий равишда азоб ческишларига сабаб бўлаётганини таъкидлаймиз ҳамда пиёдаларга қарши миналарни қўллаш, тўплаш, ишлаб чиқариш ва бошқаларга бериш тўғрисидаги ва уларни йўқ қилиш ҳақидаги 1999 йил 1 марта қабул қилинган Конвенциянинг кучга

кирганлигини таъкидлаймиз. Шунингдек, биз ниҳоятда катта шикаст етказувчи ёки бир хил самарага эга бўлган қурол сифатида қараладиган одатдаги қурол-яроғларнинг муайян турларидан фойдаланишни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги БМТ Конвенциясига доир Миналар бўйича қўшимча протоколнинг 1998 йил 3 декабрда кучга кирганлигини таъкидлаймиз. Биз яна бир бор пиёдаларга қарши ишлатиладиган миналардан фойдаланишга қарши глобал гуманитар кампанияни ўтказиш борасидаги ҳалқаро ҳамкорликни қўллаб-куватлашимизни билдирамиз. Мазкур кампания ҳудудларни минадан тозалаш бўйича фаолиятни кучайтириш, миналар муаммосига жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиш дастурларини амалга ошириш, шунингдек миналардан жабрланганларга ғамхўрлик кўрсатилишини таъминлаш, уларнинг реабилитацияси ва ижтимоий-иқтисодий реинтеграцияси бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади.

44. Биз амалдаги Раиснинг ЕХХТ тадбирларини молијлаштириш шкасалари ва мезонларини қайта кўриб чиқишига доир бу йил ўтказилган мунозара ҳақида мавзузасини маълумот учун қабул қиласиз ҳамда Доимий кенгашга ЕХХТ Вазирлар Кенгашининг 2000 йил ноябрь – декабрь ойларида ўтказиладиган учрашувига қадар битимга эришиш мақсадида бу мунозарани давом эттиришни топширамиз. Бундан мақсад эса бу битимни Вазирлар Кенгашининг 1997 йилда Конснгагенда ўтказилган учрашувда қабул қилинган қарорга мувофиқ 2000 йил 31 декабрдан сўнг амалга оширишга киришишдан иборатdir.
45. Европада хавфсизлик хартиясида айтиб ўтилганидек, биз ҳамкорлик бўйича шерикларимиз билан бўладиган муносабатларга эътибор бериш жуда муҳимлиги ҳақида яна бир бор таъкидлаб ўтамиш. Биз Ўрта ер денгизидаги шерикларимиз – Жазоир, Миср, Истроил, Иордания, Марокаш ва Тунис билан ўзаро муносабатларимиз асосида Ўрта ер денгизи миintaқасидаги хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш – ЕХХТ миintaқасидаги барқарорликнинг жуда муҳим омили эканлигини яна бир бор қайд этамиш. Шунинг учун ҳам биз улар билан мулоқотимиз ва ўзаро ҳамкорлигимизни фаоллаштириш ниятидамиз. Шунингдек, биз Япония ва Корся Республикаси билан муносабатларимизни ҳам мустаҳкамлаймиз. Биз Япониянинг ЕХХТ фаолиятига қўшаётган ҳиссасидан миннатдормиз.
46. Биз Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича Олий комиссар жаноб Макс ван дер Стулга унинг Озчиликни ташкил қилган миллатлар ишлари бўйича янги Олий комиссар тайинлангунига қадар бу лавозимда ўз ишини давом эттиришга тайёрлиги учун миннатдорчилик билдирамиз. Бу лавозимга тайинлаш маросими 2000 йилнинг ноябрь – декабрь ойларида Венада ўтказиладиган ЕХХТ мамлакатлари вазирларининг учрашувидан кечиктирмай амалга оширилиши керак.
47. Вазирлар Кенгашининг навбатдаги учрашуви 2000 йил ноябрь – дескабрь ойларида Венада бўлиб ўтади. Унда ЕХХТ иштирок этувчи давлатларининг давлат ва хукумат раҳбарлари навбатдаги учрашуви ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида қарор қабул қилинади.
48. Биз Руминиянинг 2001 йилда амалдаги Раис вазифаларини бажариш тўғрисидаги таклифини маъқулаймиз ва қабул қиласиз.

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК
ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ
ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА
ҲУЖЖАТЛАРИ
Иккинчи нашр

Масъул муҳаррир:
А.Х.Саидов, юридик фанлар доктори,
профессор

Таржимонлар:
О. Назаров, ф.ф.и. Н. Нурматов

Муҳаррир: F. Мирзаев
Бадийи муҳаррир: Ж. Гурова
Компьютерда матн терувчи: Ю. Умарбекова
Компьютерда тайёрловчи Э. Ким

Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази.
700029. Тошкент, Мустақилик майдони 5/3.

Босишига рухсат этилди 29.11.2005 й. Ўлчами 60×84!/. Шартли босма тобоги 19,53.
Адади 1500. Буюртма № 163

«ARNAPRINT» МЧЖ босмахонасида саҳифаланди ва чоп этилди. Тошкент, X. Бойқаро кўчаси, 41.